

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

**ЎН САККИЗГА  
КИРМАГАН  
КИМ БОР**

*(Қисса ва ҳикоялар)*

Тошкент  
«Езувчи» нашриёти

Дарҳақиқат, 18 га кирмаган, севги боғларидан гул термаган ким бор?! Кимнинг юраги шу ёшда ўртанмаган, суюклисини интизор кутмаган?! Инсон борки, суюк кўнгил неъматидан баҳраманд бўлади. Баъзан изтироб чекади, ғамга ботади, гоҳо эса қувончи то-тидан еттинчи осмонда кезади.

Шукур Холмирзаев 35 йил муқаддам ўзбек адабиётига мана шу қиссаси билан кириб келган эди. Қисса ўз даврида беқиёс шов-шувга сабаб бўлган ва ҳозир ҳам баҳс уйғотиши шубҳасиз, қолаверса, севган ва севилганлар учун бу китоб қадрсиз бўлмайди.

Тўпلامга, шунингдек, адибнинг кейинги йилларда ёзган ҳикоялари ҳам киритилган.

X  $\frac{4702620201-11}{M 362 (04)-99}$  — 1999 й.

ISBN 5-8255-0552-0

HO 28/07  
2

© Шукур Холмирзаев,  
«Ёзувчи» нашриёти, 1999 й.



HO

# I

Жамшид уйғониб кетиб, ёнини пайпаслади — онаси йўқ, ҳали ҳам мажлисдан қайтмапти. Йиғлагиси келди-ю, қоронғи уйнинг сукунати босиб қўрқди. Секин деразага қаради.

Лахтак-лахтак қора, ҳўл булутлар боғ этаги томон осилиб борар, улар орқасидан сарғайиб ой кўринарди. «Тип-тип» томчи товуши келди. Сўнг шамол томорқадаги дарахтларни силкитдими, том устига шовдираб ёмғир суви тўкилди. «Ёмғир тинипти-да», деб ўйлади Жамшид ва яна ташқарига қулоқ тутди.

Ниҳоят, дарвозахонада от кишнади ва йўлакдан чилп-чилп этиб қадам товушлари эшитила бошлади. Товушлар яқинлашди, дераза олдидан ой нурини кесиб икки киши ўтди. Бири — ўрта бўй, иккинчиси — новча. Жамшид дарров таниди: ўрта бўйи — онаси. Новчаси ким бўлди?

Улар айвонда ғудиллаб гаплашишди. Сўнг Зайнабхон пальтоси этаklarини шилдиратиб, даҳлизга кирди. Меҳмон эса хиёл энгашиб, лойли оёқларини устунга суркаб арта бошлади. Зайнабхон даҳлизда бир оз ивирсиб — афтидан ниманидир қидирди — сўнг уйга кирди. Жамшид шоша-пиша кўрпадан чиқиб, муштдаккина бўлиб ўтириб олди. Зайнабхон токчани тимирскилаб гугуртни топди, лампани ёқди, ёмғир зарралари йилтираб турган қошларини чимириб ўгириларкан, тўшакка кўзи тушди-ю, бўшашиб хўрсинди.

— Мажлис чўзилиб кетди-да, болам, — деди у узр сўрагандай шивирлаб ва чўккалаб ўғлини қучди, совуқ лаблари билан ўпди. Жамшид пиқиллаб йиғлаб юборди, жунжикиб кўрпа остига кирди.

— Ухла, ухлагин энди, — деди она уни эркалаб, — мана, мен келдим. — Кейин ўрнидан туриб, ён-берига.

қидириниб қаради ва яна ўғлининг устига энгашиди. — Меҳмонхонанинг калити қаерда?

— Билмайман, — пичирлади Жамшид кўрпа тагидан.

Зайнабхон яна ён-берига қаради-да, чўзилиб кампирнинг лўла-болишини астагина туртди. Қора шол рўмолини иягидан ўтказиб бошини чирмаб ташлаган кампир уйғонди-ю, чўкик оғзидан нос бўйини таратиб ўшқира кетди:

— Ҳи, майлисинг ҳам ордона қолсин. Болангнинг феълини биласан-қу, жавоб олиб келавермайсанми!

— Секинроқ, — шивирлади Зайнабхон. — Мажлисда мен тўғримдаям гап бўлди-да, онажон. Мени «Ғалаба» колхозига партком қилиб тайинлашди.

Кампир қизига тикилган кўйи жим қолди, сўнг болиши тагидан носқовоғини топиб, бир-икки силкитди-да, уни чўкиртақ тишига тиқ-тиқ уриб нос отди.

— Бу атрофда ундай калхос йўқ-у?

— Даштда у, — деди Зайнабхон сабрсизлик билан.

Кампир қизига оғриниб қаради.

— Яна кетаркансан-да?

Жувоннинг чеҳрасига дафъатан илиқ бир меҳр тошиб, маъюс кулимсиради.

— Кетаман. Кетишим керак экан. — Сўнг деразага кўз ташлаб олиб, шошилди. — Онажон, ўша колхознинг раисиям мажлисда бор эди. Илгаритдан танишмиз. Ўртоқлардан. Гостиницада жой йўқ экан, олиб келдим. Меҳмонхонада ёта қолсин, эрта билан туриб кетади. Балки ўзим ҳам у киши билан... — Ўғлига қараб олиб, давомини айтмади, калитни сўради.

— Сен ўртоқлардан деганинг билан... — ғудуллади кампир, — минг қилсаям эркаксиз уй...

— Онажон...

— Токчани кўр, — деди кампир.

Зайнабхон калитни топгач, яна ўғлининг ёнига чўккалади. Уни ўпиб чиқиб кетди.

Кампир гиламни қатлаб, носини тупурганидан кейин ҳам томнинг вассаларига узоқ тикилиб ётди. Сўнг чуқур хўрсинди-да, кўзини юмди.

— Момо, эшикка чиқаман, — деди Жамшид бир маҳал.

— Қийимингни кийиб чиқ, — деб ғулдиради буви.

Жамшид эшикни очиши билан қаршисидаги меҳмонхона эшиги ҳам очилиб кетди. Тўрда, сариқ этигини кўр-

пача тагида қатлаб ўтирган барваста киши кўринди. Онаси энглари шимарилган, офтоба кўтариб чиқиб келарди.

— Ҳа, ҳа? — деди у Жамшидга. — Ухламадингми ҳалиям? Шамоллаб қоласан, кир уйга.

— Ким у, Зайнабхон? — тўрдан гап отди раис.

— Уғлим, ўртоқ Жалолов, — деди Зайнабхон, — Жамшид.

— Жамшидми? Оббо, шер-эй! Қани бери ке-чи, танишайлик мундай. — Жалолов ўз уйида ўтиргандек ўзини эркин тутарди.

— Кир, кўриш-у, дарров чиқиб ухла.

Жамшид бу одамга ўзининг илгаритдан бир қадар таниш эканини ҳис этиб, ичкарига кирди.

Меҳмон — ёноқлари кенг, бетлари тандирдан янги узилган уй нонидай қизил, кўпчиган, ўрта яшар киши Жамшидни ёнига ўтқизди. Малла, жун чакмонининг барини очиб, уни ўради. Жамшиднинг димоғига қандайдир таниш кўкат ҳиди урилди-ю, бу одамни қаердадир кўргандай бўлди, лекин уни биринчи кўриши эди.

— Энамни пойлаб ухламай ўтирдим де?

Жамшид бош ирғади.

— Энанг бирон ёққа кетиб қолса, унда нима қиласан?

— Мен ҳам... бораман-да.

— Оббо, сен-эй. Мен билан даштга бормайсанми?

Жамшид бош қимирлатди.

— Сени қара-ю! Бу ерда нима бор? Дашт яхши: кенг, ҳар хил гуллар очилиб ётипти. Ёзилиб, яйраб ўйнайсан. Сен тенги Тилов деган ўғлим бор менинг. У билан ўртоқ бўласан. У сени томоша қилдиради. Борасанми?

Жамшид илжайиб, сузилиб, эшикка қаради.

Жалолов кулди.

— Борасан. Энанг ҳам боради. Эҳ-ҳе, тукларинг тиккайиб кетибди-ю? Совқотибсан. Бор, чопонингни кийиб ке.

— Менинг чопоним йўқ. Палтуним бор.

— Ҳа, майли, палтунингни кийиб ке.

Жамшид чиқди. Лекин ҳали уйғоқ ётган бувиси уни маҳкам ушлаб, иссиққина қўйнига солди ва қайта чиқармади.

— Моможон, даштга борамиз, — деб пичирлади Жамшид.

— Ухла, — деди бувиси.

— Уёқда... онамнинг ўртоғини ўгли бор, Тилов деган.

— Бўлди.

Аммо онаси келиб ёнига ётгачгина Жамшид уйқуга кетди.

\*\*\*

Жамшид уйғонганида дераза ойнасида бир даста олмос нур ёнар, ташқарида товуқларига дон сочаётган бувисининг овози эшитиларди:

— Тув-тув... беҳ-беҳ...

Ёнидаги бўш ўринга кўзи тушди-ю, кўзларини уқалаб, меҳмонхонага чопди. Ундан чиқиб, дарвозахонага қаради. На онаси бор эди, на унинг ўртоғи. Дарвозахонада ҳамиша орқа туёғининг учини ерга қадаб турадиган сариқ жийрон отлари ҳам йўқ эди.

Шоҳсупа ёнида, эски дўппидан товуқларга қўноқ сочаётган кампир:

— Кетишди, — дея кўча эшигига эринчоқ назар ташлади.

— Даштгами?

— Даштга.

— Нимага мени уйғотмадингиз?

— Ошиқма, қўзим. Эрта келиб сениям опкетишади. Кўчиб кетасизлар. Онанг жой тайёрлагани кетди.

— Ур-ре! — Жамшид ирғишлаб пастга тушди, лекин селгимаган ерда оёғи тойиб чўккалаб қолди: уйға қайтиб, қўнжи узун ботинкасини кийиб чиқди. — Дашт яхши, моможон! Гуллар кўп! Бориб, Тилов билан ўртоқ бўламан! У мени томоша қилдиради. Сиз ҳам борасиз-а, моможон?

Момо дони бўшаган дўппини супанинг қирғоғига уриб қоқди.

— Қайдам. Бу мулкни кимга ташлаб кетаман, қўзим. Ҳар бир дарахти бир болам-ку. Данагидан ўстирганман буларни.

Муслима буви йиғирма беш ёшида икки боласи — қизи Зайнабхон ва ўгли Абдукарим билан эридан қолганди. (Эри босмачилар билан курашда ҳалок бўлди.) Ушанда бу жойлар тақир ер эди. Шундан кейин кампир бошқа эр қилмади ва қолган умрини икки сағирнинг тарбияси ва улар учун шу ерни боғ қилишга берди. Кундузлари ер чопди, кўчат экди; кечалари чарх йиғириб болаларини боқди-бовлиди. Йиллар ўтиб боғи ҳам, болалари ҳам одам бўлди. Лекин болаларининг бири ота-

сининг изидан кетди (Немис босқинчилари билан кураш- да ҳалок бўлди). Зайнабхон эса, Муслима бувига тамом ўхшамайдиган, учар қуш чиқди: ҳали ўқиш деб Тошкентга кетади, ҳали женотдел бўлиб ойлаб қишлоқма-қишлоқ кезади, кечаги уруш йилларида-ку, бир кун уйда бўлса, бир ҳафта бўлмади. Санжар тоғда сарич йиғаётганларга бош бўлиб юрди. Кампирга ҳамиша вафодор бўлиб, шу боғи қолди.

«Дарахтлар ҳам момонинг боласи экан-да», дея гўё бувиси билан дарахтлар орасидан бир ўхшашлик топмоқчидай боққа қаради Жамшид.

Кеча ёмғирда ювиниб, таналари жигарранг бўлиб қолган ўриқлар офтобда исинаётгандек қилт этмай турришар, фақат жажжи япроқчалар орасига биқиниб қолган якка-ярим буришиқ оқ гулларгина пастга учар, боғ оралаб кетган ёлғизоёқ нам сўқмоққа қўнарди. Олча буталари орасидан чақчақлаб учиб чиққан қораялоқ, шохлар орасидан оҳиста сузиб ўтиб, сўқмоққа қўнди. Сўқмоққа ёпишиб ётган гул барглари титраб кетди.

Жамшид хўрсиниб, сукут қилди. Сўнг бирдан сергакланиб, тошлоқ йўлка билан дарвоза томон чопиб кетди. Дарвозадан чиқиб, боғ кўчага тушди. Кўча муюлишидаги Парда чўлоқнинг тевараги қари толлар билан ўралган ҳовузи супасига чиқиб, сарҳовидаги янтоғи намдан қорайиб кетган девор оша қичқирди:

— Умид-а! Ҳо-о Умид!

Умида — банка қоровули Норқул аканинг қизи. Жамшид билан бир кечада туғилган. Ота-оналар учрашиб, болалари устида гапиришиб қолганда, уларнинг бир кечада туғилганини эслашар, ўшанда доя ахтариб, бир-бириникига бола югуртирганларини айтиб, кулишар эди. Буни эшитган болалар қувонишар ва бир-бирига қаттиқ, сирли яқинлик ҳис қилар, бошқа тенгдошларига кўп ҳам қўшилавермас эди.

— Ҳо Умида!

Чорбоғдан «Ҳа-а!» деган ингичка овоз ва хотин кишининг тегажаклик қилиб кулгани эшитилди.

— Баққа қара! — Жамшид супадан сакраб тушиб, дарвоза томон чопиб кетди. Дарвозага етмасидан, дарвозанинг ўзи шиғиллаб ичкарига очилди-да, оралиқдан бодом гулли оқ чит кўйлак кийган, қорача юзи ёғ сургандай йилтироқ етти ёшлардаги қизча чиқди.

— Умид, даштга кетяппиз! Кўчиб кетяпмиз! Эртага кетамиз! — Жамшид бирпасда даштнинг нималигидан

тортиб, Жалолов билан онасининг ўртоқ эканигача, ўзининг Тилов билан ўртоқ бўлишигача айтиб ташлади.

— Мен ҳам бораман сизлар билан, — деди Умида.

— Майли, — деди Жамшид. — Обкетаман ўзим.

— Онам қўймаса, қочиб кетаман-а?

— Ҳа. Ўзим обкетаман. Тўхта. Тиловнинг отаси билан онам ўртоқ-ку, биз ҳам ўртоқ бўламиз!

Умида гуручдай қайта чиқа бошлаган тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Ке.

— Сени Тилов билан ҳам ўртоқ қиламан.

— Йўқ, — деди Умида. — Фақат иккаламиз ўртоқ бўламиз.

— У яхши бола. Даштга борсанг, томоша қилдиради.

— Майли, — рози бўлди Умида.

— Нима единг, оғзинг кўк?

— Исмалоқ сомса. Онам, яна териб ке, яна ёпиб бераман, деди.

— Юр, Етимтепага. Исмалоқ кўп.

Умида ичкарига қайтиб кирди. «Она! Мен Жамшид билан ўртоқ бўлдим!» — деди ва теша кўтариб чиқди.

Бирпасдан сўнг икки ўртоқ атрофи жиққа дарахт лой кўчанинг четларидан югуришиб, қишлоқнинг қоқ ўртасидан туянинг ўрқачидай чиқиб турган кўм-кўк тепалик томонга боришарди. Нарзи жувозкашнинг зиғир ёғи ҳиди анқиб турган кўчага тақаш бостирмаси ёнидан ўтгач, катта йўнғичқапояга чиқдилар. Бу ерда бир қанча болалар пальтолари ва дўппиларидан «дарвоза» ясаб, футбол ўйнашарди. Четдаги каллакланган тут остида чўнқайиб ўтирган Мансур лойли қўлини тиззасига тираб, қичқирди:

— Жамши-ид! Қизиқ бўляпти. Ке баққа!

— Тепага борамиз биз! — деди Жамшид.

— Ҳе, қиз билан ўйнайди. Қизалоқ! Қизалоқ!

— Ўзинг қизалоқ! Биз ўртоқ! — деди Жамшид ва ердан бир чангал ҳўл тупроқни олиб, кафтида шошапиша думалоқлаётган Умиданинг билагидан ушлади. — Кетдик. Ташла-е.

Умида Мансурга тилини кўрсатди, лойни ташлаб, Жамшидга эргашди. Йўнғичқанинг ёмғирда мулойим бўлиб қолган калта-калта поялари оёққа қадалмайди — шундоқ майишиб ётади-ю, оёқ олиниши билан титраб-титраб кўтарилади — Жамшиднинг почаси шимарилган



оёқларига, Умиданинг оқ кўйлаги этакларига сув сачрайди.

Тепалик этагидаги сариқ сақичдай лойи чиқиб ётган сўқмоқ ёқасида тўхташди. Сўқмоқнинг уёғи — устида буғ ўрмалаётган шудгор. Шудгорда аллақанча оқ, кўкиш хонаки каптарлар донлаб юрибди. Катта палахса кесак устига чиқиб олган битта чипори томоғини шишириб ғуриллайди, турган ерида айланиб кўкрагини кўтаради.

— Ана, Наим аканинг ғўри, — деди Жамшид каптарларнинг нариёгидаги кўкимтир бўёғи ювилиб кетган тош қабрни кўрсатиб. Қабрнинг ўртасидан чиқиб турган чорбурчак устуннинг «бўйнига» бири қовжираган, бири сўлиган, яна бири яқиндагина гулзордан узилган гулчамбарлар илиғлиқ эди.

— Юр, — деди Умида. — Гулдан оламиз.

— Йўқ, — деди Жамшид. — У гулни олиш ёмон. Хув у куни бу ерга кўп пиянерлар келишди. Абдукарим амакьям келдилар. Сивизга чалишди. Майлис қилишди. Биз футбол ўйнаётган эдик, келиб томоша қилдик. Кейин анови гулни кўйиб кетишди. Улар кетгандан кейин Мансур, гулни оламан, деб эди, битта эшакли одам келиб: «Қулогингни кесаман», — деди. Гулни олиш ёмон, деди.

— А, исмалоқ қани? Йўғ-у?

— Уёқда кўп. — Жамшид тепаликнинг орқа томонига ишора қилди ва қишлоқ чеккасидан отилиб чиққандай, ўйдим-чуқур бағрини тасма-тасма қуйруқдай қор босиб ётган тоққа кўзи тушди. — Тоғимиз баланд-а?

— Баланд, — деди Умида. — Бир кун борамизми?

— Борамиз.

— Тепасигача чиқамиз-а?

— Тепасигача чиқамиз.

— Даштга э-эрта билан кетасизларми?

— Ухлаб қолма яна.

Умида бошини сарак-сарак қилди.

Сўқмоқ ёқасидаги нам кўкатлар устидан яна югуришиб кетдилар Томи қизғиш электростанция биносига етгач, чапга бурилдилар, тепалик ортига ўтиб кўринмай кетдилар.

\* \* \*

Эртаси кечки пайт Жалолов қора тўриқ отда, Зайнабхон ўзининг сариқ жийрон отида қайтиб келди. (1944 йилда Зайнабхон тоғда сирач йиғаётганларга бош

бўлиб юрар экан, Дуболо тизмасидан райком бериб қўйган катта бўз отини етаклаб ўтаётганида, тош кўчган, от жарга қулаб кетган эди. Кейин Зайнабхон ўлган отнинг эгар-жабдуқларини райкомга обкелиб топширган-у, бошқа от сўрамай, ўзи мол бозоридан мана шу сариқ жийронни ўн тўрт мингга сотиб олганди. Ундан бери, мана, тўрт йил ўтди, сариқ жийрон ҳамон Зайнабхоннинг ҳамроҳи.) Шу кеча яна ёмғир ёғди. Жалолов яна меҳмонхонада ётди. Муслима буви яна у кишининг келганини ёқтирмай гапирди. Зайнабхон яна рад этди. Жамшид яна меҳмонхонага чиқиб, Жалоловнинг ёнига ўтирди, Жалолов яна дашт ҳақида гапирди.

Эртасига Жамшид уйғониб, яна дераза ойнасида бир даста олмос нур кўрди. Яна кўзларини уқалаб, меҳмонхонага югурди... Жалолов елкаларининг ранги ўчган мошранг гимнастёркада, чой ичиб ўтирар, ёнида жанда олача чопонининг барларини белбоғи орқасига қистириб олган, тагин иккита йигит тиз чўккан эди. Чиқиб дарвозахонага қаради Жамшид. Отлар ўз ўрида, уларнинг сафига тагин олтита эшак қўшилган эди.

Шоҳсупа ёнида онаси билан бувиси гаплашиб турибди.

— Узингга, болангга эҳтиёт бўлсанг бас, — деди кампир. — Мендан кўнглинг тўқ бўлсин.

— Аммамни чақиртиринг бўлмасам, — деди Зайнабхон.

— Чақиртираман. — Кампирнинг Жамшидга кўзи тушиб, сертомир, озгин қўлини чўзди. — Бери ке, бир ўпай.

Жамшид яна тошлоқ йўлка билан дарвоза томон чопиб кетди. Аммо Умидани йўлда учратди. Онаси билан шу ёққа келишаётган экан. Умида иккита кўйлагини устма-уст кийиб олган, қўлидаги зоғора нонни ютоқиб кавшарди.

— Мен ҳам бораман-а, Жамшид, бораман-а? — деди у шивирлаб.

— Борасан, борасан, — деди Жамшид.

Аммо Рўзи опа ҳовуз бўйида Зайнабхонлар билан хайрлашгач, Умиданинг билагидан маҳкам ушлаб уйга олиб кириб кетди.

## II

Жиякларини баланд барра ўт ва қўзнуқулоқлар босиб кетган қизил қумоқ йўл. Унда-бунда ерга сингмай қолган сарғиш ҳалқоблар. Осмон қатқалоқдай дарз кет-

ган паға булутлари билан уларда сарғиш акс этган. Йўлнинг чап томони унга ёндош чўзилиб кетган қизғиш жар, жар тубида сув милтирайди, у ердан фотмачумчуқ ва чўпоналдағич қушининг чиқ-чиқ, қийиқ-қиқийиқ овозлари келади. Нариги бетда эса икки туп ёввойи олча қийғос гуллаб турибди. Йўлнинг ўнг томони — ям-яшил, тўлқинсимон адирлар. Жамирлайди, товланади. Уша ёқдан эсаётган ғир-ғир шабада қўзиқорин ва чирик янтоқ ҳидини олиб ўтади.

— Шуми дашт, шуми? — сўрайди Жамшид.

— Шу. Буёғи энди дашт! — жавоб беради Жалолов. Шамол унинг малла чакмони қўлтиқларини қаппайтирган, у қоя устида қанотини ёзаётган бургутга ўхшайди.

Жамшид уёғини кўрмоқчи бўлгандай олдинга қаради... Лекин тушгача манзара ўзгармади.

Тушдан кейин қумоқ йўл хиёл оқаринқиради. Ҳалқоблар ҳам тугади. Булутлар тарқаб, осмон очилди. Кўёш елкаларни қиздира бошлади. Йўл четидаги жар узоқлашиб, қушларнинг овозлари ҳам тинди. Шабада тўхтаб, ўт-ўланнинг ҳиди ўтмаслашди...

Олдинда бир тўп бўзранг тошлар ва улар орасидан ўсиб чиққан бир туп сададай юлғун кўринарди. Шунинг ёнидан ўтишлари билан бир қишлоқ устидан чиқиб қолдилар. Қўтирдай, ғадир-будир тошлари чиқиб ётган нишаб бетдан тушган йўл икки ёнида пастак қалама тошдевор узун кетган кўчага олиб тушарди. Кўчанинг нариги бетида бир тўда ёш толлар сариқ попик чиқариб, гуллаб ётар, улардан ёқимли, енгил ҳид тараларди.

Жамшид қишлоққа тушаверишдаёқ чорбоғларида шамол эсаётганга ўхшаш бир товуш эшитганди. Қишлоқдан чиқавериб, у товуш эгасини кўрди. Тик ва силлиқ қирғоқлари зиғир ёғ сурилгандай дарё экан. Дарёнинг кўприги жуда оддий эди: йўғон-йўғон, пўстлоғи арчилмаган харилар ёнма-ён қўйилиб, оралиқларига шох-шабба босилган. Эшаклар юрганда кўприк дукирлайди, ликиллайди. Сувга қараса, кишининг боши айланади. Осмонга қараса, кўнгил баттар беҳузур бўлади. Жамшид эшакнинг калта ёлидан ушлаб, энгашиб ўтирди...

Ҳар қадамда қизил рўмол ёпиниб, икки учини тишида тишлаб олган аёллар, қизлар учрар, телпак кийган барваста-барваста йигитлар, ўсмирлар, қўлтиқтаёқ тутган, эски шинель кийган одамлар дуч келар ва негадир уларнинг бирортаси ҳам отлиқларга олдин салом бе-

ришмас, отличлар салом бергач эса, жуда қуюқ сўраша кетар, жилмайшар, бошларини чайқашар эди.

Дарёдан ўтгач, таги билан ўтқазиб қўйилган боғ-боғ буғдойдек қиёқлар ўсиб ётган соҳил бўйлаб бир оз юрдилар-да, атрофини сон-саноқсиз сўқмоқлар камардай ўраб ташлаган баланд тепаликка ўрлай бошлади-лар. Тепаликда, деворлари қизғиш ёлғиз ҳовлининг четан дарвозаси ёнида қизил рўмол ёпинган бир хотин кенг енгини пешонасига тутиб, пастдагиларга қарарди. Хотин орқасига ўгирилиб, шошиб ҳовлига кириб кетди ва дам ўтмай қора чопонли, ялангоёқ бир бола унинг ўрнида пайдо бўлди. Пастдагиларни кўрди-ю, отилиб туша бошлади.

— Мана, бизнинг Тилов! — деди Жалолов. — Тиловберган, ўртоғингни опкелдим! Ол!

Тилов буларга бир неча одим қолганда сўқмоқда чайқалиб тўхтади ва Жамшидга ҳам қизиқиб, ҳам ётсираб қаради. Жамшид думалоқ ҳорғин кўзларини унга тикиб илжайди. Шу пайт жийроннинг туёғи сўқмоқдан тойиб кетиб, олдинга сакради ва Зайнабхон Жалоловнинг елкасидан ушлаб, қаддини тиклади. Жалолов кулди. Зайнабхон ҳам кулди. Тиловнинг эса кичкинагина кўзлари бирдан қисилиб, япасқи ияги тиришиб кетди. Жамшидга хўмрайиб бир қаради-да, аста бурилиб тиззасига қўлини тирай-тирай тепаликка қайтиб чиқа бошлади. Жамшид кўзларини пирпиратиб, унинг орқасидан қаради. Эшакка бостириб хала берди.

Эшаклар сурилиб-суйкалиб ҳовлига киришди. Қий ва қатиқ ҳиди димоққа урилар, ҳовли ўртасида офтобга тўнкариб ёйиб қўйилган мол тезаги устида сўфитўрғайлар уймалашарди. Деворда қўниб турган олапопушак «хурр-хул-хул» овоз чиқариб, камалакдай елпиғичини ёзиб-йиғди. Жамшид эшакдан тушиб, атрофга назар солди-да, хомуш тортиб, дарвозага қаради. Тилов тажанглик билан уй деворини тирнар, отасининг чақиришини кутиб, унга тез-тез қараб қўярди.

Жамшид бутларини уқалай-уқалай, маймоқланиб Тилов томон юрди. Тилов териси қуруқ, биққи, қўлларини ёнида осилтириб, Жамшидга тикилди. Жамшиднинг оёғидаги қўнжи узун, эшакнинг жун айлига ишқаланавериб икки ёни йилтираб кетган ботинкаларига кўзи тушди-ю, ўзининг кир, япалоқ оёқчаларига қаради, баттар хўмрайди. Шу пайт ҳовли этагидаги ичида шувоқ уйиб

қўйилган бостирма томондан Зайнабхоннинг янгроқ кулгиси эшитилиб кетди. Тилов Жамшиднинг ёнбошидан ялт қаради. Зайнабхон бир учи жийроннинг юганига боғланган қил чилвирни ушлаб тисланиб турар, каттакон ҳалқали гулмих қошига чўнқайган Жалолов чилвирнинг иккинчи учидан ушлаб ўзига тортарди. Тиловнинг қалин, бўзранг лаблари бирдан қаттиқ юмилди, Жамшидга дард билан ўқрайди-да, елкаларини хода ютгандай тик тутиб ҳовлидан чиқди-кетди. Жамшид қуруқшаган лабларини очганча тўхтаб қолди.

Йигитлар эшакларни ҳовлида шундоқ қўйвориб, кўчларни чаптаги узун кетган айвонсиз уйга кирита бошладилар. Уларга қишлоқдан чиқиб келган, белбоғи узук шиңелли чол билан юқориги лаби қисқалигидан сарғиш, бақувват тишлари кўрниниб турган бир ўсмир ҳам кўмаклашди. Зайнабхон билан Жалолов ичкарида туриб, нарсаларни жойлаштиришар, Жалолов йўлакай чолдан алланарсаларни сўрар, Зайнабхонга алланарсаларни тушунтирарди. Бир пайт нима ҳам бўлди-ю, иккаласи ҳам шошиб уйдан чиқишди. Чмирилиб осмонга қарашди. Сўнг Жалолов бориб ўз отининг, Зайнабхон ўз отининг айниллини торта бошлади. Жамшид бориб онасининг енгидан ушлади.

— Қаерга борасиз? Мен ҳам бораман.

— Ҳозир келаман, айланай, ҳозир.

— Йўқ. Бораман мен ҳам.

— Мен отни чоптираман, йиқилиб тушасан. Сен ерга тупуриб, қараб тур. Тупугинг қуригунча қайтиб келаман. Ана, Тиловнинг олдига бор. Уйнаб ўтир у билан. Илҳақ бўб эдинг-ку унга. Ҳозир келаман.

Зайнабхон бир қўли билан эгарнинг оқ қалпоқли михлар қоқилган қошидан, иккинчи қўли билан корсонидан ушлаб, амиркон этикли оёғини узангига қўйди, ўзини осонгина от устига олди.

Бирпасдан сўнг Жалолов иккаласи қўшни тепалик устида отларни елдириб борар, соялари тепалик этагида чайқаларди. Жамшид четан дарвоза оғзида уларни кузатиб тураркан, улар кўздан бекингач, бурилди-ю, уй муюлишида ғўдайиб турган Тиловни кўрди. Тилов тумшайган юзини тезгина четга бурди. Жамшид ҳовлига қайтиб кирди. Қўйруғи билан тезакни юмалоқлаб, думалатиб кетаётган қора қўнғизга бир оз тикилиб турди-да, юклари туширилган уйга кирди.

Бояги қизил рўмолли барваста аёл дераза ойнала-

рида қотиб қолган оҳак томчиларини ҳўл латта билан артарди.

— Хола, нимага Тилов унақа? Гапирмайди ҳеч?— сўради Жамшид,

Хола маъюс илжайди. Латтани бир қўлидан иккинчисига олиб, хўрсинди.

— Энаси эсига тушгандир. Улган эди бултур.

Жамшид ташқарига чиқди. Тиловнинг кўнглини кўтаргиси, унга қандайдир яхши гап айтгиси келди.

Тилов ёлғиз, девор тагида чўнқайиб ўтирар, каттакон қизғиш туячумолининг орқа оёғидан босиб, унинг жон аччиғида типирчилашини томоша қиларди. Жамшид унинг «ўйин»ига бир оз қараб турди-да:

— Қўйвор, — деди аста. Тилов унга ялт қаради ва бошмалдоғи билан босиб, чумолини нам ерга тикиб юборди.

— Мана, қўйвордим! — деди у, ўрнидан ирғиб туриб, чопонининг барларини силкита-силкита ҳовлига кириб кетди.

Чумолининг нам ердан чиқиб турган қора ипдай оёғи базўр қимирларди. Жамшид чўнқайиб, уни лойдан астагина чиқариб олди-да, кафтига қўйди. Чумоли бошини зўрға кўтарди ва омбурдек оғзини катта очиб, Жамшиднинг кафтини чимиллатиб тишлади. Жамшид чумолини уриб тушириб, ўрнидан турди. Кафтининг қизарган ерини сўрганича, пастдаги қишлоққа қаради ва оғриқни бир дамда унутди. Бир дамда озгин қўлини чўзиб, «бир ўпай», деб турган бувиси ва «бораман, мен ҳам бораман», дея онасининг қўлидан қутулмоқчи бўлиб, типирчилаётган Умида кўз олдидан ўтди.

Қуёш қўшни тепалик орқасига ботиб, осмонни оппоқ ёритди. Осмон аслига қайтиши билан теваарак-атрофни енгил бир соя босди. Дарё томондан салқин шабада эсиб, нам қамиш ва толлар ҳидини олиб ўтди.

Зайнабхон айтгандай, қош қораймасдан қайтиб келишди. Шу кеча пастдаги қишлоқдан ҳам, атрофдаги тепаликлар ортидан — овуллардан ҳам аллақанча барваста-барваста одамлар келишди. Ҳовлининг тўридаги Тиловларнинг қуроқ кўрпачалар солинган уйида алламаҳалгача гурунг бўлди. Олдинига Жамшид тушунмайдиган алланарсалар ҳақида гапиришди, тортишишди, сўнг навбат билан дўмбира чертдилар, қадимги дostonлардан ёд айтдилар.

Эрталаб Тилов олачадан тикилган жилдига бир

ларча нонни солиб, мактабга кетди. Зайнабхон билан Жалолов ҳам отланиб ҳовлидан чиқишди. Жамшид Зайнабхоннинг орқасида, отга мингашиб олган.

Шу кун и улар кўп қирлар ошдилар, кўп овулларда бўлдилар, кўп ўтовларга қўндилар. Ҳар қадам Жамшид учун янгилик эди. Лекин ҳаммасидан ҳам даштнинг кенглиги ва нимаси биландир шу даштга ўхшаб кетадиган барваста-барваста эркаклару қизил рўмол ёпинган аёллар унинг эсида қолди.

\* \* \*

Кечга яқин дашт осмонини пастак, ҳўл булутлар буркаб олиб, ҳаво бирдан совиди. Лекин баҳор ҳавоси экан! Сал ўтмай яна очилиб кетди-ю, бир томонда қуёш йилтираб, иккинчи томонда илиқ ёмғир ёға бошлади. Қишлоқ устида ярим айлана чизиб беқасам камалак қўнди. Камалак тагидан болаларнинг қувноқ чинқириғи эшитиларди: «Тулки қизини тўй қилди... Тўй қилди!»

Сал ўтмай ёмғир ҳам тинди. Болаларнинг чинқириқлари ҳам пасайди.

Эшикнинг икки ёнига икки қўлини тираб, осмонга қараб турган Жалолов:

— Хайрият-э, хайрият, — деди.

— Кеча қор ёғади деб эшитгандик, — деди Зайнабхон устихонни сиқимлаб ушлаб, мужиётган Жамшидга.

Жамшид деразага қаради-ю, дарё тарафдан келатган бошқа, йўғон-йўғон овозларни эшитиб, қулоқларини динг қилди. Овозлар яқинлашиб келарди: «Ушла! Кўйма!..»

Жамшид отилиб даҳлизга чиқди. Жалоловнинг қўлтиғи тагидан ўтиб, селгий бошлаган ҳовлига югурди. Дарвоза ёнида тўхтаб қолди. Дарё томондан бир тўда катта-кичик одамлар, гоҳ уёнга, гоҳ буёнга сурилиб югуриб келишарди. Улар яқинлашгач, қандайдир кўкчил қушни қувиб келишаётгани маълум бўлди. Жамшид орқага бурилган эди, Жалоловга тўқнаш келди.

— Нима у, нима, райис амаки?

— Чил, чилни қувяптилар.

— Чил?..

— Дашт каклиги.

— Ушлаб беринг менга, ушлаб бера қолинг.

Жалолов мўйловининг учини лаби билан қимтиб жулимсиради-да, малла чакмонини ечиб, Жамшидга

тутқазди ва ҳалпиллаб ҳўл чимда сирпана-сирпана пастга тушиб кетди. Ҳадемай тўдага бориб қўшилди. Ичкаридан Зайнабхон ҳам чиқиб келди. Дарё бўйидаги айвонсиз уйлар оғзида ҳам хотин-халажлар туришар, «пиёда улоқчиларни» қизиқиб кузатишарди.

Чил дам қўниб, дам учиб Жамшидлар турган тепалик этагидан ўтди. Тўда ҳам унинг орқасидан ўтди. Фақат елкалари намиқиб баттар қорайган қора чопонли Тиловгина ортда қолиб, оқсай-оқсай тепаликка чиқиб келаверди.

— Отам тутадилар, отам, — деди у.

— Менга берадилар, менга, — деди Жамшид.

— Сенга. Оласан! — Тилов энгашиб, йўл-йўл оқ иштонининг йиқилганда ўт кўкартириб қўйган тиззаларни кафти билан артишга тутинди.

Чил кўм-кўк ўтлар устига қўнди-ю, кулранг қанотларини ёйганича қолди. Шунда тўдадан девқомат, гимнастёркали бир йигит ўзиб олдинга чиқди ва чилни ердан олиб ўтди.

— Отам тутди, отам! — қичқириб юборди Тилов.

Қизариб, бўғриқиб кетган Жалолов чилни келтириб Жамшидга берди.

— Тилов билан ўйна. Кейин сўйиб бераман.

— Йўқ-йўқ, сўймайсиз!

— Юраги ёрилган. Ўлади барибир.

Чилнинг қанотлари ҳўл, лойга беланган, кип-қизил териси кўриниб қолган тўши иссиққина эди. Жамшид уни ҳовучида қалтираб ушлаб, Тиловга қаради. Тилов ўрнида йўқ эди.

Кўк очилиб кетди. Дашт яшариб яшнади.

Қуёш яна кечагидай ботиб, даштга яна кечагидай соя тушди. Яна дарё тарафдан намхуш ўт-ўлан ва яна лойқа сув ҳидини олиб шабада эсди. Қишлоқдаги кеча сарғайиб турган ёш толлар энди кўкариб кўринар, бирпаслик ёмғир попуқларини уриб туширган, тагида кўрпа бўлиб ётарди.

Қишлоққа олиб тушадиган қўтир йўлда оқ эшак минган бир йўловчи кўринди. Ҳали қуёш ботмасдан, унинг салласида нимадир ялтираётган эди. Эшакли кўприкдан ўтиб, тошлоқ йўлни кесиб чиққан ариқчада эшагини суғораркан, ҳовлининг қишлоққа қараган томонида, бахмалдай ўт қоплаган харсангда ўтирган Жамшид ялтираётган нарса йўловчи салласининг ўртасидан икки



томонга қараб чиқиб турган иккита лампа шиша эканини кўрди. Жамшид уйга қайтиб кирди ва:

— Кетаман момомга, кетаман, — деди онасига. Эртасиям, индиниям шундай деди.

— Дарров соғиниб қолдингми, шер? — кулди Жалолов.

Жамшид индамади.

Ниҳоят, Зайнабхон уни Сангардакка — бувисининг олдига олиб тушадиган бўлди.

Олма шохлари тагидан, боғкўчадан ўтишаркан, Жамшид эгар корсонидан ушлаб, кўтарилиб қичқирди:

— Умида! Ҳо Умида!

Арча ёғочидан ишланган оғир дарвоза ичкарига базўр тортилди. Оралиқдан Умида чиқди. Жамшид жийроннинг силлиқ сағридан сирпаниб тушиб, унга рўпара бўлди, қуруқшаган лабларини ялаб жилмайди. Умида ҳам гуручдай тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Яна кетасанми? — сўраб қолди Умида бирдан шошиб.

— Кетмайман, — деди Жамшид.

— Кани у Тилов? Келмадимми?

— Йўқ. У билан ўртоқ бўлмайман.

— Мен ҳам ўртоқ бўлмайман.

Муслима буви шоҳсупада, ёғоч жовончада узун қайроқтош билан туз туйиб ўтирарди.

— Моможон! — Жамшид бориб момосининг қучоғига отилди ва ёноғида таниш нос бўйи анқиб турган совуққина лабларни сизди.

Салдан сўнг онла аъзолари жамулжам, беқасам якандозлар ёзилган айвонда давра қуриб ўтиришар, Жамшид сергакланиб атрофга қарар, назарида, ҳамма нарса — боғлари, ўриклари ҳам, уйлари, деразалари ҳам, йўллари-йўлкалари, ҳатто бувиси ҳам алланечук кичрайиб қолгандай эди. Кечқурун эса, у Умида билан Етимтепада чопқиллаб юрар, ботаётган қуёш тоғ бағридаги қорларни ялтиратар эди.

### III

Куз келди. Уриклардан энди япроқлар уча бошлади. Боғ оралаб кетган йўлакка ҳам япроқлар қўнарди. Энди Жамшид уйғонганида дераза ойнасида бир даста олмос нур кўринмас, қуёш кеч чиқарди.

Зайнабхон ҳамон ўша «Ғалаба» колхозида партком



бўлиб ишлар, ҳафтада ё ўн беш кунда, халтада буғдой-ми-унми, хуржунда сўйилган эчкими, қўйми юбориб турар, ўша куни ўзи ҳам етиб келарди, гоҳ якка ўзи, гоҳ Жалолов билан. У келганда, уйда байрам бўларди, яқин қўшнилар — Норқул ака билан Рўзи хола ҳам келишар, хонтахта атрофида давра қуриб ўтиришар, Жамшид билан Умида эса, Зайнабхонга яқинроқ ердан жой олиб, бир-бирига «ўртоқ» деб мурожаат қилар, отоналар кулса, хафа бўлишар, лекин яна ота-оналарнинг ўзи уларни овутишарди: «Ўртоқсизлар, албатта ўртоқсизлар». Муслима бувининг бўлса лабларидан кулги аримас, гоҳ меҳмонлар олдида, гоҳ ўчоқ бошида уймалашарди. Албатта, Зайнабхоннинг ўзи якка келганида Муслима буви шундоқ бўларди. Жалолов билан келганида эса, кампир бир нарсасини йўқотгандай ерга қараб юрар, қизига гапирмас, лекин унга дардли қараб-қараб қўярди.

Биринчи ёмғир ёғиб ўтиб, ҳавода қуриган ўтлар ва қовжираган хазонларнинг талх ҳиди анқиб турган бир куни Зайнабхон Жалолов билан чошгоҳда кириб келди. Жамшид одатдагича ирғишлаб, Муслима буви тумшайиб қарши олишди. Ўтириб овқатланишгач, Зайнабхон Жамшидни ўйнагани чиқариб юборди-да, учаласи холи қолиб, алланарсалар ҳақида кўп гаплашишди, ўйлашишди, маслаҳат қилишди.

— Бировнинг боласига бировнинг оталик қилиши қандай иш эканини мен тушунаман, момо! — деди ниҳоят Жалолов дастурхонда таги билан айлантриб ўтирган пиёласининг устига кафтини босиб. Сўнг кафтидаги пиёла қолдирган айлана изига қараб олди-да, кампирга боқди. — Лекин бировнинг боласига бировнинг оналик қилишиям бор: менинг ҳам фарзандим бор... Буларни ҳам ўйлаб кўрдик.

\* \* \*

Кампир ташқарига чиқди. Ўчоқдаги лангиллаб ёнаётган олов қаршисида чўнқайиб ўтирган Жамшид қўлидаги узун чўпни ичкарига суқиб нимадир қилар, кулар эди. Кампир унинг ёнига борди. Шоҳсупа лабида тўнтариб қўйилган катта тосни олиб, тагидаги палосни ёзди, оёғини ердан узмай омонатгина ўтирди.

— Момо, бунга қаранг, — деди Жамшид ва қўлидаги чўп билан қозоннинг олов ялаётган қоп-қора тагига

айлана чизди. Чизилган ердан бодраб-бодраб, қип-қизил учқунлар чиқди ва титраб-титраб ўчди. Кампир кулимсиради.

— Энди мунга қаранг! — Жамшид чўпни ўтга тутиб ёндирди-да, ҳавода айлантирди. Ҳавода ҳам қип-қизил доира пайдо бўлди. — Қизиг-а?

Кампир бош ирғади. Шу пайт Жамшид бувисининг хира кўзларида ўт аксини кўрди. Яхшироқ тикилган эди, ўт ўрнида ёш йилтиллаётганини пайқади.

— Момо-о? — Жамшид сузилиб ўрнидан турди.

Момо қўлини енги ичига тортиб, енгини кўзига босди.

— Моможон? — чўпни отиб ташлаб, бувининг енгидан тортқилади Жамшид. — Ким уришди? Йиғламанг.

— Йўқ-йўқ, кўзим, йўқ, — деди Муслима буви ва енги билан бурнни қисиб тортди-да, кўзларини пирпира-тиб кулимсиради. — Ҳеч ким уришгани йўқ. Ким уришади. Ўзим... Қарилик қурсин.

Жамшид совуқдан жунжиккандай қунишиб, илжайди. Кампир енгини шимариб, супадан тушди. Ёғ сингий-вериб қорайиб, йилтираб кетган товоқни кўтарди. Зайнабхонлар келтирган қўй гўшти қайнаётган шўрвадан хушбўй, иссиқ буғ кўтарилди. Муслима буви товоқни қозон четига жойлаштириб қўйди-да, ёғоч қошиқда шўрвадан жиндак олиб кафтига томизди, сўнг кафтини ялаб, тамшаниб кўрди. Товоқни яна қозонга бостириб қўйди-да, ўт олдига чўнқайди, ёнбошида уйиб қўйилган намхуш чўпларни тиззасида қайириб синдириб, ўтга ташлайверди. Жамшид ҳам бувисига ўхшаб чўнқайиб олди-да, чўпларни тиззачасида қайириб синдириб, ўтга ота бошлади.

— Жамшид, шу кишини яхши кўрасанми? — сўради буви ишидан тўхтамай.

— Қайси кишини? Райис амакиними?

— Ҳа.

— Яхши кўраман. Тиловни — йўқ.

— Отаям қиласанми?

Жамшид чўпни тиззасига босганича бувисига боқди. Ота сўзини кам эшитарди у. Лекин билардики, унинг ҳам отаси бўлган, «немислар» билан уришгани кетган. Лекин ҳозир қаердадир ва қайтиб келади бир кун. Жамшид уни танимайди, тўғри. У кетганда бу жуда кичкина, бешиқда бўлган. У кетаётган куни момоси Жамшидни кўтариб борган. Отаси Жамшидни осмонга

ирғитиб: «Мен келаман. Сен катта бўласан», деган. Унинг сочи жингалак-жингалак экан. Лекин Жамшидники жингалак эмас. Онасиникига ўхшаб юмшоқ, силлиқ.

— Ота қиласанми?

— Ҳазимнинг отам-чи? Бор-ку?

Кампир қўлидаги чўпни ўтга ирғитди. Тушмайди.

— У отанг йўқ. Энди шу одам сенга ота бўлади... Ҳазимнинг отанг бўлади.

— Ҳазимни отам... Бу киши ўхшамайди-ку у отамга?

— Ҳа, ўхшайди. У отанг ҳам шу кишидай эди.

— Йўқ-йўқ. У кишининг сочи жингала-жингала бўлган.

— Бу кишиям соч қўйса шундай бўлади.

Жамшид ўтга тикилди. Ўт тўлганиб, қозон тагини ялар, ўзи қизил бўлса-да, қозон теварагидаги туйнукчалардан қора тутун бўлиб чиқарди.

— Нимага у отам келмайди-я?

— Катта бўлсанг биласан, — деди Муслима буви.

— Катта бўлсам... Райис амакидай катта бўлсам, кейин биламан-а?

— Ҳа. Энди у кишини райис амаки дема. Ота де.

— Ота... Йўқ, райис амаки — яхши. У киши райис амаки-ку?

— Бас энди. Бор ўйна.

Жамшид ўрнидан турди-ю, таппа чўнқайди.

— Момо, момо? Энди онам билан... Райис амаким ўртоқ эмасми?

Муслима буви чуқур хўрсинди.

— Йўқ.

— А, нима бўлмасам?

— Бор, ўйнагин энди. Бола деган ҳар нарсани сўрай-вермайди.

— Ҳа, айта қолинг. Кейин биттаям сўрамайман. Нима бўладилар?

— Уф, қўймадинг-да. Ақлинг етмайди бари бир.

— Майли етмаса, майли.

— Эру хотин бўлади. Билдингми?

Жамшид бир муддат ўйланиб турди-да, чўлоқлангандай бир-бир босиб, дарвоза томон йўналди.

\* \* \*

Умида чорбоғлари этагида узун калтак билан хазон қоқар, пахмоқ қуйруғига сап-сариқ барглар ёпишиб

қолган икки яшар қўчқор чилвирини судраб, ерга тушган хазонларни бир чеккадан ямлаб борарди.

Умида калтакнинг учини шохга суяб қўйиб, Жамшиднинг олдига келди. Кўзи билан қўчқорга ишора қилди.

— Кўрдингми, отам оберди. Яна' оберади.

— Отам... — пичирлади Жамшид ва жавдираб Умидага қаради. — Менинг отам келмас экан.

— Келмас экан? Нимага?

— Катта бўлсанг биласан,— дейди момом. Энди Тиловнинг отаси отам бўлар экан. Энди у киши онам билан ўртоқ эмас. Энди эр-хотин бўларкан.

— И-и, — Умида Жамшидга ачиниб қаради.

— Умида, эр-хотин дегани нима-я?

— Билмасам. Мана, отам билан онам эр-хотин. Кечаси бирга ётади.

— У-у! Онам ҳам мен билан ётмас экан-да, энди?

— Ҳа-да, энди эри билан ётади-да!

— Э-э, ёмон экан, Умида, ёмон. Мен онамни жудаям яхши кўраман.

— Мен ҳам онамни яхши кўраман.

— Ёмон экан эр-хотин бўлиш... Умида, Умида, — Жамшид бирдан жонланиб, Умиданинг қўлидан ушлади, — катта бўлсак, биз ҳам эр-хотин бўлар эканмиз-да?

— Нимага?

— Мана, райис амаки билан онам ўртоқ эди-ку! Биз ҳам ўртоқ-ку!

— Ҳа-а. Галинг чин, Жамшид.

— Ёмон бўлди энди, Умида, ке, катта бўлсак, эр-хотин бўламиз-у, бирга ётмаймиз.

— Йўқ, унақа бўлмайди. Бир куни онамга, мен билан ётинг, деб эдим, уришиб бердилар. Бўлмайди.

— Ҳай, ошиқ-маъшуқлар! — Айвондан қичқирди Рўзи опа. — Бас энди, эртагаям қолдиринглар!

Умида калтакни олди. Урикнинг қонталаш барглари яна ҳавода дилдирай бошлади. Лойхонада девор тагларидаги қолган-қутган баргларни териб еб юрган қўчқор ипини шитирлатиб, буёққа чопди.

Рўзи хола уйга қайтиб киргач, Умида калтакни ерга қўйиб, яна Жамшиднинг ёнига келди.

— Энди нима қиламиз, Жамшид?

Жамшид хўрсинди ва бирдан жиддийлашди:

— Энди гапирмаймиз, Умида, уят бўлади. Кичкина бола кўп гапирмайди.

\* \* \*

Жамшид уйга келиб:

— Онажон, мен Умида билан ўртоқ бўп юраверсам майлими? — деди.

— Ҳалиям ўртоқсизлар-у? — деди Зайнабхон.

— Йўқ, ҳаммавақт. Ка-атта бўлганимиздаям.

— Майли, ундан катта бўлганларингдаям.

— Кейин эр-хотин бўл, деб уришмайсизларми?

Зайнабхоннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Нималар деяпсан? Қаердан топдинг бу гапни?

Жамшид йиғлашга шайланди.

— Ҳа, ўзларинг бўлдиларинг-ку... эр-хотин.

Зайнабхон қўлларини қовуштириб, сонига қўйганича жим қолди. Деразага қараб олди. Сўнг бошини хиёл кўтариб, синиқ кулимсиради.

— Сизлар ўртоқ бўласизлар. Ҳар доим ўртоқ бўласизлар. Эр-хотин деган гапни иккинчи оғзингга олма, хўпми?

— Хўп. Энди райис амаким... отам-а?

Зайнабхон яна бўшашиб кетди.

— Ҳа.

— Мен у кишини ота дейми энди?

— Ҳа.

— Энди ўзимнинг отам келмайди-я?

— Ҳ-ҳа.

— Катта бўлсам, кейин биламан-а, нимага келмадилар?

— Ҳа, ҳа, ҳа! — Зайнабхон бирдан Жамшидни қучоқлаб, бағрига босди. Жамшид бўйнига, ҳув даштда қуёш чиқиб турган куни ёққан ёмғирдай илиққина томчи тушганини сизди.

\* \* \*

Тушга яқин Норқул ака, Рўзи хола, Парда чўлоқ ва Салим новвойлар — яқин қўни-қўшнилар келиб қолишди. Оппоқ соқолининг учлари сарғайган Салим новвой уй биқинидаги тандирда бир талай нон ёпди. Норқул ака меҳмонхонада сабзи тўғради. Парда чўлоқ бўлса шоҳсупа пастида ликонглаб ўчоқ қазиди. Рўзи хола билан Муслима буви гуруч тозаладилар, ёнғоқ чақиб, мағзини пўчоғидан ажратдилар ва эркакларга чойдан қарашиб турдилар. Зайнабхон эса чучвара қовурди: карам, қизил лавлаги ва тузланган бодрингни тўғраб, бир

лаган газак тайёрлади. Кейин уйга кириб, аллақанча, тақсимча ва вазаларга қанд-қурс жойлади. Кечки пайт Жамшидларнинг даштга кўчишида ҳам бирга бўлган ўша икки барваста йигит битта ҳисори қўй билан битта оқ эчкини ҳайдаб келишди. Жалолов билан учовлашиб сўйиншди, супада ўтириб, катта супра устида нимталашди.

Жамшид билан Умида катталарга ўралашиб юрар, иш буюришса, чопиб-чопқиллаб қилишар, арзимаган нарсалардан ҳам кулишар, қувонишарди. Одамлар кетиб, Умида ҳам кетиб, онаси ва бўлғуси отаси билан қолгач, Жамшид ўзига келди. Онасини пойлашга тушди. Она Жалоловга одатдагича меҳмонхонада, у билан икки йигитга ёнма-ён жой солиб қайтиб келди ва Муслима буви тўшаб қўйган ўринга кирди.

— Ке, нимага қараб турибсан, Жамшид?

Жамшид қора трико кителини ечиб ташлаб, тезгина онасининг қўйнига кирди, унинг майин сочлари тўзғиб тушган бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. «Қачон сиз райис амаки... Отам... билан ётасиз-а?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, онасининг бугунги «уят» дегани эсига тушиб сўрамади.

Эртаси эрталабоқ яна қўни-қўшнилар киришди. Кечқурун эса, аллақанча: бири Жамшидга таниш, бири нотаниш меҳмонлар келди. Шу кеча икки уйда алламаҳалгача базм-зиёфат бўлди. Жамшид хизмат қилиб юрган онасининг ётишини кута-кута шундоқ дераза тагида, тақир гилам устида ухлаб қолди. Эрталаб юмшоқ ўринда, онасининг қўйнида кўрди ўзини.

Тушдан кейин Зайнабхон ўз оти жийронга, Жалолов қора тўриғига миниб, даштга қайтиб кетдилар.

#### IV

Орадан тўрт йил ўтгач, даштдаги «Ғалаба» колхозини билан Жамшидларнинг қишлоғидаги колхоз қўшилиб, битта бўлди ва Сангардак марказ этиб тайинланди. Колхозлар қўшилганда раҳбарларнинг ярми у колхоздан, ярми бу колхоздан бўлиши расм. Зайнабхонни ўз ўрнида — парторглигида қолдириб, Жалоловни боғқўчадан чиқаверишда, мачитнинг рўпарасида жойлашган жун қабул қилиш пунктига мудир этиб тайинладилар. Зайнабхон яна даштдан кўчиб келди. Бу сафар Жалолов билан юкларни эса, ўтган сафаргидай эшаклар-

га эмас, машиналарга ортиб келишди. Улар ўзлари билан Тиловни ҳам олиб келдилар.

Бу вақтда Жамшид билан Умида тўртинчи синфда ўқишар, бир-бирига ҳамон «ўртоқ» деб мурожаат қилишарди. Етимтепага ҳам чиқиб туришарди. Лекин энди бир вақтларгидек исмалоқ териш ёки томоша қилиш учун эмас, Наим аканинг қабрига гул қўйиш учун. Чунки энди уларнинг ўзи — пионер. Энди Наим аканинг кимлигини ҳам билишади. Гражданлар урушининг қаҳрамони, ўн саккиз яшарли йигит экан. Жамшид энди ўз отасининг нимага қайтиб келмаганини ҳам биларди. Чехословакия учун бўлган жангда 1945 йил 9 майда ҳалок бўлган экан. Қабри Прагадаги «Совет жангчилари мозори»да, чех пионерлари у кишининг ҳам қабрига гул қўйиб кетишар экан. Лекин Жамшид Жалоловни «ота» дея бошлаганига икки йилдан ошди.

Жамшид Тиловни кўриши билан даштни, дашт билан боғлиқ хотиралар ва дашт одамларини кўргандай бўлди. Барча гиналарни унутиб, унинг қаршисига чиқди. Аммо Тилов унга ҳуркиб-ҳуркиб қараб, отасининг ёнига ўтди ва қайтиб Жамшидга рўпара бўлмади. Шу кеча иккаласига меҳмонхонада битта жой солиб қўйишганди, Тилов ўринга кирди-ю, Жамшидга тескари қараб ётди. Эртасига Зайнабхон билан Жалолов Тиловни магазинга опчиқиб, унга Жамшидникидек пахмоқ шим, қора туфли ва китель олиб беришди. Индинига эса, мактабга олиб бориб, бешинчи синфга жойлаштириб келишди.

Аммо Тилов бешинчи синфга уч кун қатнади-ю, тўртинчи кун рус тили ўқитувчиси билан уришиб қолди. Даштда унга армиядан келган битта ҳамқишлоғи дарс берган эди рус тилидан. «Яхшироқ тайёрланмасанг, тўртинчига тушириб қўяман», деди ўқитувчи. Тилов индамади-ю, иккинчи кун ўзи Жамшидларнинг синфига — тўртинчига тушиб, орқа партада ўтириб олди. Ўқитувчилар гапиришди, маслаҳат беришди, унамади... Дарсдан чиққач, Жамшидга қарамай уйга кетди.

Муслима буви анча кунгача ҳайрон бўлиб юрди. «Наҳотки уйли-жойли, ўзига яраша обрўли шундай киши ичкучёв бўлиб келди?» — дер эди ўзига-ўзи. Жалолов эса, бепарво, ўзини эркин тутар, фақат бир уйдан иккинчи уйга кўчиб ўтгандай эди. Ниҳоят, Муслима буви: «Феъли кенг экан», деб ўйлади ва кучёви маъқул тушди унга.



Бир куни танаффус маҳали Жамшид Мансурнинг қандайдир китобчани қизиқиб варақлаётганини кўриб қолди. Китобнинг муқовасида бир кампирни қувиб бо- раётган аждарҳо расми солинган, унинг тагида «Икки сандиқ» деб ёзилган эди.

— Бир кўрай, — деди Жамшид.

— Умиданинг олдига бор, ўртоғингни, — деди Ман- сур.

— Бу китобдан магазинда ҳам бор, — деб қолди қиз- лардан бири. — Икки сўм.

Жамшид бурила солиб, ҳовлидан чиқди. «Темирчи- хона», «Сартарошхона» ёнидан ўтиб, новча-новча оқ қарағайлар тагида узун кетган «Қишлоқ советининг идораси»га қараб чопди. Тахта зинадан кўтарилиши би- лан қўлида челақ, олдига кир пешгир тутган фаррош аёлга дуч келди.

— И-и, Жамшид? — деди у. — Нишлийсин мунда?

— Онам... — деди Жамшид.

— Ҳакимабадга кетган.

Жамшид изига қайтди. Мактабда дарс бошланиб кетгани аниқ эди. Уйларига бурилди.

Тушликка чиқиб келган Жалолов бир коса қатиққа нон тўғраб еб ўтирарди.

— Дарсинг тугадими? — сўради у.

— Йўқ. Онам келмадими?

— Нима эди?

— Ҳеч нима.

Жалолов бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Тилов қачон дарсда оч қолса, индамай чиқиб, уй- га келаверарди. Қорнинг очдими?

— Йўқ, — деди Жамшид ва пиқиллаб йиғлаб юбор- ди.

— Нима бўлди, ўғлим?

Жалолов унинг қўлидан тортиб, юзига тикилди.

— Китоб олмоқчи эдим, икки сўм керак эди, — пи- чирлади Жамшид.

— Сени қара-ю! — Жалолов чорпоя суянчиғига таш- лаб қўйган галифе шимини олиб, чўнтагидан пул чиқа- риб, Жамшидга берди. — Бор, ўғлим, ол.

Бироқ Жамшид қўзғалган эди, уни тутиб, ўзига қа- ратди.

— Нега мендан сўрай қолмадинг, ўғлим? Ё мен ёмон кўрасанми?

Жамшид титраб кетди.

— Йўқ, ота, — деди пастдан мўлтираб. Жалолов уни даст кўтариб, пешонасидан ўпди.

Жамшид мактабдан қайтиб келгач:

— Она, китоб олдим... отам пул бердилар, — деди.

Эски пайпоғи билан амиркон этигининг чангларини артаётган Зайнабхон буни эшитиб, Жалоловга қаради. Жалолов кулимсираб, бош ирғади. Орқада келаётган Тилов бўлса, серрайиб туриб қолди. Шоҳсупага ҳам бурилмай, тўғри уйга кириб кетди. Жилдини бурчакка улоқтириб, дераза рафига ўтирди.

— Тиловжон.

Тилов бошини кўтариб, қаршисида Зайнабхонни кўрди.

— Нима бўлди?

— Ҳеч нима!

— Пул берайми, китоб оласанми?

— Керак эмас! — Тилов уйдан чиқиб, отасининг олдида борди.

Жалолов гугурт чўпи билан тишини кавлаб, боғнинг адоғига қараб турарди.

— Қара, уканг китоб ўқияпти, — деди у.

— Укам... — Пичирлади Тилов ва қайрилиб дарвоза томон чопиб кетди. Дарвозахонада кўзини чақчайтириб турган қора тўриққа рўпара бўлди-ю, хўнграб юборди. Сўнг охурга суяниб, ҳасрат билан отнинг кўзларига боқди. Наридан сомоп чайнаб турган жийрон ҳам бошини кўтарди.

\* \* \*

Жамшид боғ адоғида, қип-қизил бўлиб пишган тоғолча тагида юзтубан ётиб китоб ўқирди: Уқиб тугатганидан кейин ҳам хийла китобдан бош кўтармай қолди.

Китобда баджаҳл ўгай она қўлига тушган Зумрад исмли қизчанинг саргузаштлари ҳикоя қилинарди.

Ўгай она Зумрадга кун бермайди: ҳамма ишни унга буюради. У сув ташийди, у уйни супуради-сидиради, у кир ювади — ҳамма ишни ўзи қилади. Аммо ўгай онадан бир оғиз ҳам илиқ сўз эшитмайди. Ўгай онанинг чин қизи Қиммат эса, узоқ уйда ётади, ҳеч иш қилмай-

— Бу бўлса, шоир бўлади, — деди. — Китобни кўпроқ ўқи.

Бу икки оғиз гап қўққисдан айтилган бўлса ҳам, болаларга таъсир қилди. Эртасига Жамшид онасидан икки сўм пул олиб, мактабдан чиққач, тўғри китоб магазинга кирди. Анчагача «қайсини олай?» деб полкаларни кўздан кечирди ва ниҳоят яна ўша «Икки сандиқ» китобидан битта олиб, уйга қайтди. Йўлакай Умидани чақириб:

— Сен ким бўласан? — деди.

— Мен? Мен ҳеч ким бўлмайман, — деди Умида кулиб. Тилов эса б вақтда шоҳсупа ёнида Етимтепага қараб турар, «шу ерга буғдой экишса, мен ўрсам», дер эди.

Орадан яна беш йил ўтди.

## V

Бу йилларда Тилов бўйга кам ўсди, йўғон тортди. Жамшид бўлса, хивичдай ингичкалаб кетди. Умида эса, ўрта бўй бўлди, тўлишди.

Зайнабхон билан Жалоловда кексалик аломатлари кўриниб қолди. Узоқ йили Муслима буви вафот этди. «Қабримга шу боғимдан бир туп кўчат экинглар», деб васият қилди боёқиш. Боғни асраш, уни парвариш қилишни тайинлади. Яна сал вақт ўтмай, хусусий от асраш ман қилингани ҳақида қонун чиқди-ю, бўксаси кўриниб қолган жийронни яйдоқ қилиб, гўштга ҳайдаб кетдилар. Бу икки ғам бир бўлиб, Зайнабхонни анча чўктириб қўйди.

\* \* \*

Қиш. Боғкўча тинч, оппоқ. Қор босган дарахт шохлари, том бўғотлари, пастдан қараганда, оппоқ осмонга қўшилиб кетгандай кўринади. Кўча юзига эгилган олма шохига думи ва кўкраги ҳўл мусича қўнди. Шох силкиниб, оппоқ зарлар дув тўкилди. Мусича қанотларини йиғиб, ҳурпайиб бир зум турди-да, оёғи совқотдими, нарига сурилди. Сўнг яна сурилди... ниҳоят, пириллаб учди. Яна оппоқ зарлар дув тўкилди.

Жамшид, Умида ва Тилов мактабдан қайтиб келишарди.

— Яхши-я? — деди мусичага ишора қилиб Жамшид. Ним пальтосининг сержун ёқасини кўтариб оғзини беркитиб олган Тилов, шундай бўлса керак, дегандай бош ирғади. Умида бўлса, ёнидагиларга зимдан қараб олди-да, лабларини қимтиб, ичида кулди. Олма тагидан ўтишаркан, шайтон қиз сакраб шохни ушлади-да, тортиб қўйиб юборди. Шохдаги қор дувиллаб пастга қўйилди. Умида кулганича олдинга қочди. Жамшид четга. Қунишиб келаётган Тилов бўлса, қочолмай қолди. Ҳамма қор ўнинг устига тушди.

— Тинч юрмайсизлар-да, — деди Тилов ғижиниб ва елкасини ҳам силкитмай, қорини кўтарганича юриб кетди...

Жамшид елкасини қисди. Умида бурнини жийирди.

— Жамшид, шу Тилов худди Тихонга ўхшайди, — деди Умида.

— Ким у Тихон?

— Катеринанинг эри-чи? Чўнг. Гап билмайди.

— Ҳа-а.

— Жамшид, худо урсин, менинг Катерина бўлгим келади.

— Тихон ҳам тайёр, — кулди Жамшид.

— Ҳазил эмас. Уёғини айтсам, Жамилаям бўлгим келади. Биз у замонларни ёмонлаймиз-у, лекин у замонларда саргузаштлар кўп бўлган. Катеринанинг қўрқишлари, монологлари қандай яхши.

— Мен совқотдим, Умида.

— Эшитгингиз келмайди-я?

— Чунки, Умида, ҳар кимга ҳам ўхшашни орзу қилмаслик керак-да, менимча. Ташла шу одатни.

— Биладан, лекин ташлолмасам нима қилай?

— Сен совқотмадингми? Айтмоқ-чи, қизларнинг қирқта жони бўлади-я.

— Шу рост бўлса, қирқасини ҳам сенга берардим, Жамшид.

— Раҳмат, мен кетдим. У тўнғиллаб ўтиради.

Умида Жамшиднинг орқасидан ўйчан қараб қолди.

\* \* \*

— Уканг қани? — сўради Зайнабхон печга кўмир солар экан.

— Келяпти, — ғудиллади Тилов.

— Совуққа чидаминг йўғ-а, ўғлим?

— Ҳа.

Жамшид келди. Зайнабхон ўғилларининг олдига, устига шакар сепилган ширгуруч сузиб қўйди... Жамшид мийиғида кулиб, Тиловга қараб-қараб қўяр, Тилов бўлса қарамас, гўдайиб овқатни туширарди. Чойни ичиб бўлдилар ҳам, бир-бирига гап қотишмади. Ниҳоят:

— Ака, бўлди энди, кечиринг уни, — деди Жамшид, — ҳазил қилди-ку у.

— Ҳазил... — Тилов Жамшидга хўмрайиб қаради. — Нега унинг учун сен кечирим сўрайсан?

— Сўрасам нима қипти?

— Нима қипти... — Тилов туриб ечинди, бориб диванга чўзилди.

Диваннинг сарғиш клеёнка қопланган болиши муздаккина эди. Тилов узаниб каравотдан парёстиқ олди-ю, Жамшидга ялт қаради. Назарида, Жамшид, бир нарса дейдигандай туюлди. Жамшид бўлса ёш болага ўхшаб, сим билан печнинг тагини чўқилар, тушган қипқизил чўғларнинг аста-секин қорайишини томоша қиларди. Зайнабхон нариги уйдан сариқ жилдли бир китоб кўтариб чиқди.

— Уртоғинг ташлаб кетди, Жамшид.

Китоб шу йил арманчадан таржима қилинган В. Ананяннинг «Севан бўйларида» повести эди. Жамшид китобни варақлаб, Арменнинг Лермонтов юрган сўқмоқларга қараб шеър тўқиганини онасига ҳикоя қила бошлади. Тилов уларга зимдан тикилиб турди-турди-да, тескари қаради, яна кийиниб, эшикка чиқди. Қипиқдай қуруқ қор ёғарди. «Ҳақиқатан ҳам совуққа чидамим йўқ, — деди ўзига-ўзи Тилов. — Даштда бунақа совуқлар бўлмасди». Супа пастидаги қор босган гулзорга қаради. Бундан бир неча ҳафта бурун Зайнабхон: «Гуллар ҳам битди. Юлиб ташланглар, ивирсиб ётмасин», деган эди. Тилов юла бошлаганда, Жамшид келиб қолган, юлгани қўймаганди... Йўлакка энгашиб турган райхонга қаради Тилов. Райхонни қор босаяпти. Райхон эгилиб бораяпти. Бир пайт унинг елкасидаги қор сирғалиб тушди-ю, шохлари қимирлаб кетди. Буткул қори тўкилди. Яланғочланиб қолган райхон бир-икки лапанглаб, яна тинч қолди. Яна уни қор боса бошлади. Тилов уни кузатиб тураркан, гўё ўзининг ҳам елкасидан нимадир босаётгандай алланечук қимирлади ва жиддий тортиб, уйга кирди. Юзига иссиқ ҳаво урилди. Энди бу унга ёқимли туюлмади. Шу куни Жамшид Тиловга бир неча

бор гап қотди. Аммо Тилов ёлчитиб жавоб бермади. Эртаси Жамшидга ҳам қарамай, мактабга кетди. Йўлаккай Умидаларнинг дарвозаси ёнида бир тўхтади-ю, кескин қўл силтади...

Улар ҳамиша дарсдан чиққач, мактабнинг баланд қизил дарвозаси ёнида бир-бирини кутиб тургувчи эдилар. Тилов бугун атайин ҳаммадан орқада чиқди. Лекин: «Улар кутиб туради», деб ўйлади. Мактабдан чиқавериб, дарвозага қаради. Улар тротуарда кутиб туришарди. Тилов бир-бир босиб, зинадан тушди, уларга қарамаса-да, уларнинг қараб турганини ҳис этиб, қори қириб ташланган йўлка билан дарвозага яқинлаша бошлади. Дарвозадан чиқди-ю, топталган кир қорга оёқ қўйди ва хаёлидан Умиданинг кечаги «иши» ўтди...: «Уни кечиринг...» — деди Жамшид... Тилов уларнинг ёнидан қарамай ўтиб, суви музлаб қотган ариқчадан ҳатлаб, катта йўлга чиқди. Кетаркан, уларнинг ҳозир ўзи ҳақида нимани ўйлашаётганини, нима дейишаётганини билишга зўр бериб уринарди. Ниҳоят: «Мени сўкишди, дашт боласи ҳазилни билмайди, дейишди», деган хулосага келди-ю, тишларини ғижирлатди.

\* \* \*

Аксарият болалар, қизлар мактабга илгарироқ бориб, дарс бошлангунча ҳовлида яхмалак отишар, қорбўрон ўйнашарди. Тилов кейинги вақтда уларга ҳам қўшилмайдиган бўлганди. Бир куни болаларнинг қийчуви уни ҳам ташқарига олиб чиқди.

Болалар, қизлар навбат билан яхмалак отишар, фақат Умидагина бир четда ҳовучини оғзига тутиб, оғир-оғир нафас олиб турарди. Тиловни кўрди-ю, қақиллаб кулди.

— Сиз нега ўйнамайсиз, Тилов? Худо урсин, чолга ўхшайсиз.

— Чолман-да, ўзим, — деди Тилов.

— Бўлмасам кампирга уйланасиз.

— Бу менинг ишим.

— Бўлди энди. Бунча кеккайманг. — Умида сирпаниб келиб, Тиловнинг тирсагидан ушлади. — Юринг. Мендан хафасиз-а?

— Нега?

— Хафа бўлманг, Тихон, — деди Умида иягини олдинга чиқариб.

Йўлда Тилов Жамшиддан сўради:

— Тихон нима дегани?

— Тихон? Тихон — Островский пьесасидаги қаҳрамон. Катеринанинг эри. Умида сизни Тихон дедими?

— Ҳа.

— Сиз, Катеринам бўл, демабсиз-да.

Тилов индамади. Бир оз юргач:

— Ўзи яхши қиз бўлиб боряпти-я, — деди ғудиллаб.

Кечки таом устида гап айланиб, Тиловнинг кайфиятига тақалган эди.

— Нима бўлди, ўғлим, куёвболага ўхшаб сузилиб қолдинг? — деди Зайнабхон. — Ё ростдан ҳам куёв бўлмоқчимисан?

— Қўйинг-э, — тўнғиллади Тилов, аммо қизариб кетди. Меҳмонхонага чиқди.

Илгари Жамшид иккаласи меҳмонхона биқинидаги аввал омбор бўлган уйчада туришарди. Лекин кейинчалик Тилов Жамшидни у ерда қолдириб, ўзи буёққа кўчиб чиққан эди.

У уй ўртасида бирпас қаққайиб турди-да, эшикка чиқиб, Ётимтепага қаради. Тепа кўринмас, у оппоқ осмонга қўшилиб кетгандай эди. Шу пайт уйча очилиб, кул тўла хокандоз кўтарган Жамшид кўринди. Тилов унга ҳадиксираб тикилди. Сўнг пахмоқ ёқасини кўтариб, супадан тушди. Бир неча дақиқадан сўнг у, Парда чўлоқнинг ҳовузи бўйида кирза этиги билан қорни титиб, ниманидир қидирар ва гоҳ елкаси устидан, гоҳ қўлтиғи остидан Умидаларнинг дарвозасига қарарди. Дарвозада тунги қоровуллигига кетаётган Норқул ака кўринди-ю, Тилов йўқотган нарсасидан умидини узгандай уйга қайтди.

Айвонга чиқаётиб, Жамшиднинг хонасига қараб, таққа тўхтади. Эшикни очиб, ёп-ёруғ хонага кирди. Жамшид тик турганича столга энгашиб, бир нималарни ёзарди.

Тилов аста юриб, унинг олдига борди.

— Нима қиляпсан?

Жамшид кулимсираб, ёзган нарсасини кафти билан беркитди. Тилов унинг шеър эканини билса-да, хаёлидан негадир «хат» деган фикр ўтди. «Балки Умидага хат ёзаётгандир? Ахир, дўстим, дўстим дегани билан бу ҳам йигит-ку, — деб ўйлади. — Бу ҳам севиши мумкин...»

— Кўрсат, — деди Тилов.

Жамшид бош чайқади.

— Кўрсат энди. Еб қўймайман.  
— Шеър, — деди Жамшид ниҳоят. — Ёмон. Чиқма-  
япти.

- Лириками?
- Шундай деса ҳам бўлади.
- Кўрсат-чи.
- Айтяпман-ку, хом.

Тилов тиржайди. Бу Жамшидга малол келди. Каф-  
тини олиб, ёзиб чизилаверганидан ажи-бужи бўлиб кет-  
ган қоғозни у томон сурди. Тилов шеърнинг фақат сар-  
лавҳасинигина ўқий олди: «Оппоқ қор».

Хўрсиниб каравотга чўкди.

- Ука, сендан бошқа нарсани сўрамоқчи эдим.
- Сўранг.
- Лекин сен ростини айтасан. Утир.
- Хўп.
- Сен... Умида билан... шунчаки ўртоқмисан... ё.
- Ўртоқмиз, ака, ўртоқмиз.
- Фақат ростини айт.
- Рост.
- Энди ҳаммавақт шундай ўртоқ бўлиб юравера-  
сизларми, ё...

— Ҳаммавақт ўртоқ бўлиб юраверамиз.

— Аччиғинг чиқмасин.

— Аччиғим чиқаётгани йўқ. Лекин сиз Мансурга ўх-  
шаяпсиз-да.

— Ўхшашимнинг сабаби шуки, мен... Мен... Узим  
Умидани... яхши кўрадиганга ўхшайман. Шунинг учун  
сендан ростини сўраяпман.

— Рост, рост, ака, — деди Жамшид тезгина. Лекин  
қути ўчди. Гарангсиб Тиловга тикилди.

— Хўш, бунга нима дейсан?

— Нима... нима дердим... яхши.

— Қалтираяпсан-а?..

— Қалтираяпман? Ҳеч-да. Нимага қалтирарканман?  
Фақат. Фақат...

— Нима «фақат?»

— Фақат... бу қизиқ иш-да энди.

— Нимаси қизиқ?

— Қизиқ-да. Нега бунча савол берасиз?

— Билиш керак-да, ука, — кулимсиради Тилов.

— Билсангиз шу... Биз ўртоқмиз! Тамом!

— Тамомми?

— Тамом!



- Хўп. Мен уни яхши кўраман.
- Жуда соз.
- Қани энди шеърингни ўқи-чи.
- Ўқиб бўлмайди.
- Тўхта, ука, а, у яхши кўрмайман деса-чи? Унда нима қиламан?
- Билмасам.
- Сен бўлсанг нима қилардинг?
- Ака...
- Мисол учун-да.
- Мисол учун... мен индамай кетардим.
- Ҳм... йўқ, ука, мен индамай кетолмайман. Ўзинг ўйлаб кўр, бугун яхши кўрмаса, эртага яхши кўриб кетиши мумкин-ку? Мана, мисол учун, яна ўзим: сени неча марта яхши кўриб, неча марта ёмон кўрганман.

## VI

Жамшид шу кеча алламаҳалгача ухлолмай ётди. «Нега ахир, нега? — деди ўзига-ўзи. — Менга бари бир эмасми? Мен ахир Умида билан ўртоқман-ку? Ҳа. У ҳам мени шундай, ўртоқ деб билади! Тамом!» Лекин юрагини қоплаган ғашлик яна тарқалмади. Туриб, оёғини каравотдан осилтириб ўтирди-да, китобларига тикила бошлади. Жавоннинг энг чеккасидаги иккита юпқа китобчага кўзи тушди-ю, излаган нарсасини тонгандай уни юлқиб олди, каравотнинг қошига уриб қоқди, кафти билан чангларини сидириб ташлаб, тикилди: «Икки сандиқ». Бармоқлари бирдан титради. Кўзларини юмиб, жим қолди. Сўнг секингина туриб, нимпальтосини эгнига ташлади-да, эшикка чиқди. Ой ялтираб турарди. Унинг сарғиш нурлари яланғоч дарахтлар орасидан ўтиб, оппоқ қорда чўзилган. Қорда юлдузчалар ёнади. Осмонда ҳам юлдузлар ёнади. Гўё осмон ҳам шу ердек оппоғ-у, фарқи: унинг ёнаётган юлдузларигина кўринади. Рўпарада тол шохи қимирлаб кетди, қор титилиб тўкилди. Чирс этди бир нарса — бўғотда сумалак синди. Жамшид айвон устундаги чироққа қараб, қорнинг яна доналай бошлаганини кўрди. Сўнг қулоқ солди: шитир-шитир, шитир-шитир — қор саси. Сўнг ерга тикилиб, ёғаётган момиқларнинг оқ юздаги сепкилдай сояларини кўрди. Уйга кириб, ойнага қаради. Сочлари оқ, қошлари оқ, елкалари ҳам оппоқ. Пешонаси эса, ҳўл. Ҳамма ери йилтирайди, йилтиллайди. Жамшид кўзларини юмиб,

бошини силкитди. Сўнг совий бошлаган печнинг қорнига қўлларини босиб иситди. Исиган кафтларини юзига босган эди, димоғига занг ҳиди урилди-ю, қорнинг ҳам ўзига хос ҳиди борлигини ҳис этди. У ҳидни бир нарсага ўхшатмоқчи бўлиб хўп уринди, лекин ўхшатолмади. Ниҳоят: «Димоқни очиб юборадиган иси бор», деб қўйди ичида. Келиб стулга ўтирди. Яна «Икки сандиқ»ни олиб тикилди ва: «Зумрад, Зумрад», деб шивирлади. Сўнг кўрпага кириб, қаттиқ уйқуга кетди.

Эртаси учовлон дарсдан қайтиб келишаркан:

— Нега менга бунча тикиласиз? — деди Умида Жамшидга.

Жамшид қизариб кетди.

— Тикилганим йўғ-у?

Шу пайт Жамшиднинг биқинига Тилов туртди. Жамшид:

— Мактабда китобим қопти-ю! — деди-да, қайрила солиб жўнаб қолди.

— Бунга бир нарса бўлган ўзи, — деди Умида унинг орқасидан ҳурпайиб қараб. — Нима бўлди бунга, Тилов?

Умида елкасини қисди ва чимирилиб йўлга тушди. Тилов атрофга кўз қирини ташлаб, шоша-пиша унга эргашди.

— Йиқилиб кетасан, астароқ юр.

— Совқотдим жуда, — Умида баттар жадаллади. — Хайр. — Дарвозаларини елкаси билан итариб, ичкарига кирди. Тилов нимқоронғи йўлакда унинг депсиниб, тош зинадан айвонга кўтарилганини кўрди.

Тилов уйда қўлини орқасига қилиб, плита печга бир оз суяниб турди-да, қайтиб ташқарига чиқди. Жамшиднинг уйига кириб, печкасининг кулини олди, бостирмадан тараша ва хокандозда кўмир олиб ёқди. Тутун чиқсин учун эшикни очиб қўйди-да, стулга ўтириб, жавондаги китобларни лоқайд кўздан кечира бошлади.

Эшикда Жамшид кўринди. Оёғини тап-тап уриб, қорини қоқаркан, ичкарига мўралади:

— Она! — Тилов қаддини ростлади. Жамшид кулиб юборди. — Э, сизмисиз? — кириб эшикни ёпди. — Қоронғи-я, — дея чироқни ёқди. Тезгина ечиниб, қўлларини

бир-бирига ишқай-ишқай, каравотга келиб ўтирди. Хўш, нима бўлди? Гаплашдиларингми?

— Йўқ... Айтолмадим... Жамшид, ўзинг айтсангчи-а?

— Мен? Йўғ-э, ака... Мен уяламан.

— Ўз дўстидан ҳам уяладими одам? Хўп, ана, уялсанг, мен учун уялибсан-да, энди. Аканг учун. Ё аканг эмасманми?.. Ука, агар кўнглингда мен билмайдиган бошқа гапинг бўлса, уни айт... Мен...

— Қўйсангиз-чи!

— Бўлмасам...

Жамшид озғин қўлларини тиззалари устига қўйди.

— Бўлди. Айтаман.

— Ана бу бошқа гап...

«Бари бир у кимнидир яхши кўриши керак-ку! — деди Жамшид Тилов чиқиб кетгач. — Балки Тиловни яхши кўриб қолар...»

Мактабга кетишда ё Умиданинг ўзи дарвозалари ёнига чиқиб Тилов билан Жамшидни кутиб турар, ё уларнинг ўзи келиб, Умидаларнинг уйи орқасини дукиллатишарди.

Бугун Умиданинг ўзи чиқиб, уларни кута бошлади.

Қуёш Етимтепа ўрқачида ожиз, оч-сарғиш нурларини таратиб, жимирлар, дарахтларнинг уч-учидаги музлаб қолган қорлар йилтирарди.

Кўча бурилишида Тилов кўринди. У ёлғиз ўзи.

— Жамшид қани? — сўради Умида.

Тилов кўзларини пирпиратиб, орқасига қаради.

— Келяпти.

— Сиз бораверинг. Мен уни кутаман.

Тиловнинг япасқи ияги бирдан тиришди. Сарғайиб, музлаб қолган қорни қатир-қутир сидириб юриб кетди. Лекин ҳовузга етган ерда шарт қайрилди, қайрилди-ю, елкасини қисиб алланечук қипсиниб турган Жамшид ва хўмрайган Умидани кўрди. Жилдини бир киши тортиб оладигандай, қўлтиғига маҳкам қисиб, бошини энгаштирди... Дарсда уларнинг бирортасига ҳам бетма-бет бўлмади. Танаффус маҳаллари синфга орқа ўгириб, дераза тоқчасига суянганича, ойнадаги қировни тирнаб ўтирди.

Дарс тугаши олдидан драма тўғарагининг бошлиғи Алёров синфга кириб:

— Бугун драмкружок бўлади. Умидахон, тағин кетиб қолманг, — деди.

Умида олтинчи синфдан бери драма тўгарагига қатнашиб келар, шу кунларда янги йил байрами учун тайёрланаётган «Қорқиз» пьесасида бош ролни ўйнар эди.

Дарс тугади. Уқувчилар синфдан чиқишаркан:

— Кўчада кутиб тулинг мени, — деди Жамшид Тиловга.

— Ҳали айтмадингми? — қизариб сўради Тилов.

— Йўқ.

— Ука... майли, айтма.

— Йўқ, ака. Кутиб тулинг.

Умида машғулотдан чиқиб, Жамшиднинг ёнига келди, елкасида ёстиқчаси бор, кўкиш жемперининг чўнтакларига қўлини тиқиб, хўмрайиб боқди.

— Юлинг, — деди Жамшид ва бир кимсани сузмоқчидай бошини энгаштириб юриб кетди. Умида эргашди. Умида Жамшиддан бир қарич паст, елкалари эса кенг ва тўла эди.

Жамшид дуч келган «Химия кабинетини» очиб, ичкарига кирди. Турли-туман колбалар қўйилган стол ёнига бориб тўхтади. Деразани босган қиров синф ҳароратидан эриб, ойнада реза-реза излар қолдириб, оқиб тушарди.

— Нимага бундай ўзгариб қолдингиз? — деди Умида.

— Ўзгарганим йўқ, — деди Жамшид.

— Ёлғон.

Жамшид ютиниб, кўзини қуйига туширди.

— Айтинг, нима гап? Нима?

Жамшид хонанинг узоқ бурчагига кўз юбориб:

— Сизни бир киши яхши кўради, — деди.

Умиданинг кўзлари катта очилиб, Жамшидга қараб қолди. Жамшид ҳамон бурчакка қараб турибди. Умида елкасини қисди ва фавқулодда майда титроқ билан лаблари кулгига етди.

— Қим экан у? — аста сўради эрка товуш билан.

Жамшид бошини тағин қуйироқ эгди.

— Хўш?

— ...

Умиданинг кўзлари бирдан қисилинқиради, ёноқлари лов ёнди, дадил қўл чўзиб, Жамшиднинг елкасидан ушлади-да, унга пешонасини қўйди.

— Жиннисиз, Жамшид, жиннисиз.

Жамшид энтикиб, Умидага ялт қаради, елкасини ас-

та тортди. Умида ҳам тезгина ўзини тортди, аммо Жамшиднинг эгик гарданига бир дам тикилиб тургач, хиёл қизариб, паришон чимирилди.

— Хўш, ким экан у? — деди энди совуқ, қуруқ.

— Тилов.

— Тилов?

— Ҳа.

— Тилов... ҳе-е... — Умида бирдан қаҳ-қаҳ отиб, кулиб юборди.

— Кулманг, бу жиддий, — дедн Жамшид.

— Хўш, жиддий бўлса нима бўпти?

— Нима бўпти... Сиз бунга нима дейсиз энди?

— Ҳм... а, сиз-чи? Сиз нима дейсиз?

— Нима дердим?!

— Ҳа.

— Ахир Жамшид?

— Нима?

— Мен...

Жамшид елкасини қисди.

— Жамшид? Наҳотки сизга бунинг дахли бўлмаса?

— Бунинг менга дахли бор, Умида, — деди Жамшид. — Сиз менинг дўстимсиз. Мен бу ишга бефарқ қаролмайман. Аммо у жуда севиб қолдим, дейди. Ўзи айтишга уяляпти. Мендан илтимос қилди. Мен айтдим. Ўзи Тилов ёмон йигит эмас. Лекин яна ихтиёр ўзингизда.

— Ихтиёр ўзимда... Тўхтанг, тўхтанг... Мен яна тушунолмаяман?

— Нимасига?

— Сиз... Сиз менга ўзи ким деб қарайсиз?

— Ким деб? Дўстим деб. Яна қандай қарашим мумкин?

— Дўстим деб?!

— Ҳа.

— Холос?

— Бўлмасам-чи.

Умида юраги тўкилиб кетгандай бўшаб, сўлғин тортиб қолди.

— Жамшид, сиз артистсиз? Мени қийнаманг.

— Бу нима деганингиз, Умида.

— Ахир... — Умида пешонасини, у ерда қаттиқ бир нарса ёпишиб қолган-у, уни сидириб ташламоқчидай олов кафти билан сочлари томон силади ва қўлларини

бирдан туширди. — Шундай қилиб... гапингиз тамомми?

— Шу эди. Умида, сизга нима бўляпти?

— Менгами? Нима бўларди менга? Менга ҳеч нарса бўлаётгани йўқ. Бориб айтинг, мен уни яхши кўраман. Жонимдан ҳам яхши кўраман.

— Умида?

— Йўқолинг, йўқолинг?

Умида эшикни шарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди.

Тилов Жамшидни тротуарда кутиб турарди.

— Нима бўлди, ука? — Сўради у.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса, — деди Жамшид.

Осмон тунд. Баландда бир гала қарғалар айланади. Уларнинг овозларида на шодлик, на ғам бор. Фақат қандайдир ёввойи синиқлик ва узоқ бир нарсани қўм-саш бор. Кечга томон яна қор учқунлай бошлади. Энди қарғалар этакдаги ёнғоқ шохларига қўниб олишди. Тарашадай қанотларини ёнларига тап-тап уриб, баъзиси қўшни шохга учиб қўнди.

Жамшид айвон лабида турарди. Қорга қўлини чўзди. Бир ушоқ қор қўнди кафтига, сўнг у бир он жим турди-да, қирралари титраб-титраб синди ва томчи сувга айланди. «Наҳотки ҳаммаси тугади? Наҳотки?» шивирлади Жамшид.

Шундан кейин қор ҳам ёғмади, ҳаво ҳам илимади. Кўча-кўйдаги қорлар сарғайиб, қумдай шовдираб ётар, машиналар изидан, одамлар изидан қуюқ бўлиб эргашарди.

Шанба куни синф раҳбари Ҳожиев стулнинг қаноти-га кафтларини тираб:

— Эрта ўрмонга боришимиз керак, арча опжелгани. Ким боради? — деди.

Бир неча болалар бараварига қўл кўтаришди. Ҳожиев болаларни кўздан кечириб, энг далили — Тилов деб топди.

— Жалолов, сиз борасиз.

— Хўп.

— Мен ҳам борсам-чи? — деди Жамшид озғин, узун қўлини кўтариб.

Уқитувчи рози бўлди.

— Қизлар-чи? Қизлар бормайдими? — сўраб қолди Умида ўрта қатордан.

— Бўлади-ю, лекин болта билан ишлашга тўғри келади, — кулди ўқитувчи.

— Нима, фақат ўғил болалар ишлаганми? Борамиз биз ҳам.

Тагин икки қиз ва уч бола борадиган бўлди.

— Эртага эрталаб мактаб ҳовлисидан жўнаймиз.

## VII

Машина учларида зағчалар қўниб ўтирган ёнғоқзордан чиқиб, оппоқ тоғ бағирлаб кетди ва Пушти Ўрдак деган ерда тўхтади.

Болалар тапир-тупур пастга тушдилар. Ўқитувчи тикка тепаликка қараб йўл тортди. Тепаликнинг ўркачида осмондан баҳайбат махлуқлар тўкиб кетгандек уйда-уйдай харсанглар қаланиб ётар, уларнинг устлари оқ, таглари қора кўринади. Қор кечиб харсангларга етгач, уларнинг таги билан кетдилар. Олачипор шифтдан янтоқсимон ўсимликларнинг қуриган поялари осилиб ётибди, дарз кетган ерлардан чумчуқларнинг хас инлари кўринади. Пастда — ерда эса қор жуда юпқа, шишадек, тагида яхлаб қолган кўм-кўк ўтлар оёқ босса қисирлаб синади. Қор тегмаган бурчакларда қуш ва туёқ излари, пат ва қумалоқлар — улар ҳам музлаб қолган.

Харсанглар тугаб, уларнинг тагидан чиққач, ўрмон бошланди.

— Товушқон! Муаллим, товушқон! — қичқириб келди болалардан бири.

Арча тагидан сапчиб чиққан думи сарғиш, кўкишгина қуёнча қулоқларини бўйни томон ётқизиб олиб, олатасир қочиб қолди. Қирқ метрлар чамаси югуриб борди-да, таққа тўхтаб, орқасига қаради. «И-е, келяпсизларми?» — дегандай қулоқларини тиккайтириб, тумшуги устида олдинма-кетин бир қимирлатди-да, дик-дик сакраб чапга бурилди, арча орқасига ўтиб ғойиб бўлди. Унинг кетидан югурган болалар қўл силтаб тўхташди.

Атрофи туман билан қуршалган жимжит ўрмон яланглиги. Ўртада гулхан ёняпти. Гулхан атрофида болалар. Бири ўтга қўлини тоблаяди, бири оёғини, бири ҳўл арча шохчасининг жизиллаб кўпик чиқариб турган

қуйруғига ботинкасининг учи билан туртади, бошқа бири эса, ёниб қулаган бутуқчани қўли билан тезгина олиб, олов ўртасига ташлайди. Арча чирсиллайди, тутун буруқсийди, қизғиш аланга тўлганиб гуриллайди, ердаги қор эса пишллаб эрийди, сувга айланиб, ўтдан чекинади. Ҳожиев ўт ёнида тик турибди. Тутун кирган кўзи ёшланган. Қип-қизил кафтида сирти эриб сарғайган қор — думалоқлаяпти. Бармоқлари орасидан сув томади.

— А, нега бўлмасам, бу тизмани Фарҳод деб атайдилар? — сўради болалардан бири.

— Чўққисини нега Кетмон Чопти дейдилар? — сўради иккинчиси.

Ҳожиев думалоқлаган қорини кафтидан иргитиб, орқасига қараб олди.

— Эмишки, Фарҳод сув чиқараман деб, шу тоққа чиққанмиш. Ушанда Сангардагимиз ҳам қуруқ чўл экан. Фарҳод тоққа бир кетмон уриб, мундоқ пастга қараса, пастда катта дарё оқаётганмиш. Бу дарё қаердан пайдо бўлди? Фарҳод билмабдики, бу ўша ёсуман кампир ёйиб қўйган бўйралар экан. У Фарҳоднинг кўзига дарёдай бўлиб кўринибди. Кейин Фарҳод шартда енгилдим деб, ёсуман билан шарт боғлаган-да, ўзини ўзи ўлдирибди. Тоғнинг номи шундан қолган — Фарҳод. Фарҳоднинг кетмон урган ери эса — Кетмон Чопти. Ҳақиқатан ҳам ўша ерга бориб қарасаларинг, худди кетмон билан чопганга ўхшайди. Ўзиям катта бир дарадай келади. Қизиги шундаки, қишлоғимизни таъминлаб турган анҳорнинг боши ўша ерда. Худди кетмон урилган ердан чиқяпти. Кейин йўлдаги булоқ сувларини олиб, кўпайиб келади. Бизнинг битта қўшнимиз бўларди — чол. Ҳамиша: «Фарҳод бизнинг ҳамқишлоқ бўлган», деб юрарди. — Кулди Ҳожиев. — Қани, энди савол-жавоб тамом. — Ҳожиев кирза этигининг тумшуғи билан қорни тепиб кўчириб, ўт устига ташлай бошлади. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Ўтни ўчиришгач, ўқитувчи четдаги танҳо ўсган хушқомат арча қошига болаларни бошлаб борди. Ўчиб, қор тагидан — у ер-бу ердан тутун чиқиб турган гулхан бошида фақат Умида қолди.

Жамшид кафтига туфлаб, болтани кўтарди. Арча дириллади-ю, лекин болта тигини қайтариб юборди.

— Ёнлатиб ур, ёнлатиб, — деди Тилов.

Ниҳоят, болта арча танасига бота бошлади.

— Ўзи жуда чайир бўлади бу дарахт, — деди Ҳо-



жиев. — Уругиям беш йилда кўкариб чпқармиш. Олимлар уч йилда кўкартирибди деб эшитдим.

Тилов Жамшиднинг силкиниб, «хих, хих!» — дея болта уришини кузатаркан, Умиданинг буёққа қараб келатганини кўрди-ю:

— Менга бер, менга бер-чи, — деб Жамшиднинг ёнига ўтди.

Жамшид истамайгина болтани узатди. Болта Тиловнинг қўлига ўтиши билан арча зир титрашга тушди, шохларидаги музлаб қолган қорлар тап-тап этиб узилиб туша бошлади. Тилов болтани ургани сари ургиси келар, яна бешта арчани кес дейишса ҳам кесиб ташлагудай эди. Арчани бир ўзи йиқитди ва кўпчиган кафтини сийпалаб Умидага қаради. Умида катта арча учига қўниб олиб ғағиллаётган зағизфонга қараб турарди. «Ёсуман», деди Тилов ичида ва уни эзиб-эзгилаб ташлагиси, гўё Фарҳод чиқаролмаган сувни ўзи чиқаргиси келди.

— Тагин битта кесайлик, — деди ўқитувчи.

Тагин Тилов болтани қўлига олди. Жамшид эса, бир муддат ўйланиб турди-да, бурилиб гулхан бошига борди. Сўнг арча орқасига ўтиб, ғойиб бўлди. Умида унга зимдан тикилиб турарди. Иккинчи арчани кесиб бўлдилар ҳамки, Жамшид қайтмади. Унинг йўқлиги билиниб қолди-ю, болалар чақирришга тушди. Жамшид овоз бермасди.

— Қаёққа кетди у? — тутақиб ўшқирди Ҳожиев.

Умида индамади.

— Бу ерда йиртқич ҳайвонлар ҳам бор. Наҳотки ҳеч ким кўрмади?!

Умида яна миқ этмади.

— Изланглар!

Болалар ҳар томонга сочилиб кетишди. Умида эса тўғри Жамшиднинг изидан кетди. Қор қалин ва музлаб қолганидан Жамшиднинг изи аранг билинарди.

Тўнқада букчайиб ўтирган Жамшид чўчиб бурилди-ю:

— Зумрад? — деб пичирлади.

Умида унга яқинроқ борди.

— Сизга бир оғиз гапим бор, — деди Умида. — Охирги гапим.

— Гапиринг. — Жамшид ўрнидан туриб, ерга қаради.

— Ростини айтинг. Тилов унақа демасидан олдин...  
яхши кўрармидингиз... мени?

Жамшид қимирлади-ю, жавоб бермади.

— Айтинг... ростини.

— Умида, — ниҳоят бўғиқ гапира бошлади Жамшид. — Мен сизни ҳаммавақт дўст деб юрардим. Ҳозир ҳам... Мен ўйлаб ҳам кўрдим. — У тўлиқиб, Умидага боқди. — Умида, келинг, шу гапларни қўяйлик. Дўстлигимизни давом эттирайлик. Биз бир-биримизга ўрганган эдик. Мен кейинги кунларда жуда сиқилипман. Умида...

Умида аста орқасига бурилди. Узоқдан болаларнинг: «Жамшид! Жамшид!» — деб чақириваётгани эшитиларди.

Машина қишлоққа киргунча Умида бир қўли билан юзини тўсиб, қимирламай ўтирди. Болалар, қизлар кулишар, бир-бирига гап отишар, «Арча қўшиғини» айтган бўлишар, Умида эса эшитмас, у машинанинг бир текис ғинг-ғинг овозига қулоқ солиб борарди.

Қишлоққа кираверишда Умида ноҳос кўзини очди-ю, таниш кўчани кўрди. Бу кўча билан ҳам уйларига борса бўларди. Дугонасига, кабинани ур, дегандай қўли билан ишора қилиб: «Тушаман, тушаман мен», деди... Тушди.

Тор кўчага кириб, бир зум тўхтади. Машина овози узоқлашди. Орқа девори кўчани четлаб турган уй мўрисида тутун буруқсир, бўғотдан сув томчиларди. Умида унга қараб дардчил кулимсиради, аммо бирдан чимирилди ва ердаги оппоқ қорда ҳам қасди бордай, уни ғажир-ғужур босиб кетди.

Уйларига кириб, чўян печь ёнига чўнқайди. Синглиси Норгул бир кўзини қисиб, ўйинчоқ кинони томоша қиларди.

— Бер-чи, — деди Умида. Олиб кўзига тутди. Кадрда олдинги оёғи билан қулоғини қашиётган қуён расми солинган эди. Умида ўйинчоқни отиб юборди. «Буздинг, буздинг», дея чинқириб қолди Норгул. Аммо кинони олиб қарагач, бузилмаганини кўрди ва тумшайиб нарига сурилди. Умида унга тикилиб турди-да, елкасини қисди. Сўнг ўрнидан туриб, камзулини ечди. Овқат устида ота-онасининг қаердалигини сўради. Норгул, қизи меҳмонга келган новвой қўшнилариликка чиқиб кетишганини айтди. «Борсамми, — деб ўйлади Умида.

Нимага?» Чойни ҳам ичиб бўлди. Бутун шу вақт давомида кўзи агрофда бўлди: бир нарсани қидираётгандай. Бир пайт деразага қаради-ю, устундаги электр чироғи ёнганини кўрди. Бугун тўгаракнинг машғулоти бўлиши ёдига тушди. Бугун у ростакам Қорқиз бўлиб, оқ сурп кўйлак кийиб ўйнаши керак эди. Шуни кўз олдига келтирди-ю, бир зум хаёлга толди, сўнг чуқур хўрсинди.

Умида шу кунни машғулотга бормай қолди.

## VIII

Эшик тортилди, очилмади.

— Оч, — Тиловнинг овози эшитилди.

— Қаттиқроқ тортинг, — деди Жамшид ва каравотини фикрлатиб туриб ўтирди. Оёқларини таранг чўзиб эснади. Тилов кириб, печнинг ёнига ўтди. Кўмири яримлаб қолган пақирнинг устига йўғон тараша қўйиб, ўтирди. Оёгининг учини печнинг кулхонасига тикиб, икки қўллаб бошини қашиди.

— Ухламадингизми? — деди Жамшид.

Тилов қўлларини олмай, бошини қимирлатди.

Жамшид яна эснади ва қидириниб столга қаради, девордаги ўз соясини кўрди-ю, бармоғи билан пешонасидан иягигача аста «чизди», тагин эснади.

— Чарчадингми? — деди Тилов.

— Чарчапман-а-а-а-ҳ...

— Менга қолса, ҳозир даштга пиёда кетардим.

— Даштни яхши кўрасиз-а?

Тилов бош ирғади.

— Мен ҳам, — деди Жамшид. — Мен ҳам яхши кўраман... Лекин сиз бизнинг қишлоқни яхши кўрмайсиз.

— Нимага? Қишлоқларинг яхши.

— Тарихини биласизми?

— Эшитганман.

— Етимтепанинг нима учун шундай дейилишнинг биласизми?

— Йўқ. Лекин у тепани яхши кўраман. Худди даштдан адашиб келганга ўхшайди.

— Ҳали сиз уйга қайтдингиз. Биз кўчада қолдик. Ҳожиев айтиб берди. Искандар Зулқарнайн поҳодини биласиз-а?

— Хўш?!

— У Сурхондарёмиз устидан ҳам ўтган экан. Ушанда Сангардагимиз жуда обод савдо-сотиқ ва маданият

шаҳри экан. Ҳожиёв муаллимнинг айтишларича, умуман, Сурхондарё қадимда, албатта, эраמידан аввал маданият ва санъатнинг энг ривожланган марказларидан бири бўлган. Лекин босқинчилар уни шунчалик хароб қилганки, у асрлар давомида ўзини ўнглай олмаган. Хуллас, Искандар юриш қилиб келаётганида, Деновнинг устидан ўтавериб, тоғлар орасида жойлашган Сангардагимизни кўриб қолган. Сангардак шундай гўзал эканки, уни тор-мор қилишга Искандарнинг кўзи қиймаган. Бизникилар эса, таслим бўлмаган. Қаранг, бутун дунёни эгаллаб келаётган яъжуж-маъжуждай қўшинга кичкинагина бир қишлоқ таслим бўлмаган. Кейин Искандар ҳужум бошлаган — мана шу дашт томондан. Бошқа ёқда йўл йўқ-да. Уч тараф — тоғ. Бизникилар даранинг оғзида уларнинг йўлини тўсиб олиб, биттасини ҳам яқин йўлатмаган. Тоғлар қалъа деворлари эмаски, ёв уларни таран машиналари билан ағдариб кирса. Жанг кўп кунга чўзилган. Искандарнинг ёнида юрган тарихчиси Ариянинг ёзишича Искандар бутун юриши давомида биринчи шу ерда энг кучли тўқнашувга дуч келган экан. Кейин Искандар нонлож қолиб, Грециянинг ўзида тоғларда юриш учун махсус тайёрланган қисмини ишга солган. Улар бир неча кун давомида тоғни айланиб ўтиб, тепадан келганлар ва шаҳарни кунпаякун қилганлар. Обод бир шаҳар ўрнида култепа пайдо бўп қолган. Шундан кейин шаҳримизни Етимтепа деб атай бошлаганлар. Ҳозир мана шу икки гектарлик тепаликни Етимтепа деб атайдилар.

— Уша Искандар бизнинг даштнинг босиб ўтган экан-да?

— Албатта-да.

— Балки у ерда ҳам катта бир шаҳар бўлгандир.

— Шубҳасиз. Ака, ўйлаб кўринг. Сурхондарё ўшанда ҳақиқатан ҳам маданият марказларидан бўлган. Мана, оддий мисол. Бултур ўзимиз экскурсияга бордик. Тешиктош ғори. Ахир археологиямиз тарихида биринчи марта неондертал одамнинг тўла скелети топилган ғор — шу ғор-ку! Демак, одамзоднинг пайдо бўлган ерларидан бири — еримиз.

— Рост, рост... Эсимга ҳалиги Тошкентдан келган тренер тушди. Зерикарли жой экан деб кетиб қолганди-я, аблаҳ!

— Катта шаҳарга ўрганган-да... Ака, ўнинчини битиришимизгаям тўрт-беш ой қолди.

— Ҳа.

— Институтни битиргандан кейин шу ерга келасизми?

— Ҳа. Даштга келаман.

— Яна дашт!

— Туғилган ерим-да, ука. Нима, сен бу ерга келмайсанми?

— Келаман, лекин умр бўйи шу ерда яшаб қолишни ўйласам, юрагим сиқилади. Мана, онам! Момомнинг айтишича, туғилганларидан бери тинмаган эканлар. Ҳали тоғда, ҳали даштда, ҳали бошқа ёқда.

— Менгаям айтиб ўтирардилар. Жамшид, хафа бўлма, менинг бу ерда энг яхши кўрган кишим — шу, сенинг момонг эди. Момонг ҳамниша шу боғни яратганлари, дарахтларни уруғидан кўкартирганлари ҳақида, бу ерни яхши кўришлари, буни ташлаб ҳеч қаерга кетмаганлари ҳақида гапирардилар.

— Билдим, — деди Жамшид. — Ўзингизга ўхшагани учун яхши кўргансиз. Сиз ҳам фақат даштим, даштим, дейсиз-у?!

— Ким билади. Лекин, ука, кишининг яхши кўрадиган ери битта бўлиши керак, битта.

— Билмадим. Лекин меники ҳозирча иккита: бу ер ва сизнинг даштингиз. Яна бошқа ерларни, онам юрган ерларни, кейин... ўша, биринчи отам юрган ерларни — Украинани, Чехословакияни ҳам кўргим келади, кўрсам, балки уларни ҳам яхши кўриб қоларман. Қизиқ, мен ўзимнинг отамниям, сизнинг отангизниям яхши кўраман, онамниям яхши кўраман. Сиз бўлса, фақат бир кишини, фақат ўз отангизни яхши кўрасиз-а? Онамни ёқтирмайсиз, Тилов ака, шундай эмасми?

— Энди буёқларга ўтмайлик-да. Момонг ҳақида гапирётгандинг-у? Хайр бўлмасам. Уйқум келди.

— Хайр.

## IX

Умида «Қорқиз» пьесасида ўйнамади.

Байрамнинг иккинчи кунини эди. Қор қалин тушиб, Умидаларнинг чорбоғи этагидаги бир қанот деворни майиштириб қўйди. Умида эрталаб онасининг қўнғир тивит рўмолини бошига ўраб, уни кўргани борди. Пахса ёриғидан кўчага назар ташлади. Одамлар ўтиб-қайтарди. Бир пайт қора плашининг ёқасини кўтариб ол-

ган бир йигит билан пучуққина бир қиз қўлтиқлашиб ўтишди. Қиз Умида билан тенгқур эди. Еттини битиргач, Қаршига медтехникумга кетган, ўша ёқда бу йил шу йигитга тегиб, энди практикага келганди. «Эр-хотин», деб ўйлади Умида ва ўзининг ҳам қачон бўлма-син, кимгадир тегишини ҳис этди. «Кимга?» Хаёлидан лип этиб Жамшид ўтди-ю, бир энтикди, сўнг ғижинди. «Хўш, кимга? Ҳар кимга ҳам тегиб бўлмайди-ку. Кимга?» Хаёлида ҳеч ким гавдаланмади, кўчадан ўтаётган одамларнинг ҳар қайсисига ҳам тегиши мумкиндай туюлди. Шунда Умида юрагининг тубида қандайдир мушаксимон бир тош борлиги, у чирсиллаб учқун отаётганини, у бу ўт билан кимнидир куйдиришга, ёндиришга чорлаётганини сизди. Сизди-ю, кўз олдига яна Жамшид келди. Умида ўз севгиси энди нафратга айланганини англади, у нафрат, ўч, интиқом олишга ундаётганини тушунди. «Қандай қилиб?» Умида гангиб, орқасига қаради ва айвонда ўзи томон ўқрайиб турган онасини кўрди. Она икки пақирни шиқирлатиб, айвон лабига қўйди.

— Сув опке.

Умида Парда чўлоқнинг ҳовузидан сув олиб, қайтиб келаётган эди, дарвозаларига етган ерда, боғкўчада ёнма-ён келишаётган Тилов билан Жамшидни кўрди. Кўрди-ю, жадаллади. Аммо уларга етган ерида оёғи тойиб кетди, пақирларнинг тағи ерга тегиб, суви қалқиб тўкилди. Қаддини тиклаган эди, тўкилган сувдан сирпанчиқ бўлган ерда яна тойиб кетди, чўккалаб қолди. Тилов билан Жамшид бараварига етиб келиб, унинг икки тирсагидан кўтаришди. Умида Жамшиднинг қўлини силтаб ташлади. Тиловникини ҳам силтамоқчи бўлди-ю, лабларида кинояли табассум югуриб, Жамшидга қаради ва Тиловнинг қўлига суяниб ўрнидан турди. Сўнг Тиловга майингина «рахмат» деди-да, пақирларидаги қолган сувни ҳам тўкиб ташлаб, изига қайтди. Ҳовуздан қайта сув олиб, тош зинадан тушаётганида, Тилов билан Жамшид муюлишдан бурниб ўтган, тўғрига кетиб боришарди. Жамшиднинг боши ҳам. Тилов унинг биқинига туртпти. Умида макрли жилмайди.

Умида дарвозаларидан кирди-ю, кўзи яна девор рахнасига тушди, нимадир тортди уни ўша ёққа. Пақирларни шундоқ супа четига қўйиб, яна ўша ёққа кетди. Энди унинг қадамлари енгил, қандайдир сирнинг

калитини топган, ўша ерга бориб уни очадиганга ўхшарди. Рахнага рўпара бўлди-ю, ҳалигина кечирган ўйлари яна ғув этиб бошига кирди: «Кимга тегаман? Ҳамма — одам... Жамшид... Тилов! Тилов!» Энди сафга Тилов ҳам қўшилди. Қўшилди-ю: «Ўзи ҳам ёмон эмас, — деб ўйлади Умида. — Полвон йигит. Кейин мени яхши кўради ҳам». Кўз олдидан зув этиб, кўчадаги «иш» ўтди. У Тиловнинг қўлига суяниб, Жамшидга кинояли кулимсираб ўрнидан турди. Жамшид бошини эгди... Шу «иш» ўтди-ю, Умида юрагидаги чирсиллаётган мушакнинг ўти андак пасайганини сизди. Лабида яна макрли табассум жилваланди. Сўнг бирдан у кўчадаги кўринишни хаёлан Тиловларнинг уйига кўчирди, кўчирди-ю, ўзининг қадди-басти бир газ ўсганини ҳис этди. Жамшид яна бошини эгди. Умида қаҳ-қаҳ отиб кулди. У энди Жамшидга бир нарса деб мурожаат қилиши керак эди, қилди: «Жамшид... (йўқ, бу бўлмайди)... Қайним, қайни!» Бирдан юрагидаги мушак ўчди. Аъзойи баданида бир ором югурди.

— Тилло топдингми у ердан?

Умида ўгирилиб, яна онасини кўрди ва негадир энди ўз ўйларидан ўзи кўрқиб кетди. Оппоқ қорда чуқур ботган излари устидан яна босиб, уйга қайтди.

\* \* \*

Ярим кеча. Қор босган ҳовли кўр ойдин. У ерда тонг отаётганга ўхшайди. Сукунат. «Нимани ўйлаяпман? — деди Умида совиб қолган чўян печь ёнида кўрпани томоғигача тортиб, деразага тикилиб ётаркан. — Нимани? Ахир, бари бир кимгадир тегишим керакми? Бари бир Жамшиддан ўч олишим керакми? Тилов мени ҳам яхши кўради, ҳам Жамшиднинг ёнида... Бас, бўлди!» Умиданинг бирдан ким биландир, ким биландир гаплашгиси, маслаҳатлашгиси келди. «Ким билан?» Унинг сирдош дугонаси ҳам йўқ эди. У қизларга кам қўшилар, унинг учун қиз ҳам, сирдош дўст ҳам, ҳаммаси — Жамшид эди. Умида секин ўтириб олиб, ёстиғи ёнидан пахталигини олиб кийди. Оёқ учида юриб, ичкариги, печь ўрнатилмаган уйга кирди. Деворни пайпаслаб тугмачани босди. Электр чироғи лоп этиб ёнди, «Токи кўпайибди», ўйлади Умида кўзларини қисиб ва ўртадаги устига китоб-дафтарлари қаланиб ётган хонтахта ёнига борди. Дарсликларига тикилди-ю, четдаги

роль ёзилган қалин дафтарига кўзи тушди. Олиб, бир бет варақлади: «Қорқиз». Умида ички бир оғриқ билан уни жойига қўйди, лекин яна шарт олиб, кўздан пана — хонтахта тагига ташлади. Остига бўйра солинган совуққина, дағал гиламни ғижирлатиб босиб, тўр деворидан ўйиб ясалган токчанинг олдига борди. Токчада китоблари. Китобларнинг кўпчилиги пьесалар. Пьесаларнинг ичида эса, Умиданинг энг севган пьесалари: «Момақалди роқ», «Бой ила хизматчи» ва «Оқ чорлоқ» эди. Умида аллақачонлардан бери булардаги Катерина, Жамила ва Нина образларини ўйнашни орзу қилар, улардаги кучли ҳолатлар, бўронли кечинмалар ва оташин монологлар уни мафтун этарди. Лекин негадир бу пьесаларни мактаб саҳнасида қўйишмас, қўйган пьесалари эса, Умидага ёқмас эди. Чунки улардаги бош қаҳрамонлар — аёллар келажакка қандайдир ишонувчи, кишилар учун бир иш қилиш истагида юрган, қувноқ аёллар бўларди. «Нега бу пьесаларда Катерина, Жамила ва Ниналардай бахти қаро, эзилган, таҳқирланган ва оқибат, бири ўзини сувга ташлаган, бири заҳар ичган, бири телбалик касалига мубтало бўлган аёллар йўқ? Ё бундай аёллар асли ҳаётимизда йўқми?» — деб ўйларди Умида ва атрофдаги ўзи билган хотин-қизларни эслаб, аёллиги демаса, у қаҳрамонларни эслатадиган бошқа бир хусусиятни кўрмас, сўнг негадир ўзининг аччиқма-аччиқ қилиб ҳам, шахсан ўзининг улардай бўлгиси кепкетарди. Умида ҳозир жавонига тикилиб тураркан, бу истак унинг миясига шундай қаттиқ бир куч билан ўрнашдики, у орзунини амалга ошириш учун ниҳоят, вақт етгандай, бугундан бошлаб ҳаракат қилиши керакдай туюлди. Гўё: «Салом, Катерина! Салом, Жамила! Салом, Нина! Сизнинг сафингизга яна бир киши қўшилди бугундан бошлаб! Олинглар мени!» Умида беихтиёр ўзининг ҳам ҳаётини қачон бўлмасин бир машҳур драматург ёзишини, у ёзган пьесани томоша қилувчиларнинг оқ тортиб ўтиришини ва қаердадир бир қиз, бир қизча тунларни бедор ўтказиб, пьесадаги қаҳрамон қиз — Умидадай бўлишни орзу қилишини хаёлидан ўтказди.

Чирс этди ташқарида бир нарса — бўғотда сумалак синди. Умида чўчиб бурилди-ю, кўчадаги чироқ нурида қорлари йилтираб турган деворга кўзи тушди, у ерда кечирган ва тўшакда ҳам унга тинчлик бермаган ўйлари хаёлига яна қўйилиб кира бошлади:



«Кимгадир тегиш... Ҳамма бир... Тилов яхши йигит, ҳам мени севади, ҳам Жамшиднинг акаси... Жамшиддан ўч олиш... Бўлди, бас, тамом!»

Умида эшикка қараб юрган эди, тоқчасида ётган, бир вақтлар туғилган кунда Жамшид тақдим этган Лермонтовнинг шеърлар тўпламини кўриб қолди-ю, бориб шарт олди, бошига кўтарди. Аммо муқовадаги шорир расмига кўзи тушиб, бўшашди, аста жойига қўйди ва шарт очди. Кўзи тушган биринчи мисрани ўқиди:

Мен яшаш истайман, истайман ғамни  
Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ.

Умида мисрага тикилиб қолди ва яна ўқиди, яна ва яна. Сўнг гангиб, ичида такрорлади:

Мен яшаш истайман, истайман ғамни,  
Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ.

Умида ичида яна такрорлади ва бирдан титроқ бармоқлари билан кўзларини бекитди. Унинг ҳамма ўйлари, кечинмалари гўё бир нуқтада учрашди. Сўнг бармоқлари орасидан қаради. Ўзини қандайдир қорли нишаб бетдан сирпаниб, сирли, туманли бир дунёга тушиб бораётгандай ҳис қилди: пастда уни кутиб олувчи қандайдир аёл шарпалари кўринарди...

## Х

Эртасига дарс тугагач, Умида тезгина чиқиб, болалардан олдин кетди. Боғкўчага кирган ерда, мачит ёнида тўхтаб, кимнидир кута бошлади. Одамлар ўтди-қайтди. Ниҳоят, Жамшид билан Тилов кўринди.

— Тилов, сизга бир гапим бор, — деди Умида уларга пешвоз чиқиб, кулимсираб. — Жамшид, сиз йўлингизга кетаверинг.

Тилов қўрқув аралаш Жамшидга қаради. Жамшид елкасини қисди.

— Берироқ келинг, Тилов.

Четга чиқишди.

— Тилов, мени яхши кўрасизми?

Тилов ҳайрон бўлиб, Умидага боқди.

— Қўрқманг, айтаверинг.

Тилов танглайи қотиб шивирлади:

— Умида, сен...

- Айтаверинг.
- Тилов чимирилди.
- Нима эди?
- Айтинг, айтинг. Нимадан ҳайиқасиз?
- Хўп, ана... ҳа.
- Чини биланми?
- Чин.
- Уйланасизмиям?
- Умида...
- Гапиринг, гапиринг.
- Умида, сен мендан куляпсан!
- Оббо, Тилов? Хўш, уйланасизмиям?
- Энди... шундай бўлади-да...
- Мен розиман.
- Нима?
- Розиман. Эшитяпсизми, розиман!
- Умида...
- Қизиқ экансиз-ку! Ишонмасангиз, эртагаёқ уй-  
мизга совчи юборинг.
- Умида, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман.
- Қизиқ. Менимча, жуда очиқ қилиб гапиряпман.
- Энди...
- Демак, эртага совчи келади?
- Умида... Менинг бошим айланиб кетяпти. Сен  
ўзи...
- Мен соппа-соғман! Демак, эртага совчи келади.  
Совчи келса, мени севишингизга ишонаман. Қелмаса,  
демак, севмас экансиз.
- Ахир, Умида, тўхта-тўхта. Мен бу ҳақда... А,  
ўқиш, мактаб?
- Уқийверамиз ҳам. Уқишни ташламаймиз-ку  
ахир! Уқишни битиргач, институтга кетамиз. Мен театр  
институтига, сиз қишлоқ хўжалигига. Қорқизни ўйна-  
маганимдан сиз гумонсираманг. Ушанда ҳушим йўқ  
эди. Ҳали ундан катта ролларни ҳам ўйнайман.
- Умида, сен рости билан...
- Оббо...
- Мен... мен ҳозир бориб... опамга айтайми бўл-  
масам?
- Айтинг.
- Ҳм... кейин сен?..
- Тилов, ахир одам ҳам бунча...
- Майли, майли, бўлди-бўлди.

Тилов шошиб бир одим босди-ю, яна Умидага тикилиб қаради. Умида хотиржам, кулимсираб турарди.

\* \* \*

— Укажон, укажон!.. Жамшид! Кеча бир гапим бор демаганмидим!

Девордаги йўғон михга пальтосини илаётган Жамшид чимирилиб бурилди.

— Бу ерга ўтир, ўтир, укажон! — Тилов Жамшиднинг билагидан ушлаб, каравотга тортди, ўтқизди, сўнг унинг тиззаси устига қўлини қўйиб, ўзи стулга чўкди. — Укажон, мен... — Тилов бир куйга маҳлиё бўлган кишидай чайқалиб, бароқ ёқасини бўйни билан орқага итарганича, қоғоз шифтга боқди. — Укажон... — Ниҳоят, Умида билан орасида ўтган гапларни бир амаллаб айтиб берди.

Жамшид тиззасига суюганича бир фурсат ўйланиб ўтирди-да:

— Энди нима қилмоқчисиз? — деди унга пастдан тикилиб.

— Нима қилардим, опамга айтаман.

— Совчи юборинглар деб?

— Ҳа-да.

— Ака, — Жамшид қадини кўтариб, Тиловнинг қўллари устига қўлини қўйди, — ака, бир-икки кун сабр қилсангиз-чи? Балки бир-икки ҳафта, бир-икки ой?

— Нега энди, нега?

— Менинг ҳеч ақлимга сиғмаяпти-да... Бунча тез... Мана бунда бир гап бўлса керак. Нима дедингиз?

— Ахир... ахир, қандай гап бўлиши мумкин?

— Сиз севиб қолган деб ўйлайсизми?

— Ҳа. Энди... севмаса, шунақа қилардимиз? Йўқ, ука, мен бир гал ҳам айтгандим-у, бугун севмаса, эртага севиб қолар деб. Мана...

— Лекин...

Тиловнинг кўзлари бирдан гумонли қисилинқиради.

— Бу ерда ҳеч қандай лекин-пекин йўқ. — Бармоқларини стол ёнига босиб, бир йўла қисирлатди. — Эрта совчи юборсангиз, севганингизга ишонаман, деди у. Бу нима дегани? Демак, совчи келмаса, ишонмайман дегани. Демак, илгариям шундай деб ўйлаган у. Ниҳоят, бугун шартни кўндаланг қилган. Демак, эрта совчи бормаса тамом! Мен... совчи юбортираман, деб ваъда бердим.

Жамшид яна сўзламоқчи бўлиб чоғланди-ю, Тиловнинг тикилиб турган кўзларида қатъият ва таҳқирловчи гумонни кўриб бўшашди.

— Мен энди... яна бир оз ўйлаб кўринг дейманда...— деди чайналиб.

\* \* \*

Тилов чиққач, Жамшид яна тиззаларига суянди. Ўйлади, ўйлади. Тунов куни Умида сув олиб келиб йиқилганида, булар турғизишди. Ушанда Умида Жамшиднинг қўлини силтаб ташлагани ва фавқулодда Тиловнинг қўлига таяниб тургани, яна Жамшидга кинояли кулимсираб, Тиловга майингина «раҳмат» дегани — булар аччиқдан, аламдан эканини Жамшид ўша пайтдаёқ яхши тушунганди ва бундан сўнг ҳам шу қабилда ишлар қилишини кутганди Умидадан. Лекин бунақа ишни... Йўқ, бу Жамшиднинг ақлига сиғмади.

Жамшид дарсхонасидан чиқиб ичкариги уйга кирди. Тилов диванда оёқларини осилтириб ўтирар, тажанглик билан тиззалари кўзини чилдирма қиларди.

— Опам кечикиб кетди-я, Жамшид?

— Йиғилиши бордир.

— Ана овқатинг, е.

Жамшид плита устидаги кастрюлни очди. Илитма шўрванинг ҳиди димоғига урилди.

— Сиз едингизми?

— Ҳа. Қолгани сеники.

Жамшид кастрюлни кўтариб олди. Чиқаётган эди, Тилов тўхтатди:

— Айтмоқчи, ука, тагин опангга ҳам... ҳалиги мулоҳазаларингни айтиб ўтирма. Хўпми?... Илтимос, ўзимга қўйиб бер.

Жамшид шарт қайрилди.

— Ака, сиз ҳеч ўйламаяпсиз. У шундай депти. Севибди ҳам. Сиз ҳам севасиз. Лекин... Ҳозир уйланиш шартмикин-а? Бундан ташқари мактаб бор, ўқувчилар, ўқитувчилар... яна бошқа... вазифалар... Ахир, уят бўлмайдами? Бу мактаб тарихида бўлмаган иш. Иккита ўнинчи синф ўқувчиси...

Тилов тиззалари кўзини чангаллаб, лабларини қимтиди-ю, бурнидан чуқур нафас чиқариб, Жамшидга тикилди.

— Буёғидан ҳам хотиржам бўл, ука. Хўпми? Буёғини ҳам ўйлашиб кўрганмиз. Умуман, сен... аҳ!

Жамшид чиқиб кетди. Лекин унинг дарсхонаси эшиги очилмасидан Тилов айвондан тап-туп овоз эшитди. Деразага отилди. Зайнабхон эркакча калиш кийган амиркон этигини ерга уриб, қорини қоқар, Жамшид онасига хўмрайиб қараб турарди. Зайнабхон кастрюлга ишора қилиб бир нарса деди. Жамшид бош ирғади. Шу билан иккови икки ёққа йўналишди. Тилов чуқур хўрсинди. Изига қайтиб, эшикни очди. Зайнабхон кирди.

— ...Йўқ, ўғлим, мен бу фикрингга қўшилмайман, — деди Зайнабхон.

— Опажон...

— Ақалли мактабни битиринглар, кейин бир гап бўлар.

— Опа... Мен шу ёшга кириб, сиздан... каттароқ бир нарса илтимос қилганим йўқ.

— Биламан... лекин бу илтимосингни бажаролмайман.

— Ахир, ахир, у мени яхши кўради? Биз ёш ҳам эмасмиз. Ўн саккизга кирдик.

— Айни ёшсизлар, ўғлим. Ҳайронман, у сени яхши кўрса, сен ҳам уни яхши кўрсанг, бирга ўқиб, ўйнаб юравермайсизларми? Бир-бирларингни кўпроқ синайсизлар ҳам.

— Опа, мен у билан, мана олтинчи йил бирга ўқи-ялман. Шу олти йилдан бери бир кўчадан қатнаймиз. Биргамиз... Мана, у... мени... яхши кўрибди. Мен... ҳам. Ахир, у мени билмаса, мен уни билмасам... шунақа бўлармиди?

— Лекин синашганмисизлар?

— Ахир, синашиш шудир-да?

— Йўқ. Синашиш энди бошланади, ўғлим. Менинг назаримда, ўн саккиз яшарлик давр киши умрида энг нозик, масъулиятли даврлардан бири. Бу даврда кишининг туйғулари кўпирган бўлади — ақлга бўй бермайди. Тажриба бўлса, кам.

Тилов тишини тозалаётгандай, лабларини чўччайтириб айлантирди. Бу гаплар унга ҳеч нарса бермагани кўриниб турарди.

— Мана, севдим деяпсан, — давом этди Зайнабхон. — Балки бу севги ҳам эмас-у, бир ҳавасдир... балки.

Тилов қизариб, ҳақоратланган кишидек Зайнабхонга қаради. Бир муддат лабларини қимтиб турди-да:

— Опа... бўларини айтинг, — деди.

— Айтдим, — деди Зайнабхон.

«Урнимда Жамшид бўлганда, унга ҳам шундай дермиди? — деди ичида Тилов. — Ўгай-да, ўгай бу... Нега отам бошқага уйлана қолмади? Балки у...»

— Бўлмайдими, опа?

— Ҳа.

— Раҳмат.

\* \* \*

— Энангни фикри маъқул, — деди ота ҳам.

— Отажон... Ахир сиз...

— Қир, дарсингни қил!

— Ота... — ерга қараб тўлиқиб гапирди Тилов: — Опам билан фикрингиз бир... Ахир, сиз... Отам! Мен энди... — Тиловнинг қулоғига: «Эртага совчи келмаса, тамом», деган овоз эшитилди. — Ота, мен... кетаман... бўлмаса бу ердан!

— Кетасан? Қаёққа?

— Менинг туғилган ерим бор... — давомини ичида айтди: «Сиз мана шу хотинни деб, у ерни ташлаб келдингиз, мен у ерни ташламайман!»

— Туғилган ер... — аста гапирди Жалолов. — Хўп ватанпарвар чиқибсан-да, ўғлим. Майли. Бор! Кет!

Тилов отасига анқайиб қараб қолди ва орқаси билан юриб-юриб бўсағагача борди. Дивандан тураётган Зайнабхонни кўрди-ю, эшикни шарақлатиб очиб, бурчакдаги тосни ағдариб чиқиб кетди.

\* \* \*

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман, — деди Умида Тиловнинг таклифига жавобан. — Нима, ўғримизми қочиб кетамиз?

— Ахир, улар...

— Уларни унатиш керак. Ё... сизга бошқа кишини оберишмоқчимиз?

— О, йўқ! Айтдим-ку, ақалли ўнни битиринглар дейишяпти.

— Сиз айтмадингизми, ўнни битиргач, у бошқа кишига тегиб кетиши мумкин деб? Бўлади-ку шунақасиям ҳаётда?

— Рост... Лекин бари бир унашмайди... Умида, кетайлик! Даштда ўзимизнинг уйимиз бор. Дашт жуда чиройли. Жуда яхши бўп кетган. Яшаб юраверамиз. Кейин ўша ёқдан ўқишга кетамиз... Умида! Мен уйдан кетдим... Уришдим улар билан. Отам кет, деди. Кетдим. Энди менинг иккита илинжим бор: сен-у, дашт! Кетайлик!.. Ахир нимага? Ахир, мени севадиган бўлсанг, мен қаерда бўлсам, сен ҳам ўша ерда бўлишинг керак-ку, а?

Умида жим қолди. Сўнг чуқур хўрсиниб:

— Сизда феодализм қолдиғи борга ўхшайди, — деди... — Ўзингизни ўйлайсиз. Нега энди сиз истаган ерга мен боришим керак экан-у, мен истаган ерда сиз қололмас экансиз?

— Уф... Бу гапинг ҳам тўғри. — Тилов ёқасини кўтариб, гужанак бўлиб олди. — Хайр бўлмасам, Умида. Мен ўзим кетаман.

Тилов аста бурилди ва нимпальтоси ичига яшири-ниб, ғарч-ғурч қор босиб кетди.

## XI

Умида Тиловнинг орқасидан бирпас қараб турди-да, чақирди:

— Тилов! Тилов, тўхтаг!

Тилов олма тагида тўхтади. Умида тез бориб, унинг қаршисида туриб олди, ёқасидан шўх тортиб, кулимсиради.

— Рости билан кетяпсизми?

Тилов чимирилди.

— Нима, ёлғон деб ўйлаяпсанми?

— Ёлғон, — деди Умида. — Менга аччиқ қилиб, ёлғондакам кетяпсиз.

Тилов бошини қимирлатди.

— Йўқ. Умида. Бари бир кетишим керак эди. Мен даштликман.

— Сиз ёввойисиз. Ўқиганмисиз, Лермонтовнинг шундай шеъри бор:

Мен яшаш истайман, истайман ғамни,  
Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ.

Бир муддат Тиловнинг оёғи остида қор ғижирлади.  
— Йўқ, Умида, — деди у бошини кўтариб. — Мен

ғамни яхши кўрмайман. Мен ғамдан қочаман. Мана, қочиб кетяпман. Унга қарши курашишга эса, кучим етмайди. Мен даштимга бораман. Уйлайманки, ҳаммасини эсдан чиқараман. Умида, сен даштни кўрмагансан, билмайсан. Гоҳо эсласам, йиғлагим келиб кетади. Тасаввур қиласанми, Умида, дашт кенг, жуда кенг. Осмониям — кенг. Булутлариям — катта-катта. Дашт-даям шунақа қишлоғимиз бор. Лекин уни бу ердагидай ҳар тарафдан тоғлар қисиб турмайди. Қишлоғимизнинг ўртасидан дарё оқади. Чуқур, тезоқар. Биз унда чўмилар эдик. Бу ерда толнинг ҳиди билинмайди. Дарахтлар кўплигидан бўлса керак. У ерда жуда яхши билинади. Биз шу толлар тагида ошиқ ўйнардик. Мен сендан яширмайман: шу опам билан Жамшидлар борди-ю, менинг ошимга заҳар қўшилди. Гап шундаки, мен отамни жуда яхши кўрардим. Ахир, онам ўлган... Айниқса, шундан кейин отамга жуда боғланиб қолган эдим. У кишини ўртоқларидан ҳам қизғанардим... Сен зерикмадингми, Умида, мен...

— Йўқ-йўқ, гапираверинг. Мен билмас эканман, сиз жуда образга кириб гапирар экансиз.

— Кечирасан, Умида, артистлар образга кириб гапиреди... Умида, нега ерга қарадинг? Сенга тегиб кетдими гапим? Мен, умуман айтдим-да.

— Тўғри-тўғри. Хўш, давом этинг.

Лекин Тилов энди давом этмаса ҳам бўлишини тушунди.

— Майли, энди, — деди Тилов. — Сен совқотдинг. Мана, мен ҳам совқотдим. Менинг ўзи совуққа чидамим йўқ. Даштда бу ердагидай совуқ бўлмасди.

Умида унга тикилди.

— Кетасизми?

— Ҳа.

— Кетмасангиз-чи?

— Нима қиламан бу ерда? Йўқ, Умида, кетаман, — Тилов Умиданинг юзидан маъно қидирди. Умида гангиб турарди. — Сен кетмайсан-а, Умида?

Умида бошини аста қимирлатди.

— Хайр, Умида.

— А, мактабингиз-чи? Уқиш-чи? Уқишни ташлайсизми ё?

— Буни ўйлаганим йўқ... Кўрмайсанми, мен ҳамма томондан боғланганман бу қишлоққа. Даштда бешинчи



синфгача ўқишади. Қолганлари бу ерга келиб, интернатда туриб ўқишади.

— Тўхтанг. Бўлмасам... сиз ҳам интернатда туриб ўқисангиз-чи?

— ...Қабул қилишармикан?

— Нега қабул қилмасин? Интернатнинг директори Тошевни яхши одам дейишади-ку.

— Тўғри, мен шу кишига бир учрашиб кўрай...

Қизиқ бўлди-да.

— Шундай қилинг.

— Энди эртагача хайрлашамиз.

— Хайр, — деди Умида кулимсираб.

\* \* \*

— Мунча йўқолиб кетдинг?

— Тарихдан бир темани сўраб олдим-э.

— Жамшид эканми у?

— Ҳа, — деди Умида ва эчки терисидан қилинган пахмоқ пўстакка ўтирди.

— Сенга ўзи бир гап бўлган, — деди Рўзи хола. — Бошингни кўп айлантирма, ўқишингни бил. — Тиззасида чўккалаб дастурхонни у томон сурди. — Кейин... энди кўп ҳам унга яқин бўлаверма. Катта бўпқолдиларинг. Ўртоқлик, дўстлик ўз йўли билан. Бас энди.

— Қўйинг, она, шундай гапларни.

— Болам, отанг ҳам айтяпти-да.

— Хўп. Бўлди. Иккинчи марта у билан гаплашмайман. Қутулдимми?

— Сенга бир гап гапириб бўлмайди.

— Ана, шундай!

Дарвозани кимдир тақ-тақ урди. Умида сапчиб турди.

— Ҳим, — деди Рўзи хола чойи тушмаётган чойнакни дастасидан ушлаб силкитиб.

— Нима «ҳим», нима «ҳим»?! Боринг, ўзингиз очинг! — Умида таппа жойига ўтирди.

Дарвоза яна тақиллади ва эркак кишининг «Норқул ака!» деган овози эшитилди.

— Ҳой, Мустафо ака-ку! — деди Рўзи хола. — Сен ўтир! — Қўнғир тивит рўмолининг елкасида осилиб ётган учини нягидан ўтказиб, бўйнини ўради, шимарилган кенг енгини силкитиб тушириб, ўрнидан турди. Онаси чиқиши билан Умида энгашиб, дераза ёнига

борди. Рўзи хола устундаги электр нури ёритиб турган айвонда бир тўхтаб, дарвоза тарафга «ҳозир», деди. Уртада ётган супургини оёғи билан четга суриб, кенг кўйлаги этакларини икки бармоғида чимчиб ушлаб, сал кўтариб, тош зинадан пастга тушди. Умида қаддини тиклаб бир тўлғанди ва форточкани очиб юборди. Дарвоза шифиллаб, ичкарига тортилди. Умида бошини буриб, қулоғини форточкага тутди. Ғўнғир-ғўнғир овоз келди. Лекин ҳеч нарсани тушунолмади. Бир пайт супа пастида онасининг қораси кўринди.

— Умида, буёққа қара.

Умида отилиб чиқди.

— Тилов акангни кўрмадингми?

Умида елкасини қисди.

— Дарсда бор эдилар. Кўрувдим.

— Йўқ. Шу оқшом? Ҳали?

— Ҳали? Йўқ. Ҳа, ҳали кўчага кетаётганга ўхшовдилар.

Рўзи хола дарвозага қаради.

— Кўчага кетаётувди дейди.

— Ҳеч нарса демаптими? — овозини баландлатиб сўради Жалолов.

— Йўқ-йўқ, — деди Умида. — Йўқ. — Кўрсатғич бармоғини чаккасига санчиб, лабини тишлади ва тезгина бурилиб уйга кирди.

— Нима бўптикан? — деди Рўзи хола қайтиб кириб, рўмолининг учини бўйнидан олар экан. — Қовоқлари солиқ кўринди амакингни. Бемаҳалда... Тилов қаерга кетаркан. Ўзи, бу замоннинг болаларига тушуниб бўлмай қолди.

Умида ичкари хонага йўналди.

— Чой ичмайсанми?

— Йўқ! Кейин...

\* \* \*

Жалолов боғ кўчадан чиқаверишда, мачитнинг рўпарасидаги ишхонаси — жун қабул қилиш пункти ёнида бир тўхтади. Каттакон икки тавақали дарвозанинг тирқишидан ичкарига кўз солди. Ҳовли чироғи ёқик, бурчакдаги қоровулнинг буткаси очиқ, пахмоқ пўстинининг барларини икки ёнига тушириб, курсида ўтирган қоровул оёқлари ўртасида турган пақирдаги қип-қизил чўққа бармоқларини тобляпти. Жалоловнинг

димоғига ўзига таниш, лекин негадир пайқамай юргани — туз ва ошланган тери ҳиди урилди-ю, бошини тортди.

Йўлакка чиқиб, тўхтади. Тўп-тўп одамлар кинотеатр томондан гаплашиб келишарди.

— Ҳа, Мустафо ака?

Жалолов йўлакда, елкасида бешотар, қўлларини узун енглари ичига солиб, банка томондан келаётган Норқул акани кўрди. Кўришдилар.

— Ҳозиргина Тиловингиз ҳам ўтиб кетганди шу томонга, — деди Норқул ака кинотеатр томонни кўрсатиб.

— Магазинга чиқаргандим, — деди Жалолов. — Уйда меҳмон бор эди.

— Нормат бекитиб кетди. Ресторан очиқ ҳозир.

«Кўп оғир одам-да, — деб ўйлади Норқул ака Жалоловнинг орқасидан қараб. — Умидани тезроқ узатсам бўларди-да. Кейин ўқийверарди ҳам. Жамшид ақлли Мақтайди ҳамма. Умидани албатта ўқишга обкетди. Бу замоннинг болалари ўқимаган хотин билан турмайди... Лекин Тиловберган бор-да, орада. Минг қилсаям ака у. Олдин у уйланиши керак. У қачон уйланади?.. — Норқул ака узоқда қораси кўриниб бораётган Жалоловнинг орқасидан яна қаради ва яна, — кўп оғир одам-да», — деб қўйди.

\* \* \*

Фильм тугаб, одамлар кетган, пол қилинмаган залда беш-олтита йигит-қизлар танца тушишар, ёғоч зина орқали чиқиладиган иккинчи қаватдан рски-ролнинг араблар ўзларига мослаб ишлаган варианты янграр эди. Танца тушаётганларнинг кўпчилиги шу кинотеатр атрофида яшайдиган рус, татар ва ўзбек болалари эди. Жамшидлар, умуман, мактаб болалари буларга қўшилмас, буларни «стиляга» деб атар ва музыкага ҳам қандайдир ҳадиксираш билан қарашарди.

Жалолов кинотеатр қаршисида тўхтаб, эшик оғзидан ичкарига қараб турган кассир аёлни чақирди:

— Апипа! Бизнинг Тилов йўқми шу ерда?

— Йўқ, Мустафо ака, — деди Апипа опа, — у кинодан кейин қолмайди. Ҳали бир кўринувди, кир дедим, кирмади, ариқдан ўтиб, уёққа кетди. Интернатга киргандир — болаларнинг олдига.

Жалолов интернат ҳовлисига кириб, бурчакда қор билан қўлини ишқаб юваётган боладан:

— Даштлик болалар қаерда туради? — деб сўради. Бола кўрсатди. Эргаштириб бориб, эшикни очмоқчи эди, Жалолов қўймади. — Раҳмат, ўғлим, ўзим. — Ярмигача парда тутилган деразадан мўралади.

Тилов тўрда каравотда ботиб ўтирар, сочлари кирпининг пўстинидай диккайиб кетган бир ўсмир ёғоч сопли пичоқнинг учини пастга қаратиб, ичига қовурдоқ солиб қотирилган қўй қорнини қирқарди.

Жалолов бир зум тикилиб турди-да, секин изига қайтди. Ресторандан бир килограмм шоколад билан олтига сомса олиб қайтиб келди. Сал ўтмай бу хона кенг пешонали, ёноғи туртиб чиққан бир талай ёшларга тўлди...

Ярим кечадан оққанда, болалар Жалолов билан Тиловни узатиб чиқдилар. Осмон очилиб кетган, юдузлар тигиз, совуқ чарақларди.

— Шу-да энди, — деди Жалолов. — Одам деганнинг кўнгли кенг бўлса тузук. Ҳали битталаринг ҳам айтдинглар: кишига уч газ ер эмас, бутун ер шари керак деб. Кўп маъқул гап. Ҳалиги уйланишга келсак, у қочмайди, киши ҳар қандай ишга ошиқса ошиқсин-у, лекин бу ишга ошиқмагани маъқул. Мен оталарингиз қаториман, буни биламан... Энди, йигитлар, катталар ўзлари қилган хатони кичиклар такрорламасин, деб гапирадилар-да. — Сўнг болаларни уйга бориб туришга таклиф этиб, хайрлашди.

## ХИ

Ёз келди. Уриқлар пишди. Жамшид Тошкентга, САГУнинг журналистика бўлимига, Тилов эса ТИИМСХга кириш учун тайёрлана бошлади: кейинги вақтда унинг агроном бўлиш орзуси ўзгарган, у инженер-ирригатор бўлишга аҳд қилган эди. Умида эса пьесаларга шўнғиди.

Уларнинг ўзаро муносабатлари қандай?

Тилов бу тўрт ой давомида Умидага бирор марта ҳам юзма-юз келмади. Лекин уни кўрганда, унга ўзи истамаса-да, тақдирга вақтинча тан берганини англа-тар, гўё, «яқин қолди, яқин қолди», дер эди.

Умида-чи? У ўша учрашувлардан сўнг бир неча кунгача паришон бўлиб юрди. Сўнг аста-секин унинг туйғулари сусая бошлади. Жамшидга шунчаки ижирғаниб қарар, Тиловга нисбатан кўнглида шунчаки илиқ

бир ҳурмат пайдо бўлган эди. Лекин гоҳида образлар оламида сайр этаркан, ўша бўронли, табиий ҳаёт оқими остин-устун қилиб юборишга қодир туйғулари бирдан исён қилиб қолар, лекин тезда босиларди.

Жамшид қандай аҳволда? Буни билиш учун унинг ўзига шу саволни бериш кифоя. У елкасини қисади, холос. Лекин кўзларида қандайдир гашлик ва тушунлиши қийин бўлган бир ўкинч кўринади.

Шундай кунларнинг бирида:

— Опа, мана ўнинчини ҳам битирдик, — деди Тилов Зайнабхонга.

Зайнабхон Тиловга тикилиб, унинг вужудида барқ уриб турган ишонч ва қатъиятни, ҳамда орзиқиб кутилган бахт қаршисидаги ҳаяжонни кўрди-ю:

— Яхши, — деди. — Тўйни ҳам ўтказамизми?

— Кейин, бирга ўқишга кетардик-да, — деди Тилов.

— Хўп, эртага совчи юбораман.

\* \* \*

— Эртага совчи келади.

— Совчи? — деди Умида қошларини кўтариб.

— Ҳа, — деди Тилов. — Нима эди?

Умида оч-пушти тирноқларига тезгина қараб олиб, кулимсиради.

— Шунақами?

— Ҳа.

— Биласизми, Тилов...

— Умида, сен ўзгариб қолганга ўхшайсан?

— Ўзгарганга ўхшайман?

— Яширма, Умида, яширма.

— Нимани яшираман?

— Эртага совчи келади. Тўй ҳам шу ҳафта ичида бўлади.

— Тўй?

— Умида!

— Секинроқ... — деди Умида гижиниб. — Отам уйда.

— Хўш? Мана, жим бўлдим... Гапир!

— Мен сизга айтдим-ку, — деди Умида дона-дона қилиб, — эртага совчи келмаса, севишингизга ишонмайман деб ўшанда?

— А-аа... Демак, ҳозир ишонмайсан?

Умида кулимсираган бўлди, индамади.

— Умида, — жилмайди Тилов. — Нима қиласан мени

алдаб? Бошқани яхши кўрдим, деб айтиб қўя қолмай-санми? Қизиқ... Ахир, ўшанда...

— Бошқани? Кимни? Қўйинг бундай гапларни. — Умида хотиржам гапиришга ҳаракат қилган бўлса-да, лекин қизишиб борарди.

— Умида, — Тиловнинг овози бирдан пасайди. — Мени алжиратяпсан шекилли?

— Оббо.

— Хўш, энди мен нима қилай? Сени... сени ўзи тушуниб бўлмайди. Нима бўлган сенга ўзи?

— Менга... — пичирлади Умида. Ёноқлари лов ёнди-ю, шарт қайрилиб, ичкарига кирди. Дарвозани занжирлаётган эди, Тилов тезгина тирқишдан қўл солиб, унинг бармоқларини ушлади. Умида қўлини тортиб чекинди. Тилов ҳам ичкарига кирди ва айвонга кўз ташлаб, Умиданинг қаршисига ўтди.

Умида йиғларди.

— Умида! — Тилов унинг қўлини тортди. — Умида, нима бўлди? Ўзингни тут. Гапир бундай.

— Мен ўзимни ўзим тушунмайман, тушунмайман, — деди аста Умида ва илкис Тиловга боқди. — Тилов, сиз айтинг, мен нима қилай?

— Мени... яхши кўрасанми? Олдин сен шуни айт? — деди Тилов.

Умида четга боқиб, бош қимирлатди.

— Олдин... йўқ. Ҳозир... билмайман. Тилов, билмайман.

Бирдан Тиловнинг хаёлига: «Қиз уяляпти», деган ўй келди ва:

— Мен кетай энди, — деди.

— Энди нима бўлади? Эртага... совчилар келадими?

— Йўқ, — деди Тилов секингина.

— Йўқ?

— Ҳа. Ўзинг айтдинг-ку!

— Уф. Тилов, менинг келажагим яхши бўлмайди.

— Бекор гап.

— Йўқ, мен биламан, биламан.

— Қўй, бунақа гапларни... Эртага совчи келади!

Умида унга қаради-ю, анқайиб қолди.

— Умида, нима бўлган сенга, нима? — ўшқирди Тилов.

Умида ерга қаради ва «менга бари бир-ку, бари бир-ку!» — деди. Деди-ю, яна узоқ туманлар орасидан Жамшид кўринди, яна қалбини узоқ туманлар ораси-

дан таниш туйғулар, фикрини таниш ўйлар ўраб ола бошлади: «Ҳамма — одам... Жамшид... Тилов мени севади... Уч... Қайним... Катерина... Жамила...»

— Хўш? — деди Тилов.

— Ҳозир. — Умида яна бир зум ўйланиб турди-да, — эртага эрталаб жавобини айтаман, — деди.

Эртасига:

— Совчи келсин, бугуноқ келсин, — деди.

Тилов Умидага боқиб, ўша қиш кунда, кўча муюлишида: «Мени севадими?» — деб турган шаддод қиз Умидани кўрди.

\* \* \*

— Хўш, нега сен хурсанд бўлмаяпсан, Жамшид ука?

— Нега, хурсандман, — деди Жамшид. Лекин унинг хурсандлигини ҳам, хафалигини ҳам билиб бўлмасди.

\* \* \*

Умида тўйнинг эртасига уйғониб, ўзини қип-қизил бахмаллар билан безатилган нотаниш уй ичида кўрди ва атрофга гангиб назар солди. Сўнг бирдан ўзини Мирзакаримбойга тушган Гулнорга ўхшатиб, маъюс кулимсиради. Шу пайт ҳовлидан эшитилаётган ғувур-ғувур эркаклар овози ва кимнидир кимга шошилинич иш буюргани қулоғига кирди-ю, аста ўрнидан тура бошлади. Ярим туриб, эғнидаги оқ ипак кўйлакка кўзи тушди ва беҳол тортиб қолди. Сўнг чўчиб, ёнига қаради. «Наҳотки шу ерда Тилов ётди кеча?» Ёстиққа қаради. Ёстиқ аслича, қаппайиб турарди. Умида гарангсиз деразага боқди. Ташвиш, ташвиш, ташвиш... «Ҳаммаси мен учун», деди ўзига-ўзи. Эшик қия очилиб, Тиловнинг дағал сочли, кенг юзи кўринди. Умида тезгина ўринга кириб, кўрпани томоғига тортди, хаёлидан: «Шу менинг эрим», деган ўй ўтди. Тилов кириб, бурчакдаги стулга ўтирди. Қўлларини тиззасига қўйиб, уялиқираб, кулимсираб, Умидага термилди.

— Нега кирдингиз? Чиқиб туринг, чиқинг, — деди бирдан Умида. Тилов қизариб, ўрнидан турди, чиқди. Умида ҳам тезгина ўрнидан турди-да, худди ички кўй-

лагидай оқ; кўкрагига кўк ипак билан чиройли гуллар тикилган, енги калта кўйлагини кийди. Тошойна ёнида сочини наридан-бери тараб, эшикдан мўралади, тезгина даҳлизга чиқиб, бурчакдаги ханикда юз-қўлини ювди. Қайтиб кириб, оппоқ сочиққа артинди ва тўшагини йиғишга тушди. Йиғаркан, «кампирлар йиғади», дейишарди, деб ўйлади. — Энди эртароқ туриш керак. Келинлар эрта туриши керак. Келин... келин? — Умида бир дақиқа тинч қолди. — Энди мен келин? — ўзини кўзга кўринмас салмоқли бир нарса бирдан босганини ҳис қилди ва хаёлига лип этиб Жамшид келди. — Қайним... қайним! Ҳе. — Бу сўз энди унга фавқулодда ҳеч қандай лаззат бермади. Бу сўзда ҳеч қандай ҳақоратомуз, аччиқ бир маъно йўқдай: укам, акам, синглим каби сўздай туюлди. Уринни йиғиб бўлиб, бўшашиб туриб қолди. Сўнг аста дераза ёнига борди. Шоҳсупа пастида, ерўчоқдан чиқариб ташланган чалалар ёнида Жалолов билан отаси Норқул ака гаплашиб турар, турганлари кўйи чой ҳўплашарди. Умида отасининг юзини кўрмади, аммо қувончини шундоқ сизди. — Ҳозир отам кетади. Мен қоламан, — деб ўйлади. — Қоламан? Шу уйда? Ҳамишага? — Умиданинг юраги сиқилиб кетди. — Йўқ, йўқ! Йўқ... Ун кундан сўнг кетаман. Тошкентга! Театр институтига. — Умиданинг ўйига бир муддат саҳна келди. Қора кийган, атрофга қўрқув билан боқаётган Катерина, кимхоблар ичидан теваракка йиғлаб боқаётган Жамила келди. Умида бирдан ўзига назар солди. — Нега мен йиғламаяпман? Нега қора кийимда эмасман мен? — Сўнг кўз олдига вайсақи, очитдай аланглаган Ҳожюна ва Катеринанинг тўрсайган, лорсиллаган қайнанаси Кабаниха келди.

Эшик тақиллади. Зайнабхон кирди. Умида билан қучоқлашиб кўришди, қандай ухлаганини сўради. Сўнг биргалашиб, бурчакдаги устига оқ дастурхон ёпиғлиқ хонтахтани ўртага тортдилар. Теварагига янги, беқасам кўрпачалар солдилар. Сал ўтмай, Рўзи опа ҳам кириб келди. Анчагина чақчақлашиб, кулишиб ўтирдилар. Бир оздан сўнг Умида яна холи қолди. У кутган, содир бўлиши, бўла бошлаши керак бўлган нарсалар қорасини ҳам кўрсатмаган эди. Бундан кейин ҳам кўрсатмайдигандай туюлди Умидага ва бирдан уйларига кетгуси кепқолди. Эшикка ялт қаради, қаради-ю, шу эшик ҳам унинг кетишига тўсқинлик қилишини англади. «Нега? Нега?.. Мен энди келин... Тиловнинг хоти-



ни... Жамшид менинг... Жамшид! Қани у? Нега кўринмайди? — Умида ёнига сурилиб, яна деразага қаради. — Ана-ку у! Тилов билан гаплашиб турибди. Хурсанд. Кулимсираяпти. Нега? Нега хафа эмас? Нега ғамгин эмас? Нима бўляпти ўзи? Нималар бўляпти? Нима қилиб қўйдим мен?.. Қайним... Оддий сўз. Нима бўлди? Нима қилдим?»

Шундай қилиб, Умида тўйнинг эртасигаёқ ўз ниятига эришолмаганини, ўзини-ўзи алдаганини, унинг ўйлари билан табиий ҳаёт тўғри келмаганини тушунди.

### XIII

Бир оқшом Тилов хотини билан кинодан қайтиб келаётган эди. Кучли шамол эсар, оёқ остида хазон шилдираб югурарди. Тиловнинг оёғи тошга тўқнашиб кетди-ю, олдинга сакради. Умида унга бир қаради-да, юришда давом этди. Тилов кулимсираб унинг қўлтиғидан олди. Аммо бир неча одим юрмай, Тиловнинг миясига бир фикр келди: «Умида менинг қўлтиғимдан ҳеч ушлаб юрмади-я». Яна бир неча қадам юргач, Тилов астагина қўлини Умиданинг қўлтиғидан суғуриб олди ва у билан ёнма-ён кета бошлади. Умида бояги-боягидай юриб борар, Тиловнинг қўлидан ушлашни афтидан хаёлига ҳам келтирмасди. Тиловнинг кўнгли хижил бўлди.

Кўчага эгилган таниш олма шохни тагидан ўтдилар. Ўтдилар-у, бултур шу ердан ўтишаётганда, Умиданинг шохни тортиб қўйворгани, қорнинг ҳаммаси ўзининг устига тўкилгани Тиловнинг ёдига тушди. Тилов одатда кинодан чиққач йўл бўйи оғзи, гапдан тинмас, Умиданинг кўпинча артистларнинг ўйинга тегишли мулоҳазаларини шак-шубҳасиз қувватлар, уни давом эттириб, тўғрилигини қўшимча мисоллар билан исботлар ва фильмнинг ўзи жуда яхши тушунган жуда нозик ўринларини ҳам атайин, ўзини гўлликка солиб, Умидадан сўрарди. Бу оқшом уйга етгунча, бир оғиз ҳам гап қотмади. Умида ҳам миқ этмади.

Айвонга кўтарилишаркан:

— Жамшиддан сўранг, Чеховини берсин. Учинчи томини, — деди Умида.

Тилов титраб тўхтади. Секин бурилиб, Жамшиднинг хонасига кирди.

Жамшид каравот бошига елкасини тираб ўтирар.

тиззасининг кўзига жилди қалин, қора блокнотни қўйиб, қалам билан бир нарсаларни ёзарди.

— Келинг, ака, — деди у ва блокнотдан безор бўлгандай уни ёнига ташлаб, каравотдан тушди.

— Чеховнинг учинчи томини бераркансан.

— Пьесалариними? — Жамшид туриб, стол тўрига тахлаб қўйилган китоблар орасидан учинчи томни олди, очди ва ёзувчининг расмига тикилиб қолди. — Худди, хўш, гапиринг, ичингизда нима бор, деб турганга ўхшайди-я?

Тилов кулимсиради.

— Сенинг ҳам ичингда кўп гап бор-а, ука?

— Гапсиз одам бўлмаса керак.

— Ҳозир айт-чи! Шу тобда кўнглингда нима гап бор?

— Шу тобдами? Шу тобда ҳеч нима йўқ. Лекин бир секунд бурун битта шеърнинг мазмуни бор эди.

— Қандай?

— Мана, куз ҳам келяпти. Қушлар учиб кетади иссиқ элларга. Нима учун? Янги куч йиғиш учун, янги парвозлар учун. Баъзи қушлар эса, қолади. Улар қизиқмайди узоқ эллар билан. Шу ер, туғилган ери етади уларга. Зерикмайди булар. Шунга ҳайрон бўламан.

— Шуми?

— Шу.

— Мен эсам ҳайрон бўлмайман. Буларнинг қанотлари заиф. Кўрмайсанми, мана, мусича. У боғ атрофини бир айланса, чарчаб қолади. Шунинг учун бу ер унга афзал.

— Менинг гашим келади мусичага, ака. У ўзи яхши қуш, беозор қуш, ўйлашимча, бизга унчалик содиқ қуш бўлмаса керак. Лекин бари бир мен уни айблайман. Чунки унинг парвози йўқ.

— Парвозни жуда севасан-да, укам.

— Ҳа, ака.

— Мана, эрта-индин биз ҳам парвоз қиламиз... бирга.

— Ака, сиз ҳеч ўйлаб кўрдингизми, нима мақсадда парвоз қилар эканмиз?

— Бу нима деганинг? Уқишга-да.

— Хўш, нима учун ўқиймиз?

— Қизиқ, ўқимаса бўладими?

— Тўғри, бўлмайди. Лекин мақсадимиз бор. Сизнинг мақсадингиз нима? Инженер бўлиш? Хўш. Менинг

мақсадим журналист бўлиш. Умиданинг мақсади актриса бўлиш. Ҳа. Нима учун?

— Ука, сен журналист бўлмайсан. Файласуф бўласан.

— Нима мақсадда яшашни ўйлаган одам агар файласуф бўладиган бўлса, ҳамма файласуф бўлиши керак. Ака, бугун Етимтепага чиққандим. Сизнинг хуш кўрган тепалигингизга. Яна пионерларни кўрдим. Ака, ишонасизми, мен шунча вақтдан буён, гўдаклигимдан шу тепаликка чиқарканман-у, Наим аканинг қабрини кўрарканман-у, лекин бу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Нима учун? Нима учун Наим ака у ерда ётибди? Нима учун одамлар зиёрат қиладилар? Нима мақсадда у ўлган? Ака, у бизларнинг — авлодларининг бахтли яшашлари учун ўлган. Мана, бизлар бахтлимиз. Ака, ўйлаб қарасам, тарихимизда бизчалик, урушдан кейин кўзи очилган авлодчалик бахтли авлод ўтмаган. Нимани кўрдик биз? Революцияними? Гражданлар урушиними? Ё қизғин қурилишларними? Ёки иккинчи жаҳон урушиними? Кўрмадик. Фақат ўқидик тарихдан, эшитдик одамлардан. Шунда ҳам баъзан яхши ўқимадик. Кексалар гапирганда эса, баъзан «эзма» деб, «насиҳатгўй» деб қулоқ солмадик уларга. Мана, яшаяпмиз. Бахтлимиз. Бутун авлодларимиз тайёрлаган меванинг баҳрасини биз кўраяпмиз. Хўш, энди нима қилиш керак? Шундай яшайверишимиз керакми? Оталаримиз нима учун курашдилар? Мен, ака, оталаримиз деганда, ўша Наим акамниям, ўша ўз отамниям, онамниям, боринги, бизнинг бахтимиз учун курашган кишиларни тушунаман. Улар ҳаёт бахтли бўлсин, деб курашган эканлар, бизнинг вазифамиз уни янада бахтиёрроқ қилиш эмасми? Шу, ака, бизнинг ўқишга боришимиз ҳам, институтларга киришимиз ҳам худди шу мақсадда! — Жамшид ўрнидан туриб кетди. У, Тилов тинглаяптими, тингламаяптими — бу билан иши йўқ, қизишиб гапида давом этарди: — Биз ўз юртимизни севамиз. Аммо вазифамиз фақат севиш, завқланиш, маза қилиш эмас, йўқ! Уларни янада севимлироқ, завқлироқ қилиш. Ҳа.

— Ука, бу гапларни биламан мен ҳам. Дарсда ўқиганмиз.

— Ҳа, ўқиганмиз! Лекин бу ҳақда ўйлаб кўрганмизми ҳеч? Мана, битта киши... Кечирасиз, сизнинг хотинингиз...

— Хўш?

— Ака, илтимос, мени тўғри тушунинг. У киши ким бўлмоқчи? Актриса! Шундайми? Хўш, қандай актриса? Машҳур актриса! Нима мақсадда? Ана, гап қаерда? Мен Умида билан ёшликдан дўст эдим. Унинг ўйлари, мақсадларини оз-моз биламан. Мен илгари буларга эътибор бермас эдим. Уша, яшашимиздан мақсад нима эканини ўйлаб кўрмас эдим-да. У актриса бўлиб халққа хизмат қилишни эмас, Катерина, Жамила, Нина бўлиб, ҳаётдан дод дейишни орзу қилади. Эшитганмисиз? Биласизми? Хўш, шу замон одами, шу авлод, бизнинг авлодимиз вакили шундай орзу қилиши яхшими? Йўқ, ака, эҳтимол, ҳозир у бу фикрдан қайтгандир. Албатта, қайтади. Турмуш бунга йўл бермайди. Кейин, ака, хотинингизда яна битта ёмон одат бор. Бу — бировдан ўч олиш, то аламидан чиқмагунча тинчимаслик. Бу ёшлигидан бор эди унда. Ака, ўчда ҳам ўч бор. Оталаримиз тупроғимизни булғаганлардан ўч олдилар, шу йўлда кўплари ҳалок бўлдилар. Бу ўч бошқа энди! Бу душманга нисбатан ўч! Қонуний ўч! Аммо у ўч-чи? Ўз одамнингга, ўз дўстингга нисбатан ўч-чи!

— Тўхта, тўхта, Жамшид, Умида кимдан ўч олди?

— Билмайман... билмайман... ўзидан сўранг...

Тилов жим турди, турди-да:

— Мен тўғримдаям фикринг борми? — деди.

Жамшид Тиловга қараб, унинг ҳақоратлагандай аламли кўзларига тўқнашди ва:

— Ака, энди мен ўйлаганларимни айтяпман-да, — деди. — Майли, гапирмайман.

— Энди ука, мусичаям кунини кўради. Агар уям узоқ элларга кетса, билмадим, сен севган боғлар ҳувиллаб қолади. Унинг ҳам парвози бор, лочинчалик бўлмаса ҳам. Лекин унинг айби: ўзи туғилган, ўсган ерини яхши кўради. Умидага келсак... ҳалиги гапларинг менинг учун янги гаплар. Билмадим.

\* \* \*

— Битта китобни опчиқнишга шунча вақт кетдими?

— Гаплашиб қолдим.

Умида китобни юлқиб олиб, диванга ўтирди. Стол лампасини ўзига яқинроқ сурди.

— Ана, овқатингизни енг.

Тилов зўрға овқатланди. Сўнг туриб анчагача нари-бери юрди-да, Умиданинг ёнига келиб тўхтади.

— Умида, уч кун қолди кетишимизга. Дарсликларни ўқисанг-чи? Бунни ўқишга ҳаммавақт ҳам улгурасан.

— Менинг дарслигим шу, — деди Умида. Бир муддат китобга тикилиб турди-да, Тиловга бир қадар мулойим қаради. — Ахир, пьесаларни қанча кўп билсам, шунча яхши-да. Маҳоратга қарашаркан.

Тилов бурилиб, яна нари-бери юрди. Столнинг тортмасидан «Лалмикор ерлар» деган брошюрани олди. Варақлаган бўлди, яна жойига солиб қўйди.

— Ётмайсанми?

— Йўқ.

Тилов тахмон томон бурилган эди, Умида китобни қўйиб турди, тезгина жой солиб, яна диванга келиб ўтирди.

Тилов ўрнига кириб, қўлларини ёстиққа қўйиб ётди.

— Умида, сенинг аччиғинг тез-а?

Умида индамади.

— Сен бирон кишидан ўч олганмисан?

— Нима?

Тилов бошини илкис орқага солиб, Умиданинг тепадан ўқрайиб турган кўзларига боқди.

— Уч олганмисан деяпман?

— Нимайди?

— Ҳзим.

— Жамшид нима деди сизга?

— Жамшид? Нима дейиши керак эди?

— Нима дейиши... мен қаердан биламан? Шунча қолиб кетдингиз, бирон нарса дегандир-да, илгари чиқмасди бу гаплар сиздан.

— Тўғри.

— Менга қаранг, ухласангиз, ухланг, бўлмаса менга халақит берманг.

Тилов чойшабни тортди. Умида ўқишда давом этди. У Нинанинг Тригориндан ажралиб, актриса бўлиш орзулари барбод бўлиб қайтиб келгач, уни жон-дилидан севувчи, унга ҳаётини ҳам бағишлашга тайёр турувчи Треплев билан тунда учрашиб қолган ерни ўқиган эди, яна қайта ўқиди:

«Нина (*қулоқ солиб*). Тсс... Мен кетай. Хайр. Мен машҳур актриса бўлиб кетганимда, кўргани келинг. Ваъда берасизми? Энди хайр... (*қўлини қисиб*). Кеч бўлиб қолди. Мен зўрға тикка турибман... Жуда ҳолдан кетганман, овқат егим келаётибди.

Т р е п л е в. Қолинг, овқат келтираман.

Н и н а. Йўқ, йўқ... Кузатманг мени, ўзим етиб оламан... Отларим яқинда туришибди... Демак, Ирина Николаевна уни ўзи билан бирга олиб келибди-да? Майли, бари бир. Тригоринни кўрганда, унга ҳеч нарса деманг. Мен уни севаман. Мен, ҳатто илгаригидан ҳам қаттиқроқ севаман... Севаман, қаттиқ эҳтирос билан севаман. Илгари яхши эди, Костя! Хотирингиздами, қандай равшан, илиқ, хушчақчақ турмуш эди. Нақадар тотли ҳислар — худди чиройли, новик гулларга ўхшаш ҳислар...»

Умида ўқишдан тўхтади. Бир зумда унинг аламли тажанг кўзлари мулойимлашиб, синиқ, ҳаяжонли ва телбанамо бир ифода қалқди уларда. Лаблари қуруқшаб, юзида оғриқ кўпчиди. У худди Нина бўлиб олди ва овоз чиқармай бу парчани хаёлида такрорлади.

Тилов қисқа-қисқа нафас олиб ётарди. Ниҳоят, чироқ ўчди. Умида ўринга кирди ва тескари қараб ётди. Тилов титраб, унинг елкасидан ушлади. Ўзига қаратди.

— Ҳа? — деди Умида бўғиқ.

— Умида, менга бир нарсани айт. Фақат яширма. Мени... сеvasанми, йўқми?

Умида Тиловга тикилганича жим қолди.

— Нега ўйланиб қолдинг, Умида?

Умида деразага қаради.

— Шу саволга жавоб бериш ҳам шунчалик қийинми?

— Секинроқ.

Тилов ҳолсизланиб, чойшаб четини тишлади, лекин тезгина туфлаб ташлади.

— Жон Умида, ростини айт. Сенга бир оғиз ҳам қаттиқ гапирмайман. Фақат айт, сеvasанми? Менга севиб текканмидинг? Ростини айт.

Умида чуқур хўрсинди.

— Мен... энди сизнинг хотинингизман-ку, — деди у ниҳоят.

— Йўқ, бари бир. Қайтага айтишинг керак.

— Айтайми?

— Айт.

— Кейин хафа бўлмайсизми?

— Йўқ. Асло.

— Йўқ, бари бир хафа бўласиз.

— Айтдим-ку ахир?

— Майли... Жамшиднинг менга муносабатини билармидингиз?

— Билардим.

— Қандай эди?

— Дўст... дўстларча, дўстона...

— А, меникини-чи?

— Оз-моз.

— Шу. Билсангиз... Мен ҳалиям... уни севар эканман.

Тилов оғзини катта очиб, калта-калта нафас олди. Сўнг кўзларини юмиб, юзини ёстиққа босди. Ёстиқ бирпасда қизиб кетди.

— Айтмадимми... хафа бўласиз деб?

— Йўқ-йўқ, хафа эмасман, ҳеч хафа эмасман, — деди Тилов тезгина. Оёғи Умиданинг оёғига тегиб турганини фаҳмлади-да, дарров тортиб олди.

— Тилов.

Тилов индамади ва ёстиқни ағдариб ётди, лекин ёстиқнинг бу томони ҳам тезда қизиб кетди. Тилов ёстиқниғижимлаб нари сурди.

— Тилов, — деди Умида яна, — кет десангиз... кетаман, майли.

— Бас! — Тилов секин туриб, тез ташқарига чиқди.

Шамол, шамол! Ой кўринмайди, гўё уни ҳам шамол учириб кетган. Боғ тўлғанади, шовуллайди. Қарс этди бир нарса — шох синиб тушди.

Тилов супадан тушиб, шамолга юзини тутиб турди. Сал совиди. Бурилди. Бурилди-ю, биқинидаги уйча деразасига кўзи тушди. Чироқ. Уғридай секин юриб дераза ёнига борди. Дераза баландроқ эди. Оёғининг учида кўтарилиб қаради. Жамшид уй ўртасида қўлларини ёнига тушириб қаққайиб турар, бир нарсага диққат билан қулоқ солаётганга ўхшарди. Тилов чимирилиб товонини ерга қўйди. Қўйди-ю, ўзини бирдан ғариб ҳис қилди. «Мен нимага ўртачяпман! Нимани ўйлаяпман? Пачоқ одам мен! А, бу-чи? Жамшид-чи?» Тилов деворга суянди. Сўнг бир-бир босиб уйга кирди. Тўшак томон бораркан, Умиданинг нарига сурилганини сезди. Умиданинг касали бор-у, тегиб кетса юқиб қоладигандай, кўрпани астагина кўтариб, чеккага чўзилди. Юзини ёстиққа қўйди. Ёстиқ нам, иссиққина эди. «Йиғлабди» деб ўйлади. Сўнг бирдан юраги ачишиб кетди. Унга ачинди, ўзига ачинди. Ёнида хотини Умида эмас, ўз бахтини ўзи қора қилган, алданган

ночор кимса ётгандай бўлди. Умиданинг елкасидан журъатсизгина тортди. Умида итоаткорлик билан бурилди-да, Тиловнинг бўйнидан маҳкам қучоқлади. Унинг юзлари ҳам ҳўл эди. Бир пайт Тилов Умиданинг бир-нима деб пичирлаётганини эшитди:

— Мен сизни хафа қилдим, Тилов, хафа қилдим.

— Йўқ, йўқ, — деди Тилов.

— Сиз уни юрагингиздан чиқаринг. Менинг учун у йўқ. Аллақачон... аллақачон...

Тилов титраб уни бағрига босди.

— Мени якка қолдирманг, қолдирманг.

«Эшикка чиққанимда», деб ўйлади ва:

— Мени кечир, кечир, — деди... Бироқ орадан икки кун ўтгач, Тилов Умидани бир ёки бир неча соатга ҳам эмас, узоқ, уч йил муддатга ташлаб кетадиган бўлди: у ҳарбий хизматга чақирилиб қолди.

\* \* \*

Тилов эрта кетадиган кун Умида тун бўйи мижжа қоқмай чиқди. Машина ёнида эри билан хайрлашаркан, сассиз шундай йигладики, гўё Тилов уч йилга эмас, мангуга кетаётгандай эди. Тиловни ҳам фавқулодда ҳаяжон босиб, қандайдир, қўрқинчли бир нарсанинг бошланаётганини, яқинлашаётганини ҳис этди, аммо ўзини тутди.

— Йиглама, — деди Тилов Умидага, йиглама. Ҳадемай уч йил ўтиб кетади... Биз иккаламиз бирга институтга кетамиз.

Оила аъзолари ўзаро келишиб, Тилов ҳарбийни битириб келгунича Умиданинг уни кутишига, унгача бирор мактабнинг драма тўгарагида ишлаб туришига қарор қилган эдилар.

— Сен артист бўласан, мен — инженер. Кўрасан, бу тоғдан бари бир сув чиқараман, Умида. Умида, худо урсин, мен аниқ эшитдим. Тоғнинг тагида сув бор экан. Бир вақтлар уни инженерлар ҳам текширишган экан. Лекин у сувни очсалар, бу қишлоқни ҳам, яқин-атрофдаги қишлоқларниям сув босиб кетаркан. Лекин мен унинг йўлини топаман. Очаман. Кейин у сувни даштимизга олиб бораман. Сен билмайсан бизнинг даштни. У ерда ҳамма нарса бор. Фақат сув йўқ. Кичкинагина дарёчаси нима ишни қила оларди. Сув бўлса, мана шу ердаги чорбоғлардай боғлар бунёд бўлади.



Балки бу ердан ҳам чиройли бўлиб кетади. Боёқиш бувимизни эслайсанми? Нима деб васият қилган эдилар. Унинг васиятини жуда ўринлатиб ҳам бажарамиз шунда. Умидам, мен сув чиқаргандан кейин сени Ширин деб атаيمان, хўпми?

Умида уввос тортиб йиғлаб юборди.

Тилов Зайнабхон билан хайрлашаркан:

— Келинингизга эҳтиёт бўлинг, опажон. Битта илтимосим шу, — деди. Сўнг Жамшиднинг ёнига борди. — Мана, ука, парвоз қиладиган бўлдик.

— Сизга ҳавасим келади, ака.

Тилов кулимсиради.

Тилов отаси билан узоқ гаплашди. Ота унинг гапларини диққат билан эшитди-да, у сўзини тугатгач, бир нарсадан ҳайрон бўлган кишидай, ўғлига паришонҳол боқди, сўнг ўқрайди. Тилов эса бошини эгиб, хўрсинди.

Уйга қайтиб келишаркан, Жалолов Жамшид билан Умидага тикилиб-тикилиб қаради.

\* \* \*

«Буёғи нима бўлади?» — деб ўйлади Умида шу кеча ва шу кеча биринчи марта бурилиб, орқасига, босиб ўтган йўлига қаради. Болалик... Ўйинқароқ болалик... Ўқиш... Жамшид... Образлар... Уч... Тилов... Келин... Уй...

«Нима бу?» Умида бирдан ўз ҳаётида ҳеч қандай маънили, табиий бир нарсани кўрмади. Назарида, шу кунга қадар қандайдир бир ролни ўйнаб келаётгандек эди-ю, фавқулодда пьеса тугаётгандек туюлди. Сўнг шунинг учун ўтмишни эслаётгандек, демак, хулоса, яқун яқиндек туюлди. Яқунни ўйлади. Тасаввур қилолмади. У ҳам маънисиз, нотабиий бўлиши кераклигини сезди. «Қачон?» Бу ҳам номаълум. «Шундай яшайверманми энди? Ким бўлмоқчи эдим. Актриса... Йўқ, йўқ: Катерина, Жамила, Нина... Энди актриса ҳам бўлмайманми? Мен саҳнада ўйнашим керак! Уйнашим керак! Қачон? Уч йил... беш йил... Нега Тиловни кутишим керак? Нима учун? Ахир, мен Тиловни севмайманку? Тилов, Тилов! Мени севма! Мен арзимайман! Мен алдоқчиман. Зайнаб опа, сиз мени яхши кўрасиз-а? Мени жигарим дейсиз-а? Мен эсам, бегонаман, ҳа, бегонаман, опажон! Мен риёкорман! Мен алдаб юрибман сизни ҳам. Мен... бу оиладан кетишим керак! Ке-

тишим керак. Мен, умуман... Йўқ-йўқ. Мен яшашим керак! Мен актриса бўлишим керак!» Шунда бирдан Умиданинг кўз олдига илгари ўқиган пьесалари, улардаги мағрур, келажакка ишонувчи, одамлар учун бириш қилиш истагида юрган кўнгли очик, нурли аёллар келди. «Мени ўз сафларингизга олингизлар, — шивирлади Умида. — Мен сизларнинг ролларингизни... Йўқ-йўқ. Мен ўзимни оқлайман. Мен ҳам пок бўламан. Мен ҳам сизлардай яшайман. Мен, мен, ахир, йигирманчи аср одамиман!

Хайр энди, хайр. Ҳаммангизга хайр!»

Икки кундан кейин Жамшид кетди.

Яна икки кундан кейин эса, эрталаб кичкинагина тугуни билан ташқарига чиқди Умида. Теварак-атрофни енгил оқ туман қоплаб ётар, Етимтепа усти оч-сарғиш эди. Умида дарахтларга, йўлларга, уйга, меҳмонхонага бир-бир қаради. Бирдан ҳаммасининг қадрдон бўлиб қолганини ҳис қилди-ю, кўзига дув ёш келди. Хайр! Тез-тез юриб, йўлка билан дарвоза томон кетди. Дарвозадан чиқиб, оқ-сарғиш туман ичига сингиб кетди.

Зайнабхон чошгоҳларда Умиданинг уйига кириб, стол лампасига суяб қўйилган, Умиданинг қўли билан ёзилган бир хатни топди.

«Опажон! Мен уйлариңгиздан бутунлай кетдим,— деб ёзган эди Умида. — Мен биров билан қочиб кетганим йўқ. Ёки сизлардан ёмонлик кўриб кетганим йўқ. Балки ёмонлик кўрганимда шундай яшайверармидим. Опажон, мени кечиринг, деганим билан бари бир кечирмайсизлар. Мен ўзим ҳам ўзимни кечирмайман. Мен фақат бир нарсани хоҳладим: авваламбор сизларни, сўнгра ўзимни алдаб яшагим келмади... Бунинг сабаблари жуда мураккаб. Балки Тилов билан Жамшид кейинчалик гапириб беришар — улар билишади. Опажон, шу кетишда мен ўз ота-онамнинг ҳам юзини қайта кўрмасман. Лекин начора? Одам бўлиб, кишиларни алдамай, ўзимни алдамай, яшагим келди...»

1964

# Ҳикоялар

## БУЛУТ ТУСГАН ОИ

*Тўхтасин оғага бағишлайман.*

### 1

Ёмғир шундай куч билан қуя бошладики, бекат айвонида туришнинг иложи қолмади. Бунинг устига, гувиллаб шамол эсар, ёмғирни букиб-қайириб айвон остига ҳам урар эдики, устунлар орқасига яшириниш ҳам фойда бермади. Мен плашнинг ёқасини кўтариб, шляпа гардишини пасайтириб, ресторанга қараб чопдим. Ресторанга кираверишдаги айвонча остида ҳам ёмғирдан қочганлар кўп эди. «Ке, шамоллаб-нетиб қолмайин. Барибир кечки овқатга етолмайман», деб ойнаванд, залворди эшикни очиб, ичкарига кирдим. Табиий, димоғимга ичимлик, сигарет ҳиди урилди, қулоғимга жазавали ғарб мусиқаси эшитилди. Мен шляпамни силкитиб, ёқамни тушириб, устки кийимларни олиб қоладиган киши томон бораётган эдим, шундоқ рўпарамдан — афтидан, қўлювгич хонадан чиқиб келишаётган новча, норғул йигит билан этаги ерга теккудек узун, қора барқут куйлаккли жувонга кўзим тушди.

Йигит... менга таниш, ҳатто «ака» даражасидаги қадрдоним. Таваккал эди, эғнида тўйга кийиб борса арзийдиган тим қора костюм-шим, оёғида пошнаси баланд, учли туфли (шунинг учун бўйи тағин ҳам баланд кўринар), ҳийла сийраклашиб қолган жингалак сочлари ялтирар (нам қўли билан сийпаган бўлса керак), тилла тишлари ярқираганча кулиб келар, жувоннинг тирсагидан тутиш ёхуд унга бирон дилдорлик кўрсатиш, чамаси, ҳаёлига келмас, жувон эса, бошини хиёл эғиб ва кулимсираб келарди.

Мен тескари қарамоқчи бўлдим-у, улгуролмадим.

— У, писател! — деб бақриб юборди Таваккал. Мен табассум қилиб, четландим. У келибоқ, мени бағрига олди, ўпишдик. Оғзидан ҳушбўй ароқ ҳиди келар, юзи шинқираган, кўзлари филтиллер эди.

— Бу киши — бизнинг земляк! — деб аёлга қаради «земляг»им, кейин уни унутгандек, менга тикилиб, давом этди: — Қалай энди? Келин яхшим-а? Кичкиналар кўпайиб қолдим-а?.. Кўринишингиз дуруст. Класс! Эй, бу одам — яхши ёзувчи! — деди яна аёлга кўзи тушиб. — Менинг юртдошим!

Мен ҳам аёлга қарадим, у синиққина кулимсираб бош ирғади. Каминаям бош ирғади. Шунда Таваккал:

— Э, танишмайсизларми? — деб кулди. — Бу киши бизнинг хоним. Отингиз... нимаиди?

— Гули, — деди жувон, (унинг қизариб кетганини тахмин қилдим) — Гулсара.

— А-аа, Гулсара, Гулсара, — деб тағин баралла кулди Таваккал. — Қани, залга марҳамат, Қувватжон!

Мен уст-бошимга ишора қилган бўлиб:

— Шунчаки кирувдим, ёмғирдан қочиб, — дедим. — Дачага кетишим керак.

— Дачага? У-ў, ўзимиз обориб қўямиз!.. Қани, плашти ечинг! Хў, швейсар, бақа қара! — Таваккал шляпамни олди. Мен ноилож ёмғирпўшимни еча бошладим. — Оббо, Қувватжон-е, учрашганимизни қаранг. Худо бор... Қаршидан жўнаётганимда сизни эслаб эдим. Честни айтаман...

— Мен ҳам сизни эслаб тураман, — дедим.

— Ёлғон! Битта телефон қилмайсиз. Қаршнинг чегарасидан ўтиб кетасиз.

— Яқин-орада юртга борганим ҳам йўқ.

— Мен кеча келдим. Геялогия вазирлигига чақирришган эди... Эй, Гулсара, Мустақилликкача ўзимизда геялогия министрлиги йўқ экан! Бор-у, Московга бўйсунар экан. Ўзбекистонга бўй-сун-мас экан. Вей, қисталоқлар-е.

— Ҳалиям карьердамисиз? — деб сўрадим, шунчаки гап-гапга қовушсин учун.

— Ҳа-а, — дея яна олтин тишларини ярақлатиб кулди. — Каттаси бўп кетдик мрамор карьерининг... — У плашни ҳам швейцарга берди-да, кифтимдан олиб, иккинчи қаватга ўрлаган зинапояга бошлади. — Гул, Гулсара, ортда қолманг... Э, сиз олдинга ўтинг! Ўтинг, хоним.

Аёл оғриниб тўхтади.

— Юраверсангиз-чи.

— Шундайми? Майли. — У кулиб қўйиб, икки зинапояни битта қилиб босди. — Ишларим авж, укабой. Мар-

мар қиммат бўп кетди. Ҳа-ҳа-ҳа. Крошкаси — капейка эди.

2

Уларнинг столи ўнг томондаги ойна-девор остида, зал баралла кўринадиган жойда экан. Дастурхон тўқин, стол четида — вазада лола ҳам бор экан.

Мен столнинг бери ёғидаги пичоғу санчқиси ишлатилмаган жойга ўтира қолдим. Биламан, улар бу жойга нисбатан тўрга, яъни, столнинг у ёғига ўтказмоқчи бўлишади. Ҳақиқатан ҳам шундай ҳаракатлар қилиб, натижа чиқаришолмагач, аёл ўз жойига — ойнага яқин курсига, Таваккал унинг ёнига ўтириб:

— Хўп, йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик, — дея ишшайганча фотиҳа ўқиворди-да, бирдан ўнгу сўлига қараб, худдики тўйхона баковуликдек бақариб юборди: — Уй, аписанка! У-ў, жонидан, бақа бир кел. Давай, заживо... Накрой! Это — мой гост! Нима дедингиз, хоним?

Хоним қисиниб, елкасини қисди. Мен эсам (чин кўнгилдан):

— Шу бўлади-ку, — дедим. — Э, аломат йигитсиз-да, Таваккал ака.

— Мендан нима кетяпти? — хахолаб кулди у. — Икки мошин крошка, холос! Отамдан қолган бўлмаса... Тўғри, лекин Темур бобомдан қолган. — Кейин жиддий тортиб, давом этди: — Эй, Қувватжон, ўзимиздаги мрамар конларининг тўқсон пойизи Темур бобо замонида очилган экан. — Кейин яна кулди. — Ҳозир бўлса, шундоқ, йўлнинг ёқасига бир кетмон уринг, қарс этиб мрамарга тегеди. Очилиб ётибди-е.

Гулсара «қойил» дегандай бошини сараклатди. Мен ҳам қошларимни кўтариб:

— Зўр, зўр, — дедим.

— Гулсара, борасизми? — Таваккал, афтидан илгари бошланган суҳбатни давом эттириб, сўради: — Хўп денг, хоним... Бир айлантирай! Тахтақорачага опчиқаман! Қаламкаш гуллар очилиб ётипти! Сапсарга ўхшайди-ю, кичкина... — Кейин менга қараб, бемалол кулди. — Булар билмайди, шаҳарлик-да... Да, кечирасиз, бивший қишлоқсиз! Туркистон ҳам қишлоқ-да энди, Тошканга нисбатан? Шу-шу... Ух, маладес, маржа хоним! — У столи тозалаётган официант жувоннинг белидан ушлаб қўйди.

У эса:

— Всегда мы ради вам обслуживать, — деди табасум қилиб.

— Таваккал ака, келсангиз, фақат шу меҳмонхонага қўнасиизми? — деб сўрадим яна йўлига.

— Ҳа. Бу ер — марказ, — деди Таваккал. — Бечоралар яхши кутиб олишади. Беш-ўн сўм устига берсанг, бас-да, ўртоқ ёзувчи... — Кейин яна кулди-да, ўйчан тортиб сўради: — Уй ичлари тинчма, Қувватжон? Ёзган асарларингизни ўқий олмаёпмиз. Иш кўп-да, ука. Лекин эшитиб тураемиз. Мен сўраб тураман, честни...

— Сўраб турасиз-ку, бу ерга келганда унутасиз? — деб қолди хоним.

— Уў, биру нўл, — деди у. — Лекин шу гал барибир сизни топмоқчи эдим, Қувват. Битта маслаҳатлик гап чиқиб қолди...

— Марҳамат, — дедим.

— Кейин... Пирниси, коньяк! Ладна, пуст «Напали ён!» Слишишь? Вот та-ак...

Мен нима қилишни билмасдан сигарет тутатдим. Энди икки кишилашиб стол тузаётган офицанткалардан бири дарҳол кулдон опкелиб қўйди.

Шу пайт залнинг тўридаги саҳнада мусиқачилар (кирганимизда, дам олишаётган эди, шекилли) гумбир-гумбир қилиб, созларини чала кетишди.

— О-оҳ, яна бошлади бу аблаҳлар, — деди Таваккал. — Бориб тинчитиб келайми?

— Нега? — деди Гулсара. — Бировларга ёқади, заказ қилишвотди-да.

— Ё-э, Мустақил бўпмизам ўзбекча қўшиқ айтишмайди бу хумпарлар!

— Айтишмаса, чалишар.

— Чалади, — дедим мен ҳам. — Ҳечқурса, «Тановар»ни билишади. Тагин «Чингизхон» деганиям бор.

— Темур дегани-чи, Темур? — пихиллаб кулди Таваккал. — Тўхтанглар, ҳозир заказ қиламан. Адин момент! Бир жиннисини чиқарай шуларни. «Чингизхон»ни биласан, унинг дабдаласини чиқарган «Темур»ни билмайсанми, дейман.

— Чингизхонними ё чингизийларними? — майингина кулимсираб сўради хоним. Сездимки, бу гапни мунозара учун эмас, шунчаки, гапириш учун айтди.

Ўзи, умуман, бундай жойларда шунақа гапириш маъқул. Чунки мақсад ўзи — маънили бемаъни бўлса-да, валақлашиб ўтириш, қолаверса, ичиш-да.

— У-ў, яна биру нўл! — деди Таваккал. Кейин: — Штрапни тўлаймиз, — деб кулди. — Айтмоқчи, Қувватжон, бу кишини мен Қаршига таклиф этаяпман. Тўғрироғи, Шаҳрисабзга... — Кейин бирдан ғамгин тортиб кулимсиради. — Хотин йўқ, туғруқхонада ке-етди, ука. Олти бола билан қолдим. — Кейин яна кулди. — Э, кун ўтаяпти... У ёғни айтсам, мен ҳам қарийб етимликда катта бўлганман. Тўғри, қариндошлар кўп эди, бобойдан мерос қолган мол бор эди... Так што, хоним, бемалол кириб боришингиз мумкин уйга... Кимсиз? Мармар конини текширишга борган — ревизор! — У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, столни безаб бўлган официантканинг кифтини силаб қўйди. — Улма, аканг айлансин! — Сўнг ниманидир эслагандек бирдан буюрди. — Давай, налей ты сама!

— Конишно, конишно, — деди у тумбочка устидан оппоққина сочиқ олиб, ўша билан коньяк шишасини ўради. Сўнг уни очиб, Гулсаранинг рюмкасига энгаштирган эди, у чийиллаган каби:

— Нет-нет, — деди — Яж вам сказала?

— Ах, да, извините.

Таваккал хонимга чимирилиб боқди.

— Нимага коньяк ичмайсиз-а?

— Менга тўғри келмайди.

— А-а, майли... Давай нам коньяк! Қувватжон, бир ўтирайлик!

— Раҳмат.

### 3

Шундан кейин суҳбатимиз шўх ирмоқнинг оқиш мақомида давом этди. Ирмоқ, нишаблардан тез энса, ўрларга аста кўтарилади, чўнқирларни тўлдирар экан, секинлаб ҳам қолади. Гурунгимиз ҳам шунга ўхшаб, — гапга гап уланиб, аммо равон бир изга тушмасдан давом этаркан, қадаҳ сўзига етганда, кончи дўстимиз:

— Қани, бир тос айтинг, Қувватжон! Зўр бир гап айтинг! Биз шуни қолдирмай олайлик! — деди.

Мен хижолат бўлиб, қадаҳини (унга яҳудий ароғидан қуйилган эди) жойида аста айлантираётган Гулсарага қараб олдим, ундан узр сўрагандек.

Кейин яна қийналиб қолдим: нима дейман, ахир? Қу-

риб кетсин бу ёзувчилик ҳам... Ана шунинг учун кўпинча тўйларга боришдан ҳам тийиламан ёхуд борсам ҳам панада ўтириб, чиқиб кетаман. Сўз беришади-да, тантанали қилиб. Шунда тўйчи «ака» «яқининг» бўлсаки, хўп-хўп. Акс ҳолда оёғинг тортмай, урфни оёқости қилмайин, деб келган тўйингни эгасида йўқ сифатларини ҳам тўқиб чиқариб айтишга тўғри келади.

— Қани, эшитовуз, — деди Гулсара мусиқа тиниши билан. Ва Таваккал (энди) унинг кифтини силаб қўйди.

— Сизларнинг шундай чиройли бўлиб ўтиришларинг-ни кўриб, хурсанд бўлдим, аввало шунга айтишим керак, — дедим. — Таваккал акани ўрта ҳисобда йигирма йиллардан буён биламан, гарчи кам учрашиб турсак-да... Гулсарахон, бу инсон — бир қоп ёнғоқ мисолидир. Дали-ғули, мард. Хуллас, Темур бобо юртининг валламат йигитларидан...

Таваккал ҳазилакам бир қувлик билан кўзларини дўлайтириб:

— Ана шунақамиз, хоним, — деди. — Айтинг, Қувватжон, Сизнинг ёзганларингизам рост... Йўқ, ҳестни айтаяпман. Хоним, кўпроқ ўрисча китоб ўқигансиз-да, билмайсиз... Китобларидан бераман...

— Ҳа, энди, барибир «тўқувчи»-миз-да, — дедим мен. — Айтмоқчи, ўрис ёзувчилари ҳам яқин-яқингача, масалан «асарлар» деб эмас, «сочинение» деб айтишарди... Хўп, — қадаҳни сал кўтардим. — Ана шу аҳилликларинг давом этсин. Хўш, мени дастурхонларингга таклиф этганларинг учун миннатдорчилик билдириш билан бирга, айтмоқчиманки, мана шу — ўзаро ҳурмат, меҳроқибат орамиздан ҳеч қачон кўтарилмасин.

— Воҳ! — деб юборди Таваккал. — Бу тосдан кейин пужерни тўлдириб ичсаям арзийди!

— Раҳмат, — деди Гулсара менга. Ичиб бўлиб, қаз-қартадан газак қилганимиздан кейин хоним сўради: — Кечирасиз, писател ака, ўзийиз шунақа камтармисиз ёки камтар бўлиб кўринишни яхши кўрасизми?

Менга ҳеч ким бундай савол бермаган, қолаверса, бу саволда ҳарқалай, такаббурлик бор эди.

— Хоним, мен пьесалар ҳам ёзганман, — дедим. — Табиийки, ўша жараёнда рўл ўйнайман. Айтишларича, образларим ростми-ёлғонми — ўз гапларини гапиришар эмиш.

— Так-так?

— Қозонда бори чўмичга чиқади, деганларидек,



инонингики, мен қандоқ бўлсам, образларим ҳам шундоқ чиқади, деб ўйлайман, яъни, рости ҳам, ёлғони ҳам ўзиники, ўзлигидан келиб чиққан бўладики, уларни, жумладан, мени ҳам риёкор, деб айтиш қийин... — шундай деб, дафъатан толиққанганимни туйдим. Кейин дангалига кўчдим. — Сиз қандай тушунсангиз, ихтиёр ўзингизда.

— Браво, — деди у.

— Ҳа, маладес, Қувватжон, — деди Таваккал ҳам. — Қизиқ гаплар... Эй, яна бошлашди-ку буги-бугини! Шошманг, пул тўлаб бўлсаям тинчитаман.

— Ундан кўра, ўзбекча музика заказ қила қолинг, — деди Гулсара бояги табассумида.

Таваккал ўрнидан ирғиб турди.

— Ест! — Кейин бирдан хонимга тепадан ўткир тикилиб сўради: — Ўйнайсизми?

Гулсара елкасини қисди.

— У-ў, адин момент! — деб юборди Таваккал. — Ана бу бошқа гап! Кеча ўзим ҳам сезиб эдим... Қухнага кириб чиқаётганингизда оёқ олишингиз ғалати бўлиб кетиб эди. «Жигарпора»ни эшитаётганда.

Гулсара бошини эгиб кулди. Таваккал қаторлар орасидан лўкиллаб юриб, саҳна томонга кетди.

— Кеча танишдик оқайиз билан, — деди Гулсара «акам»нинг орқасидан сезиларли фахр билан қараб олгач. — Мани безорилардан қутқардилар... — Кейин кулиб ҳамда ғижиниб, давом этди: — Шундоқ кетивосам, рўпарамдан иккита даванги кевотти. Тротуарда эдим. Тўғри келишаверди. Ман четланиб, йўл бердим. Ўтишди-ю, вай, сезмий қолдим, қўлим бир силкинди. Қарасам, сумкам йўқ. Биттасининг қўлида, ҳеч нарса кўрмагандай кетишвотти. «Ҳой, шу кунингдан ўлганинг яхшимасми?» деб бақирдим. Чопиб боришга қўрқаман. — У яна бошини эгиб кулди. — Вайсовурдим. «Бўйингга қара, ипλος! Келиб-келиб хотин кишини тунисанми?» — Шу пайт Таваккал кафтларини бир-бирига ишқаган ҳолда қайтиб келди. «Ест, гато!» деб ўтирарқан, Гулсаранинг охириги сўзларини эшитганда, бирдан тилла тишларини кўрсатиб ишшайганча, уни рағбатлантириб, бош ирғади. — Уша пайтда кўриниб қолдилар... Бу ёғини ўзингиз айта қолинг, — деди Гулсара.

— Ҳа, — дея сезиларли мамнуният билан давом этди Таваккал. — Таксидан тушиб, меҳмонхонага бораётсам... бир аёл киши пиртаволда қарғанаяпти. Полвонлар менга яқинлашиб қолган. — У мазза қилиб, аммо

ёлғондакам кулди. — Хонимнинг овозлари жуда-а ёқиб кетди-да!

— Раҳмат, — деб қўйди Гулсара.

— Безбет... Кейин, укабой, акангизни биласиз, ёшлик даврлари эсга тушиб кетди. Ўзи, кўпдан бери қўл қичиб, қаерга ишқашни билмай юрган эдим...

Мен бош ирғадим. Гулсара тағин овозида фахр билан:

— О, ёмон эканлар бу киши, — деди. — Ну, парен... Қайтамга мен қўрқиб қолдим.

— Э, хоним, ёшсиз-да, — деб талтайди Таваккал. — Ундайларнинг учта-тўрттасига бас келолмасак, мундай қилиб юрмас эдик. Биттаси — ўрисми, татарми, билмайман. Аммо биттаси — ўзбек эди, ана шундан бошладик.

— Вой, ман ўлдириб қўядилар, деб қўрқдим, — дея яна луқма ташлади Гулсара.

— Йў-ўқ, — деб тағин кулди кончи. — Оч биқинига урамиз-да... Йўғасам, товон тўлаш бор. Ха-ха-ха... Товон тўлаганмиз ҳам, а, Қувватжон?

— Жуда, — дедим. — Қиммат тўлагансиз... — Гулсара эшитишга иштиёқи борлигини англатадиган назар билан боқди. — Ўзингиз айтиб берарсиз, — дедим Таваккалга.

— Ҳе, эски ган у, — деди Таваккал. — Келинг, эсламайлик!

— Йўқ, нега энди? — озорланди Гулсара.

— Бўпти, айтиб бераман, — деди Таваккал. — Олдин яна биттадан олайлик. Ҳозир «Тановар» бўлади... — У узун қўлларини бемалол узатиб, шишалардан қуяркан, мен аста сўрадим:

— Кейин нима бўлди? Ҳалиги давангилар билан... муштлашувингиз?

— Э, биз муштлашмадик. Уларга куч қайда? Ароқ энгиб ташлаган алкашлар экан. Битта-битта билан чўзилтириб қўйдим. Кейин ўзбек болага: «Сумкани кўтар», дедим.

— Ҳа, бу кишига қолса, сумкани кўтартириб, уйимга обкирардилар.

— Кечирадилар, хоним.

— «Қўйинг, йўлига кетсин», — дедим.

— Лекин, кейин номардлик қилдингиз-а? — деб чиндан ҳам ачиниш ва хижолатли нигоҳ билан унга боқди. Таваккал. — Ўпкаласам арзийди! — дегач, яна аслига —

шўхчанлигига қайтди. — Мени уйларига таклиф қилдилар, раҳмат. Чой, кофе дамлаб бердилар, раҳмат. Аммо...

— Таваккал ака, — деди Гулсара оғриниб.

— Йўқ, тўғриси айтишим керак-да.

— Хўп. Айтинг-айтинг.

Таваккал қўлларини ёзиб, жуда ҳайрон қолганини билдирди:

— Ётишга қўймадилар... Мен бечора мусопирди. Гас-тинсага ҳайдадилар. «Вой, мусулмон, тегмайман сизга», дейман. Ишонмайдилар... Шунақа бўлди, Қувват-жон.

Мен бундай гапларга ҳайрон қолмаслик лозимлигини тушунсам-да, уялдим ва Таваккалнинг «ўзига ишончи» анчагина ошиб кетганини дилимда қайд этдим.

Кейин бу «очиқ гаплар» хонимга қандай таъсир этганини билиш учун унга қарадим...

Эътироф этаманки, илк бор тикилиб қарадим. Зеро одатим шу: бундоқ давраларда йигитлар аёллари билан ўтирадим, бошқа таниш жувонлар биланми — эркаклар билан гаплашардим-у, аёлларининг саволларига жавоб берардим, холос.

Аммо хотинларга тикилиб қараш... йўқ. Бу — ўзбеки одатданми, табиий андишаданми — билмайман.

Гулсарага тикилиб қарасам, у қандайдир асабий, ниманидир кутаётгандай, ўша кутгани содир бўлса, шартта туриб кетворадиганга ўхшарди.

— Қани, олдик-е! — деб юборди шунда Таваккал — Майли, бу ёғига худо пошшо!.. Айтмоқчи, мен Гулсара учун нчаман... Қувват, сиз ҳам хоним учун ичинг. — Ниҳоят, ийманиб жилмайди. — Мен «номард» дедим бу кишини. Аслида хурсандман, худо уринсин-а... Зўр аёл экансиз. Чесни айтаяпман. Гул, сиз учун!

— Қуллуқ-қуллуқ, — деди у.

Мен ҳам эркин нафас олдим.

— Раҳмат сизга, Таваккал ака, — дедим. — Гулсарахон, омон бўлинг. Бизнинг ёзувчилар орасида бир гап бор: «Феълинг ўзгармасин», дейдилар. Урисчасига: «Надо быть самым собой». Шундоқ.

— Тушунолмадим, — деб яна ёлғондакам ишшайди Таваккал. — Акамни остонадан ҳатлатманг, демоқчимисиз?

Мендан олдин Гулсара эътироз қилди:

— Йўғ-е.

— О, раҳмат сизга, — дедим. — Ўзи, одатда, бунинг акси бўлади.

— Ана! — деди Таваккал яна талтайиб. — Демак, мен индамайгина чиқиб кетиб, тўғри иш қилган эканман-да?..

— Жуда, — деди Гулсара ва ҳаммамиз кулиб юбордик. Хонимнинг ҳурмати учун ўрнимиздан турдик. Гулсара ҳам ўрнидан қўзғолди-ю, «Тановар»га қулоқ тутиб, тек қолди.

Зал оврупоча гумбир-гумбирга тўлиб, у-бу столдан, худди ўзлари буюртма қилгандек ўзбек йигитлару аёллар қўзғала бошлаган эди.

Таваккал шоён хурсанд бўлиб:

— Олдик! Кейин — ўйин! — дея қадаҳни шартта бўшатди-да, курсисини орқасига қитирлатиб суриб, четга чиқди. Гулсара идишини лабига тегизиб, жойига қўйди.

#### 4

Гулсарани мусиқачилар ўтиришган саҳнанинг пастидаги бўш жойга боради, деб ўйлагандим. Чунки, одатда ўша ерда ўйин тушилар, зеро столларидан туришганлар ҳам ўша томонга боришмоқда эди.

У эса шундоқ ёнимизда, қаторлар орасида туриб олди-да, эни атиги бир-бир ярим газ келадиган оралиқда бирдан шох ташлай кетди. Хаёлимда Мукаррам опанинг рақси жонланиб, «ундан ўрганган», деган фикр келди.

Бироқ дастлабки ҳаракатлариданоқ ўзича ўйнай бошлаганига иқрор бўлдим. Маълумингиз, «Тановар» — тантанали, шўх, устига яна — жўшқинликни талаб этадиган ва булар жаъмисининг намоёишидан иборат бир куйдирки, бунинг ифодаси ўлароқ ўша машҳур раққосамизнинг ўйинлари мукамал бир намуна сифатида қолган... Гулсара ўйин мазмунини ўзича талқин қила бошлаган, яъни тантаналар ичида ғамнок ва ғариб бир кимсанинг қалбини-да ифодалар, юзию лабларидаги синиқ табассум ҳам бу мазмунга бағоят мос тушмоқда, қора барқут кийган хонимнинг рақс этаётган жойи ҳам — кутилмаган жой бўлгани сабабми — залдаги нигоҳларни ўзига қаратмоқда эди.

Ажабо, баъзан шундай тўлиқиб, тўлғаниб-тўлғаниб айланиб кетардики, столлардан бирига урилиб кетар-а, деб қўрқиб ҳам қолардим. Йўқ, у худди шундай тор жойда ўйнайвериб ўрганиб кетгандек эди. Аста-секин залда чапак чалина бошлади. Кейин рақсга мос жуфт қарсакка ўтилди.

Таваккал анграйиб қолган, кўзлари ўқрайиб боқар, афтидан хонимни таний олмас эди.

Бир маҳал елкамга биров туртди. Қарасам, залнинг бошлиғи, бу ерга кирадиган киши борки— танийдигани, новча, келишган, қўнғироқ сочли йигит Ҳусанбек экан. У: «Жим, ўртоғингизга ҳалал берманг» деди-да, имлаб чекинди. Мен Таваккалга қарадим, унинг кўзлари ҳамон Гулсарада эди.

— Таваккал ака, мен бир минутга...

— Нима? А-а, хўп-хўп. — У меням унутган каби, анави ажабтовур раққосанинг сеҳрига тушиб қолгандек эди. Мен аста қўзғолар эканман, Гулсаранинг савол аломатли нигоҳига кўзим тушди ва биргина бармоғимни кўрсатиб «бир минут» маъносини англадим. У ўйинга мос ҳолда бош ирғаб, айланиб кетди.

Қаторлар адоғига етиб, Ҳусан билан кўришдим. У, одатдагича, менинг узатган қўлимни тирсагидан ҳам ушлаб:

— Бу кўринмай кетдингиз? — деди. — Ёзувчилар Союзингиз кўчиб кетгани учунми ё бозор иқтисоди таъсир қилдими?

— Кейинги гапингиз тўғри, — дедим.

— Бу коммерсант билан кўпдан танишмисиз?

— Юртдошим.

— Жа баевой йигитга ўхшайди.

— Ха, танишмасмисиз?

— Йўқ. Нуқул менинг дежурлигимда келмайди. Кейин эшитиб қоламан... Аммо анави жувонни бир марта кўрганман. Хў, стенканинг орқасида ўтиришган. Жа казо-казолар билан... Синглисинингми, жиянинингми туғилган кунийди. Ушанда йиғлаб ўйновди.. Жа таъсир қилувди менга. Иккита япон ўн минут суратини олишган...

— Арзир экан, — дедим. — Юринг, таништираман. Дўстимиз билан ҳам...

— Йўқ, бир вақти келади... Кечирасиз, актрисамасми у?

— У, билмайман, Ҳусанжон.

— Қойил... Айтинг, тез-тез келиб туришсин. Бизга яхши бўлади.

Шунда куй тугади-ю, Гулсара столга бурилди. Чапак чалвориб ўрнидан турган Таваккал, билҳол мени эсладим, аланглаб қараб, қўлини чўзган ҳолда:

— Ху, Қувват, нима қилиб турибсиз у ерда? — де-

ди-да, дастурхонни кўрсатди. Гулсара ҳам менинг бо-ришимни кутган каби ўрнига ўтирмасдан қараб турар-ди. Зал гувиллаган чапакка тўлиб кетган, муסיқачилар эса яна «Тановар»ни чалишга тушишган, у ер-бу ердан «раққоса»ни ўйинга таклиф этган овозлар ҳам эшити-лар эди.

Мен Хусаннинг қўлини қисиб:

— Узр, — дедим.

— Кечирасиз, безовта қилдим, — деди у. — Лекин мен у йигит билан танишаман.

— Арзийди.

— Ҳой, вақт бўлганда, кириб туринг. Ҳечқурса, на-сияга меҳмон қилармиз.

— Раҳмат.

## 5

Мен қайтиб борганимда, Гулсарани йўтал тутган, ойнадеворга юзланиб, курси қошига илиғлик турган чарм сумкасини кавлар эди. Рўмолча олиб, оғзига бос-ганча жойига ўтирди.

— Қ-кечирасизлар.

— Ничево, — деди Таваккал. — Мен сиздай ўйнага-нимда, чўзилиб қолардим. — У шунчаки шод эмас, жу-да ҳам мағрур кўринар, илло ресторан аҳлининг ярми-си десам ҳам бўлар, бу — барваста, бўйинбоғининг ту-гуни пастлаб — ёқаси ҳийла очилиб кетган ва эгасига қандайдир эркин тус берган ҳамда ҳар бир ҳаракатидан куч-қуввату ёвқурлик ёғилиб турган йигитга ҳавасу ҳа-сад билан тикилишар, шубҳа йўқки, Таваккал бу ни-гоҳларнию мазмунларини ўқиб турар эди.

— Сув, ҳой мусулмон, сувдан беринг...

Онт ичаман: Гулсарага сув узатишни столга келган лайтимдаёқ ўйлагандим-у, истиҳола қилгандим, била-сиз-ку, соф қишлоқи йигит (ўзим ҳам қишлоқдан чиқ-қанман) бу каби табиий дилдорликни ўзича — «қишлоқ даражасида» тушуниши мумкин...

— А?.. Э, сувдан бошқа нима бор!.. — дея ҳовлиқиб, «кока кола»дан фужерни тўлдириб узатди Таваккал.

Гулсара энтикиб-энтикиб бир неча қултум ичди. Жу-воннинг аҳволини кўриб тушунишди шекилли, уни рақс-га таклиф этаётганлар ҳам, чапак чалаётганлар ҳам дас-турхонга ўнгланишди. Муסיқачилар ҳам бир пасдан кейин бошқа куйни чала кетишди... Гулсаранинг ўйи-нию «Тановар»нинг бир неча дақиқа давом этган сеҳри-

жодуси тотли ширинлик таъми каби оғизларда ва кўнгилларда қолди, ҳа, жуда бахтли онлар ўтиб кетдики, мен ҳамон «Тановар» куйини эшитсам, Мукаррама опага тақлид қиладиган хиромон эмас, азадор каби қора барқут кийган Гулсаранинг рақси кўз олдимга келади, у туғма бир истеъдод экан.

Гулсара вишиллаётган ичимликни ойнага қараган ҳолда калта-калта сипқориб тугатди-да, бизга, кейин атрофдагиларга шошиб кўз ташлади. Сўнг бирданига:

— Кетсак-чи? — деди Таваккалга. — Э, узр, Қувват ака... Мен сал хижолат...

— Гап йўқ, — деди Таваккал. — Уйингизга бора-мизми?

Аёл қизғин табассум қилди.

— Дача эсийздан чиқдимми?

— А-аа! Искелироз! Всё... Дачага! Қувватжон, қаршилиқ йўқми, ука?

— Вой, нега... Фақат йўл узоқ, қайтиб келишларинг бор... Лекин ётиб қолишларинг ҳам мумкин, — дедим. — Ҳозир бизнинг боғимизда ёзувчилардан кўра каммерсант кўпроқ... Шунақа бўп қолди. Уларсиз дача ўзини боқолмайди...

— Ҳа, — деди кесиб Таваккал. — Ёзувчиларнинг аҳволи яхшимас, ҳозир. Биламиз.

— Билар экансиз, ёрдам қилмайсизми? — деб қолди шунда Гулсара. — Пул — сиз учун хазон-ку.

У яйраб кулиб юборди.

— Соддамиз-да, жўнмиз-да, хоним. Кечаги кун билан бугунги куннинг фарқига бормаймиз! Гап битта!.. Қувватжон, сиз дачанинг ишотини берасиз менга.

— Раҳмат, Таваккал ака, — дедим. — Гулсарахон, сизгаям раҳмат. Менинг куним ўтаяпти... Уюшмамиз, хўш, Адабий жамғармамиз раҳбарияти уч-тўртта адибга мурувват қилиб, путёвка нархини кўтаришмаган.

— А-а, дуруст, дуруст... Хўп, турдикми?

— Ҳа, — деди Гулсара ва яна энтикиб нафас олдики, бу ерда унга ҳаво етишмаётганиям аён бўлди. Кейин қандайдир ғижиниб, қўшимча қилди: — Официанткага айтинг, столдаги таомлардан олиб, тугун қилсин.

— О, мумкин эмас! — деб юборди Таваккал. — Мени уялтирманг, хоним. Биз свежийсидан заказ қиламиз... А-а, дачада ўтирамиз. Дўрмонда, а?.. Ҳа, эшитганман... Ҳой, маржа хоним, а ну-ка камне! Ке, аканг айлансин.

Мен бундай исрофгарчиликни ҳазм қилолмасдим. Бунақа «тангибойваччалик» ҳам ёқмасди. Адибларга теккан касалликми бу: бунақа тўкин дастурхонни кўрсанг, хурсанд бўласан-у, кейин бир буханка нон учун дўконлар қошида навбатда турган хотин-халаж, чол-кампирлар кўз олдинга келади. Баъзан томоғингдан ҳеч нарса ўтмай ҳам қолади...

Мен плашим билан шляпамни кийиб, пастда кутажагимни айтдим ва улар рухсатини сўрамасдан жилдим. Ойнабанд эшикдан чиқаётганимда, яна Ҳусанжон билан тўқнаш келдим. У менинг тирсагимдан ушлаб:

— Кетасизларми? — деди.

— Ҳа, Дачага борадиган бўлдик.

— Чёрт побери, ўшанда ўйнагандан кейин ҳам шунақа йўталиб қолувди.

— Ўйнаганда, ўпка шишади.

— Да-да.

## 6

Ёмғир ҳамон тинай демасди. Шамол эса шаштидан тушганга ўхшар, бироқ туриб-туриб авж қилиб қолар, шунда беихтиёр тескари қараб оларди, киши.

Қунишиб-йўртишиб бекатга етдик. Бир замонлар «такси» тўхташи гумон бўлган майдончада кўзини «кўкартирган» мошиналар ҳам, «шахсий»лар ҳам энди йўловчи кутишар, бироқ нархи осмондалиги боис, уларга яқинлашиш мушкул эди.

— Такси, такси! — деб бақирди Таваккал, худди «Эшмат! Тошмат!» деб чақиргандай. Шундай рўпарамизда турган «Жигули»нинг эшиги очилиб, бир йигитча чиқиб келди. — Бўшмисан? — сўради Таваккал сенсираб.

— Бўш-бўш. Утиринглар... — дея йўл бошлади ҳайдовчи. Сўнг, яқинлашиб келган таксичига ўшқирди. — Ани мои клиенти!.. Келинглар.

Мен орқа эшикни очиб қўйиб, олдинги ўриндиққа ўтириб олдим. Таваккал билан Гулсара орқада жойлашишди. Шофёр машинани жилдириб, сўради.

— Қатга борасизлар?

Мендан аввал Таваккал (шанғиллаб) жавоб қилди:

— Дача писателга!

— У-ўў, Окахон, туда-суда тўлайсиз-да.

— Ҳайдайвер. Мана шу — ёнингда ўтирган одам...



— Таваккал ака, — дедим.

— Хўп... Хўш, хоним, энди қалай? Ойнани очиб қўйми бироз?

— Ҳа.

— Сиз, албатта Қашқадарёга боришингиз керак! — деди Таваккал қатъият билан. — Унинг тоғларида ҳаво шундай тозаки, бир қўйнинг гўштини бир кунда еб қўясиз... Ҳа-ҳа-ҳа! Биз еймиз-а, Қувватжон!

— Ҳа, ундай ҳавода иштаҳа очилиб кетади, — дедим. — Лекин Гулсарахон, борсангиз зиён қилмайсиз... Таваккал акага бемалол суяниш мумкин.

— Нега «мумкин?» Шарт! — деди Таваккал. — Ҳозир какраз ширвоз қўзилар сўйиляпти... Қувватжон, бултур ҳам ўтмадингизми-а, Қаршидан?

— Ўтдим-у, поезд билан, — дедим. — Автобус ҳам ёмонмас экан.

— Мошина нима бўлди, мошина?.. А, бензин қимматлашиб кетди!

— Мошина сотилди.

— Кечирасиз, Қувват ака, қанақа китобларингиз бор? — сўраб қолди шунда Гулсара.

— Бор, — дедим.

— Дачада борми? Биттасига автограф ёзиб бера-сиз... Уқийман, албатта. Китобни яхши кўраман. Мана, окангиз кўрдилар, уйимда кичкина кутубхонам бор. Лекин кўпи ўрисча... Ҳим, тарбиямиз шундоқ бўлган-де.

— Ничаво! — деди Таваккал. — Энди, қолганини ўзбекчалаштириб юборамиз. Ха-ха-ха!

— Раҳмат.

— Лекин ўйинингизга беш кетдим, Гулсара. Ресторанни ром қилиб олдингиз аммо.. Э-эй, тангрим, кунларимиз қандай мазмунсиз ўтади, Қувватжон. Ейсан, ичсан, бировни уришсан, бировининг бошини силайсан.

— Бировини алдайсан, — деб қўшди Гулсара.

Таваккал тагин хохолаб юборди.

— Албатта! Алдамаса бўладими?.. Умуман, «рақобат» дегани ўзи алдашга йўл очар экан. Қим айёр бўлса — марра ўшаники.

— Эсиз, алданганлар.

— Э, ачинманг, хоним! Ҳаётнинг ўзи шу экан... Шундаймасми, Қувватжон?

— Шундаймаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дедим мумкин қадар беозор оҳангда.

Таваккал бир сония жимиб қолди-да, тагин қаҳқа-

ҳа отди. — Лекин ҳамма бир-бирини алдай бошлагандан кейин... Нима дедингиз, хоним?

— Нима дейин?

— Сизникиям тўғри.

— Кечирасиз, Қувват ака, — деб яна гап қотди Гулсара. — Писателларнинг дачаси бор, деб эшитардим. Шу ёқда — тоққа яқинлигиниям биламан... Лекин, у қанақа дача ўзи? «Дам олиш уйи»га ўхшайдими? Боя бизнесменлар ҳам кўп дедийиз. Демак, санаторий типида?

— Фарқ қилади, — дедим. — Унинг номи тўласича: «Ёзувчиларнинг ижод ва истироҳат боғи» дейилади. Уч қаватли иморат... Ҳали кўрасиз. Яхши. Кўпчилик хоналари бир кишилик. Яшаш, ишлаш учун шароит бор... Ҳм, уч-тўрт гектарлик боғимиз ҳам бор. Ёзда салқин бўлади. Тошкентда ҳарорат қирққа чиққанда, у ерда ўттиз беш-ўттиз олтидан ошмайди.

— О, яхши экан. Ёзда Тошкентда нафас обумий қолади... Биласиз-ку, ўзийиз?

— Ҳа.

— У ерда, энди, фақат ёзасизларми? — сўради Таваккал. — Ё бошқа нш ҳам бўладими?

— Ёзадиган — ёзади, ёзмайдиган — ҳордиқ олади. Илгари яхши эди: бир йилда бир ой текин йўлланма бериларди ёзувчига... Ҳозир йўқ.

— Понятно, — деб қўйди Гулсара. Кейин яна сўради: — Бизни бегона деб...

— У-ў, йўқ. Унақанги темир қондалар бизда йўқ... Умуман, Уюшмамиздаям илгаритдан қандайдир демократия бор эди. Муҳим гаплар китоб саҳифаларига чиқмасаям, у ерда айтиларди... Уйлашимча, социализмдан бизга қолган энг дурус мерос — шу боғ билан бугунги Уюшма бўлса керак...

— Э-э, ёзувчиларингиз ҳам бир-бирини жуда қама-тишган экан, — деди Таваккал.

— Ҳа, — дедим. — Афсуски, шундай бўлган... Давр, сиёсат тақозо қилса, ҳар қандай жамиятда ҳам шундай бўлар экан, Таваккал ака.

— Ҳозир қалай, ҳозир?

— Ҳозир, яхши... Лекин яхши асарлар яратилма-япти, ҳисоб. Янги турмуш тарзига тушиш мушкул. Унинг моҳиятини билиб, адабиётнинг мақсади билан уйғунлаштириш қийин кечаяпти... Келинлар, бошқа мавзуда гаплашайлик. Бу — инжиқ мавзу... Ёмғир тинди дейман?

— Узи-ку ёққани тузук, — деди шофёр. — Бу йил қиш бўлмади ҳисоб.

Сўнгра суҳбатимиз об-ҳаво мавзуйига ўтиб, сайр-саёҳатларга бориб тақалганда, биз ҳам ижод боғига ётиб бордик. Дарвоза очиқ, аммо мошина чироқларини йироқдан кўрган қоровул чиқиб турган экан, мени таниб четланди.

Ўтиб кетдик.

## 7

Иморат олдидаги майдончада «Дэу» тамғали автобус турарди. Ундан кимлардир тушаётган экан, «спортчилар» деб ўйлагандим, ўхшашмайди. Лекин уларнинг раҳбарлари дача маъмурияти билан келишгани, демак, тунаш учун тушишаётгани аниқ эдики, мен:

— Таваккал ака, сизларга номер олиш қийинга ўхшаб қолди, — дедим.

— О, биз қолмаймиз... Мен кетаман, — деди Гулсара. Таваккал ҳам шошилинч:

— Ундай бўлса, албатта кетамиз, — деди-да, ҳайдовчининг елкасига қўлини қўйди. — Укабой, кутасиз энди... Биз бироз ўтириб чиқамиз.

— Оқа, унақа вақтим йўқ, — деди шофёр. — Ночорликдан чиқовуз-де, бир-икки соат ишлаб қолайлик, деб. Такси заказ қилишларинг мумкин.

— Эҳ-ҳе... Мана, сенга икки юз сўм. — Закалад. Бир соатдан кейин қайтиб келасан. Агар биз сени алдасак, мана шу ёзувчи акангни ушлайсан.

— Ҳа, — дедим.

Шофёр ғудраниб қолди.

— Мен энди қатга бордим... Бўпти. Қайси номердасиз, домла? Мен ровно бир соатдан кейин шўтта бўламан.

— 37-номер, — дедим. — Учинчи қават, ўнгда. Бемалол кираверинг.

Меҳмонлар қайсидир вилоятдан келган ҳаваскор ансамбли экан, уларнинг ғала-ғовури, чилдирмаю рубобнинг биров ноҳос тегиб кетгандек сас-садолари орасидан, ўшаларнинг шериклари каби ўтиб, юқори қаватга кўтарилдик.

Мен: «Хонам қай аҳволда экан? Йиғиштирилганми-кан?» — деб безовта бўлган ҳолда йўл бошладим.

Умуман-ку, менинг хонам — тузук номерлардан би-

ри. Айвончаси-ю деразалари нари томонга — олмазор боққа қараган. Ҳозир баҳор эмасми, тонгда булбуллар сайрайди боғда. Тўғри, қишда бу томоннинг хоналари анча салқин бўлади, шунинг учун кўпроқ муддатга турувчилар кунгай тарафдаги хоналарга ўтиб олишади. Мен ҳамиша ўша ёқда турардим. Чунки узоқ йили ўша боғ устида чарх уриб айланган бир жуфт қалдирғоч очиқ деразамдан кириб, уй бурчагига ин қўйган, бола очган эди. Шунинг учун баҳор бошландими — деразани очиброқ қўйиб ётардим, кун совуқ бўлса ҳам қалдирғочлар келади. Ҳали келишмаган, бироқ деразам очиқ эди...

Эшикни очдим-у, уялаётганимни билдириб:

— Бир минут сабр қиласизлар, — деб ичкарига кирдим. Чироқларни ёқиб қарадим. Ҳайрият, ўтирса бўлади. Шамолда дераза бекилиб қолган экан, очиб қўйдим. Сўнгра, туфлимни ечсам — улар ҳам ечишга мажбур бўлишини, ортиқча шиппакларим эса йўқлигини ўйлаб: — Марҳамат! — дедим. — Бемалол!

— Мачит эмасдир. Оёқни ечмасак ҳам бўлар? — деб ишшайганча остона ҳатлади Таваккал.

— Мен ҳам шуни айтмоқчидим, — дедим. — Келинг, Гулсарахон. Плашингизни беринг...

— Э, қишлоқилик қурсин, — деб бурилди Таваккал. — Қани, ўзим ечинтириб қўяй. — У чарм плашни олиб, менга берди. Кейин ўзининг шундай курткасини ечиб узатди. Мен ўзимнинг одми плашимни ҳам девордан даромад қилиб ясалган шифонерга илдим. — О-о! — деб яна ўзи ичкарига йўл тортди Таваккал. — Яхши-ии... А, Гулсара? Бир кишига бўлади-да!

Гулсара стол лампаси устидаги жавонга — китобларга, девордаги расмга (ромга солинган расмда нилуфарлар қоплаган кўл бўйидаги қўлбола ёғоч ўриндиқда танҳо ўтирган оқ либосли париваш тасвирланган эди) жилмайиб боқиб, диван ва юмшоқ курсиларга ҳам қизиқиш билан кўз ташлаб:

— Яхши, уютна, — деди. — Менимча, ёзувчилар ҳётдан нолимасаям бўлади, Қувват ака.

— Мен ҳалиям нолимайман, — дедим. — Ҳаёт қандай бўлса, шу ҳолида қабул қилишга ўрганганмиз... Қолаверса, шундай ислоҳотлар даврида бундай яшаётганимга шукрона айтаман... Қани, хоҳлаган жойларингга ўтиринглар.

— Мундай қиламиз, — Таваккал бурчакдаги столча-

ни кўтариб, диван олдига қўйди. — Қувватжон, хизмат бўлмаса анавини олинг. Тақсимча бордир?

Мен ювингич хона оғзида қолдирилган салафан халтани (оғиргина экан) олиб, Таваккалга бердим. Кейин «Морозка» музхонаси остидаги тумбадан сопол тақсимчаларни чиқардим. Сўнгра «кока-кола» ёзувли пластмасс стаканлар билан пиёлаларни йиғиб, ваннахонага кирдим.

Мен барибир хижолатда эдим: уйингга меҳмон келганда (қанча вақт турмайин, бу — менинг уйим-да), дастурхонга қўйгич емишлар ўзингдан чиқсин-да...

«Ҳа-е, тушуниб туришипти-ку», дея идишларни ювиб, қўл артилмаган сочиқни ҳам олиб чиқдим. Худди айбдор хизматкордек чучмал табассум билан:

— Хуш кепсизлар, — дедим. Ва столдаги хушбўй товаки (табаки)лар, бир жуфт хурмо, бир уюм апельсин, бир жуфт ёпган нон, банка-банка пиволару бири очилган (ресторан столида очилган) ва бири очилмаган яхудий ароғи ҳамда арман коньягини кўриб, умримда бундай неъматларни кўрмаган кишидек ясама шодиёналик билан:

— О-о, — деб юбордим. — Ресторанни қуритибсиз-ку, Таваккал ака!

— Ҳа, энди, бойвачча-да, бу киши, — деди Гулсара ҳам уни мақтаган бўлиб.

— Э, шуям нарса бўлди-ю! — Бойвачча бамайлихотир қўлини узатди. — Тақсимчани беринг.

## 8

Биттадан ичишгач, суҳбатимиз равон оқаётган ирмоқ мақомида давом этди.

Бутун бир товакини (товуқнинг тўшини) бир зумда этдан тозалаб, чиқитни яланг столча четига уюб қўйган Таваккал ёғли қўлларини сочиққа артиб олиб, бир оёғини тагига қатлаб ўтирганча, «Малборо» сигаретни тутатар ва ҳар томонга лоқайд кўз ташлаб, гапга қўшилиб турар, Гулсара бармоғида чимдиб олган этни ўйчанлик билан чайнар, мен гапни гапга улаш билан ҳалак эдим.

— ...Ҳа, Переделькинадаям бўлганман бир марта. Ёзувчиларнинг конференциясига борганда. Баъзи ёзувчилар бир умр яшашар экан.

— Энди йўллар бекилди, — деб қўйди Гулсара. Ва

Таваккал бирдан буклаб ўтирган оёғини тушириб:

— Грузияга бормаймизми? — деб қолди Гулсарага қараб. — Мен Қримда бўлганман, Грузияда — йўқ... Эй, борайлик, Гул! Дунё ўтди-ку? — Кейин менга қараб бидиллаб айтди: — Кеннойингиз соп-соғ юрган эди. Бир кечада ўлиб чиқди... Ундан сал олдин битта акам кетган эди. Жуда омонат эканмиз-да, Қувватжон! Эй, сиз ҳаётнинг мана шу томонларини ҳам ёзинг!

— Албатта, — дедим. Қандайдир ёзилмаган ахлоқ қондасига кўра, Таваккал бу бегона хонимнинг; аниқроғи, ўзига эргашиб юрган «қизи»нинг олдида оиласи ҳақида бемалол гапиравермасаям бўларди. Бироқ кончи йигитимиз бу ҳақда жилла мулоҳаза қилмас, аниқроғи, ҳалигидай «андиша»га бормас эди.

Рост, у тўғри — бор гапни яширмасдан айтаяпти. Аммо... Ана шу «аммо»га етганимда, шундай хулосага келгандек бўлдим: бу аёл билан ўзининг орасида чегара қўймоқчи, яъни «сен — кўнгил ҳушисан, менинг ўз ҳаётим бор», демоқчи.

Сезиб турардимки (ресторандаям ҳис этгандим), жувон ўзини ноқулай аҳволда сезаяпти, менинг олдимда хижолат чекаяпти. Бу ҳол унинг қайрилма қошларининг кўтарилиб тушишидан билинар, таомни чайнаб турган жағлари ҳаракатдан тўхтаб қолар эди... У сочиқни дадил олиб, бармоқларини артди-да, ёнидаги сумкасини тиззасига қўйиб, ундан «Башан» ёзувли юпқа пачкани чиқарди, соф япроқни ўраб ясалган сарғиш сигарет чиқариб, лабига қистирганда (Таваккал анграйиб қараб турарди), мен шошиб чақмоғимни ёндириб тутдим. У тутатиб:

— Раҳмат, — деб қўйди билинар-билимас жилмайиб.

— Ҳа,-а, бу қанақа сигарет экан? — Таваккал картон қутини дангал олиб, йўғон бармоқлари билан йиртгудек қилиб очди. Биттасини чиқариб ҳидлади. — Сигара. Сигарами шу? — у менгаям қараб олди. — Зўридан чекар экансиз.

— Битта қўшним совға қилган эди, — деб қўйди Гулсара. Кейин бирдан қаддини ростлаб: — Грузияга борамиз, дедингизми? Это серёзни? — деди.

Таваккал ҳушёр тортиб:

— Э, мени... мени... — дея бўғилиб, бирдан хитоб қилди. — Ҳозир десангиз, ҳозир кетамиз!

Гулсаранинг хиёл сузик, аммо сурманнинг кучи билан катта кўринувчи кўзларидан бир нур чиққандай бўлди.

— Ҳозир?

— Ҳа, ҳа. Жўнаймизми?

— Бўпти.

— Гап тамом! — йигит менга деди: — Қувватжон, биз кетамиз! Гап битта... Ўзи, ўйлаб юрардим. Мана, хоним ҳам истаб қолдилар. Бир айланиб келайлик бу ўтар дунёда... Ҳе-ҳе, — деб илҳомланиб кетди.

Гулсара сигарасини сумкага солди. Таваккал чекиб турганини кулдонга босиб эзди.

Мен Таваккалнинг дангаллигини, айтган гапидан қайтмаслигини билардим. Аммо жувоннинг ҳам бунақа феъли борлиги... қизиқ ва завқли эди. Шу билан бирга кишида нохуш таассурот қолдирадиган фикр ҳам уйғотарди: «Боёқиш ғамгин кўринади. Бунинг устига сохти-сумбатига қараганда, анчагина ўзига тўқ, «кўрган» оиланинг фарзандига ўхшайди. Ҳалигидай безориларга сумкасини олдириб юрган бўлса, тагин: «халоскор»ни уйига олиб кирган бўлса, демак, ёлғиз... Бойвачча «тангибой»нинг шарофати билан бир ўйнаб қолгиси келди, шеклли...» Айни чоғда бошқа мулоҳазаям туғдирарди шижоати: «Таваккални синамоқчи. Ундан қандайдир алам ўтган-у, шу аламдан фориг бўлмоқчигаям ўхшайди...»

Ҳарқалай, бир манзара кўз олдимга келиб, мамнун бўлдим: Гуржистоннинг қандайдир хиёбонида, иккови кетишмоқда, иккиси ҳам башанг кийинган ва бир-бирига ярашган... Таваккал уни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилаолади. Ва ўша гуржилар маконида ҳам сира паст тушмайди.

Уларни кўрган-кузатганлар: «Қимлар экан булар?» деб бир-биридан сўрашар ва биттаси айтар: «Ўзбекларга ўхшайди, тили туркчага яқин...»

## 9

Улар дабдурустдан ўринларидан туришганда, тагин хижолат ҳисси эзди мени: «Ҳозир буларни самолёт ҳам кутиб турмас... Демак, Гулсаранинг уйига боришади, албатта. Албатта, бу кийимини алмаштириши, яна ул-бул олиши керак. Таваккал ҳам меҳмонхонага (номерига) кириб чиқади...»

Хуллас, тагин бирон ейимлик-ичимлик олишларини тахминлагач, эртага лоҳас бўлишимни билсам-да:

— Ҳой, мусулмонлар, яна икки минут сабр қилинг-

лар, — дедим шошилпб. — Ахир, йўл кетадиган одамлар ҳам қурсоқ ўлгурнинг нафсини қондиради олдин.

— У-ў, яна биттадан! — деб шанғиллади Таваккал. — Кетар жафосига! Бизга оқ йўл тиланг, Қувватжон ука! Бу сафардан ҳар биримизнинг орзу-армонимиз рўёбга чиқсин! — шундай деб, нимагадир қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Гулсара ҳам бирдан яйраб кулворди-ю:

— Илоҳим, илоҳим, — деди.

Шунда англадимки, буларнинг ўзаро сирлари бор. Қандайдир истаклари борки, рўёбга чиқмабди экан... Ана шунда, онг ичаман, ички бир андиша билан эслаб қолдим: Гулсара Таваккални кеча уйда ётқизмаган..

Демак, бу борада уларнинг ўртасида қандайдир ҳазил-ҳузулга яқин, бироқ жиддийгина очиқ гап-сўзлар ҳам бўлган... Бўлгани аниқ, шунинг учунки, Таваккал ресторанда хонимнинг кеча ётишга рухсат этмаганини айтгач, уялмай-нетмай: «Тегмайман десам ҳам, кўнмадилар», деди.

— Ой бориб, омон келинглар, — дедим Таваккал куйиб узатган пиёлани олиб. Шунда миямдан бир малолсиз хаёл кечди: «Таваккал — бўйдоқ ҳисоб, буям — ёлғиз экан, бир-бирига мос тушарди-да, тил топишса...» Кейин, бу фикрни очиқ айтолмаслигим боис: — Бир-бирларинг билан янаям яқин бўлиб келишларинг учун, — деб гапни тугатдим.

Улар, назаримда, бирон сония ўйга толиб қолишди. Кейин, яна кула-кула пиёлаларини узатиб чўқиштиришди. Ичиб бўлгач, товакидан ейишга қистадим.

Ҳар иккиси ҳам рад этди.

Улар сиртқи энгилларини кийиб, мен чопонимни елкамга ташлаб, йўлакка чиққанзимизда, иккиланиб сўрадим:

— Путёвка топилиши... Ахир, ҳозир биров тайёрлаб тургани йўқ, Таваккал ака.

— Э, укажоним-е, — деб кифтимдаё қучди Таваккал. — Уғрига мол қаҳатми? Ха-ха-ха!

— У ерда ижарага бериладиган квартиралар жа кўпмиш, — деди Гулсара. — Ҳатто аэропортга чиқиб кутиб олишаркан. Шунинг устидан кунини ўтказадиганлариям кўп...

— Ҳа-а. Мен у томонларга бориб кўрмаганман. Лекин улардаям Ижод уйлари бор.

Майдончага тушганимизда, «Жигули»нинг бир со-



атдан кейин келишини эслаб, туриб қолдик. Таваккал менга зимдан қараб қўйиб, чўнтагини кавлар экан, мен соатга қараб олиб, унинг етиб келишига ўн тўрт минут қолганини айтдим. Таваккал барибир «шошманг» дегандай қилиб, пўл чиқарганда, мен тисланиб кетдим ва улар катта йўлга чиққунларича ўн беш минут ўтишини, демак, мошинага йўлиқишларини айтдим-да:

— Кетдик, ўзим кузатиб қўяман, — дедим: — Йўлни кўриб олганларинг қолади. Ахир, яна келарсизлар?

— Албатта, — деди Гулсара. — Бу ерни кундуз кунни кўриш керак экан. Таваккал ўйланиб қолди-да:

— Бўпти, — деди.

Шунда чироқларини ловуллашиб, сассиз келаётган энгил мошина сигнал берди-ку!

Уша «Жигули» экан.

Улар ўтириб кетишди. Мен «оқ йўл» тилаб қолдим. Ёмғир аллақачон тиниб, энди шу сокинликка мос шабада эсар, уйғонаётган дов-дарахтларнинг намхуш (елимини эслатувчи) ҳиди келар, бечора ой эса булутларни олдидан ўтказар, назаримда, улардан олдинга чиқишнинг иложини тополмай хўмраяр, баъзан қалин пағалар соясига яширинар эди...

## 10

Ёзнинг жазирама иссиғи қайтиб, шу даража баробарида салқин тунларидан бири эди. Мен балкон-айвончада ичкарига киритишнинг ҳам, пастга ташлаворишнинг ҳам «иложи» бўлмаганидан қолаверган, суянчиғи баланд, энлигина креслода чекиб ўтирардим. Хонам шифтининг девор билан ушлашган жойидаги миллион қатнаш эвазига қурилган инида она қалдирғоч яқинда очиб чиққан болаларини босиб ётар, ота қалдирғоч эса дарпарда илиғлиқ мослама устида қунишиб турар, иккиси ҳам «чий-чий, чириқ-чирқ» этиб сўзлашиб қўйишар, гоҳо ота қалдирғоч хонани бир айланиб, усқунанинг бошқа жойига қўнарди. Улар шундоқ иноқ, аҳил, бир-бирига меҳрибон эдилар.

Мен эсам уларнинг сасини эшитиб, ўзларини кузатиб завқланар ҳамда тотли бир хўрсиниш билан Будданинг машҳур сўзини бот-бот эслар эдим: «Инсон ҳар қанча бахтсиз бўлсаям, ёруғ оламни кўриб турганидан хурсанд бўлиши керак. Чунки уни кўрмаслигиям мумкин эди». Кейин эса ўзимизнинг Муҳаммад пайғамбар

ҳадисларидан бирида инсоннинг бошига тушгувчи барча оғирликлар, қалбини ларзага солувчи изтироблар Аллоҳ таоло тарафидан бандасини синаш учун берилажаги, илло бандаси шуларга-да шукрона қилса, фаровон кунларнинг қалбни хушнуд этгувчи қувончларнинг қадрига кўпроқ етиши ҳақида хабар берганларини эсладим.

Қолаверса, бу икки ҳикмат — менга тасалли, қувват бергувчи «ҳамроҳларим» эди.

Эшигим тақиллагандай бўлди. Мен пастга қарамоқчи эдим, ҳақиқатан ҳам эшигимни биров ишонч ва шахд билан тақиллатди. Мен йўлакда турган кишининг бегона эканига заррача шубҳа қилмасдан бориб очдим.

Ишонинг-ишонманг... Гулсара жилмайиб турарди. «Соат ўндан ошди-ёв» деган гап хаёлимдан кечган кўйи, ташқарига бош чиқариб қарашни ҳам ўйладим-у:

— Кириг, кириглар, — дедим бирдан чекиниб.

— Представти себе, ман битта ўзимман! — деди меҳмон янада чақнаброқ жилмайиб. — Ҳайронмисиз?.. Ҳайрон бўлманг, дўстмиз-ку? Дўст дўстнинг уйига сўроқсиз келар эмиш... — Унинг эғнида илон пўстидек ялтираб турган матодан тикилган узун кўйлак, ғоз бўйнида бир тизим дур, қўлидаги салафан халта оғирлик қилаётгандек ўша томонга майишиброқ турарди.

— У, албатта, албатта. Марҳамат, — дедим. Ва хаёлимдан тағин ўша ўй ўтди: «Хонам саранжоммиди?» Бенхтиёр халтасига қўлимни узатиб, яна чекиндим.

Гулсара йўлакнинг бош томонига қараб олиб:

— Ҳайрон бўлишвотти, ким бўлди бу сатанг, деб... Ну ик чёрту, — деди.

— Ҳайрон бўлса арзийди, хоним, — деб эшикни ёпдим. Гулсара тим қора туфлисини дўқиллатиб, хонамга кирди.

— О, салом сизга, китоблар... Э, қалдирғочми у? Уша! Вей, муни қаранг-а! Яхши одамларнинг уйига ин қўяди, дейишарди... Камплимент эмас, сиз яхши одамсиз, Қувват ака... Йўқ деманг. Баъзан камтарлик манманликдан далолат беради. Топиб айтдимми? Марҳамат, ўтирайлик. Ман қайтиб кетаман. — Кейин диванга ўтириб (столча диваннинг олдида эди) иримига яраша фотиҳа ўқилгунча Гулсара анча-мунча гапларни айтиб ташлади: — Синглимми уйда ден рожденияда эдик. Унинг эри шишкалардан. Судья... Да, ну их... Кечирасиз, Қув-

ват ака, танасида маданият, аристократлик бўлмаган одам барибир хол қўяди. Ҳеч қурмаса, ўзини тутишни билмайди. Амалини унутмайди... Ўздан лавозими баландроқ киши келса, унга пой-патак бўлиб кетади. Бу ёқдагиларни унутади.

— Ҳа, ундайлар бор, — дедим. — Менимча, улар раҳбар бўлиб кўришмаган одамлар.

— Во-во-во! Тоққа тирмашгандек тирмашиб, тирноқлари қонаб кетиб, мансабга эришган-де.

— Чой ичарсиз?

— Йўқ. Шу оқшом, ишонасизми, маст бўлгим келди... «Мастлик қанақа бўларкин?» деб ўйласам, жуда ёқимли бўларкан. Бемалол гапирвораркансан...

— Мен ичимлик сақламайман, — дедим. — Баъзан ҳамма нарсени унутгинг келади, шунда ичиб қўйганингни билмай қоласан.

— Худди шундай, азизим! Бугун мен ҳам дунёни унутгим келди... Халтани очинг, ҳамма нарса бор... Синглимга айтдим: «Энг яхши закуска, ичимлик сол», дедим. У мени яхши кўради... Хайрлашаётганда кўзига ёш олди.

— Ҳим, нимага?

— Э, манга ачинади-да... Қўёвуринг, бировнинг ачишига зор эмасман. Қандоқ бўлсам, шундоқ ўтаман. Гуноҳ-савобим — ўз бўйнимда.

— О, яна яҳудий ароғи...

У (бемалол) қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Вой, жугутлар-е, жуда устамон-да. Ароқниям хуштаъм қилишган. Қойил.

— Ҳим, адашмай топиб келдингизми? — Аслида: «Такси билан келдингизми?» демоқчи эдим.

— О, битта кўрган жойим памятимда қолади. Таксис инжиқлик қилувди, бор пулимми... Учдан бирини бердим, — деди-да, яна кулиб юборди. — Ничево, уйда бор... Қани, қуйинг, Қувват ака. Сизни «Азизим» десам, майлими?

— Э-э, бемалол... Лекин мени исмимни айтиб чақиршса, кўпроқ ёқади.

— Ҳа-а, сиз ҳам...

— Марҳамат.

— Сиздай... Таваккал аканинг сиздай дўсти-укаси борлиги учун оламан.

— У, мен эсам, акамнинг сиздай суюклиси борлиги учун оламан шуни, — дедим.

Гулсара қўлидаги пиёлага тикилиб қолган эди. Ирғиб ўрнидан турди-да, айвон эшигидан ярим танасини чиқариб, ароқни пастга сепиб юборди. Сўнг синиқ жилмайганча (шу онда асли қиёфасига қайтгандек эди) жойига ўтириб, ниёлани тутди.

— Қўйинг. Менинг тостим учун ичамиз. — Кейин, ўйчанлик билан давом этди: — Ижодингиз асло... асло бўшашмасин, Қувват ака. Қандайдир қийинчиликларийиз бўлса, плойи, вақтинчалик бўлиб чиқсин. Ҳм, ўтган гал одамнинг феъли ўзгармасин, дебмикан — бир нима девдингиз. Шундоқ; сизнинг шу феълингиз сира-сира ўзгармасин... Кеннайим борлар-а?

— Албатта, — дедим. — Иккита фарзандим ҳам бор... Худога шукр, мени тушунишади, ўз ҳолимга қўйиб қўйишган... Мен уларни ҳарқанча бошимга кўтарсам, арзийди.

— Ушаларнинг бошидаям омон бўлинг... аввало, сиз — ёзувчисиз. Ҳим, менимча, анча объектив писателсиз... Бундай одам кимлигига ақлим етади...

— Бу совуб қолди.

У қаҳ-қаҳ отиб кулди (яна сархуш кайфиятига қайтди). Беш-олти паррак қази билан бир тахсимча норин олиб келган экан, улардан газак қилдик.

Табиий, Гулсара шунчаки гаплашиб ўтириш учун келмаган, қандайдир (Таваккал билан боғлиқ?) дардини очиб, ҳасрат қилмоқчи, балки маслаҳат сўрамоқчи эди.

Мен гап тизгинини ўша томонга тортишга баҳона излар эканман, у худди ўша кунги (!) сигара қутисини чиқариб, бирини лабига қистирди. Мен чақмоғимни чақиб, унга тутдим. Кейин ўзим ҳам «Родопи»дан тутатиб олдим.

Гулсара узун ва кенг этак остидаги оёқларини чалиштириб, бир-икки дуд олди-да, тавба қилдим, шунақаям йўталиб қолдики, кўкариб кетаёзди.

— Кечиринг-кечиринг, — деди ҳансираб. — Менинг... манинг қандайдир касалим бўлса керак. — Сўнг шу ҳолида жилмайди. — Лекин юқумлимас. Ўзим фельдшерман, ахир... — Кейин сигара пачкасини бирданғижимлади. — Жуванмарг бўл... Олти ойдан буён тугамийди бу савил.

— Кучли бўлса керак, — дедим мен. — Шунинг учун мен чексам йўталтирворади.

— Йўқ, менинг ўпкамдами, юрагимдами бир иллат бор, Қувват ака. Ўзим биламан... Салбий бўлиб қолганми, чёрт знает. Ўша куни ресторандаям кўрдийиз-ку... — Шунда мен унга тикилдим. У менга тикилди: энди мақсадга ўтмаса бўлмас эди. — Айтмоқчи, — дея бирдан яна жилмайди, — оқайиз келиб туриптиларми? Ё ўша-ўша бадар кетдиларми?

— Келгани йўқ, — дедим. — Лекин бир-икки марта қўнғироқ қилиптилар Қаршидан. Менинг йўғимда. Боримдаям телефон қилган бўлиши мумкин. Тушолмагандир... Бунинг устига, ёзда меҳмонлар кўпаяди дачада. Ҳозир ҳам бор.

— Телефон зайнит?

— Худди шундай... Сизга қўнғироқ қилиб тургандир? Балки учрашгандирсизлар яна?

— Йўқ, йўқ, — деб беозоргина кулди. Кулгисида йининг саслари бор эди.

— Нега энди? — дедим. — Балки ўзингиз...

— О, мен ҳеч қачон телефон қилмайман! — У бу гапни теран бир ишонч билан айтдики, «ғурурдан ҳам худоберган экан», деб ўйлаш мумкин эди.

— Тушунарли, — деб қўя қолдим.

Шунда у қандайдир киноя аралаш нописандлик билан сўради:

— Нега бизнинг Тиблиси сафаримиз ҳақида сўрамайсиз? Наҳотки қизиқ бўлмаса? Ўзийиз кузатган, оқ йўл тилаган эдингиз, жаноб ёзувчи?

— Мен истиҳола қилиб турибман, — дедим. — Ортиқча любопытства яхшимас дейишади.

— Раҳмат. Айтиб бераман, — деди у. Ва менинг сигаретимдан бирини олди.

Кейин ҳикоя қила бошлади.

## 12

— Ўша кеча Тиблисга учиб кетдик... Бўтдан чиққаннимиздан кейин мани уйда қолдириб, ўзлари аэропортга кетдилар... Тавба, «сиз»лаб гапиргим кемавотти. Ҳа, майли, мен учун шунча сарф-харажат қилдилар. У ёқдаям, э-ҳе...

— У киши аэропортга кетди, — дедим жилмайиб (буларнинг қисматига қизиқиб қолганимни шунда сездим).

Гулсара кулиб юборди.

— Ҳа. Мен уйда кийиниб турадиган бўлдим. Соат иккига яқин иккита билет билан кириб келдилар. Ну не могу... Мунақа йигитлар кам топилади, Қувватжон ака!

— Кечирасиз, у Тошкентга нима учун келган экан? Ҳа, геология вазирлигига девди-я.

— Ман сўрамовдим. Ман, просто, ҳайрон эдим у йигитнинг павидениясидан... Шундай қилиб, тонг оқарганда Тошкентдан учиб кетдик. Да. Хўп, Тиблисга бориб тушдик. Айтганимдек, уйини ижарага берадиганлар чиқиб туришган экан... Жаноблари гаплашди. Таксига ўтириб жўнадик...

— Қаерга?

— Гаграга. Автобус ҳам, ҳатто троллейбус ҳам қатар экан. Биз таксида кетдик, как палагається... Ўрисча сўзларни кўп ишлатвомман, кечирасиз.

— Бемалол.

— Ой, жуда ажойиб жойлар экан. Тоғ, денгиз, тинчликки қўёвурасиз... Биз уйига тушган одамлар — абхас мусулмонлари экан. Битта кампир билан ўғли тураркан. Унақа кампир оламда йўқ. Шунақаям меҳрибон, мани шунақаям яхши кўриб қолди. Эри балиқчиёкан, штормда ҳалок бўлган экан.

— Узр, битта уйда турдингларми?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Йўқ... Жаноби Таваккалбек шуни истадилар, албатта. Қоловурса, сизга бўладиган гапни айтсам, ўша мақсадда мани оборган эканлар.

— Ҳим, тушунарли.

— Тасаввур этингки, ман ёнимга қўймадим... Ишонмасангиз, тепамда худо бор. Ман худодан қўрқаман, иримчи аёлман. Баъзан ўйлаганим ўрнидан чиқади. Ҳатто Тошкентдан жўнаётгандаёқ: «Бу бойваччанинг мақсади шу-ёв», деган эдим. Худди шундай бўлиб чиқди... У манга, биласизми, минг доллар турадиган бриллиант кўзли узук совға қилди. У-ҳҳ. Битта местний хотин опкелувди, нархини сўрамай-нетмай олди. Шунақаям чиройли, томоша қилиб ўтирсам дейсиз... Кечирасиз, биз аёллар латтага, ялтироқ нарсаларга ўч бўламиз-де! Айниқса, ман... Ҳа-ҳа. Баъзан битта кийган кўйлагимни бошқа киймасдим.

— Қачон?

— О, тарихга қайтишга тўғри келади.

— Узр.

— Униям айтиб бераман. Балки бир нарса ёзарсиз?.. Чем чёрт не шутит! Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳазил. Бу гапларни, ази-

зим Қувват ака, сизга айтвомман, холос. Ҳатто синглим-гаям айтган йўқман. Ичимни кемириворди...

— Қулоғим сизда.

— Шундай қилиб, узукни олмадим... Вей, виждонан айтивомман! Агар ўша узукни «совға» деб берганида, эҳтимол... Унга муносабатим ўзгариб кетармиди... Йўқ, у кишим: «Шу кеча бирга ётамиз; холос, дедилар. — Узукнинг ҳақиға...» Ахир, бу — мани ҳақорат қилиш эмасми? Ўзийиз айтинг... Ман нима ўйда эдим-у, у киши... Йиғлаворимизга оз қолди. Ўйдан чиқиб кетдим. Ўзимга ажратилган хонагаяммас, кампирнинг хужрасига кириб ётдим. Бечора кўп ачинди манга... «Эҳ, қизиме, соддасан», деди. «Бир кун пушаймон қиласан», деди. Ҳақиқатан ҳам кейин, шу кунларда пушаймон қилдим. Ишонаверинг, азизим. Шунақа бўлди...

— Кейин?

— «Йўқ, ойижон, ман унақа қилолмайман», дедим. Кейин йиғладим. Жа хўрлигим келди... Кейин кампирга Таваккал акангиз билан қанақа вазиятда танишганимни айтиб бердим... Кампир уни ёқлади. Ваабше, мақтаса арзийди-да у инсон! Фақат, нима десам экан, тарбия кўрмаган-а? Сиз нима дейспз? Қани, фикрингизни айтинг-чи? Яширманг, илтимос.

— Энди, қишлоқ жойнинг таъсири бўлади, албатта, — дедим. — Бунинг устига, у — гапини икки қилдирмаган йигит. Ишонинг, Қашқадарёда уни танимайдиган киши кам бўлса керак.

— Ҳм, шуниям айтди... Эртаси маст бўлиб келиб, юзимга солди. «Мени хор қилдинг, ярамас!» деди.

— Шундай деди?

— О, бундан котталариниям айтди... Сўнг, учинчи кунни сафаримиз қариди. Қайтдик жаноблари билан...

— Кейин?

— Совуққина хайрлашдик... Маладес, у уйимгача олиб келди таксида. Ман шундоқ чиққан эдим. Да, эсимда: бир-биримизга қараб кулишдик. Унинг кулгуси... Лекин жа эзилди бечора, ғурури поймол бўлди. Урганмаган-де, тоес, мунақасини кўрмаган-да... Хўрозга ўхшаб югурганда, макиёнлар пас-с этиб... Кечирасиз, айниб кетдим. Вабше, биласизми, кунларнинг бирида мана шунақа айнишнияма истаб қолар экансан. Ахир, тилимизда сўкишлар бор, ҳақоратлар... Нега уларни бировлар ишлатади-ю, биз ишлатмай ўтамиз? Ҳа-ҳа-ҳа. Ҳазил, азизим.

— Биламан.

— Одам... ҳар қандай шароитдаям одам бўлиб қолиши керак. Акс ҳолда ҳайвондан нима фарқи қолади? Мана, сиз ёзувчилар ёзасизлар. Ҳар балони: секс борми, уруш-жанжал борми — барини қоғозга тушурасизлар. Лекин бир мақсадни кўзлайсизлар-ку? Яхшилиқними? Эзгуликними?

— Албатта, — дедим. — Чунки, Гулсарахон, бу жиҳатлар одамзотнинг табиатида бор. Лекин муайян шароит таъсирида...

— Понятно! — Кейин кулимсираб, шунчаки деди: — Медицинада шахснинг характери эмбриондаёқ маълум бўлади, деган гап бор, жаноби писател.

— Бор, бор. Албатта, — дедим. — Инсоннинг табиатида «бор» деганимдаям шуни кўзда тутган бўлсам керак. Тўғри, у ёки бу томонга, ўрисчасига айтсак, отклонения бўлади, албатта.

— Отайизга раҳмат.

— Яна қуяй, а?

— А-аа, майли!

— Гулсарахон, сиз анчагина ўзига тўқ, ҳам маданий оиладан чиққансиз-а?

— О, сўраманг, — деб тағин кулди у. — Еше как... Лекин, лекин уларнинг конституцияси бошқа.

— Нимаси?

— «Ахлоқ кодекси», — деб қаҳ-қаҳа отди-ю, дарҳол жиддий тортди. — Йўқ, мен уларнинг... — Кейин менга ялиниш билан боқди. — Келинг, ўша ёққа ўтмайлик. Ҳозирги дардим ҳам етади. Ҳозир ҳам мен нимадандир умидворман... Тушунасизми, масалан, ўҳ, Таваккал акангиз сал бошқача... Вой, ман тушунаман, у эркак одам! Унинг талаби, эҳтиёжлари бошқача... Это естественно. Ҳим, ман ҳам унинг нофарасига тушдимми, демак, у истаган рақсни ўйнашим керак... Тушуняпсизми?

— Ҳа, албатта.

— Лекин, ман... Ман ўзи жинниман, бу ҳаётга тўғри келмийман. Қиз болалигимда синглим, синглим-а... манга: «Сен романтиксан, дадамми айтганини қил», дер эди. Синглим... Қилиб ҳам кўрдим, дадамнинг айтганларини. Натижа чиқмади. Қайтамга... Келинг, шуни ичайлук. Ман учун ҳозирги дамлар, мана шу ўтиришимиз ҳам ғаниматга ўхшайди.

— Қайси маънода айтаяпсиз, билмайман-у, аммо ҳар бир дақиқанинг қадрига етиш керак, дейдилар.



— Да, ну! Баъзан тезроқ, бу умр ўта қолсайди, дейсан, Умр — елкангдаги юк, машаққатлардан иборат бўлиб кўринади... Ўҳ, хватит фалсафа.

— Тўғри айтасиз. Бироқ, менга ишониб шунча гапларни айтганингиз учун раҳмат.

— Да, — деди у мубҳам бир оҳангда, бошини эгиб. — Уйлаб қолдим-де, зиёфатдан чиқиб: «Қатга борсам экан? Ким менинг дардимни тушунади?»

— Раҳмат.

— Балки сизнинг холислигингиз учун, йўқ... анави бойвачча валламатга яқинлигингиз учун, ҳа-ҳа, бизнинг у билан муносабатларимизни фақат сиз билардингиз. Беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган эдингиз. Сўнгра одамларнинг гапларини яхши тинглайсиз. Ва ҳоказолар! Қани?... — У яна кулиб юборди. — Сиздан уялмийман, Қувват ака. Анчадан буён биладиганга ўхшийман. Қоловурса, сиз одамларнинг устидан кулмайсиз.

— У, асло, — дедим. — Ҳаққим йўқ. Кулиш лозим бўлса, менинг устимдан ҳам жуда кулиш мумкин.

— Кўп яшанг.

— Сизлар билан, эл қатори.

### 13

Шундан кейин сезиб қолдимки, суҳбатимиз адо бўлгандек: плло Гулсара ҳасратини қилиб бўлган, мен эшитган, у кўнглини бўшатган, хў-ўш, Таваккалга нисбатан муносабатини аниқ айтмаган ҳали, балки айтиб бўлган ҳам эди.

Шундоқ гуруннга янги руҳ берган нарса — менинг азиз меҳмонларим — қалдирғочларим бўлди. Деразаларда осилгич ускуна устидаги хўрози «чирқ-чирқ» этди, хонани бир айланиб, деразанинг юқори кўзига ўрнатилган совутгич устига қўнди. Шунда макиён қалдирғоч ҳам аста-аста чирқиллаб қўйди. Вой, буларнинг бир-бирини тушунишлари!

Қанийди, Сулаймон пайғамбар улар сўзларини шарҳласалар-у, биз эшитсак!

Бироқ, шундай тахмин қилиш ҳам мумкин эди: «Қалайсан? Яхши ётибсанми?» деди эркаги. «Дуруст, ҳарҳолда», деб қўйди макиёни. «Ҳа, ундай бўлса, ётавер», — «Сиз ҳам дамнингизни олинг». Уша кунларда, ишонасизми, она қалдирғоч инида кўпроқ ётиб қолса, ота қалдирғоч унга тумшуғида хўрак опкеларди: худди

жўжасига бергандай қилиб оғзини очар, она қалдирғоч каттагина бошини унинг оғзига тиқиб, нақ жиғилдонидан емиш оларди.

— Вой, вой, — дер эди Гулсара ўзича. — Ойнаниб кетай сизлардан.

— Бултур ҳам шу иккиси келганди, чамамда, — дедим. Умуман, булар бир-бирига жуда содиқ бўлади. Ҳатто айтишадикки, жуфт оққушдан бири ҳалок бўлса, иккинчиси кўкка кўтарилиб, ўзини қояларга уриб ўлди-рар эмиш.

Гулсара хаёлланиб, тотли «оҳ» еган қизболадек танглайини тақиллатди.

— Удивительно! — Кейин менга жўнгина тикилиб сўради: — Демак, булар бир-бирини севиб, оила қуришар экан-да? Фикримни тушунтираолдимми?

— Ҳа, — дедим. — Севишми бу, кўникишми бу, ҳарҳолда табиий танланиш йўли билан жуфтлашади булар.

— А, естественний отбор... — Кейин шўхгина табасум қилди. — Барибир танлашар экан-да, азизим?

— Ҳа, энди, шундай, — дедим. — Лекин уларда танлашнинг мезонлари бошқачароқ бўлса керак.

— Ерунда! Кечирасиз... Макиёнлари эркагининг фақат кучлилигига мафтун бўлади, дейсизми? Барибир... Зот қолдириш учун эркакнинг кучли бўлиши ҳар қанча шарт эса-да, барибир урғочи уни севиши керак. — Сўнг у ўз фикрига яна шўнғий бошлади: сезиб турибман, бу — унинг учун муҳим эди. — Сиз улар муносабатида қандайдир мезон бўлади, дедийиз. Бўлади, албатта. Аммо ўша мезон фақат кучни ўлчамайди...

— Ажойиб фикр айтдингиз, — дедим унинг кўнглига бориб. Ва дарҳақиқат, Гулсаранинг фикрини қувватлайдиган мисол ёдимга тушди. Ана шу «ёдга тушгани»ни айтгач, қолганини ҳам шарҳладим: — Африкада ўзимизнинг зағизғонга ўхшаш бир қуш бўларкан. Жуда чиройли, «Ҳайвонот оламида» кўрсатишган эди. Хўрози, айниқса, гўзал бўлар экан... Сиз еб ўтиринг, илтимос. Менимча, зиёфатда тўйиб овқатланмаган бўлсангиз керак?

— Топдингиз, азизим. Ман, умуман, меҳмондорчиликда деярли овқатланмайман. Айниқса, бизнинг... Ну ладно. Фикрингизни давом эттиринг, қизиқ гап гапир-воссиз.

— Ўша қушнинг хўрози ин қуриб бўлгандан кейин шу уясининг атрофига ҳар хил латта-путта, ялтироқ-

тошлар, ҳатто шиша синиқларини ҳам опкелиб, сочиб, қўяркан. Буям кам, кейин уясининг атрофида айланиб, рақс тушар экан. Қанотларини ҳурпайтириб... Бирам қизиқ! Мақсад — макиённинг диққатини тортиш. Қизиғи шундаки, битта макиён ҳалиги молга қизиқиб ёнига келса, бошқаси келмай — ўтиб кетар экан.

— Оҳ, қойил! — деб юборди Гулсара. — Сиз кўп нарсани биласиз.

— Кўрганим-да... Шуни назарда тутганда, сизнинг фикрингизга қўшилиш мумкин, — дедим. — Яъни, мана... мана шу қалдирғочлар ҳам жуфтлашишдан олдин бир-бирини танлаган ҳам, балки севган бўлишлариям мумкин.

— Мумкин эмас, худди шундай!

У «шундай»лигини истар эди.

— Балки, балки, — дедим. — Хўш, бундан мурод... Кечирасиз, сиз илгари турмуш қурган бўлсангиз керак?

У диванга бирдан ястаниб, уҳ тортиб юборди. Кейин пиёла тубида қолган ичимликни бирдан сипқорди-да:

— Мене пора, дорогой мой, — деди. — Узр, безовта қилдим бемаҳалда, — сўнг йиғиштирина бошлаб, давом этди. — Таваккал акангиз телефон қилиб қолсалар, салом айтинг... Ҳим, между прочим, айтмасангизам бўлади.

— Айтаман, — дедим.

У қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Қанийди...

— Нима?

— «Қазаки» фильмини кўргансиз-а? Бир замонлар жа томоша қилардик. Ушанда Орлова деган бир гўзал аёл... актриса Гарди Гардиевич деган бир... барваста, шоп мўйлов раис билан видолашгач, чиройли бир ашула айтиб кетади. Фойтунда, — Сўнг Гулсара овозини бе-малол қўйиб айтиб юборди: — «Қақим ты был, қақим остана... Ты мой дорогой...»

Мен қўшни хонадагилар эшитади, деб жилла хавотирланганим йўқ, аксинча, унинг яна айтишини истар эдим... Чунки, яна онт ичиб айтаман, худо бунга овоздан ҳам берган экан.

Афсуски, йўлақдан кимнингдир нимадир дегани эшитилиб, Гулсара кафти билан оғзини ёпти.

— Уят, а?

— Йўқ, — дедим.

— Майли. Кулишса — кулишар... Да, Таваккал қа-

қида (у «ака»ни ташлаб кетди) яна нимадир демоқчийдим. Ух, чёрт.

— Шошманг, — дедим мен ҳам қўзғолиб. — Сизга қўнғироқ қилмадим?

У лабларини чўччайтириб, кулумсиради. Кейин:

— Мен квартирамми алмаштирвордим, — деди. — Ҳа, товариш писател. — Кейин бирдан хўрсинди, — Жинниман-а?... Уз, ўзимни ўзим ўлдириб қўйгим келади... Шунақа. Жаноблари кетаётганда мани таксидан тушириб қўйгандан кейин: «Барибир қўлимга тушасиз», дедилар...

— Ух, қайсар.

— Қайсарлик эмас, жоҳиллик бу, азизим... Биласиз, у йигитнинг қўлидан ҳар иш келади.

— Мен фикрингизга қўшилмайман, — дедим. — Шундай ёт юртларда қўполлик қилмаган киши.

— Ҳим, бу гапингиз ҳам тўғри.

— Бекор алмаштирибсиз квартирани... Гулсара, балки телефон номерингизни ташлаб кетарсиз? Мен унга бериб қўйсам, ёмон бўлмасди.

— О, о! Мутлақо, — деди у.

Мен бўш келмадим, илло бунга тўла асосим бор эди:

— У аёл кишига зулм қилмайди ҳеч қачон, — дедим. — Мен эшитмаганман, аксинча, сурхондарёлик учтўртта қизлар Қарши пединститутида ўқиётганда, уларни безори болалардан ҳимоя қилиб, биттасини пичоқлаб қўйган. Шунинг эвазига саккиз йил ётиб чиқди... — Гулсара менга сўмрайиб қолди. — Эҳтимолки, ўша воқеадан кейин биз ака-укадек бўлиб кетдик. Ҳим, ўша қизлардан бири менга яқин қариндош бўларди. Ўша йиғлаб айтиб берган. «Булар — меҳмонлар-ку, нокаслар! Тарқалинглар!» деб бақирган. Улар Таваккал акага ташланишган, у киши...

— Ну-ну, это ж страшно, — деди Гулсара. Кейин чеҳраси бирдан ёришиб кетди. — Умуман, йигит кишининг ишини қилган экан. Қойилман...

— Шунақа.

— Нега бўлмасам менга «унақа» деди?

— Энди, алами келиб... Ўзингиз яхши тушунасиз-ку? Квартирани алмаштириб чакки қилибсиз.

У бошини ҳам қилиб, дастурхонга тикилиб қолди. Кейин паришонлик билан:

— Шу шишани олсам майлими? — деди. Деди-ю, кўзи ёшга тўлгандек йилтираб кетди. Мен унинг чарм

сумкасини қўлидан тортибгина олиб, шишани солдим. Кейин қази-қартага қўл чўзгандим, у энди сумкани тортиб олди. Сўнгра «Родопи»дан бирини-да олиб: — Биласизми, квартирани, икки хоналига алмаштирмоқчидим, — деди. — Уч хоналик эди.

— Телефон номерингиз...

— О, йўқ, — сўнг кулди. — Керак бўлса, топиб олади. Ҳа-ҳа-ҳа! Эркаман-а?

— Йўқ, сиз ўзингизнинг қадрингизга етасиз. Лекин, айбсиз парвардигор, дейдилар...

— Да, канешна... Хўп, мани пастгача кузатиб қўясиз?

— Катта йўлгача.

— Уф-ф. Да-а... Э, хайр қалдирғочлар! Азизларим! Бир-бирингга садоқатли бўлинглар!

— Раҳмат, Гулсара.

— Энди учрашмасак керак.

— Нега?

У ҳиринглаб кулди.

— «Чую деган чўкчи.

## 14

Йўлакка чиққанимиздан кейин мен яна уйга қайтиб кириб, стол тортмасидаги «бир қора кунга» деб сақлаб қўйган ақчамдан такси пули олиб чиқдим.

Ўзингиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак, Гулсаранинг қайтиб кетишга пули қолмаган («борини берворган») эди; бундан ташқари жувоннинг шишани олиши-ю ўша пайтдаги мискин ҳолатидан ҳам маълум эдики, у ҳар қанча гўзал кийинган ва мағрур бойвуччадек кўринмасин, «чўнтаги касал» экан.

Омадни қарангки, енгил машиналар тўхтамига чиқсак, битта «ВАЗ-31» дан елкасига чарм тўрва осган ажнабийлар тушишмоқда, ҳайдовчи орқа қопқани очиб, филдиракли чарм чамадонни чиқармоқда эди.

Унинг яқинига бориб сўрадим:

— Шаҳарга қайтасизми, ака?

— Ҳа.

— Битта меҳмон бор эди.

— Фақат сквергача, — деди-да, жомадонни ерга қўйиб, Гулсарага қараб олди. — Ўша кишими?

— Ҳа.

— Ўтирсинлар.

— Мана, юз эллик сўм.

— Бўлади. Ҳозир... — У жомадонни ғилдирашиб кетди. Мен Гулсарани имлаган кўйи ёнига бордим.

— Сизни опкетади.

— Ҳайрият, таксимас экан. Мен таксисларга кўп ишонмайман... Раҳмат сизга.

— Илтимос, пул чиқарманг, — шундай дедим-у, меҳмонларнинг юкини зинапоя пастида қолдириб қайтаётган ҳайдовчига пешвоз бориб, кира ҳақини бердим.

Гулсара кабинага кираётганда, атайин кулиб:

— О, боссларнинг мошинаси-ку! Суперволга, — деди. — Эслаб қолинг, жаноб писател!

— Хотиржам бўлинг, — деб эшигини ёпдим. Ойнасидан боқиб: — Кўришгунча, — дедим.

У кулиб юборди.

— Ёмонсиз...

— Балки номерингизни айтарсиз? — дедим. — Эсон-омон етиб борганингизни билардим.

У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Йўқ. Керак бўлсам, ўзи топсин... Чао. Узр, сизни ишдан қолдирдим.

— Асло.

Шундай қилиб, Гулсара кетди ва орадан бирон ҳафта ўтдимиз — Таваккалбек Қитоб туманидан қўнғироқ қилиб қолди. У ширакайф ва тажанг эди.

Мендан ҳол-аҳвол сўрашни орқага суриб:

— Гулсара тирикми? Кўрдингизми ҳеч?.. Мен боролмаяпман! Ҳар ерда — қурилиш! Бош қашишга вақт йўқ, ука. Лекин у ярамасни бир секунд ҳам унутганим йўқ, — деб савол аралаш гапни қаторлаштириб ташлади.

— Гулсарангиз ўн кунча бурун келиб кетди, — дедим. — Кайфияти ўртача.

— «Келиб кетди?» Дачага?

— Ҳа. Бир соатча ўтириб кетди... Сизни сўради. Менимча, у билан учрашсангиз ёмон бўлмасди.

— Телефонига нима бўлган уни? Минг марта қўнғироқ қилдим... Ўша учрашувимиздан бир кун олдин олиб эдим номерини. Телефон қилганимда, тушиб эдим...

— У квартирасини ўзгартирган, — дедим. — Керак бўлсам, излаб топади, деди.

— Шундайми? «Топади» дедими? — ҳовлиқиб сўради у. Хурсанд бўлиб кетганига шубҳа йўқ эди. — Ҳе, қисталоқнинг қизи... Қувватжон, унақаси битта туғилади...

— Фикрингизга қўшиламан, — дедим.

— Всё! Мен яқинда бораман. Тошкентда бўлса, топаман уни... Э, сизнинг телефонингиз нимага зайнит бўлади нуқул?.. А? Меҳмонлар кўп? Ҳа-а... Бир-икки марта сўраганимда, шаҳарга тушиб кетганлар, дейишди...

## 15

Таваккалнинг «яқинда» деган муддати узоққа чўзилиб кетди: на ижод боғига келди, на сим қоқди. Мен улар икковлоннинг жуда яқин, жуда яқин, ҳаттоки бирга бўлишларини ич-ичимда истаганим учунми, назаримда, улар тил топишгандек, демак (не ажаб!) мени унутгандек эдиларки, бундан ҳам қаноатда эдим.

Бироқ кўнглимда гумонлар ҳам кезиб қоларди: «Тил топишолмади-ёв.

Акс ҳолда, дейлик, «яраш-яраш»ни нишонлаш учун ҳам бирров келиб кетишлари лозим эди».

Шундай ўйлашга қандайдир маънавий ҳаққим борлиги учунми, ҳатто Таваккалнинг қўнғироқ қилмагани қандайдир малолроқ келиб турган кунларнинг бирида...

...қалдирғочларим ҳаётида бир ажиб томошани кўрдим.

Қош қорайишига яқин улардан қайси бири ташқарида бўлмасин, албатта «чий-чий»лаб учиб келар, хонани шифти остида бир айланиб, тупукда ийлаб ва сомон қипиқларини қўшиб «пишитган» лойларидан ясалган қаттиққина чипор иннинг лабига қўнар, хўрак келтирган бўлса, тумшуғини очиб шеригига тутар, агар шериги илгарироқ кириб ўрнашган бўлса, бир-икки сас чиқариш билан қаноатланар ва ўнг келган жойга қўниб, тунни ўтказарди. Гоҳо иккаласи ҳам ташқарида бўлишса, кетма-кет учиб келишар, шунда, тасаввур этингки, сап-сарик тумшуқчаларини борича очган жўжалари чийиллашиб қарши олишар, ота-она уларга навбат билан емак беришарди.

О, буларнинг ташвишлари!

Гўёки бор бисотлари — шу болаларию барча хатти-ҳаракатлари — уларнинг қорнини тўйдириш ва, демак, учирма қилишдан иборатдек туюларди!

Мен бу ажиб қушларни таниганимдан буён — иноқ, аҳил, бир-бирига меҳрибон, деб ўйлаб юрардим албатта, ва бу борада Гулсара билан ҳам бироз гаплашгандик.

Йўқ, биродар, буларнинг орасида ҳам худди одам-зотнинг эр билан хотини орасидаги...

Бир дақиқа бардош қилинг.

Бир оқшом она қалдирғоч хуфтон маҳали чийиллаб учиб, хонага кирди-да, жон ҳолатда оғзини очиб, ўзига чорлай бошлаган болаларига қарамай, қайтиб чиқиб кетди. Бироқ, икки-уч дақиқадан кейин яна ўқдек учиб кириб келди-да, тагин хонани айланиб ва асабий чий-чийлаб, инининг қирғоғига қўнди. Кейин болаларининг нафсини қондириб, улар устига астагина ўтди-да, бағрига босиб ётди. Бироқ, онлар ўтиб-ўтмай чий-чий этар, унинг зорланаётгани шундоқ билиниб турарди.

Эркак қалдирғочдан дарак йўқ. (Мен уларнинг жусаси ва думининг узун-қисқалигига қараб, нари қайсию модаси қайси — тахминлаб билиб олган эдим.)

Бахтга қарши, ҳаво совуб, ёмғир савалай бошлади. Деразани ёпай дейман, аммо эркак қалдирғочнинг келишини кутаман, ҳозир келар, энди келар...

Макиён ҳамон «чий-чий» этади. Энди унинг унидан ночорлик, ожизлик сезиларди.

Шунда кўп тахминларга бордим: «Электр симига қўнган бўлса — тамом... Ёки бирон йиртқич қушнинг домига илиндими? Йўқ, унинг қирғийлар билан ёнма-ён учиб юрганини кўрганман... Нима бўлди экан унга? Ҳа-а, шўх болалар рогатка билан... Қайда! Унга сочма ўқ ҳам тегмайди...»

Хуллас, шу кеча деразани ёпмадим. Қалин кийиниб ётдим. Чироқни ҳам ўчирганим йўқ: учиб келиши мумкин. Адашиб қолмасдан инини топсин...

Мен-ку ухлаб қолдим. Аммо она қалдирғоч ухламади ҳисоб: қачон уйғониб кетсам, унинг инграган каби ноласи эшитилар, юлдуз-қуртдек кўзлари йилтиллаб кўринар эди.

Одатдагидек, соат бешларда ўрнимдан турдим. Тонг ёришиб қолган, она қалдирғоч эса, ҳамон... уйғоқ эди. Худди шу маҳалда деразани очардим-у, у (ҳам) емак ғамида учиб чиқиб кетарди. Бу гал жойидан жилмади.

Бир маҳал, сопол чойгумимни сувга тўлдириб, ичига қайнатгични солиб, энди токка улайман деганимда, шувиллаб, ҳа, ўқдек учиб ота қалдирғоч кирди. Қирди-ю, ин лабига қўндим деганда, она қалдирғоч унга шундай ҳужум қилдики, бир неча патчалари тўзиб кетди. У қочиб, дарпарда илиқлик темирга қўнди. Она қалдирғоч уни қувлаб бориб, тагин бошини чўқий бошлади.



Ота қалдирғоч тағин қочиб, совутгич устига қўнди-да, қандайдир қунишиб, бўйинини қисиб тураверди.

Хотини уни роса чўқиди, ҳатто устига чиқиб олиб, елкаларини чўқиди. Эри жим туриб берди. Ниҳоят, макиён толиқди шекилли, эрининг кифтида бироз туриб, патларини тозалаган бўлди-да, инига учиб чиқди.

Кейин ота қалдирғоч ҳам ўзини силкитиб, қандайдир оро берган бўлиб, «чирқ-чирқ» этди ва уясининг четига чиқиб қўнди. Макиён ҳам «чирқ-чирқ» қилди-да, бирдан учди. Унинг кетидан эркаги ҳам учди. Шувиллаб ташқарига чиқиб кетишди.

Мен лолу ҳайрон эдим.

Бир нарса шак-шубҳасиз эдики, эркак қалдирғоч кечаси уйга келмай қолгани учун макиёни уни талаган, унинг миқ этмасдан туриб бериши эса — айбини бўйнига олганини кўрсатар эди.

Аммо у тонгда келар экан-ку, нега тунда, тўғрироғи, вақтида келмади?

Биз инсонлар ўзимизча фикрлаймиз, яъни, масалан, «мушуккина йилида бир марта мов бўлади», деб қалдирғочлар ҳақида ҳалигидай, «ўйнашининг уйида қолган», дейишимиз ҳам мумкин. Лекин бу — одамга хос «фикр» бўлади холос... Она қалдирғоч уни «рашк»дан талади, «қизғаниб» талади, дейишимиз ҳам мумкин. Бироқ бу тахминлар бари — ота қалдирғочга тухмат бўлишиям мумкин... Демак, ўша гап-гап: эркак қалдирғоч кечаси уй(и)га келмай қолгани учун «хотини» дан жазо олди.

## 16

Ушбу воқеадан кейин ҳам ҳафталар ўтди. Табиий, ўз ишим—ёзувим билан машғул бўлиб, Таваккал ака билан Гулсаранинг муносабатлари қандай кечгани (агар учрашишган бўлса) ҳақида ҳам онда-сонда эслайдиган бўлиб қолдим. Бироқ, улар, хусусан, Гулсара ёдимга тушиши замон макиён қалдирғочнинг қилиғи ҳам хотирамда уйғонар, улар билан айниқса, Гулсара билан учрашиб қолсам, албатта «азизим» деб суйгани қалдирғочларнинг бу можаросини айтиб бериш ва уни қандайдир таҳлил этиш, балки у билан Таваккалга тегишли хулоса ҳам чиқариш мумкинлигини ўйлардим.

Зеро ўзим уларнинг алоқасини қушчаларнинг ўзаро муносабатларига ўхшатолмас эдим.

Бироқ, макиён қалдирғочнинг «эри»га қилган «муомаласи»дан ўзимга тегишли сабоқ олдим.

«Оилам мени эркин — ўз ҳолимга қўйган», деб ҳафталаб уйга — уйимга бормас эдим ва борсам, хотиним гоҳо илмоқли гаплар қилар, мендан нолиган бўларди.

Шунда мен «Қўйсанг-чи, онаси. Рашк қилиш — бизга ярашмайди. Пироварди, бу — бир-биримизни камситиш бўларди...» дер эдим ва мана шу мантиқий фикрга инонардим.

Қалдирғочларнинг ўзаро алоқалари менга шуни кўрсатдики, рашк, қизғаниш, қолаверса, жуфтидан хавотир олиш ва нолиш — булар бариси тирик жонзотларга хос бўлиб, фақат инсонгина «мантиқан фикрлаш қобилияти»дан фойдаланиб, уни инкор этмаса ҳам, панжа орасидан қараши мумкин экан...

Қисқаси, куз ҳам етиб келди, тўғрироғи, кузга ҳам етиб бордик.

Қалдирғочларим болаларини учирма қилиб, хонамни тарк этиб кетишди...

Дераза яқинидан ўтган симларда сон-саноқсиз қалдирғочлар тизилиб ўтиришар, кейин дув-дув учишар, мен азиз ҳамхоналаримни таний олмас эдим-у, шод эдим: яқинда улар узоқ — иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Ва қишни ўша ёқда ўтказиб, баҳорда бизга қайтишади.

Мен эсам — бу ерда туриб яна насиб этса — уларни яна деразаларимни очиб, кутиб оламан...

Воқеадан биров узоқлашдим. На чора, бу баҳор қушлари — элчилари ҳам суҳбатларимизга ранг берган, фикрларимизни тиниқлаштирган «улфатлар» эди.

Ана ўша қалдирғочлар гала-гала бўлиб учиб кета бошлаган кунлардан бирида...

...Жумҳурият Радиоэшиттириш Қўмитасига бораётган эдим. Анчадан бери ёзаётган қиссам туггани учун ундан бир эшиттиришлик парча дипломатимда, метронинг Амир Темур хиёбонида тушиб қолиб, ўша ресторан ёнидаги дарахтлар хиёбонидан тез-тез юриб (хаёлимда Таваккалу Гулсара билан ўтирган чоғимиз суратланиб) бораётгандим; қийшайиб ўсган ёлғиз санобар (сосна) остидаги ёғоч ўриндиқда чекиб ўтирган аёлга кўзим тушиб, уни Гулсарага ўхшатдим.

Бироқ, бу жувон хийла озғин, тағин — ранги ўчган жинси юбка билан кўйлак кийган, сочини ҳам калта

кестирган (ўша кезлар сочи елкасга тушиб турарди), ўтиришида ҳам қандайдир чапанилик бор эди.

Рост айтаяпман, унинг нимасини Гулсарага ўхшатганимни ҳам; унга синчковлик билан қараб олганимнинг ҳам сабабини билмайман; қандайдир туйқусдан кўзим тушган эди. Балки ресторанда ўтирганимизни эслашим бунга сабабдир.

Қисқаси, уч-тўрт қадам босгандан кейин яна унга қайрилиб қараганимни биламан... таниш табассумга йўлиқдимки, таққа тўхтаб қолдим.

## 17

У — Гулсара эди.

Қандайдир ҳаяжонланиб, нималардандир, хижолат тортиб, аммо ичимдагини сиртимга асти чиқармай, хаёл қўлингки, у билан кун кеча хайрлашган каби бир қалбаки мамнуният билан олдига йўналдим.

Гулсара, назаримда, менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, қандайдир керишиб, ўрнидан турди.

— О, товариш писател!

— Салом алайкум, Гулсарахон. — Унга эътибор беражагимни яшириш учун дарҳол узатилган қўлни олдим. — Саломат бормилар? Юз долларга ўхшаб кетдилар?

— Ҳў-ў, — дея пичинг қилгандай кулиб қўйди. — Марҳамат, ўтиринг.

— Албатта... Бировни кутмаяпсизми?

— Йўқ, — деди у кескинлик билан. — Шу тротуардан ўтвоссам, ичкарида «Тановар» чалинвотган экан. Битта маймоқ ўйнаётгандир-да, деб тўхтадим. Кейин, — яйраб кулиб юборди. — Уша ўтиришимиз эсимга тушиб кетиб, шўтда ўтира қолдим... Между прочим, ман сизни ҳу ўтда кўрган эдим. Уша кишими-бошқами, деб ўйладим... Қарасам— сиз.

— Кейин тескари қараб олдингиз?

— Ҳа.

— Биздан бирон гап ўтганмиди?

— Ой, што вы? Так просто... — У менга тик қаради. Овозида сезиларли ҳаяжон билан: — Ўзгариб кетибманми? — деди.

— Менимча, йўқ, — дедим. Фақат бу кийим-бошда биринчи марта кўришим.

— Конечно... Лекин ўзгарганман. Сиз... сиз ҳамма

вақт одамни аяб гапирасиз. Бу — яхши одат, лекин баъзан ёлгон сўзлашгайм мажбур бўлсангиз керак?

Мен «айб»имни бўйнимга олгандек бош ирғадим-у, Гулсаранинг бармоқлари беўхшов титраб кетганини кўриб қолдим. Юзига боқсам, пастки қовоғи сал осилган.

— Ҳим, Гулсарахон, шаҳарни соғиниб тушган эдим, рости, — дедим. — Кейин, тасаввур этингки, метродан чиқибоқ учовлон ўтирганимизни эсладим.

— Ну и ну!

— Ҳа... агар вақтингиз бўлса, мана шу ресторан остидаги чойхонага кириб, беш минут ўтирсак. Одам кам. Салқин тушиб қолди... Ҳалақит беришмайди.

У менга қандайдир ачингандек қараб турган эди.

— Жоним билан, Қувват ака, — деди. — Сиз яхши одамсиз... Умуман, гаплашадиган гаплар ан-чагина йиғилиб қолган. Мен бир-икки марта дачайизга бормоқчиям бўлдим. Но... Оёғим тортмади. — Кейин кулиб юборди. — Тузукроқ бир вечердан чиққанимда, борардим албатта!

Мен ҳам кулдим.

Чойхона олдидаги ҳовузнинг суви яшил бўлиб кўринар, демак, кўпдан бери суви янгиланмаган, умуман, чойхонадан файз кетиб қолган, бетон устунлар орасидаги кўпчилик столлар бўш, буфетда қандайдир италияча куй ингранар, мутасадди йигит— пештахтага тирсаклаб олган кўнғироқсоч киши билан эриниб гаплашарди.

Чап томондаги устун панасида турган столни танладим. Буфетга юзланиб, Гулсарадан сўрадим:

— Шампанга қалайсиз?

— О, ўзи-да! — деб жилмайди хоним. — Лекин ҳолингизга қаранг, Қувват ака.

— Қувват акангизнинг қуввати битта шампанга етар, — дедим-у, илдамладим.

— Иккита фужер, шампан ва гугурт қутисидек бир жуфт шоколад олиб (чўнтакда фақат автобус пули қолиб), келдим. Гулсара менинг аҳволимни сезиб тургандек ийманиш ҳам ачиниш билан табассум қилиб:

— Яхши кунлар ўтиб бўлган экан-у, билмай қолган эканбиз-де, — деди.

Икковлон кулишдик. Шунда... атрофга қараб олганимни билмай қолдим: билсам, Таваккални излаётгандек, у ҳозир етиб келадигандек бир ҳолга тушган эканман. Сўнгра жилмайишни қўймасдан курсига ўтирдим.

Шишанинг сим бўйинбоғини бурар эканман, Гулса-

ра бирданига тошқин ва қандайдир ҳасратли оҳангда:

— Поқиллатворинг! — деб қолди. — Азизим, шундай қилинг... Тўкилса тўкилар. Бир соат, бир минут бўлсаям яйраб ўтирайлук! Окангиз айтганларидай — дунё ўтди-ку... Айтмоқчи, жентельмен окайиззи кўриб турасизми? •

Мавзу дарҳол Таваккалга бурилганидан мамнун бўлиб:

— Йўқ. Сизлар учрашиб турсангизлар керак? — дедим. Ва давомини ҳам айтиб юбордим: — Каминани унутишди, деб ўпка-гина қилиб юрибман, ҳа.

Гулсара қаттиқ куладиган каби бошини орқага соли-ю, қандайдир хўрсинди, холос.

— Йў-йўқ. Афтидан у кишигаям ўшанда «алвидо» деганга ўхшаб қолдим.

— Демак, учрашар экансизлар. Менгаям шундай девдингиз, мана, худонинг йўлиқтиргани.

У мужмал бош ирғаб кулди. Шунда шампани тиқини отилиб, поқиллаб кетди.

— Ҳаётнинг ғанимат эканини тушуниб қолдим, азизим, — деди Гулсара фужерни икки бармоғида айлан-тираркан. — Барча изтироблар, орзу-армонлар — беҳуда экан. Ҳаёт шундай эканки, ҳар қанча осмонларга чиқиб кетма, ўзининг измига солар экан. Кейин сен ўзингга қандайдир...

— Хўш?

— Сўқмоқ танлар экансан... Умуман, манинг омадим келмади ҳеч. Бир ҳисобда шундай бўлиши табиий экан. Чунки ман ҳаётдан кўп нарсаларни талаб этар эдим... Ишонинг, дўстим, Чўлпонмикан, қайсидир бир шоир: «Бу денгизнинг чуқурлигини билмай, қулочни катта отдим мен», деган экан.

— Ҳа.

— Ҳаёт бошқача экан.

— Сиз тушкун гапларни айтаяпсиз, Гулсара... Эсдан чиқарманг, синглим, — сиз тушкун бўласизми, ҳаётни бори-ча қабул қиласизми ёки яхши орзу-истакларнинг қачондир бўлсаям рўёбга чиқишини орзулаб бунга инониб яшайсизми — умр барибир ўтаверади.

— Ай, манинг умрим... умримнинг энг яхши, нурли чоғлари ўтиб бўлди, — деди у ва фужерини узатди. Чўқиштирган бўлдик. — Қолгани фойдага қолди. Ушани яхши ўтказишни ўйлавомман кейинги пайтларда. Аммо «яхши ўтказиш» учун... Ну и к чёрту! Олдик, азизим! Та-

ваккал оқайиз ҳам қолган умрини яхши ўтказсин... Уники яхши ўтади. Чунки у переживанияни билмайди.

— Менимча, унчалик эмас.

Фужерлар ичидаги «жодугар» камайгани сари суҳбатимиз қизий бошлади.

Бу орада у жилдини тиззасига қўйиб, ундаги кўзгуга бир-икки марта қараб олди. Кўз жияқларини жимжилоғида артган бўлиб, анчагина қизил сурилган лабларини ялаб қўйди. Назаримда, у вақт ўтган сайин ўзида қандайдир сифатли ўзгаришлар юз берадигандек — шуни умид қилаётгандек туюлар ва хўрсиниш кўзгудаги аксидан қаноатда эмаслигини билдириб қўярди.

Кўнглимдан кечган тағин бир ҳолни қайд этишим лозим. Гулсара шу тобда илк бор ресторанда ўтирган ўша майин — уятчан ва ғамгин жувонга деярли ўхшамас, «деярли» деганимнинг боиси — фавқулодда янгроқ кулиб юборишию шижоатигина уни ғира-шира эслатар эди. Қолаверса, кечаси ижод боғимизга борган чоғидаги қиёфаси ҳам деярли ўзгарган, ҳозир у — хийлагина чапани, яъни бетгачопар, қаёққадир кетворишга шайдек — бир жонсараклик унда бор, юзининг бироз чўзилиб, яноқларининг ботинқираб қолгани ва кўз қарашларида асабий бир изтироб, уйқуга тўймай уйғониб, уйғотганининг юзига тарсаки тортиб юборадигандек теран бир ҳолатда ҳам эдики, мен унинг сиймосида одамзоднинг шугина ўтган вақт орасидаям етарли даражада ўзгариб қолиши мумкинлигини кўриб турардим. Ва, ўз-ўзидан маълумки, бу қайдлар бари ичимда эди.

## 18

— ...«Унақаси битта туғилади» деди, — дея такрорлаб, гапимни давом эттирдим: — Менимча, ўша куни Тошкентга учиб келган бўлиши керак.

Гулсара мийғида жилмайиб, иягини бошмалдоғида қашиб тураркан.

— Йўқ, йўқ, — деди. — Тоес, у келган... Келган экан! Бизнинг падъездагилардан ҳам сўраган экан мани. Лекин, ман аҳмоқ уларга: «Қатга кетганимни айтманглар», девдим. Чунки оқайизнинг келишини билардим.

— Чакки қилган экансиз-е.

— Айтвомман-ку, жинниман, деб... — Кейин яна лабларида менга таниш ғамгин табассум пайдо бўлди. — Бечора паликлинакагаям борипти. Главврачга: «Гулса-

рани топиб бермасангиз, хапа қиламан» депти. У иплос қатга ишга ўтганимми билсаям айтмас эди... Худонинг зорини қилиб қутулипти..

— Шошманг-шошманг, сиз ишдан ҳам кетдингизми?

— Ай! — деди у ғижиниб. — Барибир кетмоқчийдим... — Кейин лабларини қимтиди-да, бошини сараклатди. «Ҳозир йиғлаворади», деб ўйладим. Ҳайрият, унинг овозигина «йиғлар» эди: — Одамми хор қилишади.

— Яъни?

— «Мен билан юргин» дер эди-да-е... Оғзидан қони келсин унақа эркакнинг!

— А-а, паст одам экан.

— Паст... — деб такрорлади-ю, бошини илкис кўтарди. — Таваккал оқайиззи ундан нима фарқи бор? А?.. Хўп, оқайиз — мард, валлакат йиғит.

— Энди, йиғитлик — итлик, деган гапам йўқ эмас.

— Итлик! Топиб айтдингиз... Э, художоним, нимага мундай, а, бу инсонлар? — Унинг сурма тортилган киприклари пирпираб, кўзлари ғилқ ёшга тўлди. — Ахир, шу ишлари билан улар ўзларини ерга уришади-ку? Молдан фарқ қилишмаётганини наҳот сезишмаса?! Йўқ, сезишмайди.

— Шампаннинг кўпиги учиб кетди.

— Раҳмат.

— Хўш, Таваккал акага келсак...

— Қўйинг ўша кишини... Ўзиям бир таваккалчи экан. — Кейин винодан сипқориб; яна ўйлашиб қолди-да, тиниқ жилмайди. — «Унақаси битта туғилади» дедими?

— Худди шундай деди, — қайтардим жонланиб. — Менимча, у сизнинг қадрингизга энди етаяпти.

— Билмадим-де... Ҳа-ҳа-ҳа! — Кулгиси тўхтамасда ноқ тагин ғамгин тортиб қолди. — Ман ҳам ўзимни «бита...» деб ўйладим. — Менга ялт этиб боқди. — Кечиринг мани. Аҳмоқлик қивомман. Аммо сизга ростини этивомман. Албатта бу — соддалик, жўнлик... Вабше, — кўпчилик қизлар ҳам шунақа деб ўйласа керак. — Кейин яна кўзгуга қарайдигандек сумкасини очди-ю, давом этди: — Чесни айтаман: ман ўртоқларим орасида энг гўзали эдим. Кулманг фақат... Раҳмат. Китобий тарбия топдим шекилли, рицарнамо йиғитларни орзу қилардим. Албатта, биттасини-де! Ха-ха-ха... Жа очилиб кетвомман. Майли, сиз кулмайсиз.

— Мутлақо! — дедим. — Бироқ, Гулсарахон, сизсиз

ҳам сизни бир кўрган киши холис баҳойингизни беради. Онт ичаман, ҳамон жуда гўзалсиз.

— Раҳмат. Лекин кейинги вақтда оздим, кўп переживания қилдим. Жуда... — Кейин шошилиб, айтмаса — эсидан чиқиб қоладиган бир ҳолатда давом этди: — Палканикадан кетганимдан сўнг пулсиз қолдим.

— Бошқа ишга...

— Э, ўлиб кетсин ўша иплос. Мани буйруқ чиқарганида, «тани соғ эмас, закритий туберкулёзи бор», деб ёзган экан. Ман ўзимни йўқотиб қўйдим. Йўталиб бор, эскитган бор... Балки ўпкам хастадир. Аммо туберкулёз?! Извените... Японларнинг апаратигаям тушиб кўрдим. Соппа-соғман.

— Қачондир шамоллагандирсиз-у, асорати қолган бўлиши керак, — дедим.

— Отайизга раҳмат... Лекин у ярамас бир баҳона топиб, мани йироқлаштириши керак эди. Чунки, ишонинг, мани кўрса, қалтираб кетовурарди.

— Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам депти-да.

— Шу-шу... — Кейин менга бир самимий тикилди. — Ушанда, ишдан кетган кунларим Таваккал акани ҳар соатда.. кутардим. Улий агар, рос этивомман. Тагин нима мани ўйлардим денг? Уша главвраччи урдирмоқчи бўлардим.

Иккимиз ҳам маза қилиб кулдик. Лекин менинг кўнглимда шундай бир фикр ҳам илдиз ота бошлади: «Бу жувоннинг Таваккалда кўнгли бор...»

Ҳа-ҳа, олдиинги суҳбатдаям бир неча марта: «Қанийди...» деган сўзни айтган эди.

Шу пайт ёнимиздаги эшикдан (шу эшикдан ҳам ресторанга йўл бор) ҳар доимгидай хипча, башанг кийинган қўнғирсоч Хусанжон қўлида бир дона нозик чиннигул билан чиқиб кела бошлади. Мен ўрнимдан турдим: айтишим лозимки, бу — зал бошлиғи бошқа мижозлари билан қанчалик яқин бўлмасин, менга бир дўсти каби қарар (бир суҳбатда менинг ундан икки кун олдин туғилганим маълум бўлган, шундан кейин мен унга «Акангизман, ака деб чақиринг», дея ҳазиллашардим ҳам), бир кўрган одамнинг нима касб билан шуғулланишию, «соққаси» кўп-озлигини ҳам бехато айтиб берар, аксари



ўрпе официантларга бош экани, оврупоча муомалани ўрнига қўйиши ҳам менга ёқар эди.

— Ассалом алайкум! — У гулни хонимга берди.

Салом ҳам кўпроқ Гулсарага қаратилган эди. Биз ўзаро «ўпишдик», яъни, чаккамизни чаккамизга тегизиб олдик. Кейин мен уни бўш курсига таклиф этдим. У ўтирмаёқ қўшни столдан тақсимча олиб, шоколадлар қолдигини жойлаб қўйди. Кейин шўхгина жилмайиб, фотиҳа ўқиди-да:

— Нега бу ерда яшириниб ўтирибсизлар? — деди. Мен бу саволни «ҳазил» деб ўйлаган бўлсам ҳам:

— Кимдан? Сизданми? — дедим. Шунга Гулсара ҳам каминани қўллаб тушди.

— Биз ошини кўчада ичадигонларданмиз, ўртоқ завзал!... Хўш, бойвачча клиентингиз келдими яқинда?

Мен буларнинг, ҳарқалай, танишганларини, ўртала-рида Таваккал ҳақида гап бўлганини ҳам тусмолладим. Ва миямнинг қандайдир орқа томонидан бир ўй ўтди: «Гулсара ким-кимлар билан ресторанга кирган бўлиши мумкин?»

— Клиентим, — дея қизгин табассум қилди Ҳусан, — мана, икки минут олдин шу ерда эди.

— А? — Мен ўрнимдан туриб кетаёздим. — Ҳозир қаерда? Шу ерда бўлса, топиш керак!

— Назаримда, кетди-ёв, — деди Ҳусан тепага, иккинчи қаватда жойлашган рестораннынг деразаларига қараб. Битта ҳамроҳиям бор эди. Рашёт қилди-ю, холга чиқди. Сал оқсаброқ кўриндилар... Нима, келганидан беҳабармидинглар?

— Дўстим, уни топиш керак, — дедим. — Менга сув билан ҳаводек зарур.

— Ҳа, бир кўрсак, ёмон бўлмасди, — деди Гулсара ҳам ҳаяжонини босиб. — Шўтда тунадими кеча? Қачон келувди ўзи?... Бугун кўрдийизми?

Мен унинг ўзини тутолмай қолаётганини сездим: шунча саволни қаторлаштириб ташлади.

— Соат ўн бир яримдан буён ўтиришувди, — деди Ҳусан ўрнимдан туриб. — Абеддаям бўлишди... «Тановар»ни, билмадим, неча марта чалдирди...

Ҳусан тез бурилиб кетди. Мен Гулсарага қарадим. У карахт тортиб қолган, кўзларида эса яна... йилтироқ шуълалар пайдо бўлган эди.

— Гулсара, менимча, у сизни севади, — дедим. — Кечирасиз, севиб қолган бўлиши керак.

— Ерунда, — деб юборди у бирдан. — У одам аёл кишига перчатка, деб қарайди.

— У, хато қиялпсиз, — дедим. — Тўғри, уни бу йўруғда «оппоқ» дейиш мумкинмас.

— «Оппоқ?»

— «Оппоқ?»

— Кечирасиз, шу сўз тилимга келиб қолди... Лекин, у аёл кишини ҳурмат қила биладиям.

— Биламиз нима мақсадда ҳурмат қилишларини... — Гулсара олдимдаги «Родопи»дан олди. Мен чақмоқ чақиб тутдим. — Тавба, ўзи «сурқаш»лар бир-бирини ҳимоя қилади, деб эшитардим бир вақтлар. Узр, улар гуруҳига сиз қўшилмагандирсиз балки... Аммо сиз тарафларда маҳаллийчилик...

— Гулсара, — дедим кескин. — Чалғиб кетяпмиз... У менинг синглимни, тоес, жиянимни ҳимоя қилган. Ҳим, хотини ҳақида ҳурмат билан гапиради. Сизни эса... — Кейин жаҳлим чиқа бошлади. — Синглим, — дедим, — агар у йигит жувонга... зор бўлганида, ўшанда... ҳар қадамда топарди.

— Бунга шубҳам йўқ.

— Сизни шундан ўша ёққа — Грузияга олиб кетиши, қолаверса, ўша биллур кўзли узукни харид қилиши...

— Эй, кечирасиз, сиз мани ким деб ўйлавоссиз, — деб қолди у бирдан. — Кўнглингизга олманг, илтимос қиламан сиздан, Қувват ака, ўлай агар... Худо тепамдан уриб, тариқдай сочиб юборсинки, ман биров билан юрмадим ҳеч. Кулиб қараган бўлишим мумкин. Ҳазил-ҳузул дегандай...

— Ҳим, ишонаман.

— Мани ўша ёққа олиб бориптими, демак, арзиган бўлсам керак? — шундай деди-да, ғурурига қўшиб уялганини ҳам яшириш учун кулиб юборди. — Жичча қуйинг, азизим... келган, кетган бўлса — яхши бўпти.

— У сизни соғинган, — дедим. — Бекорга «Тановар»ни ҳадеб қўйдирмаган.

У менга тикилиб қолди ва:

— Да, это интересно, — деди.

— Шунақа.

— Бўпти, хафа бўлманг.

— Бир-биримиздан ҳеч қачон хафа бўлмаслигимиз учун.

— Яшанг! Хафа бўлишнинг ўзи, вабше, фойдаси йўқ,

экан... Узинг эзиласан. Душманларинг аҳволингни кўриб кулишади. Дўстларингни раҳми келади.

20

Ҳусанжон шошиб келиб, стол четига кафтларини тираганча:

— Кетиптилар, — деди. — Хизмат қилган официантка такси заказ қилган экан. Кеча бизда ётмаган, администратор билан ҳам гаплашдим.

— Ҳим, ўтиринг... Қаерга кетишганини айтмаган бўлса керак? Такси — шаҳарда қатнайдами фақат ё междугароднийлари ҳам борми ҳозир?

— Ҳозир фарқи йўқ, окажон, — деди Ҳусан. — Оммо лекин битта қарз гаппи айтиб қўйишим керак... Хоним, сизни икки марта сўрадилар. Илгари келишларидаям сўровдилар. Ман сизни бир бор кўрганимми, сиз ҳам у кишини сўраганизни айтувдим. Ҳу, бирон ойлар муқаддам...

Гулсара мийғида жилмайиб, секин-секин бош ирғади. Кейин менга қараб кулди.

— Бир марта сўровдим... Шу кўргим келувди-да, аблаҳ окайизни.

— Аттанг-аттанг, — дедим мен. Аммо Гулсара ҳам уни кўришга, дарҳақиқат, умидвор эканига шубҳам қолмади. Бу эса, менинг: «Гулсара ҳам уни севиб қолган», деб ҳукм чиқаришимга асос бўлдики, уларни учраштиришни — дўстона бурчим, деб ҳисобладим. Бироқ «бурч»нинг ижроси яна чўзилиб кетди...

— Мен тепага чиқишим керак, — деди Ҳусанжон. — Окамиззи энди қўлдан чиқармайман!

— Омон бўлинг.

— Ичкаригаям кириб туринглар... Маҳаллий клиентлар жа саналиб қолишди. Ҳозир ҳам турислар ўтириштипти.

— Бизгаям навбат келар, — дедим.

— Келмасаям ўксимиймиз, — деди Гулсара.

Кулишдик. Ҳусанжон кетди. Мен фужерларга яна шампандан қуйдим. Гулсара чиннигулни авайлаб-авайлаб ҳидлар эди, дафъатан кафтида қисиб, бурнига босиб турди-турди-да, столга ташлади. Кейин бирдан сергакланиб:

— Қалдирғочлар қалай? Қалдирғочларийиз? — деб сўради. — Бола очгандир?

— Аллақачон.

— Кичкина жишдир?

— Темирқанот ҳам бўлди... — шундай деб, жувоннинг ул мурғак қушчаларга бўлган ғойибона меҳри менга таъсир этиб кетганини сездим: назаримда, у қуш ҳақида эмас, одам боласи ҳақида сўраётгандек эди.

Кейин, иттифоқо: «Э, бу аёлнинг ҳам фарзанди бўлганмикан — бормикан? — деб ўйладим. — Лекин бунинг қачондир оила қурганига шубҳа йўқ...»

Кейин, шу мавзуда ҳам жилла маълумотга эга бўлишни истаб, тагин қалдирғочлар ҳақида сўзлашни маъқул кўрдим: шояд мавзу оила хусусига кўчса...

— Кейин учишни ўрганишди. Энди... жануб мамлакатларига учиб кетишади.

— А-а, Грузиянинг устидан ўтишади, — деб хаёлчан жилмайди Гулсара.

— Менинг эшитишимча, Босфор бўғозининг устидан учиб ўтишаркан. Бошқа қушлар — лайлақлар, турналар ҳам... — Унинг миқ этмагани учун яна давом этдим: — Буни билган лочинлар, йиртқич қушлар олдинроқ бориб, Босфор осмонларида учиб юришаркан-да, булар ўтишаётганда ҳужум қилишаркан.

— Вой аблаҳлар! — Гулсара ҳушёр тортиб кетди. Кейин мижғовланиб давом этди: — Барибир ўшаларнинг ҳаёти—ҳаёт. Нимагаки, дўсти ҳам, душмани ҳам маълум. Турмуш кечиришлари бир изга тушган: ўзгармайди.

— Рост айтасиз, — дедим. — Фақат инсон ҳаётида ўзгаришлар кўп бўлади. Бу ақлли махлуқлар бир кунда оила қуриб, иккинчи кун и ажрашиб кетишлари ҳам мумкин.

— Оҳ, яхши гап айтдийиз, — деди Гулсара бирдан. — Ажралиб кетишади... — Кейин яна чиннигулни олиб силкитди. Пуфлаб гулбарглари тиккайтирган бўлди-да, туйқус сўраб қолди: — Мен эримдан... Эрим дейишга тилим бормайди... Уша — мани олган шахсдан қандай қилиб чиқиб кетганимни айтиб берайми?

— У, Гулсарахон, — дедим. — Шу нарсага қизиққан бўлмасам, ҳар нарса бўлай... Кечирасиз, мени «қўрқоқ» дейишади баъзи адиблар. Дангал гапирмаганим учун. Ҳим, биров уриб кетгандаям индамаган пайтларим бор-да.

— У, унақа бўлманг, окажон, — майингина заҳарханда қилди Гулсара.

— Жуда унақаяммасман, синглим. Шу, «андиша» дегани мени босиб туради.

— А-а, шунинг учун...

— Қулоғим сизда.

21

— Мен ўрис мактабда ўқирдим, — деб ҳикоясини бошлади у. — Оилада табиий, ўзбекча сўзлашардим. Тарбиямда, лекин оврупоча тарбиянинг таъсири бор.

— Оз-моз.

— Анчагина.

— Хўп.

— Ўнинчини битирадиган йилим дадам турмушга чиқарди... Ўнни битирса, бирон ёққа — Москопгами, Ленинградгами кетворади, деб ўйладилар.

— Ўзлари нима иш қилардилар?

— Ҳозир айтаман... Лекин кетворишим ҳам мумкин эди. Москва консерваториясигами, Ленинграддаги хореография мактабигами, вобшем, актриса бўлишим керак эди-де... У киши бўлса, раққосаларнинг ўйинларини, ашулаларини жон деб томоша қилардилар, эшитардилару, бироқ ўзларининг оиласидан шундай кишилар чиқишини сира-сира истамасдилар. Эски ўзбекча одатлардан бас деганча бор эди, раҳматлида.

— «Раҳматлида?»...

— Ҳа, Гдляннинг қама-қамаси вақтида оламдан ўтдилар. Инфарктдан.

— Жойлари жаннатда бўлсин.

— Ҳим, илоҳо... Лекин дадам жуда қаттиққўл эдилар. Шунақа одамнинг қанақа бўлиб бўшлик қилганига ақлим етмайди... Скарее всего, ваҳима опкетди у кишини... Биласизми, дадам — суд раиси эдилар.

— А-аа.

— Дадам «беш йил» берган айбдор шахсларни Гдляннинг шайкаси қайта суд қилдириб, «ўн йил»дан бердира бошлади. Манимча, дадамни порахўрликдаям... — У бирдан уҳ тортиб юборди-да, гижиниб кетиб: — Нега бу нарсаларни айтивомман? — деди. — Ну и к чёрту ҳаммаси! Ман дадамдан розимасман, вассалом! Ҳа-ҳа, азизим, мани куйдирдилар. Хазон қилдилар.

— Эрга берганларими?

— Вообшем-то, да. Сигаретингиз борми?... Раҳмат, — У шампандан ҳам бир қултум олди-ю, соатига қараб қўйди. — Битта жугут ўртоғим чақирган эди... Ничево, ҳали вақт бор. У кутади. Кўпдан бери учрашмоқчийдик. — Кейин яйраб кулди-ю, мискин бир тус олиб, ило-

ва қилди: — Икки хонали квартирага алмаштирдиму уч хонамми. Балки... Нима учун, деб ўйларсиз? Манинг уст-бошимга, ўзимми тутишимга қараб, жа бойвучча сатанг, дейиш мумкин... Да-да! Лекин ман иқтисодий қийналганим учун шу ишни қилувдим.

— Лекин, битта кишига икки хонаям бемалол етади... Кечирасиз, фарзандингиз борми?

— Бор эди ҳисоб, ўғил, — дангалига айтди. — Ўтган ойнинг бошида Сирдарёга чўктирворишипти дўстлари... Унинг ияги пир-пир уча бошлади. — «Тошканга кетаман, опамми топаман», дер экан... Ҳайрият, уни тетапоялигида кўрганим. Да, ўша қиёфасида қолди. Бу ёғига...

— Пепси опкелайми?

— Шуюм бўлади... Йўқ, ман йиғламайман. Бўлар иш бўлди. Ёмон болаларга қўшилган экан... Бу гапларнинг ҳаммасини манга синглим айтиб берди. Эрим... отинг ўчкур нокас ҳатто хабар қилмади, манга... Биласизми, унинг ҳам нимасидир дадамга ўхшар эди. Қаранг, бир-бирини топишганини.

— У киши нима иш...

— Прокурор эди. — У энтикиб-энтикиб, шампандан сипқорди. Ўзини босиб олди-да, истехзоли жилмайди. — О, улар ўзларини қандоқ тутишар эди! Силнее мира всего... Шўрлик аристократлар... Бутун ҳаракатлари Оврўпога тақлид эди! Аммо ўзлари — ичларида ғирт жоҳил, консерватив одамлар эди.

— Эрингиз сиздан каттароқмиди?

— О, ўн беш ёш катта эди! Қатдан билдийиз?.. А-а, уларнинг ўтириб-туришини айтдим-а... Ҳа, ўша ўтиришларда манам хизмат қилардим. Музыка қўярдим. Баъзан ўйнаб берардим. Ашула айтган пайтларим ҳам бўлган. — Кўзидан тизилиб ёш чиқиб кетди. — Вей, мани қанақа ардоқлашарди. Ҳаммаси кафтида кўтарарди, десам ишоновуринг, дўстим.

— Ишонаман.

— Ман, ман... просто учиб юрардим. Ердас эдим. Хоҳлаганимни киярдим, ердим. Тагимда — мошина. Шофёр айтганимми қиларди. Тўғри, мани олиб юришдан завқланарди у кишим. — Гулсара завқ билан кулиб қўйди. — Нотавон кўнгилга қўтир жомашов... А, майли! Ман парво қилмасдим. Кўпинча мактабгаям мошинада борардим. Тўғарак машғулоти кеч тугайдиган бўлса, мошина мани кутиб турарди. Дадам еру кўкка ишонмасди мани.

— Тушунаман.

— Ана ўша кезларда — зиёфатларда бўлажак куёв-тўраям ўтирардилар ишшай-ееб. Дадамнинг ' шогирди эди ўзи... Кечирасиз, жа чўзвормадимми?

— Йўқ-йўқ.

## 22

— Шундай қилиб, мани ўша махлуққа беришди. — Гулсара ўша «махлуқ» рўпарасида туриптию ундан юз ўтиргандек — кўча тарафга қараб давом этди: — У ярамас мани, ўҳ-ҳ, домкультурага боришиммийам таъқиқлаб қўйди. Биламан, у мани яхши кўрарди. Лекин инсонларга ишонмасди. Дадамдан фарқи шуки, у ҳамон тирик, дадам эса номусдан... Оҳ! — у шошилиб, «Родопи»дан янгисини олди, мен тагин чақмоқ ёндириб тутдим: унинг чалғишини асло-асло истамас эдим. Ҳайрият, бир-икки бор тутун тортгач, яна давом этди: — Ман: «Дадамга этаман. мени қафасга солдингиз», — деб гапировурганимдан кейин яқинимиздаги медтехникумга қўйди. Ҳарҳолда, яхши ўқидим. Битиргандан кейин эса, у исқирт мани ишлашга қўймаса бўладими...

— А-а, Шўро давридаги ташбеҳ билан айтсак, «феодал» экан, — дедим.

— Сто процент! — таъкидлади Гулсара. Ва ҳорғин тортиб, аллақандай чўкиб қолди. — «Йўқ, ман сиз билан яшолмайман», дедим бир куни... Аниқ эсимда бор: уйда ёлғиз ўзим зерикиб, магнитофонда музика қўйиб, хиргойи қилаётган эдим, келиб қолди. «Ҳа, қўмсаёпсизми?» деди. «Ҳа, — дедим. — Қўмсаёвман! — дедим. — Чидасангиз, шу!» Шунда нима дейди денг... «Қўчқордек ўғил туғиб берган хотинларга ўхшаб гапирасан-а?» Маникиям тутиб кетди: «Сиз, туғдиролмасайиз, ман нима қилай?» дедим.

— Тушунолмай қолдим? — дедим. — Боя «ўғлим бор эди», дегандай бўлувдингиз.

— Ҳа, бор эди, — деди у кескин. — Окасининг ўғли эди. Окаси серфарзанд, лекин камбағал яшарди... Ўшанинг кенжасини олувдик. — Кейин бирдан эри ҳамон қаршисида турипти-ю, мен терговчи каби — менга жаҳл билан уқтира кетди: — У одам илгариям уйланган экан. Оммо фарзанд кўришмаган. Орада гап қочиб, хотини кетворган экан. Ўша бечорани айбдор қилиб... У, про-

курор деганийиз истаса ҳар қанақа фитна, иғво ўйлаб топиб, бўйнийизга қўйиши ҳеч гапмас. Менга ишонавуринг.

— Ишонаман.

У сигаретни сўриб, ўйланди. Шунда, мени Ўзи кечирсин, Гулсаранинг қандайдир даражада қариётганини сездим. Эшитганим бор: туғмас аёллар тез қартаяди, деб. Шунданми ёки изтиробларданми... Бундай десам, бундан беш-олти ой бурун яшнаб очилиб турган гулдай жувон эди...

Кейин эсладим: унинг ресторанга кириб туриши, афтию, уст-бошининг ўзгаргани, умуман, хулқидаги ўзгаришлару озиб, қовоқларининг осилиб кетиши — булар бари мани айтишга ноқулай бир хаёлга олиб борди.

— Лекин у болакайга меҳрим тушиб қолувди, — деди оҳиста овозда. — Уям мани «опа» дер, манга эргашиб юрарди. Эҳтимол, эҳтимол шунинг учун ман биринки йил яшаб қолдим у ерда... Ҳим, нима деятувдим?

— Шу-шу... Фақат эрингизга ҳалигидай «айб санда» маъносида гап қилган эдингиз.

— Ҳа. — Гулсаранинг чеҳраси бир зумда очилиб кетди. — Жа чийиллаворди-де... — Кейин ўзича хўп кулди, бошини сараклатди. Кейин бирдан хўрсинди. «Кетасанми?» деди. «Албатта, — дедим. — Ҳозир кетишим мумкин!» Ярамас... Кулди у. «Аҳдинг шунчалик экан, нега кетмаяпсан?» деди. «Биринчи хотинингизнинг куни бошимга тушиши мумкин, деб қўрқаман», дедим.

— Э, этдим-ку, фитнанинг уяси бўларкан бунақа шахслар... Кечирасиз, дадам бунақамас эди.

— Билдим.

— У шўрлик аёл Жиззахданакан. Чегарада уни савдогар деб ўйлашганми, бошқалар қаторида сумкаларини тинтишган. Битта сумкасидан юз доллар чиққан. Ҳа-ҳа. Сўрашса, аёл «билмайман» деган. Кейин жанобларига қўнғироқ қилишади. Бу кишим: «Ман юз долларимни йўқотувдим», деб жавоб берадилар. Аёл бояқиш ҳибсга олинади. Уф, кейин аблахнинг ўзи уни гўёки авф этиб, озод қилиб юборади. Шу тариқа уларнинг ажралиши қонуний бўлади. Эр — оппоқ, хотин — қоп-қора.

— Тавба.

— Назаримда, хотинга айтган у: «Бола кўрмаганимизни овоза қилиб юрма», деган.

— А-аа.



У, пешонаси хунук тиришиб, аммо яйраб кулди.

— Каминаю камтарин ҳам жанобларининг нозик жойига теккан эканман. Бунинг устига хотинини эслатдим... Жа бўлганича бўлди. Вей, биласизми, мана шунақа бефарзанд эркаклар, айниқса, ўз хотинларига ишонмас экан. Эта правда!.. Да-да... — Бу гапни жиддий айтди-ю, кейин яна юмшади. Ва мени худди сирдош бир дугонаси каби билгандек (энди) шивирлаб давом этди: «Келишайлик, — деди манга. — Характеримиз тўғри келмади, вассалом». Ман рози эдим, ўлий агар. Унинг пешонасидан ўпиб олишимга сал қолувди. Аммо миям ишлаб кетди шу пайт. Ҳа, «Уйимизга борганда шу гапни этсам, улар ишонишадими?» дедим. Кейин яна айтдим: «Сиз айтган сабабни айтсам, синглим ҳам мани ёмон қабул қилади. Тушунвоссизми?.. Ўзийиз биласиз, додамнинг қазосидан кейин ҳовлимиззи тортиб олишди. Синглимлар зўрға уч хонали квартирада туришади. Хўш, бу ёғига нима дейсиз?»

— Нима деди?

Гулсара бошини чайқаб, ўз-ўзидан завқланиб кулди.

— Вей, маккорлик ҳар қандай одамнинг қўлидан келаркан. Ман ўзимми... Нет! Ким билади дейсиз, уни туширмоқчи бўлдимми ёки енгганимми?..

— Лекин шартингизда логика бор, — дедим мен. — Акс ҳолда бир неча йил бирга яшагандан кейин топилган мол-мулкнинг... ҳим, барибир фарзандларинг бор экан.

— Азизим, ман унинг давлатига тупураман! — деди Гулсара бирдан. — Ман ҳозир камбағалман... Жуда! Ҳим, қанақа қилиб кун кечираётганимми ёлғиз ўзим биламан, Аллоҳ билади. Тавба қилдим. Аллақачон дўзахда жойим тайёр бўлган. — У гангиб, шампандан тагин ҳўплади. Мен ҳам ичиб, сўрадим.

— Кейин?

— Мана шу — қўли билан орқа томонни кўрсатди, — уч хонали квартирасини берди. Ўйнашлари билан майишат қиларкан... Ну, я так думаю.

— Ҳмм, шундай қилиб...

— Қўзичоқни еди ўрмонда, — деб қаҳқаҳа отди. Тавба, унинг овозида ҳам кўп ичувчи аёлларга хос хирллаш бор экан — шунда сездим.

У эса қаттиқ кулганидан андак хижолат бўлиб, бирдан соатига қаради-ю, қошлари чимирилиб кетди.

— Сизни ушлаб қолдим, — дедим.

У ман илгари сира сезмаган бетакаллуф оҳангда:

— Ҳа, — деди. — Бироз кечикдим... — Кейин ғижимланган гулни олди-ю, яна кулди. — Узим ҳам шу гулга ўхшаб қолганман... Хўп денг, азизим.

— Йўқ, — дедим. — Кечирасиз, Таваккал ака билан учрашиб қолсам ёки қўнғироқ қилса, нима дейин?

Гулсара худди тўкилиб кетгандай мунғайиб қолди. Кейин бошини аста қимирлатди.

— Билмайман, йўқ. — Кейин ғамгин кулумсиради, — шу пайт — ҳозир бўлгандамиди... — Сўнгра совуққон бир тарзда қўшимча қилди: — У мани унутди ҳисоб... Да-да, ўтиришимиззи, «Тановар»ни унутмайди, албатта. Тиблисни ҳам. Аммо у аёлсиз турадиган, яшайдиган йигит эмас.

— Энди...

— Хайр, азизим.

— Хўп.

У чиннигулни яна бир-икки бор ҳидлади-да, устун томонга отиб юборди.

Кейин кетма-кет майдонга чиқдик. У метро томонга, мен радио қўмитаси томонга кетдим.

Очиғи, менинг кайфиятим яхшимас эди. Қўнглимда аллақандай — айтиб бўлмайдиган гумонлар.

## 24

Қўнғил сезади, деганлари рос экан. (Мен «экан-пекан» каби кашфдан дарак берувчи сўзларни анча қўлладим. Аммо уларнинг — «эди» эканига кўп марта амин бўлганман).

Уша қалдирғочларнинг, тўғрироғи, макиён қушчанинг «рашки» — эрини — «нималар»дандир қизғаниши оқибатида олган сабоғим туфайли хотинимнинг айрим ҳолларда тагдор гаплар қилиб қолишини — табиий деб ҳисоблаганим учун уйга ҳам тез-тез тушиб чиқадиган бўлиб қолган эдим.

Қиш. Тошкент қишининг аччиқ совуқлардан кейин келгувчи илимилиқ кунларидан бири эди. Баҳор нафаси эсар, истироҳат боғимиздаги бир неча туп бодом дафъатан гулга кирган, табиийки, уларнинг вақтли гуллаши бизни ачинтирар, айна чоғда кўзларни қувонтирар эди.

Ресторан жойлашган тепалик бағридаги бир неча туп дўланасимон дарахтлар ҳам оппоқ бўлиб гуллаб қолганини кўрдим-у, кайфиятим яна-да кўтарилиб кетди. Кечаси — соат тўққизлар эди, чамамда. Мен метро бекатидан чиқиб, курант томонга бораётувдим, у ердан автобусга чиқиб, Юнусободга кетмоқчиман.

Уша даҳада қурилган ёзувчилар уйдан менга ҳам беришган, бола-чақам ўша ерда туришади.

Хуллас, метродан чиқиб, кўлмак сувлар ялтираб турган кенгина хиёбондан тез-тез юриб борарканман, анави меҳмон дарахтларнинг гулларига кўзим тушиб, ҳалигидай қувонар эдим. Ва ихтиёримдан ташқари ҳолда — чап тарафимда қолиб кетаётган рестораннынг бўғиқ сасларини ҳам эшитиб, савқи табиий бир тарзда — ароқ, сигарет ва яна қандайдир ҳидларга тўла, нимаси биландир жодугарнинг кулбасидек ўзига тортадиган ўша жой билан боғлиқ хотиралар миямнинг аллақасеридан зув-зув ўтишар, улар орасида, аёнки, Таваккал билан Гулсара хоним дастурхонида ўтирганим ва улар ила боғлиқ хотиралар-да ғира-шира юз кўрсатиб ўтарди.

Ёзувчиликнинг бир ёмон жиҳати шундаки, ҳар дам, сония миянгу қалбингни банд этган асарни ёзиб тугатгач, сал вақт ўтмай уни изсиз унутасан: бошқа — янги воқеалар сени банд этиб, ҳушингни олади.

Шундоқки, Гулсара билан сўнгги учрашувимиздан кейин у билан Таваккал аканинг муносабатларига нуқта қўйилгандек бўп қолган эди: илло мен уларнинг на бирини кўрган, на бири билан телефонда гаплашган эдим.

Юртга бориш эса мушкул бўлиб кетган, борар бўлсам ҳам Қаршига тушишнинг иложи (маънисиям) йўқ эди.

Қисқаси, уларнинг алоқаларию ўзимнинг иштироким қачондир ёзилган асардек бўлиб қолган эди.

Тўғри, баъзи-баъзида бирон сабаб билан эслаб қолсам, барча воқеа ва учрашувлар лоп этиб кўз олдимга келар, худдики ўша воқеалар ҳозир давом этаётган каби туюлар эди.

Изоҳларни тўхтатдим.

...Уша хиёбон бирон эллик қадамлардан кейин чапга бурилиб, ресторан устидаги баҳайбат меҳмонхонага олиб чиқадиган зиналар пастидан ўтади. Унг томон — енгил мошиналар бекати, у ерда кўпинча хорижий тамғали автолар кўп, уларнинг бирлари — ажнабий меҳ-

монларга қарашли бўлса, бирлари — ўзимиздан чиққан ёш пулдорларга тегишли.

Ана ўша зинапоялару бекат орасидан ўтаётгандим, зинапоя четида қўр тўкиб туришган қизлар кулгиси эшитилди. Мен жилла эътибор бермадим. Чунки бу қизларнинг аксари — енгилоеқ, очиғи, фоҳишалар эканини Хусанбой айтмасидан бурун ҳам билардим. Бироқ шунда биров йўталиб қолди-ку!

Ялт этиб қарадим: йўтал менга ғоят таниш эди. Қарасам, «соявон»ли шапка деймизми, шляпа деймизми, ншқилиб, урфга кира бошлаган антиқа бош кийимли, эғнида ялтироқ чарм плаши бор бир жувон четга бурилиб, энгашиб йўталапти. Тумшуғи узун бир жувон унинг тирсағидан тутиб турипти.

— Гул, Гулсара, — дегани қулоғимга кирди-ю, қотиб қолдим. Кўриниб турибдики, йўтал тутгани — Гулсара, ёнидагиси (талаффузидан маълум) — унинг дугонаси эди. Менинг тўхтаб қараб турганимни кўрган дугона Гулсарага нимадир деб шивирлади. У бошини кескин кўтариб, менга қаради-ю, тикилиб қолди.

Онг ичаман-а: кўзларимиз бир-бирига тўқнашди. Аммо мен қотиб турардим. У эса ўрмон кийигидек мағрур боқаркан, бирдан меҳмонхона томонга бурилди.

Мен аста жилдим, Гулсара эса ўртоғи билан қўлтиқлашганча зинадан кўтарилиб кетди.

Менинг гумонларим ҳақ экан. Аммо эндиам уни тилда очиқ айтолмайман.

## 25

Баҳор ҳам етиб келди. Аммо қалдирғочлар келишига ҳали вақт бор (20 мартдан кейин келишади), шунга қарамай деразани кўпда бекитмайман. Гулга кириб қолган олмазор боғдан қочоқ булбулларнинг сайраши тонги соат тўртда бошланиши билан уззу кун тинмайди. Тез-тез ёмғир ёғади, баъзан тунлари яхшигина совуқ бўлади. Кўпинча кўкда булутлар сузиб юришса-да, қуёш кўриниб туради: иши столда битадиганларнинг айна мавсуми.

Кечаси соат бирмиди-иккимиди эшигим тақиллаб қолди. Навбатчи йигит экан.

— Телефонга сўрашяпти. Қаршидан, — деди.

Шошилиб қуйи қаватга тушдим.

— Қувватжо-он?

— Мен. Бормисиз, Таваккал ака?

— Э, «ака» бўлмай кетай мен, — деди у. Қайфи йўқ эди. — Охири иш олиб кетади бизни... Оёқ синган эди. Мармар қаттиқ бўлади, деб жиягидан бораётсам, кўчиб кетди.

— Шунинг учун қўнғироқ ҳам қилолмадингизми? — дедим гина қилиб. — Лекин Тошкентга келиб кетишга ярапти шу оёғингиз... Ҳусанбойдан эшитдим. Оқсаб келиб, оқсаб кетдилар, деди... Бунгаям икки ойдан ошди.

— Қувватжон, ишга берилиб кетиб, вақтида боролмаб эдим дўхтирга. Синган жойни улаган симлари суякка қўшилиб кетган экан. Аперация қилишди...

— Ҳа, омон бўлинг, ака.

— Хайрият, оқсамаямман... Қайнардаги санаторийда ётиб эдим. Аммо икки-уч марта телефон қилдим. Сизни — «уйига кетишган» дейишди. Яхши бўпти-да, уй, болалар — биринчи ўринда туради... Хўш, хоним тирикми? — жиддий гапдан кейин бу саволга шундай тез ўтдики, асли сўрамоқчи бўлгани шу эканига шубҳа йўқ эди.

Айни чоғда унинг «тирикми?» деган саволини қўпол ёки нописандлик белгиси, деб ҳам бўлмасди: жанубнинг гапириши каминага маълум: кўпинча энг яхши фикрларни ёмон либосга солиб ҳам айтишади. Масалан, Навоий ҳазратлари ҳам ишлатган «ёмоним» — уёқларда ҳамон амалдаки, «ёмонам яхши экан» деган калима ҳам бор.

Бироқ мен уларнинг муносабатларига нуқта қўйганим учунми, Таваккал акадан гинам борлигиданми:

— Тирик бўлсалар керак, — дедим.

— Э, наҳотки кўрмадингиз? Бир шаҳарда яшаб... Да-да, тушунаман, — деди кейин. Лекин мен бир борганимда унинг адресини топаман, деб кўп уриндим, ука. Ишлаб кетган жойидагиларни террор қилишимга оз қолди.

— Таваккал ака, сиз уни кўришни истайсиз-а?

— Э, «ми»сини опташланг! Ахир, мен... нима десам экан, қўйинг, у ёғини айтмайин...

— Бўлмасам, Тошкентга келганингизда ўша ресторанга кинг-у, завзал йигит Ҳусандан сўранг. У айтиб беради унинг...

— Нима-нима? Ресторанга ишга кирганми?

Мен андак мулоҳаза қилиб:

— Шунга ўхшайди, — дедим.

Дедим-у, кўнглим ғалати бўлиб кетди; шундай қиз, шунчалик қобилияти бор жувон, шундай покиза, бриллиант узук... Уф! У буюк фожиага йўлиққан эдики, бунга Таваккал ака билан муносабатларнинг ҳам таъсири йўқ, деб бўлмасди: ўйлаб кўринг ахир, Таваккалдан совуши (агар совуган бўлса!) менга ҳам тескари қарашига, табиий, бошқа кўп жиҳатлардан ҳам юз ўгиришига туртки бўлмаганми? Туртки бўлгани аниқ.

— Қувватжон?

— Қулоғим сизда.

— Мен эртага етиб бораман!

— Марҳамат.

— Соғлиқ жойидами ўзи?

— Худога шукр.

— Ҳа, бўлмасам, кўришгунча, Гулсарани топсам... топаман албатта, дачага обораман.

— Бемалол.

Уни нчимда сўкиб, дастакни жойига қўйдим. Хонага кўтарилдим. Ишим юришмай қолди: билсам, улар учрашувининг нима билан тугагани ҳозироқ кутаётган эканман.

## 26

Эртаси кун қаттиқ ёмғир ёғди. «Самолёт учармикан? Учар-ов...» деб, ёғиннинг тинишини илтижо қилиб юрдим. Тасаввур этинг, кундузи ҳам ишим силжимади.

Аммо уларнинг ёнма-ён кириб келишларини энди тасаввур этолмасдим: ахир, Таваккал аканинг «гап кўтармас» йигитлигини яхши биламан...

Гулсарага келсак, у Таваккалга муҳтож...

Кеч тушди. Тун яримдан ошганда, диванга чўзилиб ётдим. Аммо қулоқларим ташқарида...

Иморатнинг қўш табақали ойнабанд эшигининг гурсиллаб урилаётганидан уйғониб кетдим. Деразага қарасам, тонг ёришяпти, булбуллар сайрай бошлаган.

«Ошпазлар келишди, — деб ўйладим. Кейин соатга қарадим, энди тўртдан ошаётир. — Улар бешдан кейин келишади-ку? Қим бўлди бу — шундай пайтда нозик одамлар ҳам ётадиган корпуснинг эшигини бор кучи билан гурсиллатиб ураётган?!

Шу пайт эшик қарс-қурс этиб очилди. Келган киши навбатчи қоровул билан гаплашди. Кейин, бир-икки сония ўтмасидан учинчи қаватга олиб чиқадиган пилла-

поянинг шаҳдам қадамлардан гуп-гуп этаётгани эшитила бошлади ва мен бемаҳалда келган бетакаллуф меҳмоннинг — Таваккал эканига мутлақ ишондим. Ишондим-у, унинг бунчалик кеч келишини — «бирон хусусий кафедра ичиб ўтирган-да», деб таъбирлаган бўлсам, унинг ёлғизлигини ҳам шу йўсинда тушунган бўлдим.

Алқисса, «Улар уришган. Таваккал қандайдир ножўя ишлар ҳам қилган. Кейин алаmidан маст бўлган, кейин эсига мен тушиб, бу ёққа жўнаган», деган фикрга келдим.

Мен хонам эшигини қулфламайман, шундоқ бўлсада, йўқловчи киши эшикни тақиллатади.

...Қишлоқи ака эшикни тарақлатиб очиб кирди. Мен ўрнимдан туриб кетгандим. Шифтдаги қандил ҳам, стол лампа-чироғи ҳам ёниқ: ерга игна тушса, кўринарди.

Таваккални, айтиш мумкинки, таниб бўлмас эди: лаблари ёрилган, лабининг четларида қон юқи бор, японги чарм куртка остидаги тивит жемперининг ёқаси ланг очиқ — биттаям тугмаси йўқ, юзида ўзидан ўзи кулаётган кишига хос шикаста аламзада табассум жавдираб турар эди.

— У-у, Қувватим! — деб хитоб қилди: сездимки, тилиниям тишлаб олган. — Акангизни табрикланг!

— Келинг, Таваккал ака, — дедим ва не бир хуш истак ила сўрадим: — Нима билан табриклай?

— О-озодлик билан! — деди у. Кейин, лойга беланган туфлисини бир-бирига ишқаб, ечиб ташлади-да, хонага кирибоқ мени маҳкам қучиб олди. — Азизим, укам, юртдошим... Акангиз расво бўлди. Ҳаммаси тугади, ука.

— Таваккал ака, ўтирайлик, — дедим. Унинг кайфи бор-у, кишини «қочирадиган» даражадамас эди.

Бунинг устига, бутун бир вилоят йигитларига сўз бермай юрган валлакатнинг бу турқи-тароватию сўзлари мени ларзага солиб юбордики, сабабини тезроқ билгим келарди.

— Раҳмат. Ўтирамик, — деб мени дарҳол қўйвордида, диванга гурс этиб ўтирди. — Кечирасиз...

— Шундай гаплар бўлмасин, — дедим узр сўрамоқчилигини англаб. — Ростки, мен сизни кутаётган эдим.

— Мени? Битта ўзимни? — У тилла тишларини кўрсатиб илжайди-да, кейин қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Қойилман... Унга — Гулсарага қойилман. Мени яна енгди... Бу сафар маъракадан чиқариб юборди. Кураш тушмайдиган қилиб юборди.

— Бир минут сабр қиласиз, — деб, чойнакни олиб, ваннахонага чиқдим. Идишни чайиб, совуқ сувга тўлдириб кирдим. Чой қайнатгични солиб, у ёғини тоққа уладим. — Ана энди гаплашамиз... — Унга тикилдиму, афтидаги ўзгаришлар ҳақида савол бермай туришни маъқул кўрдим, барибир ўзи айтади. — Хўш, бир бошдан эшитамиз-да? Ресторандамингиз?

У яна қаҳ-қаҳ отди. Сўнг:

— Милисадан келаяпман, — деди бошини кўтармасдан. — Айб ўзимда...

— Нима қилиб қўйдингиз?

У шифтга қараб, оёқларини чалиштириб олди.

— Самолётдан — охириги рейсдан тушиб, тўғри ресторанга бордим. Ҳусан бугун ишламас экан. Яъни, кеча, ҳа, кеча... Унинг адресини олиб, уйига бордим. Яхши йигит, дилбар инсон... Менга очигини айтмади-ю, гапни айлантирди: «Севасизми? Уйланасизми?» Яна кўп гаплар... — Таваккал кўзларини йириб очиб, менга тикилди. — «Ҳа, дедим. — Уйланаман, дўстим. Гап тамом...» Мен уни деб... У менинг мана бу еримдан жуда-а чуқуржой олиб қолган. Мен унга... мен уни оддий маржа... Кечирасиз! Хуллас, Гулсарани узоқдан кўрсатишга ваъда берди. Жонимни ҳовучлаб йўлга тушдим. Йўлга тушдик... «Нима гап ўзи? Нима бўлган?» дейман. Гапирмайди. Хўп, ресторанга етиб бордик. — У билагадаги олтин соатига қараб олди. — Хайрият, шуни олишмади миллисалар... Борганимизда, соат ўн яримлар бор эди. Мен у ресторанда минг марта бўлганман.

— Биламан.

— Э-э, суперлюксларида ётганман, жононлар билан... Ушаларнинг айланиб турадиган жойларини ҳам биланман. Уч-тўрттасининг телефон номериям бор эди. Бир йил бурунги гаплар бу... Хуллас, Ҳусан жўрангиз мени рестораннынг ичидан ўтказиб, завзал ўтирадиган столга олиб борди-да, аписанкалар билан гаплашди. Кейин йўлакка чиқди. Лифтга бордик. Шу ерда Ҳусан қолди. Мен уни тушундим. Ўзиям айтди: улар ресторандаги интим сирларни ҳеч қачон ҳеч кимга айтишмайди.

— Мен ҳам шу гапни эшитганман, — дедим. — Лекин Ҳусан барибир одамгарчилик қипти.

— У-ў, албатта!

— Кейин?

— Олтинчи қаватга чиқсам, дежурни ўтирипти. Бошқа зот йўқ. Бир амаллаб Гулсарани излаётганимни айт-



дим. «Мая родственница», дедим. Охири, ғаладонини шартта тортдим-да, икки юз сўм ташладим. «Сестричка, скажи...»

27

Менинг назаримда, Таваккал ака Гулсаранинг «аҳ-волини» эшитиши замон изига қайтиши, яъни Хусаннинг тўмтоқ гаплариданоқ воқеани англаб, унга қўл силташи лозим эди.

Шунинг учунми:

— Хўш, уни топиб нима қилмоқчийдингиз? — деб гапини бўлдим.

Таваккал бир муддат анграйиб қолди.

— Худо урсин. билмайман, — деди кейин. Кейин эса пешонасига қарс этказиб урди.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин, — у энди қонталашган кўзларини палосдан узмай гапира бошлади: — Кейин ўша аписанка... э, дежурни улар ўтиришган хонани кўрсатди-да, туя кўрдингми — йўқ, дегандай қилди. «Гап битта!» деб, бордим... — У ўтирган ерида бахшига ўхшаб бир-икки чайқалди. — Вой-вой, борярман-у, бутун борлигим титрайди. Ҳеч, ҳеч қачон бундай бўлмаган...

— Демак, у билан ўтирган кишини урмоқчисиз?

— Қим билади! — деб дўқ қилгандай бўлди. — Ўзим ўзимни тушунмай қолдим... Йўқ, унинг кавалерини уриш ниятим йўқ эди. Ўзи рози бўптими — тамом. Аммо, қизиқ, ўзини кўрмоқчиман-да! Ҳа-ҳа... Бир кўрсам дейман...

— Қизиқ.

— Шундай қилиб, эшикни шартта очдим! — У хўрсиниб, тимироскиланиб, ниманидир излади. Мен «Родопи» пачкасини узатдим. Мамнун бўлиб, бирини тутатди. Бир-икки дуд олгач, анча ҳовридан тушиб, давом этди — Эшикдан... дежурниларга ишонганлари учунми, эшикни ичкаридан қулфлашмаган экан. Мен, мен... ҳалигидай манзарани кўраман, деб ўйлаб эдим, шекилли. Йўқ, иккови столчанинг икки ёғида ўтиришган экан, энди коньякли румкани кўтариб туришган экан. Мени кўриб қараб қолишди.

Таваккал ҳикоя қиларкан. мени ҳаяжон тутган, ишонингизни сўрайманки, ёзувчи бўлиб бундай нозик, ҳатто хавфли манзарани тасвирламаган эдим.

— Кейин? — дедим.

— Биласиз, бир жонон билан кетаётганингизда, бошқа бир жонон рўпарангиздан чиқиб қолса, у албатта сизга қарайди. Тўғрими?.. Бунинг акси бўлди: мен йигитга қарадим. Бир нозик, галстук таққан, сочларини ўхшатиб тараган, умуман, интилигент йигит эди. Биласизми, мундайларга қўл кўтаргинг ҳам келмайди. Лекин, умуман, биров билан жанжал қилиш ниятим йўқ эди... Қолаверса, Гулсаранинг бу кўчага кирганини Хусан билан гурунгданоқ пайқаб эдим. Ҳа... Лекин шундай қизнинг, шундай мағрур, ҳатто мени назарига илмаган жувоннинг...

— Мен тушунаман, — дедим.

— Йўқ, сиз ҳам тушунмайсиз, — деди Таваккал. Кейин ўйланиб сўради. — Қанақасига тушунасиз?

— Ҳарқалай, ўтмишини айтиб берган... Сизга-чи? Гаграда бўлдинглар...

— Э-э, ўтмишини сўраш... Ўтмиши менга бир капейка эди. Ўзи ёқиб қолганди, холос...

— Аттанг.

— Ароғингиз йўқми?

— Қатдадир бўлса керак... Шинанинг тагида... Ҳа, анави «Морозка»нинг ичида. Ҳозир... Мана, мана, печенье ҳам бор экан. Олинг. Омон бўлинг.

— Раҳмат, ука. Ўзим опкелмоқчи эдим. Милисалар бор пулимни қоқиб олишди. Таксига зўрға етди... Нича-во, эртага топамиз... Э, тонг отиб кетипти!

— Ҳа.

— Ҳим... Шундай қилиб, эркакдан кейин Гулсарага қарадим. Қарадим-у, йиқилиб тушишимга оз қолди. Бошим айланади денг... Мен уни яхши кўрарканман, ука... Йўқ, яхши кўриб қолган эканман. Кейинчалик...

— Тўғри айтасиз. Уям сизни кейинчалик яхши кўриб қолгандек эди.

— Рости билан-а?

— Ҳа, ўзи айтувди.

— Воҳ, воҳ!.. Нега бўлмасам... Ҳим, — у бош ирғаб қўйди. — Ҳа-ҳа, схиригача Гулсара бўлиб қолди у... Лекин битта гапи ўлгунимча ёдимдан чиқмайди! Айтдики...

Мен буларнинг икковининг тақдирига яна қизиқиб қолгандим, зероки, булар муносабатларига сўнгги нуқта энди қўйилаётгани боисиданми, Таваккал аканинг Гулсара билан ўша қалтис нозик дамдаги гап-сўзларини билиб олиш мақсадида яна унинг гапини бўлдим:

— Кечирасиз, Таваккал ака, эшикдан кирдингиз, хўш, кейин Гулсарага кўзингиз тушди-ю...

— Ҳа-ҳа! — деб бақириб юборди. — Вой Қувватжон, қизиқ-а? Улай агар... Биров шундай бўлдим деса, сира ишонмасдим. Чунки, биласизми, ука, мен «муҳаббат, севги» деганларига, — у ўқловдек-ўқловдек панжаларини ёзиб кўрсатди, — мана шуларнинг орасидан қарардим. Китобларгаям ишонмасдим. Тўғриси-да... Кечирасиз, сизга тегиб кетмасин. Сиз ишқ-муҳаббат ҳақида...

— Деярли ёзмаганман, — дедим. — Мен билганларимни ёзганман, холос.

— Балли.

— У-чи, у қандай ҳолатга тушди? Сездингизми салпал?

— Ҳа, вабше, каллам жойида эди, кўриб турибман уни... У, назаримда, менга тикилиб қолди. Кейин салпал кулумсирагандай бўлди-ю, «Сизга ким керак?» деб сўради.

— Шундай деди?

— Ҳа. Мени, умуман, танимайдиган кишидек сўради... Во-ой, ўйинни билади десам, актёр экан!

— Балки бу актёрлик эмасдир, — дедим менга ҳам тескари қарагани эсимга тушиб.

— Ахир... — Таваккал яна бошини эгиб қолди-да, бутун танаси билан ирғалди. — Сиз ҳақсиз, ука. Мен унга бегона эдим энди. Қойил.

— Сўнгра сиз нима дедингиз?

У яна қоматини ростлаб ўтирди.

— Нима дер эдим. «Сизга бир оғиз гапим бор эди», дедим. Ҳатто йигитга қараб, узр сўрадим. Йўқ, рухсат сўрадим. У бечора елкасини қисди.

— Кейин?

— Кейин Гулсара... «Мен сизни танимайман», деди... Қувватжон, ўша пайтда орқага қайтишим керак экан. Аблахман-да, иним! Аблахман... Балки шу тариқа ундан айрилишни истамагандирман? Шу-шу. Уни қолдириб, орқага бурилсам, нима бўларди?.. Нима қилардим? Узингиз айтинг...

— Хўш, кейин?

— Кейин... — У сийрак, жингалак сочли бошини кафтлари орасига олиб, яна бахшинамо чайқалди. — «Кел бу ёққа, мен сени опкетиш учун келдим», депман... — У бошини яна илкис кўтарди. — Шундай дедим. Шу гапим рост эди! Тепамда Оллоҳ бор, гапим рост

эди... Ўзим ҳам уни бу ердан олиб кетиш учун келганимни ўша пайтда билдим...

Мен иттифоқо кўнглимда бир мамнунликни туйдим. Хорижий адабиётнинг айрим машҳур асарларида, масалан, фоҳишага ёки лўлига уйланган «шаҳзодалар» тасвири бор.

Таваккал «китобларгаям ишонмайман» дегани каби мен ҳам ўша қаҳрамонлар ҳаракатига ишонмас эдим-у, инкор ҳам этмас эдим.

Рўпарамда ўтирган бир чапани ўзбек йигитининг фоҳишалик кўчасига кирган бир қизга бўлган муносабатини деймизми, севгисиними, хуллас, биз — хом сут эмган ёзувчилар ҳам инсон руҳидаги бу сингари ўзгаришларни англашга ожизлик қиламиз, албатта.

Алҳол, мен Таваккални сўнгги гапини эшитиб, қалбимда ажиб бир мамнуниятни туйдим. Туйдим-у, Гулсаранинг нима деб жавоб бергани мени оҳанграбодек тортиб:

— У, у нима деб жавоб қилди сизга? — дедим.

Ажабо, Таваккалнинг ҳам чеҳрасида бир майин табассум ёйилган эдики, қандайдир ҳасратли йиғининг сиртқи ифодасига ўхшарди.

— «Энди кечикдингиз», — деди. Ҳа, ҳалигина «сизни танитайман», деб турган хоним энди шу гапни айтди... Анави кавалерига таъсир қилишиниям ўйламади.

— Яхши.

— Сираям кеч эмас, Гулсара, — дедим мен. Кейин мен ҳам очиғига ўтганимни билмай қолдим: ахир, сир очилган эди. — Мен сизни яхши кўраман, — дедим. Аллақачон яхши кўриб қолган эканман-у, билмай юрган эканман, — дедим. — Ишонинг, Гул... Мен, мен ҳам кўп аёллар билан юрганман. Хўп, сиз ҳам... Нима бўпти? Гап бунда эмас-ку?»

— Хўш? У...

— Ярамас йиғлаб юборди-де... Вей, ичкарига қандай отилиб кирганим эсимда йўқ.

## 28

Таваккал ўрнидан ирғиб туриб, айвонга очиладиган эшик олдида борди. Сўнг эшикни ланг очиб, негадир курткасини ечди-да, диванга отди.

— Ҳе, бу дунёнинг онасини... Пуф-ф. — Сўнг менга кескин қайрилди. — Қаранг, ука, гап нимадаю мен нимани сўкаяпман... Аҳмоқлик шу-да.

— Сиз хонага отилиб кирдингиз.

У бош ирғаб, яна диванга чўкди. Ва қолган гапларчи, яъни, воқеани қандайдир ҳиссиз бир оҳангда тезгина айтиб ташлади:

— Унинг билагидан ушлаб тортдим. Йигит бир нима деб эди, унга мана бу қўлимни чўздим. «Оғзингни юм», дедим шекилли. Гулсара додлаб юборди. Қаранг, Мен тик туриб қолдим... Шунда иккита милиса пайдо бўлди. Узимча ўйлайманки, ҳалиги дежурни хотин чақирган. У билан гаплашганда, важоҳатим ёмон эди, шекилли. Ким билади, ўзидан қўрққанми...

— Шу гапингиз тўғри, — дедим. — Сизни опкетишдими, Таваккал ака?

— Ҳа, албатта... Анави сўтак ҳам бир нима деди мелисаларга. Лекин, Таваккал менга яна хўрсиниш ифодаси каби бир нигоҳ билан боқди, — Гулсаранинг гапи гап эди. «Бу одам номерга бостириб кирди. Биз танимаймиз. Афтига қаранглар, ғирт маст», деди. — Таваккал қаҳ-қаҳ отиб кулворди. — Ичмаган эдим. Ёр грамм ҳам... Гулсарага қараб кулдим... У креслога ўтириб, яна йиғлай бошлади. Биласизми, унинг бу галги йиғисиям бошқача эди... Энди охириги гапини эшитинг. Милисаларнинг олдида «Бу одамни биз танимаймиз», деб турган жувон йиғлаб туриб, «Мани эсдан чиқаринг, Таваккал ака. Бўлар иш бўлди. Сиззи кўчайизга бегонаман. Манинг йўлим бўлак энди. Тамом», деди.

— Сиз лол-ҳайрон...

— Ҳа, милисалар мени итариб-итариб чиқаришди. Каридорга чиққанда, биттасининг қулоқ-чеккасига қўйиб юборибман... Бандитлик-да. Лекин мени милиса зоти туртмаган эди, қамоқда ётганимдаям... Ҳа-е...

— Кейин?

— Нима бўларди. Шуниси шайтонлаб қолди, униси чопиб бориб, дежурнининг телефонидадан званит қилди... Менга ҳамма нарса барибир эди. Ҳей, ундай жойдаги креслога бориб ўтирдим. Беш-олтитаси келиб эди, мен айтдим: «Тегманглар, қўл тегизсанглар, чатоқ бўлади. Хоҳлаган жойларингга ўзим бораман», дедим. Улар ҳам қандайдир ишонишди. Энди ишонмасаям бир-иккитасининг жағ-пағи синар эди.

— Кейин милисахонада уришди?

Таваккал бош ирғади.

— Ҳа.

— Кейин?

— Экспертиза қилишди. Тарсаки емаган милиса — одам экан. Гулсаранинг охирги гапларини айтиб эди, тушунишди... Каттаси тушунди. Лекин формадаги милисани урганим учун товон тўладим ҳисоб. Бор пулимни бериб қутилдим...

— Пулсиз чиққан бўлсангиз, нимага ичдингиз?

— Ҳа-я. — Таваккал ҳорғин кулиб, тикилиб ўтирди. — Ҳусанбой йигит экан. Отделениядан чиқсам, кутиб турипти мени. Қучоқлашиб кетдик.

— Кейин кафега бординглар?

— Ҳа. уйига яқин жойда битта хусусий ошхона бор экан. Мени меҳмон қилди. Уни қадрланг, Қувватжон... Хўш, бор гап мана шулар, ука.

У яна ирғиб, ўрнидан турди-да, курткасини эгнига ташлаб, айвонга чиқди.

Мен ҳам чопонимни елкамга илиб, унинг ёнига борсам, шундоқ рўпарамизда ой, ҳа, ранги ўчган тўлин ой турибди.

— Кўряпсизми?— деди Таваккал. Мен уни боғни томоша қиляпти, деб ўйлаган эсам-да:

— Нимани? — дедим.

— Ойни-да, э, ёзувчи, — киноя қилди Таваккал. — Булут тўсди.

— Ҳа-ҳа. Ҳозир ўтиб кетади. Ой яна кўринади... Каллангизга бирон гап келдими?

— Узимни шу қора булутга ўхшатдим. Ойни нима десам экан, келинг, муҳаббат деб атайлик... Ҳа-ҳа-ҳа! — Кейин ғамгин тортиб қолди. — Шу. Ўтди-кетди. Билмай қолдим... Худди умрга ўхшайди-я муҳаббат ҳам. Ўтганини билмай қоласан... Бўпти, энди менга жавоб бера-сиз, ука. Шаҳарга тушиб, танишлардан уч-тўрт сўм қарз олайин. Кейин тўғри Қаршига!

Мен қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолгандим: ахир, ушбу воқеага — Таваккал аканинг Гулсара билан муносабатига, боринги, боринги, қисматларига беихтиёр сўнги нуқта қўйилган, бунда, айниқса, ўзининг «моҳияти» очилиб кетган эди.

Шуни идрок этдим-у, ишонинг, шунақаям майин гортиб, мамнуниятга тўлдимки, ундан кейинги гап-сўзлар қулоғимга кирмай қўйди.

Лекин Таваккал аканинг сўзларини эшитардим, муносабат ҳам билдирардим.

— ...Намгарчиликда оғрийди.

— Иссиқ тутиш керак.

- Ваннада иссиқ сув борми?
- Бироз оқизсангиз, келади.
- Қувватжон, вақтингиз бўлса, мен билан чиқмай-сизми?
- Сизни кузатиб қўяман.
- Раҳмат.

## ШУДРИНГ ТУШГАН БЕДАЗОР

(Икки инжиқ ҳақида ҳикоя)

«Мен ёмон одам бўлсам кераг-у, буни ўзим билмасам керак...» Кейинги вақтда Икромжоннинг яхши кўриб айтадиган гапи шу бўлиб қолди. Шу гапни айтса, кўнгли аллақандай тасалли топар, турмушдаги кўп майда-чуйдаларга муносабати ўзгаларникидан ҳарчанд фарқ қилмасин, «мен шунақа эканман-да», дегандай кўнгли жойига тушиб, ортиқ эзилмас эди.

Лекин аёли Турсунойга муносабатда... бу ҳикматли сўзнинг ҳам «қўли қалталиқ» қилиб қоларди.

Қандай чиройли, беозор дамлари ўтиб кетди! Турсунойни илк марта қаерда, қайси кўча, қайси боғда кўргани эсида йўқ, бироқ шу тўғрида ўйласа, кўз олдида ажиб бир йўнғичқазор намоён бўлади. Шудринги кўтарилмаган намхуш йўнғичқазор. Нақ одамнинг белига уради. Баъзи йўнғичқалар оч-пушти бўлиб гуллай бошлаган. Ўшандоқ жойлари айниқса баланд ва ғовлаб кетган. Паст ўсган жойлари ҳам бир ажойиб! Унда тўқ бинафшаранг чучмомалар бўй чўзиб туради. Боғ чучмомалари ўзи аслида баланд ўсади. Поялари сип-силлиқ ва оқ. Жуда гўзал-э! Анави ғовлаб кетган жойларда ҳам шунга ўхшаш гуллар бор. Аниқроғи, улар гул эмас, боғпиёзнинг бошлари. Тус пиёладек келади. Тўқ-қизил ё жигарранг. Бадбўйлигини айтмаса, улар ҳам гўзал!

Ҳа, Турсуной билан илк учрашган дамларини хотирламоқчи бўлса, худди шу манзара кўз олдида келади. Икромжоннинг. Нечук, а? Билмайди. Балки бу манзарани ўзларининг чорбоғида кўргандир? Ҳа, ўша ерда кўрган. Шуниси қизиқки, бу манзаранинг Турсуной билан сира алоқаси йўқ. Алоқаси бўлса, ҳаётнинг бирон бурчагида сумбатини кўрсатар эди-ку!

Йўқ, гап шундаки, Турсуной унинг энг азиз хотира-

лари, қувноқ ўтган дамлари, орзули ва армонли чоғлари билан қўшилиб, омухта бўлиб кетган.

Балки Турсунойни у илгаритдан кўриб ва аллақачон сезиб юргандир-у, нуқул ўшандоқ тўлғоқли дамларида эслагандир? Балки ўша йўнғичқазор жиягида туриб, унинг шу ерда жамол кўрсатишини истаган ё уни шу ерда, деб тасаввур қилгандир?

Ким билсин одам юрагини!

Турмушнинг ўз изми бор... Бу изм Икромжонни Турсуной билан туташтирди. Турсунойларнинг данғиллама ҳовлисига Икромжоннинг ёлғиз онаси қиз сўраб борди. Қизнинг отаси «фарзанди»га, ҳавола қилганини айтди. Фарзанд билан ички хонада гаплашиб чиққан Улуғой опа табассум қилиб, Икромжоннинг онаси қошига келди.

Турсунойлар қассоб гузаридан, отаси чаласавод, лекин топармон эди. Онаси хат танимас, лекин турмушнинг кўп сир-асрорига ақли етадиган, мулоҳазали аёл. Турсуной — ёлғиз қиз. Учта шердай акаси бор. Савдо соҳасида ишлашади.

Тўйнинг харажатини асосан қиз тараф кўтарди.

Ҳозир яшаб турганлари кичкина боғчани олишда ҳам ўшалар бош бўлди. Икромжон тўққиз ой деганда қарздан узилди. Онасининг тоғдаги Берди чўпонга бериб қўйган олти бош қўйи ҳам шу йўлда кетди. Икромжон гўдаклигида раҳматли отаси ариқ бўйига ният қилиб эккан ўттиз туп терак кесилиб, эски ҳовлининг иморатларини янгилашга ишлатилди. Турмушлари изга тушди.

Улар ҳеч нарсадан нолимаса ҳам бўлади. Кунлари эл қатори ўтиб турибди. Оилаларида баъзан шундай иноқлик, меҳр-муҳаббат пайдо бўладики, олти йиллик эрхотинни кеча топишган Тоҳир-Зухра дейсиз.

Лекин, баъзан...

Икромжон шундай «баъзан» пайтларда ширин ўтган дамлари, Турсуной билан кабутарлар каби гудиллашиб гаплашганлари, пиқир-пиқир кулишганлари ва ширин-ширин хаёл суриб ётганларини эслаш билан кўнглига таскин беради.

Ушандоқ дамлар!

— Йўқ-йўқ, мен сизни ҳеч қачон севган эмасман! — дейди Турсуной. — Ўзингиз шилқимлик қилиб олдингиз мени... Уёққа ўтсам ҳам — тикиласиз, буёққа ўтсам ҳам — тикиласиз! Кўзингиз билан еб қўйдингиз-ку?..



Нима? Қошки жимгина тикилиб юрган бўлсангиз? Волибол майдончасида Тўрақулни урган ким? Тонинг-а!.. Бекор гап. Мен учун урдингиз. «Уйна», деб ўзи чиқиб турди, бечора. Айби шу. Сиз бўлса, келган тўпни сеткадан оширмай, уни «тушит» қиласиз!

— Ҳадеб бечора деяверманг. Раҳмингиз келяпти чоғи, — тўнғиллайди Икромжон.

— Раҳмим келса, нима қиласиз?

— Оббо! Келинг, яхши-яхши гаплардан гаплашайлик... Кеча лесхозда қоровулни ҳайдашди!

— Яна лесхоз!

— Йў, ўзи қаллоб экан-да, соқолинг тўкилгур! Қуёнчилик фермаси ташкил этганмиз-ку. Шундан ўн битта қуённи йўқ қилган экан. Ўзимиз ҳам сони камайиб кетаётганини сезар эдик. Лекин, ўлгур чол, «ер остига ин қазиб кириб кетган, чиққанида келинглар, шу соқолим билан ёлғон гапираманми», дер эди. Директор қатиқ ичгани капасига кириб қопти. Бурчакдан кадини тортса, орқасида бир бўҳча бормиш. Яхшиямки, четидан бир терининг сийроғи чиқиб турган экан. Очиб қарапти. Ўн битта тери! Ўзимизнинг қуёнларнинг териси... Ҳайдаб юборди.

Икромжон қишлоқ хўжалик техникумини битирган, ўрмон хўжалигида ёрдамчи инженер бўлиб ишлайди. Иши ёмонмас. Вазифасини виждонан адо этади. Битта қусури — маоши кам. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган ёрдамчи агрономларникидан анча кам. Юз сўмнинг нари-берисида. Лекин табиат муҳофазаси, ўрмон хўжаликлари тўғрисида кўп яхши қарорлар чиқди. Шояд уларнинг маоши ҳам ошиб қолса. Умуман, ўрмон хўжалигининг ишчилари кам маош олади. Қурилишда ишлайдиганларникидан икки-уч барабар оз. Шунинг учун ўрмон хўжалигида ишчи «чидамайди». Бурнидан ошиқ гап бўлса, қурилишга кетиб қолади. Фишт териб, цемент қориб ҳам ойига уч юз сўм топади.

Икромжон эса... бу ердан кетишни ақлига сиғдиролмайди. Унга ўртоқлари бир неча марта: «Совхозга ўт, ишлаб чиқаришнинг бошида бўласан. Уйингга бир қоп пиёз, бир қоп картошка бепул келсаям ҳарна-да», дейишди. Икромжон қизариб кетиб: «Раҳмат. Мени ўзимга қўйинглар», — деди.

У қаердадир эшитгани шу ҳикматни маҳкам ушлаган: «Қиши овқат ейиш учун яшамайди, яшаш учун овқат ейди».

Икромжонни бу фикридан қайтариш ҳам мушкул.  
Эр-хотиннинг суҳбати давом этади.

— Турсуной, Галақўтонда зира пишипти!

— Зира пишипти... Пишипти демай, шу топилмагурдан бир кило-ярим кило олиб келинг! Зиғирчасини йигирма тийинга оламан бозордан!

— Йўқ, ярим кило деманг-у, юз грам-эллик грамм... Шошманг! Келаси бозор чиқсак-чи, ўша ёққа? Ана, эшак бор! Минасиз! Мен ёнингизда пиёда... А? Хўп денг!

— Уф, сиз ҳалиям ёш боласиз! Мен эшак миниб юрар эмишман! Гапларини қаранг!

— Ҳа, минмаганмисиз?

— Минган бўлсам, вақтида мингандирман.

— Биласизми, нима...

— Билмайман!

Лекин Икромжон шундай дамларда, яъни шу суҳбатлардан кейин хотини кўнглидан кечган ўйларни билар, ҳис қилар эди. Ҳар гал Турсуной Икромжоннинг шу каби ҳар гапига терс жавоб берса-да, кейин хаёлчан бўлиб қолар, не бир интилиш билан гоҳо унинг пинжигга тикилар ва ораларида ўша суҳбатларнинг тамом акси бўлар эди.

Энди Турсуной қизчалигида ўртанча акаси билан пилла қуртига деб мингбош ўргани чиққанларини эслар, аллакимнинг нортуюси қутургани, оғзидан оппоқ кўпикли халта қулдираб тушгани, сўнг уни яна қандай қилиб лиқ-лиқ ютганини хотирлаб кулар эди... Сўнг турмуш қурганларининг иккинчи йилимиди, Икромжон уни эшакка мингаштириб тоққа, Берди чўпоннинг овулига олиб борганини эринмай қайтадан ҳикоя қилар, ўшанда еган қурутларини яна татиб кўраётгандек тамшанар ва оқибат орада иноқлик қарор топар эди.

— Адаси, сизни... Сиз сал кеч қолсангиз, ўзимни қўйишга жой тополмай қоламан, ишонинг! Эркалик қиламан-да! Аёл кишига ёқади бу! — Яна давом этарди: — Онангизга хўп деганимни билмай қолганман... Қизиқ! Сизни қачон яхши кўрганман, билсам худо урсин! Ишонинг... Менга сизнинг зирангиз ҳам, катта маош олишингиз ҳам керак эмас! Ишонинг...

Турсуной шу гапларни айтар экан, Икромжон унинг сўзларига шак-шубҳасиз ишонар, илло ишонмасликка зарра асоси йўқ эди.

Агар Турсуной Икромжонни севмаганида, агар ўзига тўқ, бели бақувват оилада эсини таниган қиз турмуш-

нинг мана шу жиҳатларига қизиққан бўлганида ёлғиз онаси билан бир нав кун кўрадиган йигитга дафъатан «хўп» дермиди!

Турсуной ҳам Икромжонни ундан кам севмас эди!

Дарҳақиқат, баъзида улар, айниқса ўша — хотирага айланиб бораётган вақтларни эслаганда бамисоли энди топишган Тоҳир-Зухра эдилар.

Кейинчалик... Турсунойдаги қайсарлик, чўрткесарлик кучайгандан-кучайиб борди. Икромжон эса унга сари паст тушар, эзилар, ўйларга чўмар эди.

Ниҳоят, оилада бўладиган танқисчилик ҳам ўртага тушадиган бўп қолди. Турсуной ўшанда «тузукроқ йигитга чиқмаганини» бир-икки марта армон билан айтди. Икромжон тамом бўлди...

Лекин, ажабо, баъзида Турсуной тагин ўзлигига — ўша Турсунойга айланар, шунда Икромжон хурсанд бўлиб кетар, орадан ҳеч нарса ўтмагандек бир вазият вужудга келар эди.

Лекин бу вазият вақтинчалик эсан кўклам шамолига ўхшар эди. Кетидан қиш заҳрини олиб изғирин, гоҳо оламни остин-устун қилгулик довул қўзғалар эди.

Икромжон хотинидан юрак олдириб қолди... Аммо у шу хилда қолавермади. Эркак одам бундай пайтларда ўз ҳамжинсларига интилиб, улардан тасалли топгиси келар эди. Ҳасратини фақат «ўз қавми»га айтар экан. Суҳбатни тинглайдигандаям тинглайдиган бор. Бир гал ишдан қайтаётиб юраги ўз-ўзидан гуп-гуп ура бошлади. Урмон хўжалиги йўлагиде ям-яшил бўлиб турган қарағайлардан учтаси қуриб қолган экан. Бухгалтернинг хотини тўккан мағзава шу қарағайлар остига сингар экан. Шунинг машмашаси билан кеч чиққан эди... Сомсахона олдидан ўтаётиб синфдош ўртоқларидан Шоди чўтирни кўриб қолди. У шофёр, шаҳарда яшар эди. Икромжон тўхтади. Шоди туриб, йўл бўйига чиқди. Улар қучоқлашиб кўришишди. Сўнг Шоди унинг қўлтиғидан олиб, ўтирган столи ёнига бошлади. Икромжон, «беш минутдан кейин тураман!» деб, ўтирди... Беш минут ўн минутга чўзилди.

Икромжон ичмасди эмас, ичиб турар эди. Лекин: «Уйга вақтли бориш керак... Турсуной кутиб қолмасин? Эртага иш... Кўзим қизариб борсам одамларга қандай қарайман?» — деб меъёрида ичарди.

Шу куни нима жин урди уни, қанча ўтирганини ҳам

билмай қолди, қанча ичганини ҳам, ўрнидан турса, довдираб кетяпти.

«Бўлди! Балоба қолдим!» — дея каловланиб йўлга тушди. Йўлни қисқа қилиш учун жинкўчага кирди. Кўча ўнқир-чўнқир, кўп жойларига сув тошган экан. Тийганиб йиқилди. Уст-боши шалаббо бўлди... Кейин деворга суяниб, йўлда давом этди. Пахсадеворга тирсаги ва биқини суйкалиб борар эди.

— Вой, нима бўлди? Ким урди? — Айвонга чиққан Турсуной кўққисдан йиғлагудек бўлиб, пастга тушди. — Вой, шўрим! Энди нима қиламан? Ҳой, болалар, буёққа чиқинглар!.. — Турсуной эрининг ёқасидан ушлаб юзига тикилди-ю, бурни жийрилиб, афти буришиб, бирдан тисланди. — Маст! — деди йиғламсираб. — Пиёниста бўпти! Шуниси кам эди... Вой-до-од, қаерга борай? — У яна отилиб эрининг олдига борди. — Пулни қаердан топдинг? — У сенлади ва сенлаб давом қилди: — Айт деяпман!.. Ҳали ўзингни оппоқ қилиб кўрсатарсан, ҳали давлатнинг одамиман, дейсан! Қаердан топдинг пулни?

— Ичиришди, — деди Икромжон. — Кечир...

— Хўп, кечираман! Ҳозир кечираман!

Турсуной болаларни нари-берига суриб, даҳлизга кирди.

— Алло! Алло! — деган товуш эшитилди. — Мелисани ол! Мелисадақа мелиса-да!

Турсунойдаги ўзгаришларнинг боиси нимада? Наҳотки мол-пулга хуруж қўйиш ёхуд уй-жойим бировларни кидан кам бўлмасин деб, ёхуд вақтида топармонроқ йигитга тегмаганидан афсусланиш унинг ўзгаришига сабаб бўлса?

У қизлигида ўзига яраша эрка эди. Бундан ташқари, эрига эркалик қилиш, унга қандайдир азоб бериш ҳам унга ёқарди: бунини ўз оғзи билан ҳам айтарди.

Балки унинг тобора баджаҳл ва шафқатсиз бўлиб бораётганига шу ҳол сабабдир?

Бир нарса дейиш қийин.

Балки буларнинг ҳаммаси қўшилгандир?

Аммо... Турсуной эрини ҳамон севади! Уша ғалати, «кўз бойлағич» севгиси билан севади! Бироқ йиллар — ёш ҳам ўз таъсирини ўтказганми, энди унинг қошида кўп ҳам ёқимли хаёлларга толавермайди. Икромжоннинг қалбига малҳам бўлғуси азиз хотираларни ҳикоя қилмайди.

Ҳикоя қилмайди?.. Ичида ҳикоя қилади.

Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас Икромжоннинг мактабдоши, ўз маҳаллаларида участкавой, гирдиғум, бақувват Қаюм кириб келди. Ғўдайиб ва йўталиб, атрофга қаради. Пастга тушган Турсуной юм-юм йиғлаб, ҳасрат қилди:

— Бундай одати йўқ эди... Буни йўлдан қайтаринглар, жон ака! Пиёниста бўп қолса нима қиламан? Элу юрт, отам, акаларим юзига қандай қарайман... Ўзинг пиширган ош, дейишмайдими улар? Шўргинам қурсин!.. Жон ака, қўрқиб кетяпман. Мастларнинг кимлиги ўзингизга маълум-ку!..

Икромжон айвон пастигаги супада ғужанак бўлиб ётар, буларнинг гап-сўзлари зўрға қулоғига кирар, аммо бошини кўтарай деса, еру осмон айланар, гапирай деса, тили айланмас эди.

Шу аснода бир-икки марта ўрнидан ирғиб тургиси, нимадир кутилмаган ишлар қилгиси келиб кетди.

— Тур ўрнингдан, Икром!

— Олиб кетасизми? — Турсуной кутилмаганда кўрқиб сўради. — Қамайсизми?

— Ҳечқиси йўқ, — Турсунойга кўзини қисди Қаюм участкавой. — Бир кеча ётса, эси жойига тушади... Хавотир олманг, келин! Бу кеча ўзим навбатчиман!

У Икромжонни суяб турғазиб, қўлтиғига кирди. Сўнг липиллатиб кўтариб кетди. Йўлакнинг ярмисига етганда Турсуной ҳаллослаб етиб борди.

— Жон ака, шу ерда бир-икки оғиз гапириб қўя қолинг.

— Келин! — Турсунойга жўрттага жаҳли чиққандек маъноли тикилди у. — Менга ишонмайсизми?

...Турсуной шу кеча йиғлаб-йиғлаб ётди. Мелиса чақиргани учун ўзини қарғади. «Ваҳимачи бўлмай ўлай, эркак одам ичади-да! — деди. — Бу гап бировларнинг қулоғига етса, нима деган одам бўламан! Эрини қаматган... Кошки мени урган бўлса! Беозоргина, «кечир» деди... Боёқиш... Шундай майин, мўмингина... Менинг хархашаларимга чидаб келяпти. Икки дунёда бундай эркак топилмайди... Ўзим айбдорман... Уйдаги сирни кўчага чиқарган хотин хотинми?»

Шундан кейин у ўпкасини босиб олди... Кейин ширин хаёлларга толди. Нима учундир дафъатан ёдига Икромжоннинг энг дилкаш ўтиришларда ҳикоя қиладиган ман-

зараси тушди. «Йўнғичқазор... Шудринги кўтарилмаган...»

Икромжон шу тўғрида кўп гапирган, Турсуной кўп марта эшитган, бироқ у манзара ўзидан узоқлиги учунми, эслаёлмас эди. Ҳозир ўшани эслаганидан анчагача ҳайрон бўлиб, ниҳоят, кўзини юмди.

Икромжон... эртаси ишдан вақтида чиқиб, уйга келди. Турсуной унинг синиққан ранг, ботиқ кўзларига разм солиб, ундан гап кутди: «Ҳозир кечирим сўрайди... Ҳамма гапни айтиб беради!» Лекин Икромжон унга қай тил билан гап қотсин?

У ҳатто хотинининг юзига боқишга ҳам ботинолмас эди. Юраги дир-дир титрар, ножўя қадам ташлаб юбормаслик учун ўта ҳушёр, айни чоғда Турсунойга кўзи тушса, у бобиллаб берадигандек эди.

Йўқ, яхшиси, жим бўлгани тузук.

Жим, жим, жим... Балки Турсуной Икромнинг «жим»лигини ичдан азоб чекишга йўяр?

Ахир, кўриб турибди-ку?!

Аммо-лекин ўзи аҳмоқлик қилди!

Шармандали иш бўлди!

Турсуной... ундан гап, узр кута-кута тоқати тоқ бўлиб кетди. Икром костюмини ечиб, эски шимини кийиб чиқиб, ошхонага кириб кетар экан, Турсуной бақириб қолди:

— Ҳў, ичадиган йигит! Энди қадамингизни билиб босинг! Хўпми?.. Мен ўзимни оёқ ости қилдириб қўймайман! Мана шу уйга ўт қўяман-у, икки боламини олиб отамникига кетаман... Улар мени бошига кўтаришади... Ёлғиз қизлариман! Куним ўтади. Бу ердагидек.. ўтмаса, бундан ёмонроқ бўлиб ўтар, ахир!

Икромжон бошини ушлади. «Дод!» деб юборишига оз қолди.

— Хўп, — деди аста бурилиб. — Айб менда, Турсуной.

— Албатта!

— Мени афв этинг.

— Майли... Икки бола ҳурмати, бу гал кечирдим... Лекин яна шундай бўлиб келсангиз, мендан ўпкаламанг! Нақ ўн беш сутка бердираман... Шармандангиз чиқади! Ишхонангизга ёзишади... Обрўйингиз бир пул бўлади!

Икромжон бош ирғади.

«Турсуной ҳақ... Айб менда, — деди нимқоронғи ўтинхонага кириб. — Мен унинг қадрига етмаяпман... Уни

кафтимда кўтариб юрсам арзийди... Ахир, у мени ўйлаб шу гапларни айтяпти!»

Турсуной эса, уйга қайтиб кириб, ичида бирам хурсанд бўлди... Кейин Икромжоннинг мунислик билан: «мени афв этинг», деганини ўйлаб, томоғи бўғилди. Йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлади.

Сўнг... лабида оғриқ сезиб, бунинг учун ҳам Икромжонни ичида айбдор санади...

Ҳафталар, ойлар ўтди... Турмуш яна эски изига тушди. Баъзан иноқлик, меҳр-муҳаббат, ширин суҳбат... Баъзан телба-тескари гаплар, хафагарчилик.

Лекин энди Турсунойнинг шеvasига Икромжон учун яна бир асос қўшилган эди: ичиб келгани!

Икромжон — ҳамон ўша Икромжон. Бироқ энди унда анча асабят пайдо бўлган, гарчи Турсунойнинг олдида ўзини тутиб тура олса-да, ишхонасида гоҳо бўлар-бўлмасга жаҳли чиқиб кетади. Директорга ҳам терс гапириб юборади. Участка бошлиқлари билан қўпол гаплашади. Юрагида гоҳо шундай бир тўлиқиш сезадики, нималарнидир уриб-янчиб ташлагиси, қаёқларгадир, олис-олис тоғ ораларига чопачопа қочиб кетгиси келади. Шундай пайтларда аламини ишдан олади. Ўзига ажратилган ориқ бўз отни миниб, тоғдаги бодомзор, ёнғоқзор ёхуд наъматак майдонларини кўргани чиқиб кетади.

Гоҳо ҳафталаб тоғда қолиб кетади. Сўнг Турсунойга интиқ-интизор бўлиб, уни узоқ ёлғиз қолдириб кетгани учун ўзини сўкиб, хотинидан минг-минг узр сўрашга шайланиб, қайтиб келади.

Турсуной айвонга чиқади... Ичида эрини соғинган! Уни соғ-омон кўриб, боши осмонга етади. Тунлар кўрган ёмон тушларини унутади. «Ўзингга шукур!» — дейди. Аммо тилида:

— Ҳа, мунча қопкетдингиз? Биттасини топдингизми дейман? Тоғ қизлари чиройли бўлади деб эшитаман... Яшанг! Болаларингиз ҳам эсингизга келмайди-я! Қойилман... Хўп эркак чиқдингиз-а, умрингиз узоқ бўлсин!

Икромжоннинг тарвузи қўлтиғидан тушади. Унинг ҳамма гапларини асосли деб тан олади ичида. Ва ортиқ жаврамасин учун гапни қисқа қилади:

— Узр энди... Шундай бўп қолди, Турсуной.

— Хўп яхши гапни ўрганиб олгансиз-а?

Икромжон мунислик билан бош йрғайди.

Сўнг... сўнг улар орасида яна иноқлик...

Ўрмон хўжалиги ходимлари ҳам Май байрами на-  
мойишига чиқишга қарор қилишди. Икромжон ишла-  
масдан бурун ҳам улар намойишга чиқишган, бироқ  
шунчаки ўзлари... гўё сафни тўлдириш, райком, ижро-  
қўм раҳбарларига кўриниш бериш учун ёки шунчаки  
вақтичоғлик учун... Бу гал ўзларининг маҳсулотлари  
билан чиқишга келишишди. Яъни таги билан қўпориб  
олинган бир туп арчани кузовининг қанотлари туширил-  
ган машинага ўтқазиб қўйилади. Унинг ёнида тагин  
наъматак ниҳоллари ва турли кўчатлар ҳам бўлади.  
Машина кабинаси айна ўрмон хўжалигида етишган  
атиргуллар билан безатилади... Бу тўғрида райкомнинг  
ташвиқот-тарғибот бўлими мудирини ўртоқ Оқбоевга ха-  
бар берилган эди, у киши жуда маъқуллади, ҳатто таб-  
риклади.

Икромжон Турсунойга: «Бораману келаман! Кейин  
бирга чиқамиз», деб саҳарлаб ўрмон хўжалигига жўна-  
ди. Хўжаликнинг идораси, жумладан боғи ҳам район-  
нинг четиди. Икромжон етиб боргунча ярим соатча вақт  
кетди. Қараса, машинага ортилаётган арча — тоғ арча-  
си! Паққос кесиб келинган... Бир ҳисобда тоғ арчасини  
илдизи билан қўпориб олиш ҳам ўзи мумкин эмас, ил-  
дизи чуқур кетади ва ўзга арчалар томирига туташ бў-  
лади. Умуман, тоғ арчаларининг деярли ҳаммасининг  
илдизи бир деса бўлади.

Икром лов этиб олов олди. Директорни топиб:

— Сизнинг фармойишингизми бу? — деди. — Ана,  
боғда қанча арча бор!.. Буни нима қиламиз намойишдан  
кейин? Утин қилиб ёқамизми? Бултур янги йилга деб  
боғчанинг одамлари сўроқсиз арча кесгани учун ўзингиз  
нима гаплар қилиб эдингиз? Ҳайф-э! Ана, ўриси арчадан  
олсак, қайтиб келтириб тагин ўтқазиб қўярдик!..

Директор Бобоқулов унга дўнг пешанаси тагидан  
вазмин қараб турарди.

— Хўп. Шунга шунчами! — деди. — Қорабой ака биз-  
га яхшилик қиламан деб шу арчани кесипти.

— Хушомадга денг!

— Жуда жиззаки бўп боряпсиз, укам... Эркак одам  
оғир бўлади расми.

— Э, мен оғир бўлмадим.

— Хўп, шундай улуғаям кунда... а? Бечора кесган  
экан. Кечаси билан йўл юриб, ҳали етказиб келди...  
Қўйинг, иним, кейин гаплашамиз.

Икромжон, дарҳақиқат, шундай шодиёна кунда бун-



дай қизишгани, ҳа демаса, бировларнинг дилини қора қилиши мумкинлиги, демак, жилла бўлса-да, ноҳақлигини сезиб турарди-ю, лекин ўзини босолмасди. Тўнғиллай-тўнғиллай чиқди. Кейин ёғоч қути топтириб, арчани ўтқаздирди. Қиши билмайдиган қилиб, атрофига тупроқ уйдирди. Бу иш тағин ўзига ёқмай, ўзини кўзбўямачи каби ҳис этиб, намоёишга хотини билан етиб боришини айтиб, йўлга тушди. Келгунча яна вақт ўтди. Келса... дарвоза, қулфлог!

«Э, бор-э!» — деб кўчага чиқиб кетди. Одам гавжум. Икромжоннинг ҳоври босилди. Кейин хотин-қизлар орасига кўз солиб, Турсуноини излай бошлади. Тополмади. Бу орада колоннага ўрмон хўжалик ходимлари ҳам дов-даскаги билан келиб қўшилди. Икромжон улар сафида катта кўча бўйлаб Пойгашбоши адирига йўл олди.

Тумонат одам!.. Осмон тиниқ. Салқин. Оёқ остида бахмалдек ажриқ.

Бу ердаям қайси жойда аёллар тўп бўлса, Икромжон уларга кўз солиб юрди.

Турсуной... У ҳам шу ерда эди. Уч-тўрт марта Икромжонга кўринарли жойга чиқди. Бахтга қарши, Икромжон уни кўрмади. Сўнг Турсуной унга разм солиб, эрининг нуқул аёлларга тикилаётганини пайқади. Беихтиёр у ўзини излаётганини билди. Билди-ю, зардаси қайнаб кетди. «Қим билади эркак зотининг кўнглини!»

Икромжон намоёишдан кейин ҳориб ва тағин Турсуной билан учрашганда ундан гап эшитишни кутиб, уйига борди. Ҳақиқатан ҳам Турсуной тишини қайраб турган эди.

Олди эрини! Олди!

Икромжон:

— Бўлди. Бўлди-и-и! — деб кўчага чиқиб кетди.

Тўғри ресторанга кириб борди... Кимлар йўқ бу кунда ресторанда? Кимлар улфатга илҳақ эмас? Икромжонни ёнига таклиф этмайдиган йпгит борми?

«Байрам! Май! Бугун ҳамма нарса кечирарли!.. Уйна, кул! Шу бугун хомуш бўлма! Ғамни йиғиштир! Уйлама ҳеч нарсани... Оламнинг ишлари қачон битиб эдики!..»

Ичиб ўрганмаган одам кўп ичмасин экан.

Икромжон... дарвозага суянганини ва «ёмон бўлди!» деганини билади. Сўнг қандайдир саёқ итни силади чоғи. Сўнг кўзига айвон шифтида осилиб турган лампочка кўринди... Эсида... Турсуной нималардир деди...

Бошқа ҳеч нарсани эслолмайди! Уб-бў, ёмон бўлди-ку! Кимларни сўкди? Кимни хафа қилди? Турсунойни яна... Вой-вой!.. Айб ўзида! Кеча нега ҳовлидан чиқиб кетди? Нега Турсунойга ўтган гап-сўзларни ётиғи билан тушунтирмади-я? Бўларди-ку! Йўқ, ўрмон хўжалигида.. директорнинг кабинетида телефон бор эди-ку, уйига телефон қилса, олам гулистон эди.

Улуғ айём кунида-я!..

Икромжон қоп-қоронғи камерада туриб ўтириб, шу тарзда ўйлар, бир ёқдан боши зирқираб оғрир, ў-ю, бош оғриққа чидолмай, ўзини осиб қўйиш даражасида эди.

Шунда қаттиқ чанқаганини сезди. Сув! Сув қани? Нега сув йўқ? Э! Икромжон мелисахонада-ку? Қамоқда-ку?! Ким уни олиб келди? Қаюмми?

«Э, Икром, одам бўлмадинг-бўлмадинг-да!.. Сенга иш ҳам ҳайф, хотин ҳам!

Болаларинг... Ана, болам бор демайсан! Қайси кун Турсуной рост айтди: «Болангиз ҳам эсингизга келмайди!» деб... Сен ота номига иснод келтирасан!»

Икромжон туриб, пайпаслаб эшикни топди. Шунда баданига совуқ, зах ўтиб кетганини сезди. Энди бирдан тиши такиллаб, эшикни қоқа бошлади.

Бирпасдан кейин нақ эшик ортида диван ғижирлади. Биров томоқ қирди. Сўнг эшикка калит солинди. Эшик очилди.

Қаюм! Кўзлари шишиб турибди. Уям ухлаган экан.

— Э, Икром бўлмай кет! — деди участкавой тўнғиллаб. — Сувсадингми?

— Ҳа. Чиқсам майлими?

— Чиқ. — Қаюм камерага кўз солиб, изига қайтди. — Ерда ётибсан. Сенга кўрпача солиб берган эдим... Э, қуриб кет! Сизга ичгин-да!.. Узинг туппа-тузук йигитсан!.. Э! Ҳамроҳинг қарға бўлса, еганинг ахлат бўлади...

— Узим ичдим, — деди Икромжон.

Хонанинг ярмиси то эшиккача ёғоч тўсиқ билан тўсилган, унинг ортида, столда лампа ёниб турар эди. Уша ёққа ўтган Қаюм алюмин кружкада сув келтириб тутди. Икромжон ютоқиб ича бошлади. Сув муздек! Лекин ичган сари ичгинг келар эди. Ниҳоят, тагин сувсаб қолса ичадигандек кружкада қолган сувни тўкмай ва уни Қаюмга қайтармай, йўлакдаги диванни кўрсатди.

— Утирсам...

— Утир, ўтир.

Икромжоннинг ҳамон боши оғриб турар, юрагида ола-туфон, лекин вужудида ғалати бир ғайритабийй шижоат пайдо бўлган эди. Бу ўша... қаёққадир бош олиб чиқиб кетишга ундовчи туйғунинг янгитдан жумбиши эдики, бунда мазкур дамдаги ҳолати, пушмони, уяти ва ўзига нисбатан ғазаб-нафрати ҳам бор эди.

— Кеча нима қилиб қўйдим? Қаюм ака, айтинг!.. Ножўя иш қилган бўлсам, жавоб бераман... Худо ҳаққи, тайёрман! — Шунда дераза тоқчасида турган телефон жиринглади. Қаюм телефонни олди. Икромжон тўнгилаб жимиди. — Очигини айтсангиз...

Қаюм ким биландир узоқ, асабий гаплашди. Сўнг қоматини ростлаб гимнастёрка кўйлаги тугмаларини ўтказди-да, Икромжонга бир муддат энсаси қотиб тикилди.

Икромжон... уялди! Ер ёрилсаки, кириб кетса! «Э, бўлди, кўп қарама, Қаюм! Ундан кўра белингадаги қайишингни ечиб, ур!..»

— Яна шундай бўлиб қўлимга тушсанг, ёки хотинингни шикоят қилганини эшитсам, олти ой бердирмагандаям, ўн беш кун супуртираман!.. Тур! Жўна! Хужжатларинг уйингда! Бор, кўзимга кўринма... Секин чиқиб кет, биров билмасин. Э, сени қара-ю... Рангингни кўр, қусгинг келади.

Икромжон каловланиб ва у ер-бу ерини қоқишга шайланиб, эшик оғзига борди. Ташқарига мўралаб қаради. Сўнг Қаюмга боқди.

— Раҳмат, Қаюм ака, — деди. — Лекин нима қилганимни... а?

— Нима қилганингни хотинингдан сўра! — Қаюм чирилиб, трубкани кўтарди. Номер терар экан, тўнгилади: — Шундай хотинни хафа қилиб бўладими?.. Сени ўлгудек яхши кўрар экан. Ўрнида бошқа хотин бўлса, кўрардинг кунингни... Бор, кетавер энди! — у аппарат ричагини босди. — Бош оғриқ қиламан деб юрма... Пиёнисталикнинг боши — бош оғриқ қилиш!

— Раҳмат сизга.

Икромжон кўчага чиқди. Жимжит. Ҳали қушлар ҳам уйғонмаган. Йўл бўйидаги дарахтларнинг сербутоқ шохлари орасидан лампочкалар хира нур сочади. Икромжоннинг қадам товуши олисларга таралиб, кимларнидир безовта қилаётгандек бўлади.

Бир пайт у кўчанинг қоқ ўртасида туриб қолди. Ҳўнграб йиғлаб юборгиси келди.

«Нега бундай бўляпти ўзи? Сен чиндан ҳам ёмонми-

сан, Икром? Узингни виждонли, ҳалол йигит деб била-сан. Ишингда нуқсон йўқ. Хўп, кейинги пайтда сал асабий бўлсан. Нима қипти шунга?.. Иш-хизматчилик. Бўлади-да.

Турсуной... «Сени ўлгудек яхши кўрар экан». Наҳот шу гап рост бўлса? Нега энди «наҳот»? У мени севмаса тегармиди? Бошқа зўр йигитлар қуриб кетганмиди унга?.. Севади! Бунга шубҳа йўқ... Лекин, нега унақа?»

«Қанақа?» Икромжон бу саволга жавоб беролмади-ю: «Айб ўзимда... Фақат менда! Қаям ака рост гапни айтди», — деди. Сўнг бутун-бутун айблари... учун хотинидан ер ўпиб узр сўрашга қасд қилиб, илдамлай кетди.

Икромжон ўзларининг кўчасига кирганда яна юраги гупиллаб ура бошлади. Лекин баттар жадаллади. Ҳовлисида чироқ бормикин? Йўқ, ўчириб ётишган бўлса керак... Дарвозани тақиллатадимми? Қўшнилар эшитадикун... Қандай шармандалик! Қамоқдан чиқиб келяпти-я? Хайрият, Қаям мактабдоши...

«Э, ҳовлида чироқ ёниқ-ку? Айвон чироғи ёниқ!»

— Раҳмат сенга, Турсуной!

— Кириг уйга! Ётинг, — деди айвонда қаққайиб турган Турсуной. — Сиз билан эртага гаплашаман!

— Мени афв этолсанг...

Турсуной чапдаги эшикдан ётоққа кириб кетди. Икромжон шу ерда ечинмоқчи эди, Турсунойни тагин безовта қилмаслик учун аста айвон чироғини ўчирди. Сўнг эшикдан кирган ерда уст-бошини ечиб, туфлисини оёғига илди-да, бир-бир юриб, супадан тушди. Утинхона биқинидаги водопровод крани ёнига борди.

Шунда боғ адоғида эшак пишқирди, тепинди. Арқони олмага ўралиб қолган қўзи бўғиқ маъради.

Икромжон шоша-пиша водопроводни очиб ювинар экан, назарида, моллар ҳам уни ёмон кўриб қолгандек, ундан ўпка-гина қилаётгандек бўлди. Ич-ичидан эзилиб: «Энди арақни оғзимга олсам ўлай!» — дея водопроводни бекитди. Совуқда дийдираб айвонга қайтди. Дордан сочиқни олиб, наридан-бери артинди.

Меҳмонхона деразасига қалин парда тутилган, шунинг учун ҳамон тонг отмагандек туюлдими, Икромжон эртасига кун ёйилиб кетганда уйғонди. Кейин, кечаги воқеаларни эсида қолгани бўйича эслаб ва ҳали катта жанжал олдинда эканини ўйлаб, юзини яна ёстиққа босди: ҳеч кимни кўрмаса, шу бўйи нимадир бўлса!

«Оҳ! Қанийди кечаги кун йўқ бўлса, ҳа, йўқ — йўқ

бўлса! Кечаги воқеалар ҳам йўқ бўлса-да... Бўлди. Тур, Икром! Қилғиликни қилдингми, буёғига ҳам туриб бер энди!»

Икромжон кийиниб, ташқарига чиқди. «Оҳ! Баҳор!.. Мунча чиройли бу баҳор! Олмалар қийғос гуллаб қолган! Асаларилар! Икромбой, шунча кундан бери қаерда эдинг? Оламнинг гўзаллиги ўз ҳовлингда-ку? Йўқ, анави уйчада... Турсунда! Уша... ўша туфайли дунё кўзингга гўзал кўринган! У бор — гўзаллик бор, баҳор бор! Сен бахтли йигитсан!»

— Ҳой, кўп серраймай, буёққа кириг!

Икромжон бирдан бўшашиб кетди. «Бошланди!» — деб ўйлади ва бутун вужудига титроқ кирди... Ҳа, у қачондир, нималарнидир уриб-янчиши керак!

Икромжон айвон четидаги чойгумни энгаштириб, бет-қўлини ювган бўлди-да, ичкарига кирди. Дастурхон ёзиқ. Чойнак, пиёла. Нон, оққанд, ёғ... Хона илиққина. Бунда ту누ка печь бор. Турсуной бугун ҳам ёқибди.

Икромжон тўрга ўтиб, печга яқин кўрпачага чўк тушди. Олдидаги пиёлани олиб, чойидан бир хўплади.

— Қулоғим сенда, — деди. — Гапир!

Турсуной жимиб, дастурхонга кўз тикди... Сўнг бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Икромжон қотиб қолди. Урмалаб унинг ёнига борди. Елкасини иккиланиб силлади.

— Турсуной... Жоним, менга қара... бўлди энди! Қа-сам ичаман! Бошқа бўлмайди...

Кеча Икромжон қай аҳволда келганини ўзи билмайди. Лекин Турсуной биледи... Шуниси қизиқки, кеча чиндан ҳам унинг жаҳли чиқди. Икромжонга ачинмади ҳам. Фақат Қаюм битта шериги билан Икромжонни олиб кетаётганида: «Жон ака, биров билмасин... Уятга ўламан! Ўзига келса насиҳат қилиб жўнатиш!» — деб қолди, холос... Лекин, ҳозир йиғлаб юборди.

Қизиқ, Икромжон уни силаб-сийпагани, тотли сўзлар айтгани сари баттар йиғлагиси келар, ўзини тўхтатолмас эди.

— Турсуной?..

— Биз ажрашамиз... Мен бу турмушга тоқат қилолмайман! — Турсуной ирғиб туриб кетди. — Афтингизни кўрмайин дейман! Ҳа-ҳа. Рост... Мен сизни ҳеч қачон севмаганман... Сизга раҳмим келиб текканман. Сиз!.. Мени оёқости қиляпсиз энди... Хотинли бўлдингиз-да! Болали, уй-жойли бўлдингиз-да, а?

Икромжон карахт бўлиб ўтирар, унинг юраги ҳам тўхтаб қолгандек эди.

— Рости билан-а? — деди секин.

— Рост! Рост! — Турсуной шундай деб бурчакка, сандиқ қошига бордию дафъатан ҳушёр тортиб, унинг нима қилишини кутди. Сўнг бирдан қўрқиб кетди: «Кетиб қолса-я!.. Ўзимни ўлдираман! Мен бу икки эргашма билан қаёққа бораман? Отамникигами?.. Йўқ, йўқ... Ахир мен бу йигит ўлгурни яхши кўраман-ку? Нега шуни билмайди? Нуқул мени хафа қилади... Менга ўчакишгани ўчакишган... Миқ этмайди! Ичимдан топ!.. Ичишни ўрганди... Ичганиям майли. Кеча кўзимнинг олдида кетиб қолди-я. Авзойи бузуқ унинг!.. Ё биттасини топганми? Йўғ-э, ўлдими? Менга қилиқ кўрсатяпти... Кўрсатиб бўлсан! Одамингни топибсан-ку!...»

Икромжон ҳамон карахт эди. «Ҳа-а. Гап буёқда экан... Рост, менга шафқат қилиб теккан бўлиши ҳам мумкин... Мумкин! — деб ўйлади. — Ўзи айтди-ку?.. Бунақа гап тилидан биринчи чиқиши... Э, галварс Икром!»

У ўрнидан турди. Нима қилишини билмас, лекин туриши керак эди. Буни кўриб, Турсуной югуриб эшик олдига борди. Эшикни тўсиб олди.

— Қаёққа?

— Қоч йўлдан.

— А? Ҳали менга дўж қиладиган бўлдингми? Ҳой, кимсан ўзинг? Сиздан сўраяпман... Дадаси, нимага ўзгариб қолдингиз-а? Нима бўлди сизга? Бирон киши айтяптими, а? Ростини айтинг... Майли, ундай бўлса, мен ўзим уйни бўшатиб чиқиб кетаман...

— Қоч деяпман! — Икромжон икки қўллаб бошини ушлади. — Худо хайрингни берсин, эзма мени!

— Мен-а?

— Сен...

— Вой тавба! Ҳали бундай тухматингиз ҳам бормиди? Астаффирулло... Вой, қудратингдан!.. Мен айбдор эмишман! Мен! — Турсунойнинг юраги тагида сирли бир овоз: «Бас қил! Бўлди энди. Ўзингни бос!» деб турса-да, баттар хуруж қилди: ҳали Турсуной айбдор бўлиб қолдими? Ана! Тухмат балонгдан сақла худойим! — Тўхта! — бақриб юборди Турсуной. — Кеча сени... бўшатиб юборинг, деб Абдиқажом акадан илтимос қилганим учун бўшатди! Шунинг учун келдинг бир маҳалда. Йўқ! Мен энди тоқат қилолмайман!.. — Турсуной эшикни ланг очиб чиқди. Яна ортига бурилди. — Ҳозир дод солайми?

А? Тухмат қилиш қандай бўлишини кўрсатиб қўяйми?  
А?.. Ҳой, кеча нима иш қилганингиз ёдингиздами?

Икромжоннинг фикри тиниқлашиб, дафъатан унга самимий назар билан боқди.

— Йўқ, балки айтиб берарсан?

— Айтиб бераман... Мени урдинг! Ҳа... Гувоҳим бор!  
Гувоҳим — болаларинг!.. Бошимга муштладинг. Тепдинг!.. Онангни деб сўкдинг, тилинг кесилсин! — Турсуной турган ерида чайқалиб кетди. — Войдод, қаерга борай? Ким эшитади оҳимни!.. Дунё бедарвоза бўлиб қолди! Войдод!..

Ранги қум ўчиб, лаблари нирпираб қолган Икромжон бир қадам босиб, остонада тиз чўкди.

— Афв эт! — деди ва кўзидан тирқираб ёш оқиб кетди. — Афв этгин, Турсуной... Болаларимиз ҳақи, мени кечир! Кечирмасанг, қамат мени!

— Керак бўлса, қаматаман ҳам!

— Рост... Шундай қил! Ўзим ҳам тўйиб кетдим... Узр, мен одам бўлолмайман чоғи...

— Ҳали ўзингизни одам деб... Астағфирулло... Турринг ўрнингиздан! Эркакка ўхшанг мундай!.. Ҳе, миждов бўлмайд кетинг!

Икромжон ўрnidан иргиб турди.

— Нима қилай? — деди. — Буюр!

Турсуной бурнини тортиб, кўзларини юмди. Сўнг эрига, «ҳозир келаман», дегандай қаттиқ қараб олиб, меҳмонхонага кириб кетди. Нимёруғ хонага киргач, тагин йиғлагиси келди. Энди чиндан йиғлашни истар эди.

Ахир, Турсуной унга, «урдинг, тепдинг!» деб мутлақо ёлғон гапирди. Икромжон бўлса тиз чўкиб, узр сўради... «Қизиқ! Тиз чўктириш мумкин экан-а? Боя нима деяётган эди? Йўлнимни тўсма! А-а!.. Шундай бўлади... Хоҳсалам, маймун қилиб ўйнатаман сизни... Лекин бечора қийналди чиндан ҳам... Буюр, деб турибди... «Сенга раҳмим келиб тегиб эдим» деган гапимни ҳам эсидан чиқариб қўйди! Қўрқиб кетди шекилли!»

Шунақа! Эркакни жиловлаб оламан десанг, қўрқитиб ол экан! Энди Турсуной нима қилишини яхши билади!

Лекин... Икромжон қўрқмасаям бўлмайди... Ахир, Турсуной яхши билади-ку, Икромжон ўз ишини қанчалик севади!.. Тилидан ўрмон, табиат тушмайди! Ундан ҳайдалган куни чўлда қолади. Ахир, Турсуной даъво қилса, ҳайдалиб кетишим ҳеч гапмас!..

Турсуной Икромжоннинг тиз чўкиб турганини тагин кўз олдига келтириб, энди кулмоқчи эканини пайқаб қолди ва бирдан хўмрайиб олиб, эшикка қайтиб чиқди.

Икромжон қаттиққўл дадаси бурчакка тургазиб қўйган боладек ўша жойида қотиб турар, лабига қистирган сигаретасини ёниб турган гугурт чўпи алангасида туташтиролмас эди.

У Турсунойни кўриб тек қолди.

— Чекинг, чекинг! — деди Турсуной. — Ташқарига чиқиб чекинг!

— Раҳмат. — Икромжон ташқарига чиқиб, энди сигаретани тутатиб олди. Сўриб тортди-ю, кўнгли айниб кетди. — Нима бало; пўпанак босганми буни.

У сигаретани супа пастига улоқтирди.

Турсуной эрига нима дейишни энди билмай қолди. Бироқ унга бирон-бир юмуш топшириш хаёлида бор: нима деса экан? Шундай нарсани айтиши керакки... Ишқилиб, боя айтгани — раҳм қилиб тегдим дегани эсидан чиқса яхши бўларди-да!.. Аччиқ устида ёмон гап қилди! Икромжонни билади-ку?

— Хўш, яна ичасизми?

Икромжон гангиб унга қаради... Қизиқ! Нима дейиши керак?.. Дарвоқе, ичмайман, деб ичди яна!.. Энди ваъда бериш кулгили! Икромжон хаёлга толиб турар экан, вужудида, балки юрагининг аллақайси бурчагида гайришуурий бир хотиржамликни туйди. Нима у? Нега?.. Айтмоқчи, унинг саволига жавоб бериши керак!.. Турсуной кутяпти! Қараб турибди!

«Шу Турсунойми? — Икромжоннинг хаёлига шу фикр келади. — Ҳа, Турсуной! — деди ўз ҳолатидан қандайдир кўрқиб. Сўнг мясида ҳамон кечаги ичган арақларининг таъсири борлигидан шундай ҳолга тушаётгандек туйди ўзини ва: — Албатта, — деди ичида. — Худди шундай... Бу Турсуной... Мени севади... Севади?»

Унинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Вожаб!.. «Шудринг босган йўнғичқазор!..» У қандай сирли манзараки, лоп этиб кўз олдига келди ва кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Тамом! Ҳамма нарса тугади!.. Икромжон бу ерда ортиқча. У ортиқча экан-у, билмай юрган экан. Энди билди... Шунча йил ўзини-ўзи алдаб яшабди!

Айтгандай, унинг ўзи ҳам «ажрашамиз», деди шеклли? Кейин нега: «Яна ичасизми?» — деб сўради.

Нима бу, мазах қилишми?



Э худо! Шунча йил!..

— Гапиринг. Талқон ютдингизми?

Икромжон ўзида бор куч-қудратни ишга сола олди. Ўзини боса олди. Ҳа, бу тарзда — аросат бир аҳволда кетиб қолиш — номардлик! Турсуной илгариям аччиқ устида телба-тескари гапларни айтиб юбораверар эди!

— Турсуной, бир гапни сўрайман... Мен сўрамасимдан буруноқ ўзингиз жавоб бериб қўйдингиз... Лекин яна сўрайман... Илтимос, ўйлаб жавоб беринг!

Турсуной юраги пўкиллаб олға жилди.

— Хўш, — деди. — Қанақа савол экан?

«Мени заррача писанд қилмайди» дилидан ўтказди Икромжон ва ўша саволини беришга яна журъат топди:

— Мени чиндан ҳам севмайсизми?

Турсуной унга анқайиб қараб турди-да, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Сўнг бурилиб, тиззаларига шапатилади. Икромжоннинг оғзи бир зум очилиб қолди. Кейин аста бурилиб, зинадан тушди. Бир, икки, уч, тўрт... Бешинчи қадамда ўтинхонага етди... Ҳозир орқасидан чопиб келади! Ҳозир... Балки Турсунойнинг ўзи энди тиз чўкади?.. Икромжон ажаб бир титроқ кайфиятда шуни истаб, олтинчи қадамни босди. Йўқ, йиқилиш нима! Шунчаки чақирсин!

— Йўл бўлсин?

Икромжон шарт қайрилди.

— Қаёққа?

— Мен савол берган эдим, — деди Икромжон, жавобингиз ўшами?

Турсуной... Турсуной... «Жавобингиз ўшами?» Икромжон бу гапни нима учун айтди? Айтмаса бўларди... Ахир, у аста жилар экан, Турсунойнинг ўзи чопиб ортидан бормоқчи эди-ку?

— Сизга ёқиб тушдими ўша жавобим?

«Энди бас! Бачканалик етар!»

Икромжон тезгина бурилиб, дарвозага етди. Яна эшакнинг пишқиргани, қўзининг маъраганини эшитгандек бўлди. Назарида, уй-жойи, олмалари, деворлару йўнғичқапосяси ҳам унга аллақандай хайрлашув назари билан қараётгандек туюлди.

— Ҳой!

Икромжон яна ҳарчанд қарамоқчи бўлмасин, қарай олмади.

Турсуной туриб қолди айвонда... У қалт-қалт титрар: «Кетдими? Бутунлай кетдими? — деб ўйлар эди. —

Э худо! Энди нима қиламан? Эри ташлаб кетипти деган гапни қандай кўтариб юраман... Мени ташлаб кетади? Икромжон-а? Хомтама бўлма! Турсуной бурнингни ерга ишқайди. Ташлаб кетар эмиш! — Турсунойнинг алами келиб, яна кўзига ёш олди. — Нималар бўляпти ўзи?.. Шошма! Ҳали қўрқибгина турган эди... «Буюринг!» деб турган эди... Нега бирдан?.. Йўқ, у менга ўзини кўрсатмоқчи! Кўраммиз... Ҳали шундай ялинтирайки! Қаршимда «буюринг!» деб тургин!.. Лекин ўша гапни чакки айтдим... Қайдан калламга келди ўша гап?.. Раҳм қилиб эмиш! Тавба! Ҳайронман... Чакки бўлди... Ҳечқиси йўқ!»

Икромжон катта кўча томон кетиб борар экан, юраги бўм-бўш ва лоқайд, шу кетишда тагин ресторангами, сомсахона ёнидаги буфетгами боришини ҳис қилди-ю: «Чиндан пиёниста бўламан!» — деб ўйлади. Хўш, қаёққа бориш керак?

Тоққа, тоққа-да!.. Урмонга!

У кўчага чиққач, бурилиб, ўрмон хўжалигига йўл олди. Сомсахона ёнидан шошиб ўтиб кетди. Унда одам гавжум!

Байрам давом этмоқда!.. Май!.. Ҳамма ясан-тусанда! Ҳамма шоду хуррам!.. Тавба! Ҳаёт қизиқ... Айтмоқчи. Икромжон бундай гарангсиб қадам босмаслиги керак... Абдуқаям кўрса, «яна ичибди» деб ўйлайди... Одамлар ҳам эътибор қилади. Биронтаси тўхтатиб: «Нима бўлди?» — деса, нима жавоб қилади?

Оиласидан нолиб, бировларнинг ҳам кайфиятини бузадими? Кераги йўқ!

Шошма! Хўш, тоққа ҳам чиқиб кетди. Кейин, бари бир қайтади-ку районга?

Шунда Икромжон баъзи танишларнинг ўзига қараб ўтаётганига диққат қилди-ю, шарт четга чиқди. Тоғ томонга кетгувчи тошлоқ йўлга тушди.. Бу йўлда ҳам одам кўп... «Мунча кўп! Кеча байрам эди! Бугун яна кўчага тошиб чиқишибди... Бекорчи бўлгандан кейин шу-да... Йўқ. Ахир, нима учун уйда ўтиришлари керак? Икромжон, ноҳақсан! Қўй, ким нимани истаса, шуни қилаверсин!.. Лекин сен четроқда юр!»

Икромжон йўлнинг сўл ёнидаги энди асфальт тўшалган хиёбонга чиқди-ю, бу хиёбон тугаган жойдан ажриқли сўқмоқ бошланиши, сўқмоқ тўғри Яккатол чашмаси бўйига боришини эслади... Э, ўша Яккатол тағларида болалар билан копток ўйнардиган вақтлар!

Яккатол — қари тол. Жарлик бўйида. Танаси ковак бўлиб кетган. Жарликнинг буёғида ҳаво станциясига қарашли оппоқ иморат бор, бир томони совхознинг ол-мазори.

Икромжон сўқмоқ билан юриб, жарга кирди. Соҳил-лари паст, емирилиб кетган. Бетларини қариқиз ўтлари босган. Оёқ ости нам. Лекин Икромжон хурсанд!

Бу ерда ҳеч ким йўқ!..

Икромжон сўқмоқ билан жарликнинг ҳаво станцияси томондаги текис майдонга кўтарилди-ю, бир энтикди... Кейин оёқ-қўли бўшашиб, бутун вужудидан мадори ке-тиб, туриб қолди. Не кўз билан кўрсинки, майдонга йўнғичқа сепилган экан, йўнғичқазор нақ тиззага уради. Шудринги ҳам кўтарилиб кетган бўлса керак... Чучмо-маси-чи? Боғпиези-чи? Икром гангиб паришонҳол кўз-лари билан йўнғичқазорга тикилар, оёғи ҳам ўзига бўйсунмай, ўтириб қоладигандек бўларди... У аста чўнқайди... Бир туп йўнғичқани олиб тикилди. Ҳали гулламаган. Ёш экан. Шундоқ бўлса-да, уни ҳидлади. Оғир, соф, тоза бир ҳидни туйди... Йигитнинг тагин йиғлагиси келар, лекин кўзидан ёш чиқмай, фақат қисқа-қисқа энтикар эди.

У бирдан ўзини ерга отди. Анча йўнғичқани босиб тушди. Қулочини кериб, юзини ҳўл тупроққа босди.

«Оҳ! Қандай яхши!.. Алвидо энди, йўнғичқазор!.. Йўқ-йўқ, мен ўлмайман. Лекин энди сен мен учун йўқ-сан... Турсуной йўқ — сен ҳам йўқ!»

Икромжон анча вақт шу алфозда ётди... Кейин: «Бу жиннилик. Аҳмоқлик, — деб туриб ўтирди. — Эр-хотин ўртасида гап қочади-да... Шунда бир-бирининг оғзидан нима гаплар чиқиб кетмайди! Наҳотки Турсуной билан шунча йил яшаб!.. Хўш, уйдан чиқиб кетганим билан нима топаман?.. Бекор гап! Ҳечқурса болаларим ҳурма-ти — яшашим керак... Майли, Турсуной севмасин мени... Начора! Ҳаётда алданган эркак ё аёл йўқми? Мен ҳам алданган эканман... Бахтим шу экан... Қизиқ! Уша йўн-ғичқазор қаерда? Билмайман... Турсунойни қачон севиб эдим? Билмайман... У-чи?.. У ёлғончи... Майли! Номаъ-лум нарсалар йўқ бўлди. Маълуми шу: бизнинг, оила-миз бор. Яшамоқ керак! Ишим, севган ишим бор: ишла-моқ керак...»

Икромжон уйга қайтди. Тавба! Наҳот кетган бўлса Турсуной? Эшик яна қулфлог!

Шу пайт муюлишда мотоциклнинг овози эшитилди.

Икромжон бурилиб қараб, ўтирғичда Қаюм участкавойни кўрди. Жилмайди. У шу томонга келмоқда эди.

— Ассалом алайкум.

Қаюм саломига алик олмай мотоциклни чийиллатиб, шу ердан орқага буриб олди.

— Чиқ! Утир! — деди.

Икромжон яна жилмайди.

— Тинчликми?

— Тинчлик.

Икромжон мотоцикл кажавасига ўтириб олди. Қаюмга яна бир жилмайди-ю, аллақандай бўлиб кетди: «Нима гап? Тагин Турсуной... Йўғ-э... Ахир... Э, Икром! Икром! Боласан!.. У сени қутқарган эди-ку! У қаматиши мумкин яна!.. Галварс!» Икромжон шундай ўйлаган эса-да, бари бир ишонмади ўз ўйларига. Аммо нима учун Қаюм уни олиб кетяпти? Уни излаб юргани аниқ! Кўргач, мотоциклни буриб олди. Иккиланмай: «Чиқ! Утир!» — деди.

Катта кўча. Қаюм мотоциклни тез ҳайдаб борар экан, Икромжон энди ваҳимага туша бошлади: «Яна ўша камерами?.. Қоронғи хона! Қаюм кечирмайман деб эди... Турсунойнинг қадрига етмаяпсан деб эди. Лекин у сени ўлгудек яхши кўради» деганди ҳам... Кулгили гап! Бўпти... Пешанада борини кўраман-да... Умуман, мен ёмон одам бўлсам кераг-у, буни ўзим билмасам керак... Лекин Турсуной ҳам мени алдаб...»

Икромжон бирдан ўйларига барҳам берди: «Ўйдан фойда йўқ... Рост... Мелисахонага боряпмиз! Ана, ана... Энди тамом! — яна ўйлай бошлади Икромжон. — Ишхонагаям хат ёзишади...»

Мотоцикл дарахтлар тагига бурилиб, хиёбонга кирди. Тўхтади. Рўпарада катта, қизил, темир дарвоза... Ундан чап томонда навбатчилар хонаси бор... Унда телефон, диван... Тўрида эшик. Эшик орқасида...

— Кир, кир!

Икромжон бир қадам босиб, диваннинг нари четида бошини эгиб ўтирган Турсунойни кўрди. Сўнг диваннинг бу четида омонатгина ўтириб, ҳайратланган кўзлари билан тўсиқ ортига, унда иккита стулда қоматларини тик тутиб ўтиришган таниш милиционерларга қаради.

Қаюм шаҳд билан стол ёнига ўтиб, унда очиқ ётган қоғозга ўткир тикилди. Сўнг Икромжонга ўқрайди-да, шарт тортмасини тортиб, икки варақ оқ қоғоз олди. Столга қўйиб, устига тақ этказиб авторучкани қўйди.

— Кел, — деди Икромжонга. — Кеча нима воқеа юз берган бўлса, ёз! Эсимда йўқ деб тентаклик қилма!.. Ҳар қандай маст одам ҳам у-бу нарсани эслайди!

Икромжон ўрнидан турди.

— Лекин менинг эсимда қолгани сизга ҳеч нарсани англатмайди, Қаюм ака.

— Бари бир!

— Рост айтяпман!

— Бўлмасам, Турсуной нимани ёзиб берган бўлса, шунга қўшиласанми?

— Албатта! — деди Икромжон. — Бу киши Биладилар... Ҳим, бу киши нимани ёзган бўлсалар, шу гап тўғри... Чунки шундай бўп қолган экан...

Қаюм столдаги қоғозни олиб тикилди. Бир оз мингиллаб, ўқий бошлади:

— ...Хўш, «Бошимга урди... Ҳим, оёғи билан тепди... Отам-онамни ҳақорат қилди... Безори! Ичиб келади... Ҳалол ишлашига ишонмайман...» — Қаюм Икромжонга қаради. — Тўғрими? Мана, ўқиб кўришинг мумкин! — У қоғозни узатди. — Тўғри бўлса, тўғри деб имзо чек!

Икромжон қоғозни олди. Хотинининг хатини таниди. Юраги аллақандай бўлиб тўлганиб кетди... «Энди нима бўлади?» — деб ўйлади ва ўзини даҳшат қўйнида ҳис қилди.

Сўнг Турсунойга қарагиси, ундан ниманидир илтижо қилгиси келди. Шунга баробар Яккатол яқинида, йўнгичқазорда ўйлаган қарорини айтиш фикри туғилди.

Икромжон, қара! Қара унга!.. Турсуной шунга илҳақ эди! Ҳа-ҳа! У эрининг «тумшуғини ерга ишқамоқчи» бўлиб келди. Жаҳл ва кўз ёши билан арзнома ёзди. Бироқ энди унинг ўзига қарашини... кўзларини кўришни истар эди!..

— Бўлдими? Ручканг борми?

— Бор-бор! — «Имзо чексам, бари айбларимни бўйнимга олган бўламан, — ўйлади Икромжон ичида. — Эрим қитмир эмас экан дейди кейин... Имзо чекмасам, юзимга тупуради!.. Э, қараб турибди менга! Тезроқ қўл қўйсанг-чи!» Икромжон киссаларини тимирскилаб, ручка тополмади. Қаюмга синиқ жилмайиб, ручкасига ишора қилди. Ручкани олиб: «Шунда ёзилган сўзлар тўғри! Айбимга иқрорман», деб ёзди-да, катта қилиб имзо чекди. — Марҳамат!

Қаюм олиб, тикилди. Сўнг тортмасини шарт очиб, солиб қўйди-да:

— Турсуной синглим, сизга жавоб! Сизга раҳмат,— деди. — Эрингиз қолади!

Турсуной ўрнидан турди. Жуда вақти хуш кишидек рўмолини тузатди. Аста йўталиб олди. Сўнг:

— Судга келаманми энди? — деди.

— Ҳа.

Турсунойнинг лаби пирпиради.

— Қачон бўлар экан?

— Бўлади-бўлади.

— Раҳмат, акажон... Шу одамни бир жазосини беринглар! Ҳукуматимизнинг қонунларидан айланай! Раҳмат сизларга... — Турсуной эшикка етди.

«Вой нималар бўлади? Буни кесиб юборадими? — ўйлади-ю, няклари титради. Лабини қимтиди. — Ахир... Нима учун? Тўғри, бунинг айби бор... Аммо мендан узр сўради-ку! Йўқ, — яна қайсарлиги тутди. — Уйдан чиқиб кетди бу! Шу бўйи уйга қайтиб келмас эди... Энди қўлимга тушди!»

— Раҳмат, акалар, — деди Турсуной ва қўққисдан Икромжонга қараб бақриб юборди. — Гунг бўп қолдингизми? Нимага гапирмайсиз? Чиқиб, қаергача бордингиз?! Ҳе сизни!.. Кўряпсизларми бу одамнинг кесакдай бўлиб ўтиришини! Шунақа-да! Номард... Бевафо! Бир адабини есин!..

«Бевафо!» — Икромжоннинг миясига нина санчилгандек бўлиб кетди. — «Бевафо» дедими? Мен-а!.. Вой-вой! Турсуной нақадар ҳақ! Уша кетганимда ҳақиқатан ҳам бевафо бўлардим. Рост... Лекин мен бошқа қарорга келиб уйга қайтган эдим-ку?»

— Кечирасиз, Турсуной, — Икромжон тилга кирди. — Ҳа-ҳа... Қарийб бевафолик қилган эдим... Лекин ҳозир фикрим ўзгарди...

— Ҳозирми?

— Йўқ, ҳозир эмас... Яккатолда... Уйладим... Сиз мени севмасангиз ҳам бари бир яшашимиз керак... Мен шу фикрга келдим. Рози бўлсангиз, ҳим...

— Рози бўлсангиз?!

— Ҳа-да! — Икромжон туриб кетди. — Хўп денг, Турсуной... Уртоқ мелисалар, бизни кечиринглар... Бу оилавий гап...

— Гапир,гапир,— деди Қажум.— Сизларнинг гап-сўзларингиз оиладан ташқарига чиқди... Энди у оилавий гап бўлмай қолди. Яна гапинг борми?

Турсуной унинг яна гапиришини, илтижо қилишини,

қандайдир ваъдалар беришини кутарди... «Гапир, Икром! Бўл тезроқ!» Икромжон Турсунойга қаради-ю, уни қайтадан танигандек бўлди: «Ўша Турсуной бу! Менга шафқат юзасидан теккан...»

Икромжон бир дақиқага бугун дарвозадан чиқиб кетаётгандаги ҳолатига тушди.

«Бас энди! — дер эди ичидан бир овоз Турсунойга. — Бўлди қил! Шикоят хатингни ол! Йиртиб ташла!.. Ахир, бу Икромжонинг-ку? Тагин иш чаппасига кетиб қолмасин... Йўқ, нега чаппасига кетади? — деди Турсуной ҳушёр тортиб кетиб. — Агар мелисалар ёмонликка оладиган бўлса, аччиқдан ёзиб эдим, дейман... Икромжон ҳеч нарсани билмай — ман нима десам, шу тўғри, деб туради... Қутқариб олиб кетаман! Шу билан бир умр ўзимники бўлиб қолади...»

— Қўйинг, Қаюм ака! — деб юборди Турсуной. — Бу одамнинг шу гаплариям ёлғон!

Икромжон шу тобда ҳеч нарсани ўйлаётгани йўқ эди. Лекин ўрнидан сапчиб турди.

— Хайр бўлмасам, — деди Турсунойга. — Лекин билиб қўйинг, мен ҳаммавақт сизга рост гапириб келганман!.. Баъзи гапларни гапиролмай қолган бўлсам, ким билади, сабаби бордир...

Турсуной яна туриб қолди.

— Кеча урганларингиз, сўкканларингиз-чи? Нега эсимда йўқ дейсиз? — Турсуной эрига баттар тикилди. Яна лаблари титради. — А, ёлғон гапиряпсиз-ку? — «Э тавба, нималар деяпман? — кўнглидан ўтди Турсунойнинг. — Тухмат-ку бу!.. Қаердан миямга сингиб қолди бу гап?.. Ҳали бу гапни ёлғонга чиқаришим керак-ку?» — Хўш?.. Ана, шунақасиз! — Бу гап ҳам оғзидан чиқиб кетди. — Тилингиз йўқ гапиргани!

Икромжон ҳаво етишмаётгандек энтикиб нафас олди. Қўллари қалтираб:

— Нега тилим йўқ? — деди. — Урдимми — урдим!.. Сўкдимми — сўкдим! Ана, хатгаям имзо чекдим-ку?

Турсуной қандайдир завқланиб:

— Ана энди ўзингизга келдингиз, — деди.

— Вой!.. — Икромжон ўзини идора қилолмай қолди. — Абдуқаюм ака!.. Жон Турсуной! Урдим! Сўкдим! — бирдан кўз олди туманлашиб қичқириб юборди: — Урдим! Сўкдим! Тепдим!.. Хотиржам бўлинг! Суддаям шу гапни айтаман. Тил тортмай ўлайки — айтаман!

Икромжон диванга ўтириб қолди. Турсунойнинг зав-

қи зим-ғойиб бўлди. — «Нима деди бу? Суддаям айтади?.. Қанақасига? Бекор гап! Жинни бўп қолди бу... ўл, Турсуной! Нималар қилиб қўйдинг?.. Ол хатни, йирт, улоқтир! Яшайман деди-ку? Яшайди... Бу ёлғон гапирмайди!.. Мени севмайсиз эмиш... Севаман! Сенсиз менга ҳаёт ҳаром... Бир кун ҳам яшолмайман сенсиз!.. Отингдан ўргилай! Менинг бутун ҳаётим сенсан-ку!»

Турсуной Қаюмга қўлини чўзди.

— Хатни беринг.

Қаюм унга ўқрайди.

— Нега?

— Беринг деяпман!

— Берилмайди.

— Унда ёзилган бари гап ёлғон!

Икромжон Турсунойга ялт этиб қаради ва худди даҳшатли бир нарсага кўзи тушгандек тез сурилиб, диваннинг у четига бориб ўтирди.

— Икром, хатдаги гаплар ёлғонми? — сўради Қаюм.

— Қанақасига! Ҳаммаси рост!

— Уйлаб гапир!

— Рост-рост!

Турсуной Икромжонга бурилди.

— Икром ака!

Икром камера эшигига қаради.

— Икром ака деяпман!

— Рост!

Қаюм ўрнидан турди.

— Турсуной, бу ерда бақириш мумкин эмас... Боринг! Уйингизга боринг! Вақти келганда, чақирамиз!..

— Келмайман!.. Эй, йўқ, келаман... Йўқ, менга қаранг, бу хат, ахир?..

— Сизга жавоб!

Турсуной ташқарига чиқди. Телбаланиб, дераза пастидаги скамейкага ўтирмоқчи эди, ортидан чиққан милиционерни кўриб, дарвозага йўналди.

Кўча. «Нима қилиб қўйдим? Вой, Икром! Икромжон!.. Турсунойинг ўлсин!.. Вой, нима қилай? Қайтайинми? Йўқ!.. Ҳайдашди-ку? Киритишмайди энди...»

Қаюм чуқур хўрсиниб, сигарета тутатди. Хатни тортадан олиб, яна бир кўз югуртирди. Кейин энсаси қотгандек яна жойига солди-да, ёнидаги милиционерга бу-юрди:

— Опчиқинг!

Икромжон Қаюмга хаёлланиб қаради.



— Бу камера-чи?

— Бунда бир суткаликлар ётади.

...Шундай қилиб, Икромжон икки йилга кесилди. Турсуной: «Мендан кечди энди», деб отасининг уйига кўчиб кетди.

1976

## БОДОМ ҚИШДА ГУЛЛАДИ

Мен бурчакда, каравотимда чалқанча ётардим, беҳол. Кўкрагимда Стендалнинг «Қизил ва қора» романи. Эшикдан оқ халатли, семиз Полина, унинг кетидан пакана, қора патли халатининг этаги ерга тегиб турган бир йигитча кирди. Унинг ияги олдинга туртиб чиққан, кўзи чуқур, пешанаси ботиқ эди.

— Сизларга янги меҳмон олиб келдим, — деди Полина ҳаммамизга тегишли қилиб. Сўнг мен томонда ётган жўрабошимиз Зиганшинга қаради: — Қабул қилинг, ўртоқ староста. Бу кишининг исми... — У йигитчадан сўради: — Исмингиз нимаиди?

— Носир, Носиржон! — деди меҳмон ҳозиржавоблик билан.

— Ана, Носиржон экан, — деди Полина. — Палатанинг тартиб-қоидасини ўргатинг. — Сўнг электр чойнак қошида турган курсини унга кўрсатди: — Утиринг, Носиржон. Мен ҳозир келаман.

Носиржон онаси иш буюрган ёш боладек курсига ўтириб, калта қўлларини тиззасига қўйди. Сўнг бирдан ирғиб туриб, дам у, дам бу томонга қараб:

— Ассаломалайкум, ассаломалайкум! — деди.

— Ваалайкум, — деди Зиганшин. — Энди танишиб оламиз-да. Қани, ўзлари нима иш қиладилар?

— Курьер, — деди Носиржон ўрнидан туриб.

— Утиринг... Курьер? Қаерда?

— Аптобус паркида.

— А, нима бўлиб... сиз ҳам жигар касалми?

— Жигар! — Носиржон ўнг биқинига кафтини босиб қўйди. — Ҳеч мунақа касалим йўқ эди. Эрталаб паркка келсам, битта таниш шопир: «Кўзинг сарғайипти, медпунктга кир», деб қолди. Медпунктга кирсам, жигар касали, деб айтишди. Кейин «скорий помош»га ўтқазиб,

буёққа юборишди. Пастда текширишди. Чўмилтириб, мана буларни кийдиришди. Кейин бу ерга... ўзингиз нима иш қиласиз, ака?

Зиганшин ғурур билан кулди:

— Каравотсозлик фабрикасида инженерман!

Носиржон жуда улуғ одамга дуч келгандай ўрнидан туриб кетаёзди. Сўнг бошқа беморларга ҳам ҳурмат ва сезиларли қўрқув билан бир-бир қаради.

— Бу ерда ётган бошқалар ҳам... чакана одамлармас!— деди Зиганшин. — Анави одам ёзувчи!— деб мени кўрсатди.

Носиржон менга тикилди. Мен унга «шунақа айбим бор», дегандек синиқ илжайдим. Лекин унинг кўзлари катта очилиб кетган эди. Жўрабошимизнинг сўзи давомига қулоқ солмай:

— Мен шоир Рафиқийни кўрганман! — деди у ҳаяжон билан. — Апиша заказ қилиш учун босмахонага борамиз-да! Ҳе, кўча деворларига, автобусларга ёпиштирилади-ку апиша? Уша учун... Ушанда кўрганман. Оқ сочли киши экан.

Дам ҳажвиянамо, дам қасиданамо шеърлар ёзиб юрадиган, қалам аҳли орасида обрўсиз, менга ёқмайдиган бир тизмакаш эди Рафиқий. Мен ҳорғин бош ирғаган бўлиб:

— Танийман... Яхши, — дедим.

Зиганшин ҳамхоналарини таништиришда давом этди: бу киши — тилшунос, институтнинг илмий ходими; бу киши — машҳур монтер, ушбу касалхонага иккинчи бор тушишлари: у киши — Қодир этикдўз, аммо зўр китобхон; анави йигит — бухоролик. Газли зилзилаларини кўрган, холаларининг уйига келганда шу касалга йўлиқиб, бу ерга тушиб қолганлар; нариги киши — милиция капитани, ёшликларига лўли қизга ошиқ бўлганлар...

Полина кирди. Қўлтиғидаги чойшаб ва адёлларни бурчакдаги бўш каравот устига қўйиб, бирин-кетин ёзди. Қаппайтирилган оппоқ ёстиқнинг ён-верига тап-тап уриб, сочиқни каравот бошига ташлади. Тумбани очиб, бир пачка қоғозни ғижимлаб олди-да, Носирга жилмайиб, таъзим қилди:

— Марҳамат, Носиржон!

Носир сакраб турди. У ҳам беўхшов таъзим қилган бўлди.

— Шуми менинг каравотим, шуми? — дея тумба қошига ўтди.

— Шу, шу! — деди Полина фахр билан.

Носирни бир мен эмас, бошқалар ҳам кузатиб ётишарди. У жилмайганча оппоқ чойшабни силаб кўрди. Ёстиққа қўл тегизди. Сўнг тўшак четини қатлаб, каравот қирғоғига ўтирди.

Полина кулиб:

— Хўп. Тезроқ тузалиб кетинг. Тартиб-интизомга риоя қилинг... Кўп ҳаракат қилманг. Ҳозироқ ётинг! — деб чиқиб кетди.

Носир шоша-пиша халатини ечди. Қидириниб, эшик яқинидаги илгичга илди. Кейин зимдан бизнинг қандай ётганимизни кўздан кечириб, аста адёлни кўтарди. Товони қийшайиб кетган эски туфлисидан кичкина оёқларини чиқариб, каравотга тиззалаб чиқди. Аста чўзилди. Адёлни кўксигача тортди.

— Хўп, гурунг беринг энди, Носиржон! — деди Зиганшин.

Чиндан ҳам палатада айтилмаган гап кам қолган, кўп латифалар икки-уч мароталаб айтилган, кимнинг нима тўғрисида гапириши ҳам тахминан маълум эди.

Бундай вақтда киши эрмакка муҳтож бўлади.

Носиржон Зиганшинга ўхшаб каравотининг боши томон сурилиб ўтирди.

— Шу бизнинг ишимиз қизиқ-да, — деди.

— Нимаси қизиқ?

— Дейлик, ўзим... — Носир бу томонга ўнгарилиб олди. Бирдан ҳаяжонланиб: — Одамларга ҳайронман! — деб хитоб қилди. — Ўзлари аптовусга чиқадиغان бекатнинг номини билишмайди, ака! Уни билса, нариги бекатни билишмайди. Уни билса, қандай аптовуслар тўхтаб ўтишини билишмайди!

— Ушаларни билиш жуда шартми?

— Э, қизиқ экансиз-ку, сиз ҳам! Билмаса, адашади-да!.. Адашади! — деб таъкидлади у зўр қаноат билан. Сўнг ўзича маза қилиб давом этди: — Десангиз, бизга... менга ҳар ой бепул абонемент қоғоз беришади. Бўш вақтим бўлдими, дуч келган аптовусга тушаман. Шаҳарни айланаман... Мисол учун, аптовусда кетяпман. Кўриб қоламанки, бекатда бир чол аланглаб турипти. Сезаман: йўлни билмайди, адашган... Шартта аптовусдан тушаман. «Саломалайкум, отахон! Йўл бўлсин?» «Э, болам, адашиб қолдим. Фалон жойга бормоқчи эдим». Мен дарров у кишига тушунтираман: шундоқ аптовус келади, ўшанга ўтириб, фалон бекатда тушасиз... Вассалом. Чол

бизни дуо қилади. Мен яна аптовузга тушиб кетавераман. Яна бир бекатда...

— Ҳ, сиз жуда олижаноб экансиз! — деди тилшунос қўшним овозида сезиларли киноя ва қувлик билан.

Носиржон яйраб кетди.

— Э, унчалик эмас, ака!

— Носиржон, уйланганмисиз? — дея ётган жойидан туриб ўтираркан, сўради Эшим монёр.

Ҳамма кулиб юборди: Эшим аёллар ҳақида, нуқул ўшалар ҳақида суҳбатни ёқтиради ва ўзи ҳам шундан сўзлаб чарчамайди. Бу борада беҳаё гапларни ҳам айтиб юбораверади.

Носир Эшимга тикилиб қолди-да, дув қизарди.

— Э, қўйинг-э! — деди ёш боладек.

— Ия, нега қўяр эканман! — дея авж қила бошлади монёр. — Ҳаёт — ўшалар билан ҳаёт, ука! Бизни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам ўшалар, сизга айтсам! Масалан, ўзим! Уйланганман. Иккита болам бор... — У давомини айтишдан ўзини тийиб, Носирга тикилди. — Ҳали... яхши кўргангиниз ҳам йўқми?

Носиржон баттар қизариб, бошини эгди. Сўнг қандайдир титраб...

— Одамдан кулманг-да, ака, — деди.

— Нега кулар экан? Сиз йигит кишисиз! — дея луқма ташлади бухоролик Аминжон.

Носиржон ўзининг йигит киши эканини илк бор эшитгандек, Аминжонга ҳайрат аралаш ўқрайди. Кейин ўзича жиддий тортиб, бемалол шифтга боқди. Уйланди.

— Йўқ, — деди.

Унинг жиддияти ҳам кулгили, ҳам ёқимли эди.

— А, болапақир-а! — дея хитоб қилди Зиганшин. — Дунёнинг лаззатидан бенасиб юрган экансан-ку, ука! О, муҳаббат! — Яна бир парда кўтарилди: — Санъатсиз турмуш — ваҳшийлик, деймиз. Лекин муҳаббатсиз турмуш-чи?!

Носир «Рости биланми?» дегандек жўрабошига узоқ тикилиб қолди-да, сўнг бирдан менга қаради. Ҳрнидан қўзғалмоқчи ҳам бўлди. Полинанинг гапини эслади шекилли, яна ётди.

Мен бундай содда йигитни кўрмаган эдим.

Осма уколларни олиб келишди. Одам бошига биттадан. Сепоя устига шиша идиш ўрнатилган, идишнинг биқинига — қизил резина ичак. Ичак учида — игна. Шу

игна билак томирига санчиб қўйилади. Идишдаги қонни тозаловчи суюқлик шу орқали томирга ўтади. Қон суюлиб, бадан совиб кетади.

Навбат Носиржонга етганда Полинанинг иши ўнгидан келмади. Палатамизга қаровчи врач — Қобил докторни чақирди. Қобил доктор, одатдагича — лабида сигарет, Носирнинг бошида хўб куйманди. Охири:

— Сиз дорили сув ичасиз. Стаканга қуйиб беринг, Полина! — деди-да, менинг ёнимга келди. — Қалайсиз, шоир? — У қўлларини халати киссаларини йиртгудек қилиб тираб, менга тикилди. Ёнбошимдан Стендалнинг китобини олди. — А. — деди. — Буям шеър ёзганми?

— Мен шеър ёзмайман, — дедим.

— Бари бир, — деди у. — Эски замонда ҳаммаларинг-ни шоир деб аташган.

У табобатдан ҳам ўша замонлар муолижасини кўпроқ тан олади. Ота-бобоси табиб ўтган.

— Бу гапингиз тўғри, доктор, — дедим.

— Оқшом бир шеър олиб кираман. Кўриб берасиз.

У нукул Усмон Носирнинг шеърларидан кўчириб келиб, менга кўрсатади. Мен унга «Яхши шеър ёзибсиз», дейман. У: «Мен бари бир шоир бўлмайман. Шўнчаки кўнгил учун...» деб қўяди. Ўзининг аҳволи-ку, маълум, менинг ёлғон гапиришимни ҳам билса керак. Майли-да. Вақтни аямай бир шоирдан шеър кўчирибдими... яхши кўрганидан кўчирган. Рафиқийга ўхшаш даъвогарлардан шулар тузук-да.

— Носирга... ичишни буюрдингизми?.. — деб сўрадим.

— Томири эт орасида қолиб кетган. Ёшлигида рахит бўлган. Ничево, — деди у. Кейин сигаретини бемалол буруқсатиб чиқиб кетди. Полина ҳавода сузаётган паға паға тутунни сочиқ билан елпиган бўлиб, зорланди:

— Қобил ака ҳаммани ҳайрон қилади, тавба!

— Лекин қўллари енгил-а? — деди монтер.

Полина кўзларини катта очиб:

— Вой, асти сўраманг! ТошМИГаям чақириб туришади! — деди.

Идишдаги суюқликнинг камайиши тамом бўлишни кутиб ётиш керак. Киши зерикади. Қўл увишади.

Полина чиқиб кетгач, Носиржон тумба устига олиб қўйилган идишдаги суюқликни бирпасда ичиб бўлди. Кейин, ўзига фавқулудда бир енгиллик берилгану, биз

бечоралар атай машаққатга солингандек, мамнуният билан жилмайиб каравоти қошида бир оз турди. Сўнг қўшниси — Аминжоннинг ёнига аста ўтди. Энгашиб унинг билагига қаради.

— У, қон чиқяпти-ку, яна!

— Бор экан, чиқади-да, — деди Аминжон.

Носиржон бош чайқаб кулди.

— Менинг томиримни топишолмади, — деди қувонч билан. — Илгариям топишолмаган. Кейин оёғимга укол қилишган.

Беморлар томирларидан игна чиқиб кетмаслиги учун оҳиста кулишди. Носиржон ҳар бир бемор ёнида бир тўхтаб, менинг қошимга етиб келди. Стулни олиб ўтирганида Зиганшин тоқат қилиб туролмади:

— Мулла йигит, ҳамшира нима деди сизга?.. Нега юрибсиз? Жигар касал дейдилар буни! Жимгина ётиш керак!

— Рост, — дедим мен ҳам. — Сизни бу аҳволда кўрса, уришади.

Носиржон сапчиб стулдан турди-ю, ночорлик билан эшикка қараб, бир зум тек қолди. Кейин:

— Сиздан бир-иккита гап сўрайман, — деб шивирлади менга...

Полина сепояларни иккитадан-учтадан қилиб кўтариб чиқиб кетгач, эшикдан Қобил доктор кўринди. Менга кўз қисиб, хотиним келганини, ҳозир киришини айтди.

Уйга қишлоқдаги бир дўстимдан хат келган экан. Садаф шуни олиб келибди. Хатга бир бахши шоирнинг тўрт қатор шеъри ҳам қистирилган экан. Менга ёқди. Шоир осмондан турналар карвони ўтаётгани, аллақадан сумалак ҳиди келаётгани, ҳаволар ипакдек майин бўлаётганини айтиб: «Энажон, билмадим, наврўз келдимми», деб шеърни якунлайди. Айниқса, шу сатри ёқди.

— «Энажон, билмадим, наврўз келдимми...» Яхши-я? — дедим хотинимга.

У ҳам йиғламсираб, ҳам кулимсираб:

— Ташқарида эса қиш! — деди.

— Қор қалинми?

— Ҳаммаёқни қоплаб ётибди. Сирпанчиқ!.. Анави врач яхши. Мени киритворди.

— Яхши.. Бўпти. Жигар касал ҳам юқумли. Қайта-вер энди.

Носиржон каравот қошига келиб турган экан.

— Ассаломалайкум, кеннойи! — деди.

Садаф алиқ олди.

— Тузальяпсизларми? Тезроқ тузалиб чиқинглар-э.

— Э, ҳадемай отдай бўлиб кетамиз! — деди қувониб Носир. — Бу ернинг шароити!.. Жаннатда топилмайди! Қаранг, кеннойи, ҳаммаёқ оппоқ, озода... Ҳозир осма укол қилишди! Шу денг, мен дорини ичдим. Бари бир фойдаси бўлар экан!

Турган гап, Садафга унинг хунук қиёфаси ёқмади. Лекин у андишали аёл — билдирмади:

— Докторлар танишингиз бўлса керак-да, — дея қулиб қўйди.

Ҳамиша ҳамманинг гапига қулоғи динг Эшим монтер гап отди:

— Бу укамиз устаси фаранг экан, келин!

Тушлик овқатни аҳволи оғирроқ беморлар тўшагида ўтириб ейди. Бу ерга олдинроқ тушганлар, яъни тузалиб қолаёзганлар эса ўртадаги столда тамадди қилишади. Кастрюль ва бошқа идишлар қаланган аравачани ҳам кўпинча Полинанинг ўзи ғилдиратиб киради.

Полина асли яҳудий бўлса ҳам, жуда ўзбеклашиб кетган, нуқул «Ўзмизнинг ўзбеклар-да...», деб гап бошлайди. Қасалларга меҳрибон. Ичида Қобил докторни яхши кўрса керак. Айниқса, зонд ютган пайтларимизда унга суяниб қоламиз. Зонд — ярим газдан ошадиган резина ичак. Бир учидан аста-секин юта бошлайсан. Томоғинг қичимсираб кетаверади. Уқчисанг, бўғилиб қоласан. Полина далда бериб: «Оз қолди. Йигитсиз-ку! Ҳа, бўлинг!» деб туради. Зондни суғуриб олиш ўзининг қўлингдан келмайди. Боёқиш ҳамшира иккинчи учидан сочиқ билан ушлайдию кўз очиб юмгунча чиқариб олади. Жуда енгил тортиб кетасан.

Тушки овқатдан кейин бир муддат гангир-гунгур суҳбат; сўнг уйқу элитади. Жигари оғриган беморлар жуда заиф, мадорсиз бўларкан. Овқатнинг ҳам мазаси йўқ. Кучли таомни эса докторлар йўлатмайди.

Туш кўрибман шу куни. Томда турган эмишман. Кўкдан турналар карвони ўтаётганмиш. Осмоннинг у ер-бу ерида паға-паға, қучоқ-қучоқ оппоқ булутлар. Ёш бола эмишман. «Энажон, наврўз келди!» деб бақирармишман.

Биз уйғонганда Носиржон ухлаб ётарди. Унинг ғийбати бошланди. Тилшунос қўшним ёнбошлаб:

— Кечирасизу мен шу йигитчани... маймунга ўхшатдим, — деди.

Мен кулиб қўйдим. Тилшунос шивирлаб гапирган бўлса ҳам, қўшни — Қодир этикдўз эшитган экан.

— Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалаги»да Эшон бор-ку, худди ўшанинг ўзи! — деди.

Аминжон ҳам уни Эшонга ўхшатган экан. Жўрабошимиз Зиганшин:

— Келинлар, уни Эшон деб атаймиз! — деди.

Милиция капитани жилмайиб:

— Ҳар қайсиларингнинг битадан-иккитадан болаларинг бору ўзларинг болага ўхшайсизлар-а! — деди.

Ошпаз уйғур йигит:

— Э тангрим, ўзинг кечир, — деб қўйди.

Бу йигит эллик бешинчи йилларда Қашқардан буёққа ўтган, кўп художўй, кўп куйган банда эди.

— Жим! Қимирлади! — Эшим монтернинг шу гапидан кейин ғийбат тўхтади.

Носиржон уйғониб, бирдан туриб ўтирди. Бир дақиқа бизга бегона назар билан қарагач, оппоқ пишиқ тишларини кўрсатиб жилмайди:

— Яхши ухлаб турдиларингми, акалар?

— Ўзингиздан сўрасак? — деди Зиганшин.

Носиржон жилмайиб, тиззасидаги адёлни икки томонга қаратиб силади. Оппоқ деворларга қувонч билан боқди. Унинг анча фақир оилада ўсгани кўриниб турарди. У жилмайишини қўймай бирпас ўтирди-да, каравотдан тушди. Сочиқни олиб:

— Бетни ювиш керак, бетни ювиш керак, — деб чиқиб кетди.

— Ичимизда ёлғиз мусулмонимиз шу экан! — деб хитоб қилди уйғур йигит.

Унинг гапида жон бор: уйқудан кейин истаганлар чиқиб бет-қўлини чайиб келар, истамаганлар турибоқ турпми, олмами кавшашга тушар эди. Сираси, ҳадеб йўлакка чиқаверишимизни врачлар, ҳамширалар ҳам хушламасди. Айниқса, энди тушган касалларнинг чиқошини... Шу куни Носирнинг қилиғими, ошпазнинг гапи ми таъсир қилиб, ҳаммамиз ювиниб келдик.

Носир менинг ёнимга келди.

— Ака, муҳаббат нима?

Мен ҳорғин кулимсирадим.

— Уни бошидан кечирмаган одам билмайди... У юракда содир бўлади, Носирбой. Уни кўрсатиб ҳам бўлмайди. Жаҳлингиз чиққанда, бировни урасиз. Қувонганда — суясиз... Муҳаббат ҳам шунга ўхшаш нарса... Ле-



кин у нодир ҳис. Бояги ҳислар ҳам, кези келганда, унга бўйсунди, укам. — «Қизил ва қора»ни қўлга олдим. — Мана шу китобни ёзган одам, ҳаётнинг асл маъноси муҳаббатда, дейди...

— У-ў!

Мен ҳам зериккан эдим, шундай мавзуларда узоқроқ гапиришни истардим, лекин ҳамхоналарнинг диққатини ортиқча жалб этиш, уларга маҳмадана бўлиб кўринишдан чўчирдим.

— Шунақа, — деб қўя қолдим. — Ҳа, сиз чиндан ҳам бирон қизни...

— Қўйсангиз-чи, ака.

— Ота-онангиз бордир, Носиржон?

— Отамиз ҳаёт...

— Ака-укалар?

— Йўқ. Ёлғиз фарзандмиз.

— Нечанчи синфни битиргансиз?

— Э! — деди у қулиб. — Бешинчидан ўқишни ташлаб кетганмиз, ака! — Сўнг шод-хуррамлик билан давом этди: — Шўх бўлганмиз-да, ёшликда! Лекин бир бола узун темирни боши устида айлантираман деб бизнинг бошни ёриб қўйган. Шунда ўзимдан кетиб қолган эканман... Олти ой касалхонада ётдим. Тузалишга тузалдим, ҳарфни танитай қолдим, ака. Кейин жавоб беришди. Лекин «ўқима», дейишади. Бу қанақаси, дедим. Мактабга чопдим. Синфга кириб ўтирдим. Лекин, ака, докторлар рост айтган экан, салга бошим оғриб қолаверди. Бошим оғриси муаллимга айтаман. У киши менга жавоб беради. — Охири: «Бошинг оғриси, бемалол чиқиб кетавер», дедилар. Кейин, истаган пайтимда дарсга кириб, истамаганимда чиқиб юравердим. Болаларнинг менга ҳаваси келарди... Битта физика ўқитувчимиз бор эди. Ҳе, еттинчига ўтганда! Еттигача мактабга қатнадимда. — Носиржон қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Лекин мени синф журналига ёзишмаган экан. Бешинчи синфда қолаверган эканман... Ўша физика ўқитувчимизни яхши кўрадим... Баъзан ўзлари: «Энди бор!» дер эдилар. Мен чиқиб, боқчадан у кишининг боласини уйларига оборардим. Ҳовлисида ишлардим. Гул кесардим, мева терардим...

Полина кирди. Носиржон каравотига қочиб борди. Ҳамшира бизга биттадан ҳарорат ўлчагич бериб, Носирга бармоғи билан пўписа қилди-да, тағин чиқиб кетди.

Жигар касалининг тузалаётгани ҳароратда ҳам кўринади. Бироқ, энг ишончли белгиси — кўз билан бадандан сариқнинг кетиши, киши ўзини тетик тута бошлаши. Яна бири — жигардаги шишнинг пасайиши, йўқолиши. Ниҳоят, қоннинг тозаланиши.

Олдинроқ тушган касаллар жигарининг усти қичий бошласа, шиш қайтяпти, деб қувонишарди.

Шу куни ҳарорат ўлчагични олгани қайтиб кирган Полина шивирлаб, милиция капитанига икки кундан кейин жавоб берилишини айтди. Ҳаммамиз қувониб кетдик, у кишига ҳавас билан боқдик.

Кечки овқатга бир оз вақт бор, ҳар ким ўз иши билан машғул. Биров кавшанади, уйғур ўртоғимиз каравоти тагига яшириб қўйган банкадаги балиққа тикилиб ўтиради. Аминжоннинг икки кўзи деразадан ташқарида. Мен «Қизил ва қора»ни ўқийман. Зиганшин билан Эшим ўзаро шивирлашиб, пиқ-пиқ кулади. Мен онда-сонда уларга қараб қўяман. Аниқ эсимда: Носиржон каравотда қўлларини тиззасига қўйиб, жиддий, алланарсани ўйлаб ётарди.

Хуббижамол кириб келди. Хонамиз тўлиб, гўё ҳаммамиз тузалиб қолгандай бўлдик. У ТашМИнинг тўртинчи курс студенти. Бизнинг номи хунук касалхонамизда практикасини ўтар, ҳафтада икки-уч кун навбатчилик ҳам қилар эди. Уни ҳали врач деб бўлмасди, албатта. Бироқ, кўзлари хиёл қийиқ, хипчагина бу қизда кишининг руҳини дафъатан кўтарадиган, уни олис кенгликларга ундайдиган ва яхши кунларини ёдга соладиган бир ўктамлик, ҳаётбахшлик бор эди.

— Ассалому алайкум, акажонлар!

Носир ўрнидан туриб кетиб, ҳаммамиздан олдин алик олди:

— Ваалайкум. Келинг, опа!

Хуббижамол Носирга қизиқиш билан тикилди. Чеҳрасида киноя ҳам, истеҳзо ҳам, йигитчанинг маймунга ўхшаш қиёфасидан ҳайронлик аломати ҳам кўринмади. Ичимда қиздан миннатдор бўлдим.

— Сиз... қачон келдингиз? — деб сўради қиз.

— Бугун, бугун! — деди Носиржон ҳовлиқиб. — Ҳали... тушдан олдин. Шу денг, опа, ҳеч мунақа касалим йўқ эди. Эрталаб гаражга келсам, битта шопир: «Кўзинг сарғайипти, медпунктга кир», деб қолди. Медпунктга кирсам, сен «желтуха» деб, мана... — У мунғайиб елкасини қисди. — Ҳозир...

Хуббижамол аллақандай суйиб йигитчанинг кифтига қоқди.

— Утиринг. Ётинг... Исмингиз нима?

— Носиржон! — деди Зиганшин.

— Йўқ. Эшон... Эшонжон! — деди Қодир этикдўз. Эшим ҳам кулиб, унинг сўзини маъқуллади.

— Ё тавба. Қулоғига азон айтиб қўйилган оти бор-ку! — дея хитоб қилди уйғур йигит.

Хуббижамол қаҳ-қаҳ отиб кулиб, Носирга:

— Қайси исм ёқади сизга? — деди.

— Менга... ўзимники-да! Бизда эшон ўтмаган, — деди Носиржон.

— Бўпти. Бўлмаса, сизни Носир эшон деймиз. Ёқадими?

Носиржон «Бу кишига нима дейин?» дегандай, биз томонга кўзларини каттартириб қаради.

— Рози бўлмайсанми? Рози бўл! Шундай қиз... — сени эшон деб турса-я! Э, Хуббижамол, менга айтмай-сизми, ҳақингизга дуо қилардим!

Носиржон энди Хуббижамолга қаради.

— Ихтиёр ўзингизда, — деди қиз.

— Йўқ. Майли! — деди Носиржон бирдан ҳаяжон билан. — Хоҳласангиз, Носир эшон деяверинг, опа! Майли!

— Ҳаҳ, ёқмай қолсин, — дея қийқириб кулди Эшим.

Хуббижамол ҳам кулиб:

— Бўпти! — деди. — Сиз бугундан эътиборан — Носир эшонсиз!

— Ура! — деди этикдўз.

Хона кулгига тўлди.

— Бўлмаса, Носир эшоним, сиз ҳам бу акаларингизга ўхшаб ётасиз! — деди Хуббижамол ва ниҳоят биз томон бурилди. Бироқ унинг «эшоним» дегани янгидан кулги уйғотган эди. Ҳар ким Носирга ҳар ёқдан гап отади. Эшим эса, ҳамманинг сўзидан хулоса чиқаргандек, мен томон келаётган Хуббижамолга сирли овозда:

— Бу, жуда ғалати бўлди-ку! — деди. — А, синглим? Эшоним дедилар... Ҳой, Носирбой, нима бало қилиб қўйдингиз ҳозир? Хуббижамолнинг сўзини эшитдингизми?

— Нимани эшитдим? — деди Носиржон гап нимадалигини уқолмай.

— Ахир, сизни «эшоним» деб, ўзлариники қилиб гапирдилар-ку?

Носиржон ялт этиб, ҳатто кўзлари олайиб қизга қаради. Хуббижамол кула-кула:

— Ҳа, нега энди ўзимники қилиб гапирмас эканман! — деди. — Балки...

Хона яна қийқириққа тўлди.

— Балки... балки-я! — деб оҳ чекди Эшим. — У, эшон! Бахтинг бор экан, ука! Ёки бўлмаса... ўлгудек ухажур экансан, ука! Бирпасда шундай қизнинг бошини айлантириб ташладинг-а!

Носиржон қўрқиб, аммо ишшайганча дам унга, дам бунга боқар эди. Хуббижамол каравотим олдига келиб, уни тўсиб қўйди. Қиз шу кунгача бизнинг ҳар биримизни ўрганиб бўлган, ҳар биримизга тегишли гапни аллақандай ички сезги билан ҳис қилиб айтар эди.

— Китоб... Ҳалиям китоб! Зерикамаганингизга ҳайронман! — деди менга. — Кеннойимнинг ўрнида бўлганимда, китобдан бошқа нарсалар ҳам бор, дер эдим...

— Худди хотинимнинг гапини айтдингиз, синглим, — дедим.

Қурмағур йигитлар шу гапдан ҳам қийиқ топиб кулди.

Хуббижамол тилшуносга унинг тузалиб қолгани, врачлар нима учун жавоб беришмаётганига ҳайрон эканини айтди: ҳолбуки, унинг кўзидан ҳали сариги кетмаган эди. Монтёрга:

— Қасалхона сизга ёқпти. Бу гал ҳам чиққандан кейин тухумдан кўпроқ енг. Ўзимиз опкеламиз! — деб ҳазиллашди.

Яна қийқириқ, яна кулги бўлди. Эшимбой ўтган гал тузалиб чиққач, хотинига бозордан ўнта тухум келтиртириб, ўновини ҳам паққос ютиб, эртаси кечга қолмай яна касалхонага келиб тушган экан.

Хуббижамол Зиганшинга касалхонадан чиққач, кўпроқ ичишни «маслаҳат» бериб, Аминжондан:

— Газлини соғинмаяпсизми? — деб сўради. Сўнг шундай барваста йигитга касал бўлиб ётиш ярашмаслигини айтиб, капитан билан сўрашди. Ошпазга етганда каравот тагига қараб олиб: — Раҳмингиз келсин-а? — деди.

Яна Носиржоннинг ёнига қайтиб, унга қандайдир ҳам ачиниш, ҳам меҳр билан боқди. Сўнг яна ҳаммамизга тегишли қилиб:

— Акажонлар, бугундан бошлаб яна хизматингиздамиз! — деб, чиқиб кетди.

Носиржоннинг Хуббижамол билан учрашуви шундай бўлган эди. Бунинг давоми... Давомини ким ўйлабди дейсиз!

Ўша куни Хуббижамолнинг Носирга «эшоним» деганини эслатиб, мен ҳам қандайдир илмоқли гаплар қилдим. Эшим-ку тинмади. Ҳатто милиция капитани ҳам Носиржонга: «Сизга жуда бошқача қаради», — деди. Кейин, қизнинг хонага кирибоқ Носирга қизиққани яна анча гап бўлди...

Оқибатда Носиржон ўйланиб қолди. Одамзод қизиқ-да: унинг жиддий ўйланиши ҳам ёқимли, қизиқ; ҳам кулгибоп, эрмакбоп эди. Агар бу гап-сўзлар оқибати Носирни қандай кўйларга солишини билганимизда... Йўқ. Аксинча, унга ҳазил қилиш, қизни эслатиш бизга ёқар, бунга сари Носиржоннинг Хуббижамолга қизиқиши ортар эди. Буни кўриб, биз худди ёлғон-яшиқ гаплар билан бир муҳим натижага эришаётгандек туярдик ўзимизни.

Булар — кейинги гаплар. Лекин ўша куннинг эртаси Хуббижамол Полина билан хонага кирганда, Эшим:

— Синглим, эшонингиз туни билан киприк қоқмай чиқди! Ошиқи беқарор бўлиб қолганга ўхшайди! — деди.

Қиз қаҳ-қаҳ отиб, укасининг елкасини силагандек, Носиржондан:

— Шундайми? — деб сўради энгашиб.

Носиржон, кўзлари катта очилиб, аста каравотдан туша бошлаган эди, қиз унинг тиззасига шап-шап уриб: «Ётинг, қимирламай ётинг!» — деди. Носиржон ётди-ю, лекин қиздан кўз узмади.

Ҳа, Хуббижамол ўзига хос гўзал, барно қиз эди. Бўйи Носиржондан бир ярим қаричча баланд.

— Агар шу гап рост бўлса, бўлди! — деди Хуббижамол қаддини кўтариб.— Ғанимлар куйсин! Тўғрими, эшоним?

— Севгилим, денгда-е! — деди Эшим.

Қиз кўлларини орқасига қилиб, қаддини кўтарди.

— Севгилим десам, нима қипти!

— Ура! — деди Қодир этикдўз.

— Ура-а! — деди Зиганшин.

— Айтмовдимми, сиз... зўр йигитсиз! — деди Аминжон.

Носиржон бир унинг оғзига, бир бунинг оғзига қарар, кўзлари яна ҳам каттариб кетган, кўриниб турибди, ичидан қаттиқ ҳаяжонланар эди. Полина, одатдагича, яна биттадан ҳарорат ўлчагич улашди. Ҳарорат ўлчагични қўлтнғимизга қисиб, уёқ-буёқдан гаплашиб ётдик: ташқари, қор... Ўзга хоналардаги касаллар. Қимдир Полинадан: «Қобил доктор қаерда?» деб тагдор қилиб сўради. У қизариб кетиб: «Энг ёмон палата, шу, Жамол... Тагин сиз шу хонага кирасиз-а!» — деди. Бу гап яна йигитларнинг жағини очиб юборди.

— Нега кирмасинлар? Бу ерда севикли эшонлари ётипти-ку!

— Оббо эшон-э! Уста экансиз, пирим!

— Ура!..

Ярим соатлардан кейин Қобил доктор сигарет тутатиб кирди. Ҳар бир беморнинг қорнини очиб, жигари устини чертиб кўрди. Тилига, кўзига тикилди. У айтган гапларни, одатдагича; Полина ёзиб олди. Чиқа туриб:

— Шоир, кеча иш чиқиб қолди, бугун кирман, — деди менга.

Овқатландик. Гурунг. Қимлардир ухлади. Мен ҳам бир оз мизғиб, китобни қўлга олган эдим, Носиржон бир-бир босиб қошимга келди.

Тумба олдидаги стулга ўтирди. У анча ҳорғин эди. Кулгим қистади.

— Кеча яхши ухламаганингиз ростми? — деб сўрадим.

— Мен? Йўқ... Ухладим! — деди у нимадандир ҳайиққандек. Сўнг эшикка қараб олди-да, қизариб, аста шивирлади: — Ўзлари чиройли-я опанинг?

Тилшунос эшитиб ётган экан:

— Нега опа дейсиз? Нега? — деди бирдан дўқ қилиб. Уйғоқлар кулиб юборишди. Носиржон энди оқариб:

— Опа-да! У киши мендан катта! — деди.

— Вей-вей, ўламан! — деб нидо қилди Эшим монтер. — Шу каттами? Хўп, катта бўлса бўпти-да... Менинг хотиним ҳам ўзимдан беш ёш катта. Бўйи икки қарич баланд!

Яна кулги бўлди. Уйғур йигит:

— Ё обло! Бузилдинлар, жўралар! — деди. Капитан ҳам уни қувватлади:

— Буларнинг гапига ишонманг, Носиржон.

Носиржон менга тикилиб турди-турди-да:

— Шундайми, ака? — деди.

У менинг «Шундай эмас», дейишимни кутарди. «Не-та бунинг кўнглини чўктирай?» деб ўйладим-да:

— Ким билади, — дея елка қисган бўлдим. Носир-жоннинг чиройи очилди. Тагин эшикка қараб қўйди. Шунда мен бир адиб сифатида... одамда бўлаётган ўз-гаришни кўрдим; уни кузатиш аҳдим бўлиб қолди. Ёзувчилик касби баъзан шафқатсизликни талаб этади. Дейлик, айбдорни сўроқ қилишяпти. Унинг қариндош-лари йиғлаяпти, томошабинлар ҳайратда. Терговчи эса пинак бузмайди. Ёзувчи ҳам баъзан шундай ҳолга ту-шади. Бироқ, сизни ишонтириб айтаман, унинг тергов-чидан фарқи бор — у қийналиб, ўртаниб кузатади, «сў-роқ қилади». Аммо, табиий, буни сиртига чиқармайди. Тўғри, у ҳам одам, баъзан сиртига тепиб ҳам қолади.

— Раҳмат, раҳмат, ака, — деб шивирлади Носиржон ва жойига қайтиб кетди.

Яна осма укол кирди. Носиржон шиша идишдаги дорили сувни стаканга қўйиб яна ичиб олди. Кейин лаб-ларини ялаб:

— Менга ёқди. Мен тузалапман, акалар! — деди.

Полина сепояларни йиғиб чиқаркан, Носиржон унга бир нима демоқчи бўлиб кўп шайланди. Ниҳоят, унинг орқасидан чиқди. Эшим монтернинг ҳам кетишига са-ноқли кунлар қолган, қони тозаланаётган эди. Энди ўзига эҳтиёткор бўлиб қолган. Шунга қарамай, каравот-дан шошиб тушиб, эшикдан мўралади. Анчадан кейин қорнини ушлаганча қайтиб жойига келди. Пиқ-пиқ ку-либ:

— Приёмный покойгача борди, — деди. — Қобил қу-виб солди... Хуббижамолни сўрамоқчи эди!

Кулги кўтарилди. Носиржон шумшайиб кириб, жойи-га ўтди.

— Бор эканми? Гаплашдингизми? — деди Эшим.

— Ким? — дея талмовсиради Носир.

— Ким бўларди, жонон-да!

Носиржон совуқ ўқрайди. Менга қараб:

— Ака, жонон дегани яхшими, ёмон? — деди.

— Қандай айтилишига боғлиқ, — дедим мен. — Ме-нимча, Эшим акангиз беғараз...

Носиржон Эшимга ишончсизлик билан қараб қўйди. Кейин тўшагига чиқиб ётди. Шу бўйи тушки овқатгача гап қотмади. Туриб-туриб менинг унга раҳмим келар, лекин уни кўнглида кечаётган хаёлларидан айиришга

кўзим қиймас эди. Бунинг устига, бу ҳолатларнинг давоми менга қизиқ туюлар, назаримда, шунчаки ўйин бўляпти-ю, Носиржон буни пайқагач, кулиб юборадигандек... эди!

Овқатдан кейин ҳам Хуббижамол кўринмади. Кечки уйқудан уйғонсам, у эшик оғзида қўлларини қовуштириб турибди. Ҳамма уйғоқ. Чамаси, мен китобга берилиб, кеч ухлаган эдим.

— Менинг қадримга етмадинглар, энди кетаман... — деяётган экан у. Овозидан ширин бир шўхликни, беозорликни уқдим. Илгарилари ҳам кетаётганида, чамаси, шундай дер эди. — Йўқ, имтиҳонларимиз бошланиб қолди, — дея давом этди Зиганшинга қараб. Сўнг ёнида тик турган Носиржонга уқтирди: — Ҳар имтиҳонни топширгандан кейин келиб сизни... мана буларни кўриб кетаман!

— Вой-вой, чидолмайман! — деб бақирди Эшим. — Сизни... дедингиз-а, Хуббижамол?!

Хона яна кулгига тўлди. Бир қарашда, ширинсухан ҳамширалар билан бундай ҳазил-ҳузул ўзга хоналарда ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин улардан фарқи... бизнинг хонадаги ҳазил «чети»да титраб-қалтираб Носиржон турар, чамаси, Хуббижамолнинг кетаётганидан у қаттиқ изтиробда эди.

— Хўп, эшоним, ҳозирча хайрлашамиз, — деди қиз ниҳоят. Кейин бизларга ҳам бир-бир қараб, бир оғиз-ярим оғиз гап отиб, яна Носиржонга боқди. Унга қаттиқ тикилди-да, кулиб юборди. Кулгисида қандайдир ачинишни аниқ сездим. — Нега мундоқ турибсиз? — деди. — Ўтиринг!.. Ётинг. Ҳа-ҳа, ётинг, дарров ётинг! Хафа бўламан!

Носиржон «Рости биланми?» дегандай, унга хўмрайиб боқди-да, шоша-пиша каравотига чиқиб ўтириб олди. Хуббижамол қўлини орқасига қилиб хиёл эгилди.

— Мувваффақият! Фақат «беш» бўлсин! «Беш» — дея тилак тилади йигитлар.

— Лекин, — деди қиз бирдан қовоқ солиб, — мен «беш» олиб келганимда, сизлар ҳам бемалол юрадиган бўлмасаларинг, биласизларми, хафа қиламан!

У эшикдан чиқар экан, Носиржонга тагин илиқ, хайрхоҳ табассум ҳадя қилди.

Мен Носиржонни кузатар эдим. У бир нафас қотганча ўтирди. Кейин қовоғини уйиб каравотдан тушди. Туфлисини оёғига илб, кичкинагина бўлиб, эшикдан



чиқди. У чиққан заҳоти Қобилнинг шовқини эшитилди. Носиржон қочиб кириб, шу бўйи ётиб олди.

Кейин Қобил кириб:

— Нима иш қилсанг, қил, лекин ҳозир ётишинг керак, бола! — деди. — Қадимдаям табиблар ётқизиб даволаган!.. Узинг дори ичиб ётибсан. Томирларинг... ҳалигидай! Коридорда нима бор?!

— Нима, нима... йўқми? — дея тўнғиллади Носиржон.

— А?

Носиржон тескари қараб ётди. Қобил шошилмай келиб, каравотим ёнидаги стулга ўтирди. Қатак дафтар варағига ёзилган шеърни узатди. Илк жумласини ўқиб, кулимсирадим. Бу ҳам Усмон Носирнинг шеъри эди.

Севги, Сенинг ширин тилингдан  
Ким ўпмаган, ким тишламаган...

Унинг ҳурмати учун шеърни охиригача ўқидим, нчимда маза қилиб ўқидим. У бемалол сигарет тутатар, менинг ҳукмимни кутар эди.

— Аъло шеър! — дедим.

— Шунақа. Бўш вақтда ёзамиз, — деди у. — Мен бос-тиришга қизиқмайман... Сизда қолиши мумкин.

— Раҳмат! — дедим. У чиқиб кетди. Тилшунос қўшним варақни сўраб олиб, бир оз тикилди-да, баланд овозда ўқий бошлади:

Севги! Сенинг ширин тилингдан  
Ким ўпмаган, ким тишламаган...

Мен бу шеърни илк марта ўқиган чоғларимни, эрта баҳор собиқ омборхонани дарсхонага айлантириб, лампачироқ шуъласида ўтирган кезларимни эслаб, кўзимни юмдим.

Йигитлар шеърни ўзларича муҳокама қилишди, қўлдан-қўлга ўтказиб ўқишди. Қаттиқ кулгидан кўзимни очдим. Варақ Носиржоннинг қўлида, у татрабгина турарди. «Ажабо, йигитлар уни алдаяпти-ку! — деб ўйладим. — Чакки бўлди, Хуббижамол ҳам уни алдади. Ёки ҳазиллашди, балки кўнглини кўтармоқчи бўлди... Умуман, у ҳар биримизга ҳам шу тахлит ҳазиллар қилиши мумкин...»

— Нимага куласизлар? — деди Носиржон. — Ўқишни билмайман, вассалом... Ана, ёзувчи домлага айтдим, ёшлиқда касал бўлганман. Одамдан кулади булар! — У каравотга таппа ўтирди-да, Аминжонга фавқулодда

ҳаяжон билан сўзлай кетди: — Лекин киноапишаларни биров ўқиса, дарров ёдимда қолади...

Аминжон хўрсинди.

— Ишқилиб, курьерликдан хурсандмисиз, ука?

— Жуда! — деди Носиржон ишонч билан. Гаражни шундай яхши кўраман! Бир кун бормасам, бензин ҳидигача соғиниб қоламан. — У яна яйраб ҳикоя қила бошлади: — Мени бутун шопирлар танийди... Иш буюради. Узиникидай... Директорга бозордан сомса энкелишга чиқсам, уларгаям опкеламан.

Ҳаётда ким ночор кимсаларни кўриб, уларга ачинмаган? Ҳа, ачиниш мўмкин, холос... Бироқ Носиржон ачинишдан «баланд» йигит эди. У ўз ишини яхши кўрарди, унда одамийлик ҳам мўл-кўл эди. Энг муҳими — соддадиллик, ишонувчанлик...

Бундай кишини ҳурмат қилмай бўладими? Лекин бундай мўрт кишиларни ҳар кўйга солиш ҳам одамларнинг қўлида. Айниқса, зериккан, эрмакка зор кимсалар қўлига тушса...

— Хуллас, бу шеър сиз учун битилган, Носиржон эшон! — деди Эшим.

Носиржон бу гапдан хайрон бўлиб, вараққа қараб олди. Кейин яна аста юриб, қошимга келди. Варақни узатиб, илтимос қилди:

— Ўқиб беринг, ака.

— Ёдлайсизми? — дедим.

— Ҳа! — деди у ҳаяжонланиб. — Менинг хотирам яхши!

— Майми... — шеърни ўқимоқчи бўлдим ундаги: Отелло, Шекспир, Дездемона каби номларни Носиржонга қандай тушунтирсам экан дея ўйладим. Кейин, бу шеър фақат севги ҳақида ҳам эмас, zero унда:

...Қандай қабоҳат,  
Ки одамнинг ўзигинамас,  
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр! —

деган гаплар бор.

— Носирбой, сиз шу қаторни яхши билиб, тушуниб олсангиз етар, — дедим. — Шоир бу сатрларда: «Севги заҳматини чекмаган, севги учун қонлар ютмаган одам борми?» деяпти... Менимча, шоир ўзи билган одамларни кўзда тутяпти. Ҳолбуки, севги нималигини билмай ўтиб кетадиганлар ҳам бўлади...

— Севги нима? — дея шивирлади Носиржон яна.

— Кеча айтдим, шекилли.

— Севги... сизнинг Хуббижамолга бўлган муносабатингиз! — дея уқтириб қолди тилшунос. — Билдингизми? Уни кўргингиз келяптими? Ростини айтинг!..

— Айтинг-да, энди! — деди Эшим ҳам.

— У, кўргиси келганда қандоқ! — деди Зиганшин.

— Ана ўша ҳис — севги... севгининг боши! — деб хулоса ясади тилшунос.

Ўялиб, қимтиниб турган Носиржон кўзларини йириб менга тикилди. Сўнг варақни олиб ўрнидан турди.

— Менда турсин-а? — деди. Кейин бир-бир босиб келиб, қулоғимга шипшиди: — У кишига бераман... опага.

Мен кулиб:

— Майли, — дедим. — Лекин опа деманг-да.

— А, шундайми?

— Уят бўлар.

— Ҳа, рост айтасиз.

Носиржон каравотига бориб ётгач, вараққа узоқ тикилди. Алланарсалар деб пичирлади. Чоғимда, ўша икки сатрни такрорлади.

Кечки овқатдан кейин яна суҳбат бошланди. Аминжон билан капитан қарта ўйнамоққа тушди. Ўйгур ўртоғимиз каравот тагидан балиқли банкани олди. Эшим Зиганшинга ўзининг ишқий саргузаштларидан ҳикоя қила кетди. Носиржон дам йўлакка чиқади, дам хонага кириб, полга тўкилган тарвуз уруғларини теради; капитаннинг кичкина қўл приёминигини қулоғига тутиб, қўшиқ эшитади, дам менинг ёнимга келиб, севги ҳақида бир нимани сўрайди.

Полина кириб, яна ҳароратимизни ўлчади.

Мен «Қизил ва қора»ни ўқишда давом этдим: Садаф билан қандай танишганимиз, совуқ қиш кезларида кимсасиз, қор босган истироҳат боғида юрган чоғларимиз бир-бир кўз олдидан ўтди.

Чироқ ўчирилгач, Эшим монтер капитандан лўли қиз билан яна қандай саргузаштлар бўлганини сўради. Капитан:

— Эртага кетаман, ука, — деди. — Унақа гапларни эркак одам кўп эсламаслиги керак. Тажрибадан-да, бу... Хотиннинг олдидаям оғиздан чиқиб кетса борми, барча тоат-ибодат бир пул бўлади!

Аминжон унинг гапини маъқуллаб, Газлида танишган қизини маст ҳолда хотинининг номи билан чақирганини айтиб берди. Зиганшин қайсидир ёз куни икки ўр-

тоғи билан бутун бошли бир товуқни еб қўйганларини ҳикоя қилди. Уйғур йигит хўрсиниб Қашқарни эслади...

Кечаси шамол туриб, деразаларни зириллатди. Мен бу кўклам шамоли бўлгани учун қорларни тезда эритиб юбориши, ҳаво майин тортиб қолишини ўйладим. Тилимга хотиним келтирган хатдаги сатр тушди: «Энажон, билмадим, наврўз келдим...»

Назаримда, Носиржоннинг ўзгариши асосан шу куннинг эртасидан бошланди. У руҳан тетик бўлиб уйғонди. Ҳа, касалга сира ўхшамасди. Шиша идишдаги дорили сувни ичиб бўлгач, сепояларни олиб чиқишда Полинага кўмаклашди. У ҳарчанд дўқ қилиб, ётишни буюрмасин, Носиржон билганидан қолмади. Полина икки-уч сепоя кўтариб кетиши ҳамон яна биттасини йўлакка чиқариб қўйди.

Тушки овқат маҳали Полина тақсимчани қўлимга бераркан:

— Домла, Носирга нима бўлди? — деб шивирлади. — Нукул Хуббини сўрайди. Телефон қилсалар, салом айтинг, дейди.

Мен елка қисиб қўйдим:

— Парво қлманг, опа... Балки севиб қолгандир? Бўлиши мумкин-ку?

— Ҳай-ҳай, ундай деманг-а!.. Хуббининг бир йигити бор, ҳавасингиз келади!

Буни билмас эдим.

— А-а? — дедим. — Унга арзиса, яхши.

— Бир-бирига муносиб!

Шу куни тушдан кейин милиция капитанига жавоб берилди. Биз у кишини ҳавас билан кузатиб қолдик. Бошқа жойларда, саломатликда учрашайлик, дедик, ният қилдик. Кўпинча бир хонада ётган беморлар, соғайиб чиққач, тез-тез учрашиб турайлик, деб бир-бирларига адрес берадилар. Аммо кейин жуда озчилиги борди-келди қилади.

Капитан Носиржон билан хўшлашаётиб:

— Носир эшон, буларнинг гапига ишонманг, иним. Амакингиз лўли қизнинг гапига ишониб лўли бўлиб кетишига оз қолган, — деди.

Носиржон кулиб, завқланиб хайрлашди: капитаннинг гапи унга, чамаси ҳеч нарса бермади.

Тунги шамол кўклам шамоли эса-да, қиш қишлигини қилди. Кечга томон қор ёға бошлади. Қор деразамиз кўзига шитирлаб урилади. Хонамиз илиққина. Мен

«Қизил ва қора»ни яримдан, ошириб қўйдим. Унда машхур ёзувчининг ҳаёт қатламларини нақадар маҳорат билан бера олгани ҳақида ўйлайман. Хаёлим ўз асарларимга оғади; министрлар, давлат арбоблари ҳақида асар ёзишни истайман. Истайману бари бир ёза олмаслигим, улар қалбини очадиган калитим йўқлигига иқрор бўламан.

Кунлар тез ўтар эди. Мен ҳам вужудим бир енгиллик сезадиган, йўлакка чиқиб чекиб келадиган бўлдим. Ана шундай кунларнинг бирида Эшим монтер ҳам хонани тарк этди. У билан ажралиш анча оғир бўлди. У кетгач, икки-уч кун азиз бир нарсамизни йўқотгандек бўлиб юрдик.

Эшим ҳар биримиз билан ўпишиб хўшлашди. Носиржонни ўпар экан:

— Хуббига айтиб қўй, рашк қилмасин. Ҳа-ҳа-ҳа! — деб кулди. Кейин унинг кифтидан қучиб: — Ҳазил, ҳазил, — деди. — Ҳазилни тушунасан-ку, ука!

Эшим бу гапи билан нимани кўзда тутганини тусмолаш мумкин. Бироқ, Носиржон бу гапни ҳам ўзича тусунди:

— Э, нега рашк қилар экан! — деб қўйди.

Носиржон Хуббижамол ҳақида худди бир-бири билан аллақачон онла қуришни ҳам келишиб қўйгандек гапирар, ўқтин-ўқтин унинг бўйи баландлигини айтиб, «кўчада уялсалар керак», дер эди. Баъзан шаҳарда квартира олишнинг машаққатларига қизиқар, лекин шу ондаёқ ўзининг кўпинча гаражда — бузуқ автобусда ётиб қолишини завқ-шавқ билан ҳикоя қилар эди: «Қоровул менга ишониб қолган. Шунинг учун у киши уйга кетсалар, ўзим қоровуллик қиламан... Э, менга ҳамма ишонади, ака... Аммо-лекин гаражни соғиндим. Бензиннинг ҳидини биласизми! У!..» Баъзан Хуббижамолнинг қиёфасини ўзича таҳлил қилиб кетади: «Чиройли, а?..»

Унга фақат уйғур ошпаз дакки берар, қизни эсламасликка ундар эди. Шунда Носиржон унга совуқ тикилар, гапи адо бўлгач: «Охун ака, сиз овқатни билинг... Муҳаббат бошқа нарса!..» деб йўлакка чиқиб кетар эди.

Аста-секин биз Носиржоннинг Хуббижамол ҳақидаги гапларига парво қилмайдиган бўлиб қолдик. Бу ҳолга кўникдик. Шундоқ гапирар эдики, улар чиндан ҳам бир-бири билан ошиқ-маъшуқ... Носиржон касалхонадан чиққач, Хуббижамол уни кутиб олади... Кейин у Хуббижамолга уйланади. Ҳа, дарвоқе, у яқинда имтиҳонлари:

ни топшириб бўлиб, қайтиб келади. Лекин Хуббижамол имтиҳонларининг бир-иккитасини аллақачон топшириб бўлганига шубҳамиз йўқ эди, шунга қарамай, келмаётгани учун парво ҳам қилмас эдик.

Қизиқ бўлди; бир куни ҳаммамиздан қон олишди. Эртаси натижасини билсак, Носиржоннинг қони топтоза чиқди! Уни Қобил доктор ҳам табриклади. Полина қувониб: «Ҳаммадан олдин сиз кетадиган бўлдингиз!»— деди. Носиржон ўша куни талай вақт ҳеч кимга гап қотмади.

Аминжонга жавоб берилди. Бу новча, қиррабурун, ёш эса-да, кўп саргузаштларни бошидан кечирган йигит бизни Бухорога чин дилдан таклиф этди. Адресини қолдирди. Носиржон билан хўшлашар экан, унга негадир ўйчан боқиб:

— Сиз ҳавас қилса арзийдиган йигитсиз. Биз... бўлганча бўлганмиз, ука, — деди.

Зиганшиндан кейин Қодир этикдўз билан уйғур ошпаз ҳам кетди. Хонада тилшунос, Носиржон ва мен қолдик. Хона, бизлар чиққач ремонт қилиниши керак эди, шунинг учун одам қўйилмади. Хонамиз ҳувиллаб қолди. Кўп каравотлар бўш. Тўшаклари букланиб қошига суяб қўйилган. Хонанинг иссиғи ҳам одамларнинг тафти билан экан. Иситгич батареялар кечаю кундуз қизиб турса-да, энди совуқ туюлар эди.

Полина кириб, мен билан тилшуносга ҳарорат ўлчагич берди-да, Носиржоннинг ёнига бориб:

— Уйнанг, ўйнаб беринг, эшоним! Кейин бир гап айтаман! — деди.

Носиржон ҳаяжонланиб, ҳатто сал қўрқиб:

— Нима гап? — деди.

Шу тобда у нимани ўйлади, ким билади. Отасию қариндош-уруғини ўйлади, улар ҳаётида бирон-бир янгилик содир бўлганини гумон қилди, дейиш қийин: шу пайтгача уни сўроқлаб биров келмаган эди. Носиржоннинг ўзи ҳам биров келишини, чамаси кутмас, шунга қарамай ўша бировлар ҳақида яхши сўзлар эди. Ножониз бўлса-да, айтиб қўйиш лозим: жигар касалига докторлар, айниқса, ҳўл мева ва сабзавот ейишни буюришади. Албатта, бунда ётиб кетган йигитларга шундай емаклардан келиб турарди. Ўз-ўзидан маълум, қишда бундай тармеваларни топиш маҳол... Биз, албатта, ўзимизга келган мевадан Носиржонга ҳам берардик. Дастлаб мен: «Олмас, уялар», деб ўйлаган эдим. Йўқ, у

иккиланмай, бироқ синиқ жилмайиб олди. Кейинчалик ким қоғоз халта кўтариб келса, у кириши ҳамоно ўрнидан дастуриб бориб, халтани қўлидан олар, элтиб тегишли йигитнинг тумбаси устига қўяр, келган кишига курси қўйиб берар эди. Албатта, унинг бу ҳаракатларини кузатиш кишини аллақандай азоблайди. Бироқ, ўйлаб қаралса... бунга ҳам кўникиш мумкин. Хуллас, Полина ҳарорат ўлчагични орқасига қилиб: «Ўйнаб беринг, бир гап айтаман», деганда Носиржон нима учун қўрқди, нима учун қаттиқ ҳаяжонланди — билмайман. Фақат, ғира-шира тусмол қилиш мумкин: бунда Хуббижамолга алоқадор бир нима бўлиши керак:

— Нима у? Олдин айтинг. Айта қолинг!— деб бирдан йиғламсиради Носиржон.

— Хуббижамол сизга салом айтди!

— Менга?

— Сизга... «Эшонимга, севгилимга!»— деди.

Хиёл энкайиб турган Носиржоннинг қўл-оёғи титраб кетганини гилшунос ҳам кўрган экан. Тилшунос:

— Ҳой, Полинахон, ётиғи билан айтинг-да. Ўзини ташлаворди-ку! — деди.

Носир тилшуносга еб қўйгудек бўлиб қараб:

— Ишингиз бўлмасин!— деди. Сўнг Полинага ялтоқланди. — Салом дедиларми?

— Ҳа.

— А, эшонимга... яна... ҳам...

— Ҳа-ҳа.

— Ўйнаб берайми?

Полина бизга қаради. Чеҳрасида аянч бор эди. Бошини сарак-сарак қилди-да:

— Кейин, кейин, — дея ҳарорат ўлчагични бериб чиқиб кетди.

Ажойиб аёл бу Полина!

Носиржон каравот четига ўтирди. Сўнг тура солиб ёстиқни кўтарди. Тумбани очиб қаради. Ҳамхоналар берган меваларни у тумбага солиб, асраб ер эди. Барини чиқариб қўйиб, тортманинг тўридан бир қоғоз олди. Кўзига тутиб қаради. Танидим. Усмон Носирнинг шеъри битилган ўша қоғоз. У бирдан шошиб лапанглаб менинг қошимга келди. Қоғозни кўрсатиб кулди.

— Қаранг, — деди. — Салом айтиптилар.

— Севгилимга салом айтинг, дептилар, — дея қўшимча қилди тилшунос.

Носиржон унга яна ўқрайди-да:

— Ҳа, — деди. — Алам қилсин!

— Оббо!

У яна менга юзланди.

— Қизиқ-а?

Менинг унга бўлган бутун ачинишим, у ҳақдаги ўйларим, иккиланишларим — бари бир зумда қайтадан янгиланди. Унга айтган гапларимизнинг бари-ёлғонлиги, бунинг эса ўта ишонувчанлиги яна миямга санчилди. Шу тобда ўзимизни ҳам, ишонинг, Носиржонни ҳам бир зумга ёмон кўриб кетдим. Кейин ҳаёлим Хуббижамолга оғди... Уйланиб қолдим: унда нима айб? Эҳтимол, Носиржоннинг тез тузалиб кетишига унинг ўша ҳазиллари сабаб бўлгандир? Бироқ, бу... Носиржоннинг ҳозирги қилиқлари... гашни келтиради-да.

Ўзимни бир амаллаб босиб, ичимда: «Майли, қувонсин. Уям, қувонсин, деб салом айтган-ку», дедим-да:

— Ҳа, қизиқ, — деб уни маъқуллаган бўлдим.

— Муҳаббат ҳақиқатан қизиқ бўларкан! — дея давом этди Носиржон ҳаяжон билан. — Мен, мен... тез-тез туш кўраман, ака... сиз ёзувчи, биласиз-ку? Тушимда ҳу бола пайтларимни кўраман. Уйимиз олдида чучмомалар ўсарди. Биз уларни бўтакўз деб терар эдик. Қўзиқориннинг сигирқуйруқ дегани бўлади. Оппоқ!.. — У тилшуносга қараб олиб, гапдан қолди.

Хонага гурс-гурс юриб кирган Қобил доктор:

— Носир эшон, вешмешокни ҳозирланг, кетасиз! — деди. Ҳалиям биз гумонсираб сизни беш кун тутиб турдик.

Носир секин ўрнидан турди.

— Қаерга?

— Қаерга?.. Уй борми, уй?

— Уй... бор.

— Ана ўша уйга-да! — У Носиржонни четга суриб, стулга чўкди. — Қалайсиз, шоир?

Мен ўртадаги вазиятни юмшатиш учун:

— Ҳалиям мени шоир дейсиз-а? — дедим.

— Бари бир. Мана... яна битта ёзган эдим. Бу Полинага бағишланади.

— У, зўр-ку! — Унинг қўлидан ўшандоқ катак дафтар варағига битилган шеърни олдим. — Полинани, а?

— Севамиз-да, — деди Қобил доктор.

Мен вараққа кўз югуртирдим:



Яхши қол, оқ денгиз, яхши қол, шимол,  
Тўлқинлар, қўйнимга қиздек кирдингиз...

Бу ҳам Усмон Носирнинг навбатдаги шеъри эди.

— Нима, сиз ҳам бирон ёққа кетмоқчимисиз? — дедим.

— Ҳа, илмий-текшириш институтига чақиршяпти. Уқинг... Қалай?

Шеърни ўқиб чиқдим: хаёлимда оппоқ кўпикланган тўлқинлар ўрмалаётган денгиз жонланди. Бу орада Носиржоннинг ташқарига чиқиб кетганини пайқагану, лекин ўзимни пайқамаганга солган эдим. Шеърни мақтаб, тилшуносга узатдим.

— Шунақа, — деб ўрнидан турди Қобил доктор. — Ёзиб турамиз... Бу бола қаерга кетди? Ўзи ул-були борми? — У тўмбочкани очиб қараётганда Носиржон кирди. Афтига қараб ҳайрон бўлдим. Рангида ранг йўқ, боши сочиқ билан боғланган. Оғзини қўли билан тўсганча каравотга ҳансираб ўтирди-да, бирдан туриб, ўртадаги стол тагидан корсонни олди. Энгашиб оғзини очиши билан ярим пақирча сув отилди... Бу ердан кетгиси йўқ. Шунинг учун водопроводдан сув ичиб келган. Ўзини касалликка солмоқчи.

Ҳақиқатан ҳам у қусиб бўлгач, Қобил докторга қарамай каравотига бориб чўзилди. Устига адёлни тортди. Сўнг қизарган кўзларини катта очиб:

— Мен ҳали тузалганим йўқ! — деди.

— Э! Э! — Қобил доктор келиб, корсонга тикилди. Ҳидлаб кўрди. — Сув-ку бу!

— Сув бўлса, сув! — деди Носир.

— Тавба! Ҳа, бу ер ёқиб қолдимми?

— Ёқиб қолди!

— Ҳей, бола... одамлар бу ердан тезроқ кетишни истайди. Сен бўлсанг...

— Мен касал!

Қобил доктор шошилмай сигарет тутатди. Бизга қараб елкасини қисди. Чиқиб кетди. У чиқиши билан Носиржон ўрнидан туриб ўтирди. Овози хириллаб:

— Акалар, мен қолишим керак!.. Хуббижамол келадилар. У кишини кўришим керак! — деди ва бўғилиб давом этди: — Ахир, ўйлаб кўринглар, мен қандай қилиб кетаман? Уят бўлади-ку? Мана, салом айтиптилар... Келадилар. Севгилимга, дептилар! Ахир, мен ҳам йигит кишиман! Ахир, муҳаббат нималигини биласизлар...

Кўнглимда орзуларим бор... Мен у кишини ўшандан бери кутаман, ахир! Кеча-кундуз кутаман!..

Полина кирди.

— Эшоним?

— Йўқ, опа? Мен кетмайман! — деди Носиржон ва тагин ётиб олди. — Кўриб турибсиз, ётибман. Қасалман. Ана, қусдим!..

Полина туриб-туриб хўрсинди.

— Хуббижамолни чақирайми?

Носиржон бошини кўтарди. Сўнг ярим туриб ўтирди. Қўлларини олди-да, қовуштириб:

— Жон опа, жон Полина опа!.. — деди. — Мен, вақти келса, ишингизни қиламан. Адресингизни айтинг. Боғчангиз борми? Менинг қўлимдан ул-булни тузатиш ҳам келади, опа...

Тушдан кейин тилшуносга ҳам жавоб бўлди. Мен уни «тилшунос» деб атадим. Ўзининг гапи бу. Аммо унинг ўз соҳаси тўғрисида бир оғиз ҳам эшитганим йўқ. Онда сонда узр сўраб, бир оғиз-ярим оғиз қитмир гап қиларди, холос. Менга ўзининг адресини ёзиб бериб, Носиржонга:

— Дўстим, жўрабошимиз Зиганшин бир яхши гап айтган эди... Биздан ўтган бўлса, узр. Кўнглимизда тирноқча гайирлик йўқ. Мен сизни ҳурмат қиламан,— деди.

Бир неча марта дўқ қилган, ёвуз кўз билан қараган Носиржон жуда хижолат чеккандек каравотдан тушиб, унга қўл берди.

— Сиз кечиринг, ака. Биз ёш, биз ёш,— деди.

Ҳа, Носиржон кекни билмайдиган йигит эди.

Носиржон билан иккимиз қолдик. Хона ниҳоятда кенгайиб кетгандек туюлди. Менинг ҳам эрта-индин кетишим аниқ; икки текширишда ҳам қоним тоза чиқди. Носиржоннинг эса бу ерда ёлғиз қолишини тасаввур қилолмайман. Назаримда, Хуббижамол келса, улар ўзаро нимадир деб гаплашишади-да, кейин Носиржон ҳам тақдирга тан бериб, автобус паркига йўл олади..

Тушки овқатдан кейин деярли ухламадим. Носиржон каравотда муштдек бўлиб ўтирар, ўқтин-ўқтин ёстиғи орасидан Усмон Носирнинг шеърини олиб қараб қўяр ва менга кутилмаган саволлар берар, ўзича жиддий мулсҳазалар юритар эди.

— Ака, бир яхши ишлар қилгим келяпти!— деб қолди энди кўзим илинганда. — Уша киши учун!.. — дея сўлғин давом этди. — У киши бир жойда адашиб қолган

бўлсалару мен аптовусдан тушиб кўрсам-да, кулиб, йўлга солсам... — У бирдан қувнаб, ҳатто жилмайиб менга тикилди. — А, яхши-я! — деди ҳаяжонланиб. — Мен биламан, у кишиям шаҳарнинг ҳамма йўлларини билмайдилар... Ҳеч ким билмайди, менчалик! Э, қанча одамларни...

Йўлакдан дўқ-дўқ қадам товушлари эшитилди. Носиржон донг қотди. Қадам товушлари ўтиб кетди.

— Аммо-лекин ҳаво илияпти, — дея Носиржон каравотдан тушди. Яхлиг ойнали дераза қошига борди. Дераза баланд. Оёғи учида кўтарилиб пастга қаради. — Ия, гулзор бор экан, ака! Ана, у ер-бу еридан қор кетипти! Қаранг-а, кўрмаган эканман!.. Ака дейман, шу ўзимизнинг пушти гул бор-ку, ўша сўлий бошлаганда тагини ковлаб шамоллатиш керак экан. Мана шу бармоқдай-бармоқдай қурт тушар экан-да, томирини ер экан... Кўрганман...

Носиржон менинг ёнимга ҳали етиб келмаган эди, эшик ишонч билан тортилиб, очилди. Бир жонон кирди. Эғнида бельгия пальтоси. Еқасида оппоқ мўйна. Оёғида пошнаси баланд қизил этик. Қўлида тасмаси узун сумка. Мен Хуббижамолни фақат оқ халатда ва шиппакда кўрар эдим. Бу паризоднинг, зиёли кўринишли қизнинг ўша Хуббижамол эканига дафъатан ишонмадим. Лекин бу кулча юзли, ёноқлари хиёл чиқиқ, кўзлари хиёл қисқ, оппоққина, чеҳрасида шўхлик ва ҳаётбахш бир нур ёғилиб турган қиз Хуббижамол эди.

— Вей, нима бўлди сизларга? Ё, бу хонага касал кирмасин, деб кетишдими йигитлар? Ҳувиллаб қоптику! — Хуббижамол тез-тез гапирар, бироқ ичдан ҳаяжонланаётгани сезилиб турар эди.

— Ҳа, йигитлар номардлик қилиб бизни ташлаб кетишди, — дедим.

— Йўқ! Сизлар номардлик қилиб ётибсизлар! — деди у. Сўнг Носиржонга боқди. — Эшоним, сизни аллақачон тузалиб кетди, дейишган эди.

— Мен тузалдим... Мен... аллақачон тузалиб кетдим! — деди Носиржон ҳаприқиб.

— Бўлмасам...

— Сиз блан...

— Хайрлашай деб ётибсиз? — у қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Ҳурматли ёзувчи, мана, эшонимдан ўрناق олинглар! Садоқатни қаранг! Раҳмат сизга, Носиржон... — Сўнг овозидаги ҳаяжон босилмагани ҳолда, қандайдир

ҳисоб бераётгандек давом этди: — Имтиҳонлар оғир... Сўнги имтиҳонлар... Қийин бўлди! — У яна кулди. — Лекин телефонда сўраб турдим... Ҳаммангизни...

— Вой-вой! — Хуббижамол унинг елкасини силамоқчидек икки қадам босди-ю, иккиланиб тўхтади. — Албатта сўрайман-да! — деди. — Бусиз бўладими? Аммо-лекин хурсандман. Ҳаммаларинг отдай бўлиб кетибсизлар... Ёзувчи ака, сиз ҳам эртага чиқаркансиз!

— Шундай гап бор.

— Кеннойимга телефон қилиб қўяйми?

— Узим...

Хуббижамол тараддуланиб, соатига қаради. Унга бу чиройли уст-бошигина эмас, шу ҳолатда соатига қараш ҳам ярашарди.

— Бўлмаса, эшоним, қўлни беринг, — деб у Носиржоннинг қошига дадил келди. Носиржон каловланиб, қўлини узатди, сўнг дарҳол тортиб, кафтига қаради, яна узатди. Хуббижамол ўзининг бармоқлари узун, оппоқ қўлига Носиржоннинг бармоқлари калта-калта, биққигина қўлини олиб силкитди. — Омон бўлинг, Носиржон... Бир-биримиздан сира хафа бўлмаслигимиз керак. Бир-биримизни тушунишимиз керак. Биз табиб эдик, сиз бемор эдингиз. Тўғрими? Сизнинг вазифангиз бўлак эди, бизнинг вазифамиз бўлак. Тўғрими?

— Ҳа. Албатта! Сиздан миннатдоримиз, — деди Носиржон. Сўнг хаёлидан чалғиди. — Ўртоқлар ҳам кета туриб, сизга раҳмат айтишни тайинлашди. А, домла! Менга айтишди...

— Саломат бўлишсин! — Хуббижамол шундай деб қўлини тортди. Мен томон икки қадам босиб: — Ётиб ўқиш — зиён, — деди. — Сиз ҳали кўп ўқишингиз керак-ку, кўз жонивор керак бўлади... — Табассум қилди. — Хайр.

Мен ўрнимдан турдиму қўл узатмадим, унинг ҳам қўл беришига ҳаракат кўрсатмадим.

— Раҳмат, — дедим.

Хуббижамол шошиб сумкасидан чарм қўлқоп олди. Биттасини кия-кия эшикка йўналди. Ётганда бурилиб, Носиржонга тикилди.

— Носиржон, ортиқча ҳазил-ҳузул қилган бўлсам, кўнгилга олмайсиз, — деди. — Майлими?

Носиржон ҳовлиқиб:

— Э, нега?! — деди. — Раҳмат, опа!

Хуббижамол тез бурилиб чиқди. Эшикни зичлаб

ёпди. Носиржон эшикка тикилганча бир он турди. Кейин «нега ундай?» деган каби менга ҳайрат билан боқди. Сўнг ошиғич эшикка борди. Ланг очиб, қаради-да, дарров бошини тортди. Қобил докторни кўрди, шекилли. Бирпас тургач, яна очиб қаради. Яна ёпди. Сўнг шошиб дераза қошига келди. Мен энди бу ерда чекиш мумкин деб ўйладимми, сигарет чиқардим. Тутатиб, Носиржон қатори деразадан қарадим. Биз учинчи қаватда эдик. Пастга қараяпмиз. Паст — оппоқ. Гулзордаги қорга кўмилган баъзи гулларнинг юзи очиқ — қори ё эриган, ё шамол учирган. Йироқда баланд дарвоза — касалхона дарвозаси. Ундан берироқда «Тез ёрдам» машинаси турибди. Орқасидан тутун чиқяпти. Носиржон дераза рафига қўлини тираб, ўша томонларга ҳам бир-икки қаради-да, яна чопиб эшик оғзига борди.

— Носиржон, нима гап? — дедим.

— Э, қизиқмисиз! — деди у ва илгичдан патли халатини олмоқчи бўлди-ю, чиқара олмади. Оқ кўйлак, оқ лозимда йўлакка чиқди. Мен бориб, ортидан қарадим. Бсшяланг, «Приёмный покой» томон кетиб боради. Уша ердаги оқ парда билан тўсилган жойда кимгадир дуч келди. Гаплашди. Сўнг бурила солиб, зинадан пастлаб кетди.

Изимга қайтдим. Дераза олдига келдим. Хона чиндан ҳам ҳувиллаб қолган, наздимда, ўзим ёлғиз бўлиб қоладигандек эдим.

Деразадан пастга қараб турардим. Қора тальтоли.. Хуббижамолни кўрдим. У машина томон бораётган, машина олдида эса новча, тимқора қундуз телпак кийган йигит турар эди. Хуббижамол унга етай деганда сал тойган эди, йигит чаққонлик билан уни билагидан тутиб қолди. Шунда Хуббижамолнинг ортидан худди касалхонадан қочган жиннидек оқ кўйлак, оқ лозимда оппоқ қор кечиб бораётган Носиржонга кўзим тушди. Деразага интилдим. Носиржон калтабақай қўлини қимирлатиб нимадир дер эди. Хуббижамол тўхтади. Носиржон қизга етиб олди. Қизнинг олдида у ёш боладек эди. Шунда бу ёқдан уларга қараб лапанглаб бораётган Полинани кўрдим. Носиржон Хуббижамолга алланималар деди. Хуббижамол кулди, чоғи. Кейин, у Носиржоннинг кифтига қўл қўйиб, бу ёққа қаратди. Полина етиб бориб, Носиржоннинг билагидан ушлаб тортди. Қундуз телпакли йигит Хуббижамолнинг тирсагидан олиб машина томон жилди. Носиржон Полинанинг қўлидан чиқиб чет-

ланди. Улар орқасидан қаради. Полина тағин уни судради. Телпакли йигит машина кабинасини очди. Хуббижамол Носиржонга қараб қўл силкитди-да, ичкарига кирди. Ортидан йигит ҳам кирди. Тутун таратиб турган машина жилди. Дарвоза қия очиқ эди, катта очилди. Машина чиқиб кетди.

Полина ҳамон Носиржоннинг қўлидан тортар, у тисланиб чиранар эди. Ниҳоят, унга бўйсунгандек юрди-да, гулзор ёқасида қаққайган бир туп дарахтдан анча ўтганда тўхтаб қолди. Яна Полинанинг қўлидан чиқиб, дарахт тагига борди. Қори супурилмаган скамейкага ўтирди. Дарахт шохларига қаради.

Бу манзара менинг ёдимдан чиқмас бўлиб қолди.

Носиржонни олиб келишгач, уни ўраб ётқизишди. У ҳеч кимга қаршилиқ кўрсатмади. Қобил докторнинг дўқ-пўписаларига ҳам миқ этмади. Улар чиқиб кетишгач, ёнига бордим. У буғриқиб кетган, нақ ёнар эди. Менга сениқ илжайиб:

— Кетдилар, — деди. — Мени, эшоним, дедилар. Ҳамиша эшоним бўлиб қоласиз, дедилар. Лекин бир йигит билан кетдилар...

— Ҳаёт шунақа, дўстим, — дедим мен.

— Ҳаёт... — дея ўйга чўмди у. — Қизиқ... Аммо-лекин муҳаббат ҳам қизиқ экан!

— Сиз уни чиндан ҳам...

— Э, ғалатимисиз, домла! Сиз ўзингиз кеннойимни севганмисиз?..

У жиддий гапирар, бироқ ранги қизариб бормоқда, пешанасига, чаккасига парча-парча жигарранг доғ тушган эди. Баданим увишиб, йўлакка чиқдим.

Носиржоннинг дарҳол иссиғи чиқди. Алаҳсирай бошлади... Бир амаллаб тунни ўтказдим. Ҳамхоналарнинг бу содда йигитчага қилган муомалаларини эслаб, жуда-жуда ўқиндим. Ўзимни ҳам сўқдим. Бироқ, тағин нимадир менга тасалли берар, нималигини билмас эдим.

Эрталаб турсам, Носиржон олти ойлик касалдек. Кўзлари сап-сарик, бир ҳолатда. Лекин у менга жилмайди.

— Ака, муҳаббат қизиқ... Муҳаббатни билмабсиз, бу дунёга келмабсиз... Ҳа! — У қандайдир ички фахр билан қимирлаб қўйди. — Мен буни... гаражга борсам, айтиб бераман. Директоргаям айтаман!.. — У сениқ жилмайди. — Отам йўқ... Алдаган эдим сизларни. Бўлади-ку! У

кишиям қазо қилганлар. Лекин ҳовли-жойимиз бор! — дея ҳаяжонланиб давом этди. — Гулзоримиз бор! — Сўнг бир зум кўзларини юмиб қолди-да, яна чарақлатиб очди. — Пастдаги дарахт бодом экан! Гуллапти! — Урнидан турмоқчи бўлди. — Ана, қаранг! Ана... Гуллапти... — Сўнг бўшашди. — Лекин совуқ уради.

— Ҳа, бевақт гуллаган дарахтни совуқ уради, — дедим. Дедиму бу гапимдан рамзий бир маъно чиқмаслиги учун, демакки, Носиржонни чалғитиш учун дераза ёнига бориб қарадим. Бодом гуллари менга кўринмади.

Тушга яқин менга ҳам жавоб берилди. Уйга телефон қилиб, хонага қайтдим. Полина кийим-бошимни чиқариб берди. Кийиниб, хотинимнинг келишини кута бошладим.

Носиржон ухлаб ётар, бироқ ҳамон аҳён-аҳёнда бақирар, алаҳлар эди.

Полина оҳиста кириб, Носиржонга қаради. Бошини сарак-сарак қилди. Лабини қимтиб келиб:

— Тушаверинг энди, — деди.

— Раҳмат, Қобилжон шу ердами?

— Институтга кетдилар. Шошилинич чақиришди. У кишини биласиз-ку, зиғирча одамгарчилиги йўқ.

— Ундай эмас. Сизни... яхши кўради.

— Э-э!

Мен Носиржоннинг тепасига бордим. У терга ботиб ётарди. Узи одатда шундай бўлади: баъзан ухлаб ётганинда устингга биров келса, дарҳол сезасан. Носиржон ҳам сездими, бир қимирлаб кўзини очди. Менга ёвузларча тикилди. Кейин шоша-пиша тагига қўл суқди. Ёжимланган шеърни олди. Вараққа бир қаради-да:

— Унутибман. Бермоқчийдим, қаранг. Манг, — деб менга узатди.

— Қолаверсин. Сизга, — дедим.

У ғамгин жилмайиб, қоғозни ўзига қаратди. Шунда мен бир мўъжизани кўрдим... Унинг кўзлари қинидан чиққудек бўлиб кетди. Кўкраги кўтарилиб тушади. Лаблари пичирлайди. Бирдан менга боқди. Худди мен — мен эмас, ўзи ҳам — ўзи эмасдек боқди. Яна қоғозга тикилди. Лаблари пичирлайди. Тагин менга тикилди-да:

— Ака, — деди беҳоллик билан. — Мен ўқияпман-ку... Уқияпман. Мана, қаранг... «Севги, сенинг ширин тилингдан...» Уқияпман! — У бўғиқ, ёввойи овозда чинқи-

риб юборди-да, юзини ёстиққа босиб ҳўнгради. Сўнг ўрнидан турмоқчи бўлди, мадори етмади.

Мен ҳайрон эдим: ҳа, у ҳарфни танитай қолган экан... Ажаб! Наҳот бу кутилмаган тўлғоқ унинг онгида ўзгариш ясади! Эшитганман: қўрқув ё ҳаяжон асноси тилдан қолганларнинг, тағин қаттиқ қўрқув таъсирида тилга кирганларини... Аммо бу ҳолни... Энди мен Носиржонни танимагандек унга тикилдим.

— Ундай бўлса, жуда яхши.

У шарт бурилди.

— Яхши-да, яхши-да!.. Мен ҳам одам... Яримтаман, деб юрардим. Муни қаранг, ака... Мана, мана... «Тилинган... ким ўпма...» Уқияпман, Полина опа!

Полина йиғлар эди.

— Мен жуда хурсандман, — деди ва «тўғри гапирдимми?» дегандек менга қараб қўйди: у Носиржоннинг ўтмишини билмасди. Мен «тўғри» дегандай бош иргадим.

Кейин сездимки... жуда хурсандман. Хурсанд эканман! Сездимки, ўша йигитларнинг шўхлиги, ўзлари билиб-билмай эрмак қилганлари... ўшалардан ҳам хурсандман. Боринги, «Олижаноб бўламан», деб буни йўлдан қайтаришга уринмаганим учун ўзимдан ҳам хурсандман... Тўғри айтадилар: ҳаётнинг ҳар бир кўриниши ўз натижасини беради. Уни сунъий равишда бузмаслик керак.

Дераза пастида такси сигнал берди.

— Носиржон, энди мен ҳам кетаман, — дедим.

— Раҳмат... — Носир қўлларига тиралиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Полина уни босиб ётқизди. — Ҳа-ҳа, ётишим керак, — дея бошини ёстиққа қўйди. Сўнг қўлини узатди. Қисдим. Бармоқлари лов-лов ёнарди. — Ака, — қаранг, ўқидим... У! — У беҳол кулди. — Ўша... ҳалигининг кучи-да буям?

— Рост айтасиз, — дедим. Нимага ишора қилгани, чамаси, Полинага ҳам тушунарли эди. — Энди тезроқ тузалиш пайида бўлинг.

— Э, мен тузаламан! — деди у. — Албатта... — Кейин менга яна синиқ тикилди. — Кетдилар-а?

— Кетдилар.

— Ҳа-ҳа... ўзим ҳам... Ҳа, майли! Лекин, — деб жилмайди у, — мен унутмайман... У кишиям айтдилар. «Эшоним, сизни унутмайман», дедилар...

— Мен ҳам сизни унутмайман.



— Кеннойимни сўранг...

Шундан кейин мен Носиржонни кўрмадим. Қайсидир куни автобус бекатида кўзлари ёшли болакай билан чўнқайиб туриб гаплашаётган йигитчага кўзим тушди. Машинада эдим. У Носиржонмиди, бошқамиди — билолмай қолдим.

1984

## МУНДАРИЖА

Ун саккизга кирмаган ким бор (Қисса). . . . . 3

### Ҳикоялар

Булут тўсган ой. . . . . 77

Шудринг тушган бедазор . . . . . 145

Бодом қишда гуллади . . . . . 171

*Адабий-бадиий нашр*

**Шукур Холмирзаев**

**УН САҚКИЗГА ҚИРМАГАН ҚИМ БОР**

Қисса ва ҳикоялар

*Муҳаррир Е. Раҳимова*

*Муссабир Т. Корובהа*

*Расмлар муҳаррири Ю. Габзалилов*

*Техн. муҳаррир У. Қим*

*Мусаҳҳиҳ Ш. Собирова*

Босмахонага берилди. 17.08.98. Босишга рухсат этилди 27.02.99 да. Бичими  $84 \times 108^{1/32}$ . Юқори босма. Шартли босма табағи 10,92. Нашр табағи 11,28. Жами 5000-нуска. 4059-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 68—98 рақамли шартнома.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

Ўз 2  
X—72

**Холмирзаев Ш.**

Ун саккизга кирмаган ким бор: (Қисса ва ҳикоялар). — Т.: «Ёзувчи», 1999.— 208 б.

Ўз 2

